

БОЗОРГИР КИТОБЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ

Ж О Н Б И В Е Р

# ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

ХУДО БИЛАН ЯҚИН ҲАЁТ



Азиз дўстим,

Муқаддас Китоб шарафли ваъдаларга тўла бўлиб, уларнинг бари ҳақиқатdir ва сизнинг ҳаётингизни ўзгартириш имкониятига эга, шундай бўлса-да, чинакам ҳайратомуз ваъдаларнинг бири шуки, Худо сизни яқиндан билишини истайди!

Ёқубнинг мактубида биз замонларнинг энг улуғвор бўлган таклифини топамиз: "Худога яқинлашинглар ва У сизга яқинлашади" (4:8). Бир зумга тўхтанг ва бу ҳақда фикр юритинг: коинотнинг, ернинг ва бутун ер аҳлининг Яратувчиси сизнинг ҳузурингизни сўрайапти. У нафақат сизнинг ҳузурингизни, балки Унга яқин бўлишингизни ҳам истайди, чунки У иштиёқ ила биз билан муносабатларга эга бўлишни истайдиган Худо, деб ёзилган.

Коинот Яратувчисининг ақл бовар қилмас ундови, сизни Унга нафақат узоқдан бўлган сўзлар ва маросимларни ижро этиш билан сажда қилишга, балки сиз Унинг юрагини, У эса сизнинг юрагингизни таниб-билишига олиб келадиган, онгли ва яқин бўлган ўзаро муносабатларга чорлайди.

Дўстлар, мен сизни манашу таклифни қабул қилишга, гўзал ва мароқли саёҳатга, Отага яқинлашишга ва Худонинг юрагига шўнғишга чорлайман.

Сизнинг Масиҳдаги биродарингиз,



MessengerX

Жон  
JohnBevere@ymail.com



Messenger  
INTERNATIONAL

БОЗОРГИР КИТОБЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ

Ж О Н Б И В Е Р

# ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

ХУДО БИЛАН ЯҚИН ҲАЁТ

**Drawing Near** by John P. Bevere, Uzbek

Copyright © 2023 Messenger International

MessengerInternational.org

Originally published in English as Drawing Near

Additional resources in Uzbek are available for free download and video streaming at **MessengerX.com** and on the **MessengerX** App

To contact the author: JohnBevere@ymail.com

This book is a gift from Messenger International and is NOT FOR SALE

**«Худога яқинлашиш»** Жон Бивер, ўзбек тилида

Copyright © 2023 Messenger International

MessengerInternational.org

Дастлаб «Drawing Near» номи остида инглиз тилида нашр қилинган.

Жон ва Лиза Биверларнинг ўзбек тилидаги қўшимча манбаларини ва хабарлар оқимини **MessengerX.com** ва **MessengerX** иловасидан бепул юклаб олишингиз мумкин

Муаллиф билан алоқа қилиш учун электрон манзил:

JohnBevere@ymail.com

Бу китоб - «Messenger International» хизматининг совғаси ва СОТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.



App Store АҚШда ва бошқа мамлакатларда рўйхатга олинган Apple Inc.нинг товар белгисидир.

Google Play ва Google Play логотипи Google LLC нинг товар белгиси ҳисобланади.

# МУНДАРИЖА



<i>Кириш</i> .....	V
<i>1-Боб. Энг мұхым таклиф</i> .....	1
<i>2-Боб. Худонинг жұшқын истаги</i> .....	15
<i>3-Боб. Ўз чанқоқлигингизни сақлаб қолинг</i> .....	35
<i>4-Боб. Унинг ҳұзурини астойдил исташ</i> .....	57
<i>5-Боб. Парда ортида</i> .....	77
<i>6-Боб. Худонинг дүстлари</i> .....	99
<i>7-Боб. Чинакам яқинликка нима халақит беради?</i> .....	127
<i>8-Боб. Ҳақиқий сажда</i> .....	159
<i>9-Боб. Ҳудо кимда жо бўлади</i> .....	177
<i>10-Боб. Муқаддас Рӯҳ билан яқинлик</i> .....	195
<i>11-Боб. Отадан ваъда қилинган</i> .....	225
<i>12-Боб. Яқинлик тили</i> .....	257
<i>13-Боб. Имондаги мустаҳкам аминлик</i> .....	289
<i>14-Боб. Янада кўпроқ яқинлашиб</i> .....	317
Илова А.....	331
Илова Б.....	337



# КИРИШ



**Б**ир күни Худо юрагимга аниқ хитоб қилди: “Үғлим, сен ёзишни бошлашингни истайман”. Бу 1991-йил содир бўлди.

Шу кундан кейин аралаш ҳислар билан олишдим. Бир томондан, мени ушбу таклиф қаршисидаги қўрқув енгар ва муваффақиятсизликка учраш муқаррарлиги ҳақидаги фикрлар доимий равишда онгимга келаверар эди. Бошқа томондан, мен қаҳ-қаҳ уриб, кулишга тайёр эдим. Зеро мен ёзишдан нафратланардим! Мактаб даврларида иншо ёзишга тўғри келганида, ўзимдан битта сатрни ҳам сиқиб чиқара олмай, хаёлим паришон бўлиб, бўм-бўш варақقا тикилиб ўтирадим. Мендаги адабиётга оид, ҳар қандай ишга нисбатан фавқулотда тоқатсизлигим, охир-оқибат олийгоҳдаги муҳандислик бўлимига ўқишига киришимга мажбур қилди.

## КИРИШ

Энди, эса Худо менга ёзишни буюряпти. Бу шунчаки имконсиз-ку! Чамамда, мен ниманидир нотүғри тушундим, деб үйладим. Шу боис, кутиб туриш ҳолатини эгалладим, бироқ үн ой давомида ҳеч нарса қилмаганимдан сүнг, Худо турли штатлардан иккита аёлни юборди ва улар икки ҳафта давомида бир хил нарсаны такрорладилар. Улар ўта олийжаноблик билан, аммо қатыйй равишда огоҳлантиридилар: “Жон, борди-ю, сен Раббий буюрган китобларни ёзишга тушмасанг, У буни бошқага топширади, лекин сен бу учун жавоб беришингга түғри келади”.

Иккинчи аёл ҳам менга буни таъкидлаганида, Худонинг қўрқуви мени қўршаб олди, бу эса менинг шахсий қўрқувимдан ва адабиётга оид меҳнатга бўлган адоватимдан аҳамиятли тарзда ошиб тушарди. Шу аснода, мен ёзишни бошладим. Бироқ мен итоат этишни танлаганимда нима содир бўлгани ёдимда. Мен компьютерда матнни теришни бошлаган сарим, онгимга, олдинлари ҳеч қачон ўйламаган ва эшитмаган тарзда, ғоянинг расмийлаштирилган шакли келишни ва онгим буни қабул қилишни бошлади. Тез орада бу мактублар менини эмаслигини, булатнинг ҳаммаси Ундан келганини тушуниб етдим. Шундан бери кўп йиллар ўтди ва У менга берган мактублар, китоб шаклида 130 дан зиёд тилларга таржима қилинган ва ўнлаб миллиондан ортиқ дона босиб чиқарилди.

Илк китобимни ёзисб бўлгач, ҳеч қачон ўз истагим бўйича китоб ёзмасликни, Худога шахсан ваъда бердим. Мен фақат У буни буюрсагина қиласман. Менинг ваъдам синовдан ўтди: 1992-йилдан то 1999-йилгacha, ҳар йили Худо китоб шаклида ифодалашим учун мактублар бериб келди, бироқ “Унинг паноҳи остида” китоби чиққандан сүнг, уч йил ўтди ва Раббий менга янги китоб учун бир оғиз сўз бермади. Муҳаррирлар кўп марта менга ҳамкорлик ҳақидаги таклифлар билан мурожаат этишар ва кейинги китобимни қачон ёзишим билан қизиқишаради, аммо мен ҳеч нарсага қўл урмадим. Негаки ўша пайтда мен Худодан мактубга эга эмас эдим.

## КИРИШ

Ниҳоят, уч йил ўтиб, Худо китоб ёзишим учун яна сўз берди – сиз ҳозир бу китобни қўлингизда тутиб турибсиз. Мен қайта китоб ёзишимдан аввал, Муқаддас Рух менда қандайдир нарсаларни амалга ошириши учун бу вақт керак бўлди деб ўйлайман. Мен қарийб йигирма беш йил мобайнида имонли бўлсан-да, Худога яқинлашишнинг бу қадар кучли истагини, ҳеч қачон ҳис этмаганман. Худо билан муносабатларда, охирги бир ярим йил ичида, аввалги хизмат қилган йилларимдан кўра, чуқурроқ яқинликка эришдим. Бутун ҳаётим мобайнида, охирги бир ярим йилдек кўп йиғламаганман. Бу ҳислар мени ҳамма жойда тўлдириб турарди – меҳмонхона рақамимда, самолётда, шахсий ишхонамда, машинада, уйда ва табиат қўйнида диққатимни бир жойга жамлаб, ибодатда вақт ўтказган дамларимда. Унинг ҳузурининг воқелиги, бунгача ҳеч қачон бу қадар сезиларли ва ҳатто, жисмонан ҳис қиласидиган даражада бўлмаган эди.

Бу китоб менинг кўп йиллар давомида Муқаддас Рух томонидан олган таълимнинг натижасини кўзда тутишига ва қолаверса, Худонинг фарзандлари У билан яқинлик жойига келиши учун, Унинг юрагидан чиқаётган таклифни ўзида ифодалайди деб ишонаман. Лекин сиз буни ўқишини бошлишингиздан аввал, сиз билан ибодат қилишни истайман. Қўйидаги сўзларни тўғридан-тўғри юрагингиздан айтинг ва мен ўз офисимда бу ибодатда баланд овоз билан сизлар учун Раббийдан сўраганимни назарда тутинг. Исонинг қўйидаги ваъдасига кўра сўраймиз: “ Яна сизларга айтаман, агар ер юзида сизлардан икки киши ўзаро келишиб нимаики сўрашса, Менинг осмондаги Отам томонидан уларга берилади” (Матто 18:19).

Келинг, биргаликда буни амалга оширамиз:

*Ота, Исо Масиҳ номи билан, бу китобни ўқиш жараёнида, менинг кўзларимни очишингни сўрайман, токи мен кўра олай, қулоқларимни очгин, токи мен эшишта олай ва менга*

## КИРИШ

қабул қилишга қобилиятли бўлган юрак бергин. Мен Сен билан яқинликни ва доимий равишда Сенинг ёнингда юришини истайман. Мен Сенинг фикрларинг, сирларинг ва истакларингдан воқиф бўлишни ва шунингдек, Сенинг ҳузурингдаяшаши хоҳлайман. Бумактуб менга нафақат тушунча, қолаверса, Сенинг қадрли Ўғлинг ва менинг Рabbim Исо Macиҳ орқали ҳаётимни ўзгартириш кучини берсин. Зоро У бу заминда юрганида, Сен билан яқин бўлгани сабабли, Сенинг шарафингни мукаммал тарзда намоён қилди. Мен ҳам Муқаддас Рӯҳнинг шахсияти орқали Исонинг шарафини ўз атрофимдагиларга кўрсатишни истайман. Бу хоҳшини Сенинг қўлларингга топшираман ва бу китобнинг муаллифини руҳлантирган сўзларни дикқат билан тинглаб, улар устида фикр юритганимда, Сен менда ўзгартирадиган фаолиятингни амалга оширишинг учун олдиндан миннатдорчилик билдираман. Менинг ҳаётим бундан буён олдингидек бўймаслиги учун раҳмат айтаман. Сенинг қулинг, Жон Бивер билан розиликда сўраган ушбу ибодатни амалга оширингни сўрайман. Омин.

Энди буларнинг амалга ошишига ишонинг ва самимий ибодатингизда ифодалаганларингизни Худо бажо келтириши учун миннатдорчилик билдиринг. Муқаддас Рӯҳ ҳозирнинг ўзида сизни Худо билан улуғвор яқинликада кўраётганидан хурсандман, зоро У сизнинг ибодатингизни ягона Худонинг муқаддас таҳтига кўтарди. Фақатгина У сизнинг истак ва интилишларингизни қондира олади. Ота Худо, Исо Macиҳ ва Муқаддас Рӯҳ – сиз учун олдингидан-да реалроққа айлансин деб қоламан!

Самимият билан,  
Жон Бивер.

# ЭНГ МУҲИМ ТАКЛИФ



“Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади”.

ЁҚУБ 4:8

**Ч**орловни, аникроғи, Худонинг юрагидан чиқаётган ҳайқириқни эшитинг, бу кундан-кунга ошиб бораётган кучдек янграмоқда: “Сизлар қандай қилиб, Менинг ҳузуримдан ташқарида яшаш билан қониқмоқдасизлар? Мен билан яқинликдан тўйиш мумкин бўлган бир пайтда, нега сизлар Мендан узоқда турибсизлар?”

Ҳар биттамизда, биз ҳайратланадиган ва улар билан яқин муносабатларни давом эттиришни истайдиган дўстларимиз ёки бошқа одамлар бор. Улар бизнинг юрагимизда маҳсус жой эгаллайди, биз учун юқори даражадаги завқ-шавққа айланади, айниқса улар билан уларнинг ташаббусига кўра

## Худога яқынлашиш

учрашганимизда. Улар билан бирга вақт үтказиш таклифини қўлга киритганимизда, қандайдир қувончли ва ҳаяжонли завқланишни ҳис этамиз. Биз бу куни бажонидил бошқа ишларимизни бир четга суринб қўямиз ва ёқимли таклифни қабул қиласиз.

Ҳаворий Ёқубнинг Мактубида, инсониятга қарата, ақл-бовар қилмас таклиф янграганини кўрамиз: “Худога яқынлашинглар ва У сизларга яқынлашади” (Ёқуб 4:8). Бир лаҳзага тўхтанг ва манашу фикр устида мулоҳаза юритиб кўринг: “Борлиқни, Ерни ва ундаги барча мавжудотни яратган Қудратли, сизнинг ҳузурингизни истайди. Нафақат ҳузурингизни, У сиз билан яқинликни истайди, зоро бизга шундай дейилмоқда: “Зоро сен Раббийдан бошқа худоларга сажда қилмагин, чунки Унинг исми – рашкчи, У рашкчи Худодир” (Чиқиш 34:14).

Унда мана шундай ўчмас истак бор. Бу таклифнинг ташаббускори Худодир, зоро У фарзандлари Уни яқиндан билишини хоҳлайди. Инсоният гуноҳга йиқилганидан кейин минг йил үтди ва Худога бундай яқин бўлиш йўлини очиш учун, осон бўлмаган тайёргарлик ва юкори тўлов зарур бўлди. Исонинг яқин дўстларидан бири, Юҳанно шундай деб ёзган:

“Ҳеч қачон, ҳеч ким Худони кўрган эмас. Отасининг бағрида бўлган [яъни, яқин ҳузурида бўлган] Ягона Ўғил – У Худони намоён қилди [Исо бизга Худони очди ва Уни бизга кўринарли бўлиши учун кўрсатди; Уни бизга изоҳлади ва бизни Унга таниб бўладиган қилди]” (Юҳанно 1:18).

Одам Ато Худони юзма-юз кўрган, бироқ у томонидан содир этилган гуноҳ ёки итоатсизлик туфайли Худонинг шарафли ҳузуридан ажралган эди ва унга юкланган жазо бутун инсониятга тарқалди. Одамлар энди Худони Одам Ато кўрган ва билганидек, кўра олмайди ёки била олмайди. Аммо Ота бу борада чуқур азоб

## ЭНГ МУҲИМ ТАКЛИФ

тортган ва биз билан муроқотни қайта тиклаш ва бизни бундай даҳшатли бўлинишдан халос қилиш истаги билан ёниб келган. Бу масалани ечиш учун, У азалдан Отанинг қошида бўлган ва танада келган Худо, Исони юборди. Исо бизни зулматдан озод қиласиган нархни тўлади ва Худо билан ярашиш имконини берди, бўнинг учун биз Уни Раббий деб тан олсак кифоя.

Лекин Худо билан инсоннинг бир бўлиб қўшилиши ҳақида илгари ҳеч ким воизлик қилмаган ва одамлар буни тўлиқлигича ҳис этмаганлар. Биз гуноҳдан ва ўлимдан озод бўлишимизга қарата алоҳида урғу берилиб келинган, бироқ нажот топганларнинг барчасига имконли бўлган, Худо билан яқин муроқот ҳақида гапиришни эътибордан четда қолдирганлар. Бу беписандлик бизга қимматга тушуши, ҳатто фожеага олиб келиши мумкин, бинобарин, биз бу аснода, Худони яқиндан таниб-билиш ҳашаматини қўлдан бой берамиз. Бунга ўхшаш фожия Эски Аҳдда Иброҳимнинг авлодлари ҳикоясида келтирилган.

## ИККИТА ТУРДАГИ НИЯТ

Мен Мусо ва унинг қариндошлари бўлмиш Исройл ўғилларининг Худога бўлган муносабати ва ҳатти-ҳаракатларидағи кескинликни кўриб, доим ҳайрон бўлганман. Чиқиш китоби, Иброҳимнинг авлоди аёвсиз қўлликдан, нақадар азоб чеккани ҳақидаги ҳикоядан бошланади. Улар Мисрда қарийб тўрт юз йил яшадилар. Дастлаб улардан шафқатсизларча фойдаландилар. Сўнг улар умидсизлик ва қийноқлар аро Худога, уларни халос этишни сўраб фарёд қилдилар.

Раббий уларнинг ибодатларидан таъсирланди ва уларга Мусо исмли халоскорни юборди. Мусо иброний бўлиб туғилган бўлса-да, қўл эмас эди. У фиръавннинг саройида, фирмъавннинг набираси сифатида тарбияланди. Мисрлик бу шахзода ўз қариндошларининг даҳшатли тақдиридан қайғуга тушди, аммо ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун чўлга қочиб кетишга мажбур

## Худога яқынлашиш

бўлди. Йиллар ўтиб, Худонинг Сўзи ва Унинг кучи билан, Истроил халқини озод қилиш учун яна қайтиб келди.

Истроил халқининг Миср құллигидан озод бўлишини, бизнинг гуноҳ құллигидан озод бўлишимиз билан таққослашади. Бу маънода Миср дунёвий тизимнинг тимсоли бўлганидек, Истроил Жамоатнинг тимсоли ҳисобланади. Биз юқоридан туғилганимизда, дунёвий зулмкор ва хўрлик тизимидан халос бўламиз.

Мисрнинг аҳолиси асоратга солинган Истроил ўғилларига қанчалик даражада зулм кўрсатганини ва Истроил авлоди қандай уқубатларни бошдан кечирганини тасаввур этиш қийин эмас. Уларнинг бели фиръавн томонидан тайинланган назоратчилар таёқларининг чандиқларидан адойи-тамом бўлган эди, улар ташландиқ жойларда яшар ва чиқиндилар билан озиқланишарди. Улар мисрлик хўжайинларнинг фаровонлиги учун меҳнат қилгани туфайли, меросга умиди йўқ эди. Фиръавннинг фармони бўйича уларнинг янги туғилган ўғилларини ўлдиргандарида, улар фарёд чекдилар.

Аммо улар бу азобларнинг барини жуда тез унугиб юбордилар. Құлликдан қутулганидан сўнг ҳар сафар қийинчилик ҳамда муаммоларга дуч келганларида, улар Мисрдан қочганидан афсусланар ва халос бўлиш ҳақидаги ўзларининг ибодатлари устидан мазах қилиб, дердилар: “Мисрга қайтганимиз яхши эмасми?” Улар бу лойихани амалга оширишни бир-бирига таклиф қилиш даражасигача етди: “Ўзимизга бошлиқ тайинлаб, Мисрга қайтамиз!” – дедилар (Сон. 14:4).

Мусо эса улардан бутунлай фарқ қиласи. У Мисрдаги ҳаёти юқори даражада бўлган ягона киши эди. Аслида, ҳеч ким ундан яхшироқ яшамаган. У дунёдаги энг бадавлат кишининг саройида яшаган, у ҳаммадан аъло даражада умр кечирган, энг сара нарсаларни еган, энг ҳашаматли кийимларни кийган ва энг юқори маълумотга эга бўлган. Хизматкорлар унинг

## ЭНГ МУҲИМ ТАКЛИФ

барча эҳтиёжларини ва истакларини қондирғанлар, унинг мероси эса бойлик бўйича ҳам, ваъда бўйича ҳам улкан бўлган. Бироқ у бўларнинг ҳаммасини ўз хоҳиши билан ташлаб кетди, шунингдек, Истроил ўғилларидан фарқли ўлароқ, бирор марта ортига қайрилмади ва ортида қолдирғанларини қайтариб олишни истамади.

Фарқ нимада эди? Гап шундаки, Мусо Худо билан учрашди. У алангани кўрди ва унга яқинроқ борди. У Синайдаги ёниб турган бутада тирик Худо билан учрашди, Истроил ўғиллари эса йўқ! Раббий Мусони чақирганида, у яқинроқ борди. Истроил ўғиллари эса кейинроқ, шунга ўхшаш, ҳатто бундан ҳам ҳайратлироқ таклифни олганларида, ортга чекиндилар ва уни қабул қиласмадилар (Чиқиш 20:18-20 га қаранг).

Мен кўпинча ўзининг жамоатимга қатнайдиганлардан сўрайман: “Истроил ўғиллари Мисрдан чиққач, Мусо уларни қаерга олиб борди?” Одатда менга шундай жавоб берадилар: “Ваъда қилинган ерга”. Бироқ бу тўғри жавоб эмас. У Истроил ўғилларини Хорив ёки Синай тоғига олиб борди. Худонинг Мусо орқали фиръавнга айтган сўзларини эслайсизми: “Менинг ҳалқим сахрода Менга сажда қилиши учун уни қўйиб юборгин” (Чиқиш 7:16). Худо: “Халқимни, ерни мерос қилиб олиш учун қўйиб юбор” – демади. Ҳалқ ваъдаларни Берувчи билан танишмагунича, Мусо уларни ваъда қилинган ерга олиб бора олмасди. Борди-ю, у уларни аввал ваъда қилинга ерга олиб борганда эди, улар ваъда Бергандан, яъни Худонинг Ўзидан кўра, ваъдаларни севиб қолар ва шу билан ҳаммаси тугаган бўларди. Мусо ҳалқ, у Худо билан учрашган жойга етиб келишларини сабрсизлик билан кутган.

Аслида, биз ҳам жамоатларимизда шундай йўл тутамиз. Исонинг Кимлигидан кўра, У биз учун нималар қилгани ҳақида кўпроқ воизлик қиласмиз! Натижада, Худонинг Кимлигига

## Худога яқинлашиш

жавобан эмас, бундан келиб чиқадиган имтиёз ва фойда учун Унга хизмат қиласиган авлодни тарбияладик. Бундай ҳолатни, аёл киши пул учун турмушга чиқадиган вазият билан таққослаш мумкин. Бундай никоҳда, у эрини қандай бўлса, шундайлигича таниб-билишга эмас, балки эри бера оладиган нарсани қўлга киритишга интилади. Ҳа, албатта, у эрини қайсиdir даражада севиши мумкин, аммо унинг ниятларини беғараз деб атаб бўлмайди.

Худо билан муносабатларнинг эвазига, Ундан келадиган баракаларга катта аҳамият бериш, Худонинг ҳузурига Уни таниб-билиш учун эмас, балки Ундан бирор нарса үндириш учун келишга үринадиган шогирдларни ўстиради. Унга ўхшаши йўқ, Уни ҳеч ким билан солишириб бўлмайди, зеро У чиндан ҳам ажойиб. Борди-ю инсон, Мусо билан содир бўлганидек, Худо билан чинакамига учрашса, барча ваъдалар уларга ушбу манзара орқали кўринади. Унинг йўзи, ҳар қандай баракадан афзалроқ.

Худо Исройил ўғилларини қутқаришда, муҳим мақсадни – яъни улар Уни таниб-билиши ва Уни севиб қолишини кўзлаган эди. Худо бу халқнинг орасида кенг танилишни истаган эди. У шундай деди: “Мен мисрликларни нима қилганимни ва гёёки бургут ўз болаларини қанотлари ўстида кўтариб юрганидай Мен сизларни Ўз ҳузуримга олиб келганимни кўрдингизлар” (Чиқиш 19:4). Бироқ Исройилнинг ўғиллари ўз даъватини кўлдан чиқардилар.

Худода ўз халқи билан яқинликка эришиш истаги ҳеч қачон ўчмади ва ўзгармади, зеро бу ҳақда Унинг Сўзида доимий равишида айтилади. Бу ҳатто Павлуснинг иштиёқ билан қилган ибодатида ўз аксини топган:

“Сизлар учун Худога тинимсиз миннатдорчиликлар билдириб, сизларни ибодатларимда эслайман, токи Раббимиз Исо Масиҳнинг Худоси, шуҳратнинг Отаси,

## ЭНГ МУХИМ ТАКЛИФ

*Уни таниб-билишингиз учун сизларга донолигу ваҳий Руҳини берсин [сирлар ва яширин нарсаларни фаҳмлаш қобилиятини берсин]” (Эфес. 1:17, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).*

У бизга йўзининг ўчмас истагини кўрсатди! Худо юқоридан туғилган ҳар битта фарзанд Уни яқиндан ва теран таниб-билишини хоҳлайди! Сиз бу сўзларни эшитганингизда ҳаяжонни ҳис этмайсизми? Борди-ю, йўқ бўлса, бу фикрлар ҳақида бир лаҳза мулоҳаза юритинг ва ушбу ҳайратли мўъжизани фаҳмлаш, онгингизни қамраб олсин ва уни бутунлай забт этсин.

Биз фарзандлари учун юраги оғрийдиган чинакам Ота, тирик Худога хизмат қиласиз. Худо биз билан мулоқотга жон-жаҳди билан чанқоқ. Бу ҳақида Павлус Коринфдаги, худошунослик чириндиларига берилиб кетган имонлиларга айтган: “Биласизларки, мажусий бўлганингизда, сизларни худди етаклаб олиб боришганидай, гунг бутларга борар эдингизлар” (1-Кор 12:2, 3). Павлуснинг ушбу сўзларидан Худонинг табиатидаги битта муҳим ҳислатни кўрамиз, бизнинг Отамизни бошқа сохта худолардан ажратиб турадиган томони – У бизга гапиради!

## ЧЕТГА БУРИШ

Яқинда машинада кетаётганимда, тўсатдан Муқаддас Руҳ юрагимга мурожаат қилди: “Сенга бир нарса айтмоқчиман. Машинани четга ол”.

Мен Худо бирор нарсани буюрганида, Унинг буйруғи ўша пайтда нақадар ғалати ёки арзимаган бўлиб кўринишидан қатъий назар, буни шу заҳоти қилиш лозимлигини биламан. Раббий чўлда Мусонинг диққатини тортганида, у қайнотасининг подасини боқаётган эди (Худо сизнинг диққатингизни турли йўллар билан тортиши мумкин). Худо ўшанда бир бутага ёниб туришни, лекин куймасликни буюрди.

## Худога яқинлашиш

Мусо ўзича шундай деганини ўқиймиз: “Бориб, бу буюк аломатни кўрай-чи, нима учун бута ёниб битмаяпти?” (Чиқиш 3:3). Жорий матнда “кўрай-чи” сўзи иброний тилидаги сиwr сўзидан келиб чиққан. Ёзувнинг илк тиллари соҳасида мутахассис, Жеймс Стронг бу сўз “четга буриш” маъносини билдиришини айтган. Мусо уни чорлаётган Муқаддас Рӯҳга итоат этиш учун, режалаштирган йўлидан, атайнин бошқа томонга бурилди. У Худонинг чорловига жавоб берган заҳоти: “Раббий унинг қараш учун келаётганини кўриб, бутанинг орасидан: – Мусо! Мусо! – деб чақирди”, деб ўқиймиз (Чиқиш 3:4).

Худо Мусо олдиндан белгилаган йўлидан бурилганини кўрганидагина, унинг исмини айтиб чақирди. Мусо Худонинг ундовига эътибор бермагандан эди, Раббий у томонга бошқа қадам қўймаган бўлар эди, деб ишонаман. Иофорнинг подаси молхонада турганида, Худо уни чорламаган бўлар эди, чунки бу қулай фурсат бўлмас эди. Мусо ёниб турган бутани кўриб: “Агарда ишимдан чалғисам, қўйлар ҳар томонга тарқалиб кетади ва уларни қайта йиғиши учун менга бир неча соат ёки бир кун керак бўлади. Ёниб турган бутага, барча ишларимни тугатганимдан сўнг қарайман”, деб ўйлаганда нима кечарди? Нима деб ўйлайсиз, натижа худди шундай бўлармиди?

Худо бундан ҳам лол қолдирадиган ҳолат юзага келтириши мумкинлигини тахмин қилиш мумкин, бироқ бу Унинг табиатига хосми? Шомуил, ҳали жуда ёш бўлганида, олийруҳоний Элий ва унинг ўғилларига хизмат қилиб юрган пайтларини эсланг (1-Шоҳ. З бобга қаранг). Бир куни у ухлашга ётганида, унинг исмини чақираётган овозни эшилди: “Шомуил, Шомуил”.

Шомуил Элийнинг ёнига келиб, деди: “Мана, мен! Сиз мени чақирдингизми”.

Бироқ Элий жавоб берди: “Мен сени чақирганим йўқ, жойинга бор, ётавер”.

Шомуил иккинчи маротаба ўз исмини эшилди ва яна

## ЭНГ МУҲИМ ТАКЛИФ

олийруҳонийнинг олдига югуриб борди, бироқ ундан худди ўша жавобни эшитди. Бу ҳолат уч марта тақрорланди ва ниҳоят, руҳоний гап нимадалигини тушунди ва йигитга, бунга ўхшаш чорловларга қандай жавоб қайтариш кераклигини айтди. Шомуил тўртинчи маротаба ўз исмини эшитганида, нима деб жавоб бериши биларди. У: “Раббий, гапиравер, Сенинг қулинг эшитади” – деди. Шунда Раббий унга гапиришни бошлади ва оқибатда, амалга ошиши керак бўлган иродасининг сирларини унга очди.

Худо бошқача йўл тутиши мумкин эди. Шомуил гап нимадалигини тушунмаётганини кўриб, иккинчи марта чақирганида шундай дейиши мумкин эди: “Шомуил, Элийнинг олдига борма, бу Мен Раббийман, сенинг Худойингман ва Мен сени чорлаяпман, чунки сен билан гаплашмоқчиман”. Аммо, Худо аслида шу тарзда ҳаракат қилганини кўрганмисиз? Худо Унга интилишларини, Уни қабул қилишларини истайди, шунингдек, биз Уни таниб-билишимизни истайди. Худо Уни излайдиган, руҳда ортга чекинмайдиган, серғайрат қатъиятлилик ва сабот билан Унга интиладиган инсонларни излайди.

Хушхабарларда шу каби ҳолатни кузатамиз. Исо беш мингдан ортиқ одамни бешта нон ва иккита балиқ билан тўйдирди. Сўнг шогирдларига кемага ўтириб, кўлнинг бошқа томонига сузиб ўтишни буюрди. Ўзи Отаси билан вақт ўтказиш учун тоқقا кетди. Сўнг ўша кеча шогирдлари улкан қийинчилклар билан ўз қайиқларида шамолга қарши суздилар ва давомида ўқиймиз:

“Тунги тўртинчи қоровуллик навбатида Исо денгиз устида юриб, шогирдларнинг олдига борди-да, уларнинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлди” (Марк 6:48, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Қўйидаги сўзларга эътибор беринг: “Уларни ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлди”. Лекин шогирдлари Уни кўриб, ҳайқиришди ва

## Худога яқинлашиш

У уларга жавоб берди: “Дадил бўлинг; бу Мен, қўрқманглар”. У кемага чиқди ва бўрон тинчиди. Улар қичқирмаганларида эди, У уларни четлаб ўтган бўларди. Исо уларни четлаб ўтиб кетаётган эди, агарда улар ҳайқирмаганларида эди, У мажбуран уларга ёпишмас эди.

Афтидан, Худо биз томонга бир қадам қўяди ва биз бунга муносабат билдирсак, У кейинги қадамни қўяди ва бизга янада яқинроқ келади. Борди-ю, биз пинағимизни бузмасак, У ҳаётимизга бостириб кирмайди ёки биз ўз-ўзимиз билан бўлишимизга халал бермайди. Ким билсин, агарда Мусо ўшандаги йўлини ўзгартирганда эди, Шомуил билан бўлганидек, Худо уни ҳам кутиб ўтираверардими, ёки Исо ва Унинг шогирдлари билан бўлганидек, четлаб ўтиб кетармиди? Худо аксарият ҳолларда, биз Унга чинакамига чанқоқ бўлишни ва Унга чинакамига муносабат билдиришни бошлишимизни кутиб туради.

Мен машинада кетаётган вазиятга қайтамиз. У четга буришимни сўраганида, мен бунга итоат этмаганимда нима бўларди? Мен У билан учрашувни қўлдан бой берган бўлармидим? Аминманки, ҳаётимда шу сингари учрашувларни қўлдан чиқарган пайтларим бўлган, бироқ бу сафар ярим милдан сўнг тўхташ учун маҳсус жойга кўзим тушди. Тўхташим билан, Муқаддас Рӯҳ менга деди: “Мен сенга тўхтовсиз ибодат қил демаганмидим?” (1-Фес. 5:17).

Мен: “Ҳа, Раббий, шундай деб айтгансан”, - дедим.

У давом этиб, деди: “Нима деб ўйлайсан, ибодат – бу монологми ёки диалогми?”

Мен жавоб бердим: “Бу диалог, Раббий, бу икки томонлама мулоқот”.

Унинг жавоби қиличдек тешиб ўтди: “Бинобарин, сенга тўхтовсиз ибодат қил, деган бўлсам, демак Мен сен билан доимий равишда мулоқотда бўлишни истайман”.

## ЭНГ МУХИМ ТАКЛИФ

Бу сўзлардан нақадар ларзага келганимни айтиб ўтириш ўринисиз. Мен қандай ҳайратли имкониятга эга эканимни англаб етдим, қолаверса бу имконият ҳақиқатдан ҳам барчага ва Худонинг ҳар битта фарзандига тегишли.

Сиз мендан шундай деб сўрашингиз мумкин: “Наҳотки сиз, Худо тўхтовсиз равишда гапиради деб айтмоқчи бўлсангиз?” Худо юрагимга бундай дегани йўқ. У мен билан доимий равишида мулоқотда бўлишни исташини айтди. Сўзлар – мулоқотнинг кўплаб турларидан бири ҳисобланади, холос. Мен рафиқамнинг кўзларига қараб, у нимани ўйлаётганини тушунаман, шу билан бирга, у ҳеч қандай сўз айтишининг ҳожати йўқ. У битта нигоҳи билан нима деганини таърифлаб, учта саҳифа ёзишим мумкин. Бу қандай содир бўлади? Мен у билан йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида яшадим, у ўзини қандай тарзда ва қай йўсинда ифодалашини биламан. Сиз биз билан битта хонада бўлишингиз мумкин, бироқ унинг нигоҳи сиз учун ҳеч нарсани англатмайди. Чунки сиз уни мен билгандек, билмайсиз. Алқисса, тўйдан кейинги бир неча йил давомида, мен ҳам унинг сўzsиз тарздаги мактубларини тушунишим осон бўлмаган. Энди, йигирма йил биргаликда яшагач, у қай услублар ёрдамида мулоқот қилишини ўрганиб олганман.

## УНГА ЯҚИНЛАШИШ ЧОРЛОВИ

Қўлингиздаги китоб буни қандай амалга оширишни ўрганиш учун қўлланма эмаслигини тушуниш ўта мухим. Ҳойнаҳой, бу китобни, энг мухим мақсадга – Худонинг юрагига бориш йўлини белгилайдиган харита ёки йўлкўрсаткичга қиёслаш мумкин. Борди-ю, менда хазина харитаси бўлиб, унда кимсасиз оролда яширилган бойликлар сандиғи кўрсатилган бўлса-ю, мен яширилган хазиналаргача етиб бориш учун оролга бориб, ўша ерни ўрганмасам, бу бойликлар мен учун

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

бефойда бўлиб қолаверади. Оролга келиб, мен хазинага еришишим учун, тўқайзорларга айланган йўлаклардан ўтишим, тик қояларга кўтарилишим, дараларни кезиб, кўп куч ишлатишим талаб этилади. Мен куч, қувват, пул ва вақт сарфлашим зарур бўлади. Харита хазина қаерда ётганини кўрсатиши мумкин, холос. У мен излашга сарфлайдиган вақтни камайтириши ва ортиқча куч сарфлашдан, эҳтимол, яширин тузоқлардан асраб қолиши мумкин. Бу китоб шундай харитага ўхшайди. Бу сизнинг манзилингизга юборилган таклифнома, яъни мен билан ажойиб ва ҳайратли саёҳатга – Худонинг юраги томон саёҳатга қўшилишга чорлов. Китобнинг саҳифаларидағи Худонинг Сўзи сизни, белгиланган манзилга етиб боришдан чалғитиш мақсадида қўйилган ўралардан, тузоқлардан ва хавф-хатарлардан сақлаб қолади. У сизни кераксиз хавотир ва ортиқча куч сарфлашдан халос қиласди. Хуллас, агарда сиз тайёр бўлсангиз, йўлга отландик!

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Сизни қандай вазият ёки кечинмалар бу китобни ўқишига ундаиди?
2. Қўйида келтирилган мисоллардан, Худога яқинлашиш учун Унинг таклифи ҳақида фикр юритинг:
  - Мусо ёнаётган бутани кўрди ва бу ҳодисани ўрганиш учун бошқа томонга бурилди. Шунда Худо унга мурожаат қиласди.
  - Ёш Шомуил: “Раббий, гапиравер, қулинг Сени эшитади” – деб жавоб бергунича, тўрт марта чорлов эшитди.

Ушбу икки мисолдан қай бири сизнинг Худони таклифи ҳақидаги тасаввурингизга мос келади? Сиз Худонинг чорловига жавоб бердингизми? Агарда, ҳа бўлса, қай

## ЭНГ МУҲИМ ТАКЛИФ

тарзда унга жавоб бердингиз?

3. Ибодат диалогни ёки икки томонлама муроқотни кўзда тутар экан, Худо сизга сўзлар билан ва сўзсиз тарзда, айнан нималар деб гапирган?



# ХУДОНИНГ ЖҮШҚИН ИСТАГИ



Раббий: “Мен сени Үзимдан юқори даражада қадрлайман” – деб айтди.

**М**уқаддас Китобда инсонга ҳаётда зарур бўлган асосий ҳақиқатлар келтирилган. Бу ҳақиқатлар Ибтидодан Ваҳий Китобигача гапирилган. Шундай ҳақиқатлардан бири – Худонинг инсон билан мулоқоти ва инсоннинг Унга яқинлашиши ҳисобланади. Худо чиндан ҳам бизга яқинлашиши истайди, боз устига, У буни биздан кўра кўпроқ хоҳлайди!

Худованд бизни чиндан ҳам рашк қадар севади (Ёқуб 4:5 га қаранг). “Рашк” сўзи интизорлик ёки ошиқиш маъносини билдиради. Бошиданоқ бу истак, Унда ўта кучли бўлган. Одам Ато гуноҳ қилгач, Худо үнга ҳукм қилувчи сўзлар билан эмас, балки: “Одам, қаердасан? Нега Мендан яшириндинг?” – деган

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

чорлов билан мурожаат қилди. Бу чорловда Худонинг юрагидаги ҳайқириқ әшитилади. Келинг, бутун инсоният тарихи бўйлаб, Унинг бизга бўлган интилишини кўриб чиқамиз.

### ОДАМ АТОНИНГ ЭВАРАСИ

Одам Ато эварасининг исми Энох эди. Мен Энох бир куни Одамнинг олдига келиб, жаннатдаги ҳаёт ҳақида сўраган, деб ўйлайман. У тирик Худо билан чинакамига юриш нима эканини билишни истаган. Сиз Энох ўзининг тўртинчи аждоди бўлган Одам билан сұхбатлашганига ҳайрон бўлишингиз мумкин. Мана, бунга жавоб: сиз ҳам тўққиз юз ўттиз йил яшсангиз, ўзингизнинг тўртинчи авлодингиз билан гаплаша оласиз. Энох түғилганида, Одам эндигина олти юз йигирма иккига кирган эди.

Муқаддас Китобда, Энох олтмиш беш ёшида Одамнинг олдига келганида, Одам олти юз саксон етти ёшда бўлгани айтилган. Бу рақамлар Ибтидо Китобидан олинган. Унда Энох уч юз йил давомида Худо билан юргани келтирилган, гарчи у ерда бор-йўғи уч юз олтмиш беш йил яшаган.

“Метушелаҳни дунёга келтирганидан сўнг Энох уч юз йил давомида Худо билан бирга юрди. У ўғиллару қизлар дунёга келтирди. Энохнинг барча кунлари уч юз олтмиш беш йил эди” (Ибтидо 5:22, 23).

Эҳтимол, Энох аждоди Одам Атонинг оғзидан дуо олиб, унинг азобли хотираларини әшитгач, олтмиш беш ёшида ҳаёти бутунлай ўзгариб кетгандир. Энох етарлича жасорат тўплаб, ўзининг машҳур аждодининг олдига келиб, жаннатдаги боғ ҳақида сўраши учун кўп вақт талаб этилган, чунки Одам бу мавзу ҳақида гапиришни истамаган, деб ўйлайман, гарчи бундай дейиш учун менда ёзма тасдиқлар йўқ. Одамнинг барча авлодлари, у буни истамаслигини билганлар ва Энох

## ХУДОНИНГ ЖҮШҚИН ИСТАГИ

кичикилигидан, Одам билан гаплашганда, бу мавзууни очмаслик ҳақида огохлантирилган.

Ибронийларнинг тарихий манбалари, Одам боғдан қувилгач, қандай тушкунликни бошдан кечиргани ҳақида ҳикоя қиласди. Бу ҳисларнинг оғирлиги қарийб чидаб бўлмас даража бўлган. Айрим тарихий манбалар, Одам билан Ҳаво ҳис этган уят сабабли, бир-бирининг юзига қарай олмасдан, қоронғу ғорда ўтиргани айтилади. Одам ўзидағи барча улуғворлик ва ҳашаматни йўқотди. Худонинг қаршисида юриш ваъдаси ҳақида эшитиш бир масала, аммо Унинг шарафида юришни ҳаққоний тарзда ҳис қилишни йўқотиш умуман бошқа масала. Одам таърифлаб бўлмас жудолик ҳиссидан қийналган, лекин Энох қатъиятли бўлган, у Одамнинг азоблари ҳақидаги қадимий ҳикояларни олиб, ўзининг имони ва орзулари билан қориштирган. Туғилган одамлар авлоди, Одам бошдан кечирган йўқотиш ҳақидаги умидсизликни билдирган бўлса ҳам, Энох: “Мен Ҳудо билан бирга юраман”, деган ваъдани маҳкам ушлаган.

Уларнинг учрашувини тасаввур қилишим мумкин. Энох бор вужуди билан титраб турган, бироқ ундаги иштиёқ, ниҳоят қўрқувдан устун келган. Титраб турган мағлубият кўланкаси орқали, у шиддат билан олдинга юрган ва бирор яхшироқ нарсанинг нурига умид қилган. У учун Одамнинг тарихи, шунчаки мағлубият ҳақидаги ҳикоялар эмас эди. Бу Худонинг инсон билан юришни кучли исташи ҳақидаги ваҳий бўлган. Қизик, Одам Энохга жаннат боғида кечган ҳаёт ҳақидаги хотираларида, ўша узоқдаги баракалар тўғрисида сўзлаганида, ундаги аланганинг нурларини фаҳмлай олганмикан?

Одам ўзининг юрак изтироблари ҳақида гапира туриб, йиғлаган: “Энох, мен Худонинг шарафида... У билан бирга юрганман. Борлиқнинг Яратувчиси, сен кўриб турган ҳамма нарсанинг Ижодкори менинг ёнимда юрган! У йўз фикрларининг

## Худога яқинлашиш

теран донолиги билан бўлишган, У борлиқдаги юлдузларни, қай тарзда йўз қўллари билан қўйиб чиққани ва ўрнатганини сўзлаб берган. Ўша қўллари билан мени яратган, сўнг менинг қўлларимдан етаклаб юрган. У ҳар битта юлдузга ном берган ва уларни йил фасллари алмашинувининг аломати ҳамда, йўл кўрсатувчи сифатида ўрнатган. У тортишиш кучи ёрдами, қай тарзда ерни тенглаштирганини, электромагнит тўлқинларини ва комил иқлимини яратганини кўрсатган. Шунингдек, У уруғдаги сир ҳақида бўлишган ва у ўз тоифасига кўра ҳосил келтиришини, баҳорда у қай тарзда, У олдиндан ернинг қаърига жойлаштирган манбалардан сувга қониқиши тўғрисида сўзлаб берган. Энох, У менга бор-йўғи беш миллиард ҳайвонга исм қўйишни ишониб топширган! Биз бу исмлар ҳақида мулоҳаза юритардик, аммо У охирги қарорни доим менга қўйиб берарди!"

Одам сўзлаган сари, Энох орзуларга тўлиб бораверган ва ниҳоят, бу орзулар уни бутунлай қамраб олган. Одам қачонлардир Худо билан юрганидек, у ҳам шундай юриши керак! У буни бутун қалби билан истаган! Энох, ҳатто Одам эга бўлмаган нарсани мерос қилиб олди. Одамнинг танаси ердан олинган эди ва ерга қайтди. Ибтидо Китобида шундай дейилган: "У Худо билан бирга юриб, тўсатдан йўқ бўлиб қолди, чунки Худо уни олиб кетди" (Ибтидо 5:24). У ўлимни кўрмай, ерни тарк этди.

Энох ҳаётлигида буюк пайғамбар бўлган. У ўз даври ҳақида ва бизнинг давримиз ҳақида башорат қилган. У охирги кунларда жамоатда ёлғончилар пайдо бўлиши ва ўзларини иноят билан нажот топганман деб, охирида ҳукм қаршисида туриши тўғрисида гапирган (Яҳудо 1:15 га қаранг). У Худонинг ҳукми ҳақида очиқликка эга бўлган ва Нажоткор, бокира қиздан туғилишидан минг йиллар илгари, Раббийнинг иккинчи маротаба келиши ҳақида эълон қилган.

Аммо, Худо нега уни уч юз олтмиш беш ёшида олиб кетди? Эҳтимол, буюк пайғамбарчилик хизмати учундир? Йўқ. Чунки

## ХУДОНИНГ ЖҮШҚИН ИСТАГИ

у “Худонинг қаршисида юрди” ва Ибронийлар Мактубида ёзилганидек, у “Худога маъқул бўлди” (Ибр. 11:5).

Мени тўғри тушунинг, У Худонинг қаршисида юриши, уни құдратли ва улуғвор хизматга олиб келди, лекин айнан Худони яқиндан билишга бўлган ғайратли истаги туфайли, Унга маъқул бўлди. У Худонинг юрагидаги шижаотли орзусини, яъни инсон билан яқинликка эга бўлиш орзусини топди, зеро Раббий, айнан мана шундай мулоқотни истаган эди.

## ХУДОНИНГ ЮРАГИ АСРЛАР ОША ЧОРЛАМОҚДА

Худонинг юраги, айнан шу нарса ҳақида асрлар оша ҳайқирмоқда. У Худонинг интилишига жавобан, Уни таниб-билишни хоҳлайдиган ҳалқни қўлга киритишни орзу қиласади! Эноҳдан сўнг Нуҳ пайдо бўлди, у ҳам Худонинг юрагидагини топган, Одамнинг яна бир авлоди эди. Ибтидо Китобида “Нуҳ Худонинг қаршисида юрар эди” деб ёзилган (Ибтидо 6:9). Нуҳ ҳам Худонинг мулоқотга эга бўлиш орзусига жавоб берди, шу боис Худога яқинлашди. У Худога яқинлашган сари, Худо ҳам унга яқинлашди ва унга келажакда содир бўладиган воқеалар ҳақида гапирди. Ерга кутимаганда осмондан тушган ҳукм, Худо Нуҳ билан бўлишган биринчи сир эди. Нуҳнинг Худо билан яқин муносабатлари, Худони изловчиларга, яъни ишонишга ҳадди сиғадиган ва Унга қўлидан келганича кўпроқ яқинлашишга интиладиганларга, У жавоб беришига бўлган аминликдан юзага келди.

Буни Иброҳим билан бўлган воқеада ҳам кўрамиз, Худо уни Ўзи билан яқин мулоқотда бўлишга чорлаб, “Менинг қаршимда юр” деди (Ибтидо 17:1). Бу таклиф Исҳоқ ва Ёқубга ҳам қайта янгради. Ёқуб туғилишидан аввал, Худо: “Мен Ёқубни севдим”, деди (Римликларга 9:13). Худо у билан яқинликка интилганидек, бугун биз билан ҳам худди шундай яқин муносабатларни ўрнатишга интилмоқда. У Ёқуб Худони ҳали изламаган чоғда, У Ёқубни излади. Ёқуб акасидан қочиб кетаётганда, Худо уни

## Худога яқынлашиш

қамраб олиш учун уни топди. Ёқуб тош ёстиққа үхлаш учун ётганида, Худо үнинг тушида, зинадан тепага чиқаётган ва пастига тушаётган фаришталарни зоҳир қилди. Шу тариқа Худо ва инсон ўртасида самовий боғланиш маълум бўлди.

Ёқубнинг авлодлари бўлмиш, Истроилнинг ўғиллари тўрт юз йиллик қулликдан сўнг, Худо уларни қулликдан халос қилишининг чинакам мақсадига нисбатан адашдилар. Халқ, Худонинг дикқати, улар ваъда қилинган ерни мерос қилиб олишига қаратилган деб ўйладилар, бироқ гап бутунлай ерда эмас эди. Худо халқи билан яқинликни ердан кўра кўпроқ орзу қиласди ва У Ўз истакларини, бутун халққа мурожаатини шеърий тилда ифодалади:

«Мен мисрликларни нима қилганимни ва гўёки бургут ўз болаларини қанотлари устида кўтариб юрганидай *Мен сизларни Ўз ҳузуримга олиб келганимни кўрдингизлар*» (Чиқиш 19:4, ёзма сўзлар муаллифга тегишли).

Бироқ Унинг истаклари Истроил ўғилларининг юракларига етиб бормади. Уларнинг гап-сўзлари бутунлай бошқа мақсадларни кўрсатиб турибди: “Сен бизларни сут ва асал оқадиган ерга олиб келдингми? Эгалик қилишга дала ва узумзорларни бизларга бердингми? Сен ушбу одамларнинг кўзларини ўйиб олмоқчимисан? Биз бормаймиз!» (Сон. 16:14). Уларнинг кўзлари Кимнинг меросхўрлари бўлишлари мумкинлигини эмас, балки *нимани* мерос қилиб олишлари мумкинлигини кўрап эдилар.

Мусо Иброҳимнинг авлодига доимий равища Худонинг истакларини тушунтирас эди. Улар томонидан ёзма равища бир изоҳ қолдирилган:

“Унинг исми – рашкчи, У рашкчи Худодир” (Чиқиш 34:14).

## ХУДОНИНГ ЖҮШҚИН ИСТАГИ

Худо бүтун Исроилга эълон қилиб, деди: “Мен сени севдим”. Аммо улар ўз юрагидаги нодонлик ва дарғазабликда Унга шундай деб жавоб бердилар: “Сен бизни қандай қилиб севдинг” (Мал. 1:2). Унинг юраги уларга интилганини кўрмай, Унинг қўл чўзишини, Худо уларни ҳукм қилмоқчи деб, хато ўйладилар.

Ҳатто, улар иккинчи гал итоат этмаганида ҳам, Унинг истаклари ўзгармади. Йермияҳнинг кунларида У одамларга ҳайқирди: “Мен сизларга тонг саҳардан гапирсам ҳам, сизлар қулоқ солмаганингиз учун, Мен сизларни чақирсам ҳам, сизлар жавоб бермадингиз” (Йермияҳ 7:13). Худо улар Мисрдан чиққан кунидан бошлаб, шу кунгача, улар билан яқин бўлишга интилганини билдириди (Йер. 7:25).

Бу барча вазиятлар аро Унинг севгиси ўзгармади, боз устига энди Унинг ҳамма нарсани қамраб оловчи шаштининг исботини Исода топамиз. Исонинг йижи буни шундай деб тушунтирган: “Инсон йефли ҳалок бўлганларни излаб топиш ва қутқариш учун келди” (Луко 19:10). У нафақат қутқариш учун, қолаверса биз ҳали Унинг душмани бўлганимизда, бизни излаб келди!

## ҲАР БИРИМИЗ УНИНГ ФИКРЛАРИДАМИЗ

Биз бирор кишига интизор бўлганимизда, доим ўша инсон ҳақида ўйлаймиз. Бизнинг фикрларимиз тўхтовсиз равишда шу одамга қайтаверади ва ҳатто, тунда, уйқумизда ҳам ўша киши ҳақида ўйлашимиз мумкин. Биз ўзимизни ушлаб тура олмаганимиздан, ўз ҳиссиётларимиз ҳақида бошқаларга сўзлаб беришимиз, ўша одам билан бирга бўлишни нақадар хоҳлашимиз ва доим у ҳақида ўйлашимиз ҳақида айтишимиз мумкин. Худо ҳам бизга шундай муносабатга эга. Худо бизга нисбатан бўлган фикрларини Довуддга айтган. Довуд Худо ҳар биримизга нисбатан эга бўлган, ақл бовар қилмас фикрлар билан бўлишган:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Ё, Худо! Сенинг фирмаларинг мен учун нақадар қымматбаходир, уларнинг сони нақадар кўпдир. Уларни санаб чиқадиган бўлсам, улар қумдан ҳам кўпроқдир! Мен ўйғонганимда, ҳануз Сен билан биргаман (Сано 138:17, 18).

Худонинг биз ҳақимиздаги фикрлари ердаги барча қумлардан ҳам кўплигини, тушуниш қарийб имконсиз! Бирлаҳзага тасаввур этиб кўринг, бутун коинотдаги қумлар, ҳар битта оролнинг, барча чўлларнинг, кўл, дарё ва океандаги қумларнинг бир жойга йиғилганини кўз олдингизга келтиринг. Мен гольф учун майдондаги қумли тузоқقا қарасам, ҳатто ушбу урачадаги қумларнинг сонини тасаввур этишим қийин. Шундай бўлса-да, Худо ер-юзидағи барча қум зарралари ҳақида айтмоқда. Уларнинг сони бутунлай беҳисоб. Охирги йигирма йилдан ортиқ вақт ичида, рафиқам ҳақида кўп яхши фикрларни бошимдан ўтказганман, аммо бу мулоҳазаларнинг ҳаммаси, ҳатто у ҳақидаги энг маҳсулдор фикрларга эга бўлган кунларимни бирга жамлаганда ҳам, бор Ер коиноти у ёқда турсин, кичик бир идишни ҳам тўлдиришига шубҳам бор!

## ИНСОН ЎЗИ ҚАДРЛАГАН НАРСАГА ИНТИЛАДИ

Биз ўзимиз севган ва яқинликка эга бўлишни истаган одамларимизга фикрларимизни йўналтирамиз! Худо бизни нақадар кучли севишини англашни бошляяпсизми? Биз Худо учун қандай аҳамиятга эга эканимиз ҳақида бирор марта ўйлаб кўрганмисиз? Биз шахобчага борганимизда, ҳар битта нарсага биркитилган нархларга қараймиз. Айрим маҳсулотларга чегирма эълон қилингандай, бошқаларининг нархи эса ўша-ўша қолган. Ҳар битта мол ўз қийматига кўра нархга эга. Биз фаҳмли харидор бўлсак, ўз нархига мос бўлган ёки ҳатто, ундан ҳам зиёд турадиган молни излаймиз.

## ХУДОНИНГ ЖҮШҚИН ИСТАГИ

Ҳаётда ҳамма нарса ўз нархига эга. Молнинг айнан нархи, харидорни унга бўлган муносабатини белгилайди. Бир неча йил илгари бир бейсбол коптоги савдога қўйилди. Бироқ бу эски копток оддий эмас, балки ўзгача эди – бу копток билан бейсбол ўйинчиси Марк Макгир, ўзининг ўн еттинчи голини урган эди. Ўша вазиятда у битта мавсумда энг кўп очко тўплагани учун ўз лигасида рекорд ўрнатган эди. Копток икки миллион етти юз минг доллардан зиёд турарди! Борди-ю, менда шунча пул бўлганида ҳам, уларни аниқ бу копток учун сарфламаган бўлардим. Нега? Чунки у мен учун ҳеч қандай қийматга эга эмас. Лекин бир киши имкониятдан фойдаланиб, ўша коптокни харид қилганини ўқиганим эсимда. Лекин, ҳозирги кунда, бу рекорддан узиб кетишган бир пайтда, кимдир ўша коптокни, бейсбол рекордларини севувчи тўлаган ўша нархнинг бир қисмига ҳам сотиб олишига шубҳам бор. Коптокнинг қиймати кескин пасайиб кетди.

Хуллас, гап жамият бизни қандай баҳолашида эмас. Унинг биз ҳақимиздаги фикри турлича бўлиши мумкин. Ҳатто турли жамиятларда, инсоннинг ҳаёти ҳам турлича қадрланади, модомики миллионлаб ота-оналар ўз норасийдаларини ўлдиришади. Боланинг ҳаёти, у дунёга келиши билан, ота-онанинг елкасига тушадиган ноқулайликларга арзимайди. Ўз рафиқаси ва фарзандларини ташлаб кетадиган эрлар бор, чунки улар оила аъзоларига, ўз кучи ва вақтини сарфлаш арзимайди деб ҳисоблайдилар. Улар учун шахсий қулайлиги ва роҳати, хотин ёки болаларнинг ҳаётидан анча мұхимроқ. Ўз танасини сотадиган одамлар бор. Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Оқибатда жамиятимизда, уларга етказилган чуқур яралардан азоб еб яшайдиган миллионлаб одамлар юзага келади. Фақатгина бошқаларнинг фикридан келиб чиқиб, ўзининг қадрини баҳолагани натижасида, ўзини севимсиз ва ёқимсиз деб ҳис қиласидиган одамлар бор.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ОТА ХУДОНИНГ КҮЗИДАГИ БИЗНИНГ ҚАДРИМИЗ

Бироқ Худонинг күзларида биз қандай қийматга әгамиз? Айнан мана шундай назар билан үзимизни түғри баҳолай оламиз. Инсон эмас, балки ёлғиз Худо борлиқнинг баҳоси ва қиймати стандартларини ўрната олади. “Зеро одамларнинг назарида аҳамиятли бўлгани Худонинг назарида жирканчидир” (Луко 16:15).

Исо шундай деган: “Зеро агар одам бутун дунёни қўлга киритса-ю, аммо ўзининг жонини йўқотса, унга нима фойда? Ёки одам ўзининг жони учун қандай тўлов беради?” (Матто 16:26). Бир лаҳзага бор дунёning бойлигини тасаввур этиб кўринг. Кўп миллионлик қаср ва саройлар, барча қимматли тошлар ва металлар, ҳамма ғаройиб машиналар, яхта ва тайёралар, бор юқори технологиялаштирилган электрироникалар – буларнинг ҳаммаси дунёдаги “гўзал” нарсаларнинг кичик бир қисми, холос. Дунёда саноқсиз бойлик ва хазиналар мавжуд ва уларнинг барчасини тасаввур этиш имконсиз. Яқинда мутахассислар бутун дунёдаги ялпи маҳсулотнинг ҳажми, яқинда ўттиз беш бутун ўндан саккиз триллион америка долларига етишини ҳисобладилар (12 дан 10 даражада). Бу рақамлар қўйидагича кўринишга эга: 35 800000 000000 доллар. Бу улкан бойлик бўлиб, кўчмас мўлкнинг баҳоси бундан мустасно. Шунга қарамай, Исо инсон ўз жонини ушбу беҳисоб бойликларга алмаштиrsa, аҳмоқона ва фойда келтирмайдиган битим тузган бўлади деб айтган!

Бизнинг ҳақоний лойиқлигимиз, яъни Худо ўлчайдиган қийматимиз, бу дунёning бойликларидан юқори, негаки У бизни шундай баланд даражада баҳолайди! Бизга шундай дейилган: “Зеро Худо дунёни шунчалик севдики, Ўзининг Ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин” (Юҳанно 3:16).

## ХУДОНИНГ ЖҮШҚИН ИСТАГИ

Одам Ато ўз ҳокимиятини қўлдан бой бергандан сўнг, биз зулмат ҳокими, Люцифернинг ҳукмронлиги остига тушиб қолдик (Луқо 4:6 га қаранг). Одамнинг итоатсизлиги бутун инсониятга таъсир қилди ва биз гуноҳнинг қулига айландик, натижада Люцифер хўжайин ва ҳукмдор сифатида подшоҳлик қиласиган шоҳликка айландик. У бизга ўзининг қонунларини рўяч қилди ва бизни қўйиб юборишни истамади. Бизни озодликка умид йўқ, абадий зулмат кутарди. Биз учун кимдир нарх тўласагина, биз халос бўлишимиз мумкин эди, аммо бизнинг озодлигимиз инсон учун ўта даражада баланд эди.

Худо биз учун тўлов эвазига Исони берди. Биз учун ҳеч ким ва ҳеч қачон тўловни амалга ошира олмас эди, зеро Худо деган: “Одам биродарини қайта сотиб ола олмайди ва у учун Худога ҳақ тўлай олмайди” (Санолар 48:8). Худо бизнинг жонимизни ғоят юқори баҳолайди, шу боис У Исо ҳаётининг нархи билан бизни қайта сотиб олди.

Павлус дейди: “Сиз қимматбаҳо нарх билан сотиб олингансизлар” (1-Кор. 6:20). Давомида у такрорлаб, шундай деб айтган: “Биз Масихда Унинг қони орқали қайта сотиб олиниб, Унинг инояти бойлиги бўйича гуноҳларимизнинг кечирилишига эгамиз” (Эфес. 1:7).

Бу бузук дунёда Худо учун Унинг Ўғли Исо Масихдан кўра қимматлироқ нарса йўқ. Бироқ Худо Ўз Ўғлини биз учун тўлов сифатида бериб, Ўзининг энг улуғ хазинаси билан тенг кўрди. Энг қизиғи шундаки: биз Худонинг кўзларида, бир заррача ҳам арzon бўлганимизда эди, У ҳеч қачон Исони бермаган бўларди, модомики Худо бирор марта фойда келтирмайдиган битимлар тузмайди! Фойдасиз битим ёки бефойда алмашинув, қиймати кам нарса учун, юқори нарх тўлаганингизда содир бўлади. Бу худди шундай! Сиз Ота учун нақадар муҳимлигингизни, энди тушунаяпсизми? Исо бу фикрни тасдиқлаб, шундай дейди:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

“Сен Менга берган шұхратни Мен уларға бердим, токи Биз бир бўлганимиз каби улар ҳам бир бўлсинлар. Мен улардаман, Сен эса Мендасан! Улар ҳам бирликда мукаммал бўлсинлар, токи дунё Сен Мени юборганингни ҳамда *Мени севганинг каби уларни ҳам севганингни билиб олсин*” (Юҳанно 17:22-23). Исо Худо Уни қанчалик севса, бизни ҳам худди шундай севишини очиқча эълон қилмоқда! Эшитаяпсизми? Ўзингизнинг чинакам баҳонгизни, энди англаб етаяпсизми? Худо биз билан яқинликка, нақадар кучли интилаётганини кўраяпсизми?

### “ҲА, БИРОҚ МЕНДАЙЛАР КҮП”

Менга: “Ҳа, бироқ Худо бутун инсоният учун қурбонлик келтирди-ку, бундай беҳисоб инсонлар тўдасида мен ким бўлибман?”, деб эътироz билдиришингиз мумкин. Гап шундаки, агарда сиз Ер-юзидағи ягона инсон бўлганингизда ҳам, Худо барибир сизни қайта сотиб олишга интилган ва бу ақл бовар қилмас нархни тўлаган бўларди. Бу Исонинг хизматида ҳам яққол кўриниб туради. У бутун кун давомида, улкан оломонга Худо Шоҳлигининг сирлари ҳақида таълим берди. У чарчаган эди, лекин кутиб турмайдиган бир масала чиқиб қолди. Исо Муқаддас Рұхнинг бошқаруви остида ўз шогирдларига қайиққа ўтириб, Жалила денгизининг нариги томонига ўтишни буюрди. Улар денгиз ўртасида бўлганида, тўфон кўтарилиди ва шогирдларининг ҳаёти хавф остида қолди. Исо шу қадар чарчаган эдики, қотиб ухлаб қолди. Шогирдлар қўрқувда Уни ўйғотиб, уларнинг бошига тушган хатар ҳақида айтишни бошладилар. Исо шогирдларига жавобан, авжига чиқкан тўлқинлар ва шамолни тинчлантириди.

Улар зўрайган бўронли денгиздан ўтиб, туннинг қолган қисмини яхши ўтказдилар. Қарама-қарши томондаги қирғоққа етиб, улар ниҳоят, бироз дам олишга умид қилдилар. Бироқ қирғоққа чиқиб улгурмай, уларнинг қаршиисига жинга чалинган одам чиқди. У

## ХУДОНИНГ ЖҮШҚИН ИСТАГИ

қабристонда яшар ва уни ҳатто, занжирлар билан ҳам боғлаб қўйиб бўлмасди. У тун-у кун қабрлар орасида кезиб, атрофга тешиб ўтадиган қичқириқлар таратар ва ўткир тошлар билан ўзини яралар эди (Марк 5:3-5 га қаранг). Борди-ю, бугун ҳам шунга ўхшаш одам яшаганда, уни руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштиришган, устига-устак, ҳойнаҳой, ёлғиз хонага қўйган бўлишарди. Унга кучли таъсир қиласиган дорилар бериб, ўз ҳолига қўйган бўлишарди. Кўпчилик уни ажратиб қўйилган деб ҳисоблар эди ва қонун шу каби ҳолатларда ҳам, инсонни зўрлик билан ўлдириш таъқиқлагани сабабли, у одам яшаб юрарди. Жамият бундай одамни кераксиз даҳмаза деб ҳисоблаган бўларди. У одамларнинг кўзида ҳеч қандай қадрга эга бўлмасди. Жуда камчилик у билан қандайдир алоқага рози бўларди.

Аммо бу эсини йўқотган одам, Ота, Исо ва Муқаддас Рух учун улкан қадрга эга эди. Исо қудратли тарзда унга хизмат қилди. Бу бебахтнинг зулмат кучларидан озод бўлиши шу қадар лол қолдирадиган даражада эдики, у куннинг охирида Исонинг оёқлари ёнида, кийинган ва бутунлай соғлом фикрли инсон сифатида ўтиарди. Қизиғи шундаки, Исо бу одамга хизмат қилгач, яна қайиқقا ўтирди ва “қирғоқнинг нариги томонига сузиб кетди” (Марк 5:21). Худо менга бу матнни кўрсатган кунни ҳеч қачон унумтамайман. Исо оғир кундан ҳолдан тойган ҳолда, жамият кераксиз деб ҳисоблаган, жинга чалинган пешанаси шўр одамга хизмат қилиш учун, бўронга дуч келган денгизни кесиб ўтди. Сўнг Исо қайтадан қайиқقا ўтириб, ортга қайтиш учун бутун йўлни босиб ўтди. Бунинг барчасини У битта киши учун амалга оширди!

Бу нарсани англааб етганимда, агарда мен Ер-юзида ягона инсон бўлганимда ҳам, Худо барибир менинг жонимни излаб топишими ва мен У билан мулоқотга эга бўлишим учун, қимматли тўловни амалга оширишини узил-кесил тушундим. Бекорга самовий фаришталар, У туғилган кунда, “Юксакликда

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Худога шұхрат ва ер юзида тинчлик, инсонларга илтифотдир!” деб күйламадилар. Бутун дүнёning кўзида, Худо бизнинг жонимизни қандай зabit этиши саҳнаси гавдаланди.

### ИСО ҲАР БИРИМИЗГА ҚАНДАЙ ҚАРАЙДИ

Худо менга берган үлуғвор ваҳийлардан бири, мен нажот топганимдан сўнг тез орада намоён бўлди. Мен машинада кетаётib, У билан гаплашаётган чоғда, қаердандир, менинг тафаккуримни остин-устун қилиб юборган иборани эшилдим. У менинг юрагимга оҳиста гапирди: “Жон, биласанми, Мен сени йўзимдан ҳам юқори қадрлайман?”

Буни эшилган заҳотим, Худога шак келтирадиган бу каби фикрни менинг онгимга шайтон берди деб билдим. Мен: “Шайтон, йўқол мендан！”, деб бақириб юборишинга сал қолди. Лекин юрагимнинг тубида бу Худонинг овози эканини ҳис этдим. Шунинг учун энг хавфсиз қарорга келдим. Мен дедим: “Раббий, бундай гапларга ишонишим қийин. Сен, ер ва самони яратган Худо, мендек ҳеч нарсага арзимайдиган инсонни йўзингдан муҳимроқ деб ҳисоблашингга ишониш, мен учун Худога шак келтириш бўлиб туяляпти. Агарда Сен бунинг исботи сифатида Янги Аҳддан учта тасдиқни берсанг, бу айтилган нарсага ишонишим мумкин”.

Шундай деб, Худо менинг жавобимдан мамнун эканини ҳис этдим ва шу заҳоти юрагимда қўйидагиларни эшилдим: “Филиппиликларга Мактубнинг иккинчи боб учинчи оятида нима дейилган?”

Юқоридаги оятни яхши билганим учун, баланд овозда баён этдим: “Ҳеч нарсани рақобат ва шұхратпарастлик билан қилманглар, лекин онгингизда камтар бўлиб, сизлар бир-бирингизни ўзингиздан устун ҳисобланглар”.

## ХУДОНИНГ ЖҮШҚИН ИСТАГИ

Раббий деди: “Ёзувдан биринчи тасдиқни олдинг”.

Мен эътиroz билдиридим: “Бу жойда Павлус Филиппидаги имонилларга, бир-бирини ўзидан устун ҳисоблашга ундаяпти. У Сенинг менга бўлган муносабатинг ҳақида гапирмаяпти”.

Мен шу заҳоти жавобни эшитдим: “Ўғлим, Мен Ўзим қилмаган ишни, ҳеч қачон фарзандларимга буюрмайман!” Сўнг, У кўп оиласарнинг муаммоси айнан мана шунда эканини айтди. Ота-оналар фарзандларидан, ўзлари уларга намуна бўлмаган хулқ-авторни кутадилар. Раббий бизга ҳеч қачон Ўзи намуна бўлмаган нарсани буюрмайди.

Мен бу исботни қабул қилдим, аммо бу ҳам, Раббий мени ўзидан юқори қадрлашига ишонтира олмади. Мен шундай дедим: “Раббий, бу Ёзувдан атиги битта матн, менга эса яна иккита керак”. Мен бу билан Раббийга беҳурматлик кўрсатмадим, балки фақат эҳтиёткорлик ва мулоҳозакорликни билдиридим.

Шунда У менга савол тариқасида жавоб берди, бу менинг юрагимни жунжиктирди: “Жон, Хочга ким михланди, сенми ёки Менми?”

Янгича тушунча билан лол қолган ҳолда, олдин билган нарсаларим, энди воқелиқдан ҳам кўпроқ бўлиб кўринарди ва мен паст овозда дедим: “Исо, Сен михландинг”.

У давом этди: “Хочда сен осилиб туришинг керак эди, лекин Мен сенинг гуноҳларинг, ҳукминг, касалликларинг, заифликларинг, дардларинг ва қашшоқлигингни Ўзимга олдим. Буни Мен сени Ўзимдан устун қўйганим учун амалга оширдим”.

Унинг бу сўzlарини эшитганимда, мени титроқ босди. У буни айтганидан сўнг, барча шубҳалар йўқолди. Мен У ўтган азобларга заррача ҳам лойиқ эмаслигим ҳақида жим фикр юритардим. У ҳақ ва айбизз эди. Онгимга Петруснинг биринчи Мактуби келди (2:24): “Биз гуноҳлардан қутулиб, ҳақлиқда яшашимиз учун, Масих Ўз танаси билан гуноҳларимизни хочга олди. Унинг жароҳатлари билан сизлар шифолангансизлар”.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

У мени чиндан ҳам Ўзидан муҳимроқ деб ҳисоблашини, энди билардим. Кўзларим ёшга тўлди ва Уни шарафлашни бошладим. У энди, учинчи оятни беришига қатъий ишонардим, ҳақиқатдан ҳам, кўп ўтмай, У юрагимга деди: “Ёзувда Римликларга Мактубда нима дейилган (12:10)?”

Бу ҳам яна битта таниш оят эди ва мен уни келтирдим: “Биродарсеварликда бир-бирингизга нисбатан нозик ҳис-тўйғуларга эга бўлинглар; ҳурмат қилишда бир-бирингиздан ўзиб кетинглар”.

Кейин У шундай деганини эшитдим: “Ахир, Мен кўп биродарларнинг ичида тўнғичиман-ку? (Рим. 8:29). Мен Ўз биродар опа-сингилларимга нисбатан нозик ҳис-тўйғуларга эгаман ва уларни Ўзимдан юқори эъзозлайман”.

Исо бизни севишини кўп марта эшитганман. Бироқ У бу сўзларни юрагимга йўналтирганида, илк бора биз У учун нақадар маҳсус мавжудот эканимизни чиндан ҳам тушуниб етдим. Қисқаси, У Ўз оила аъзоларини хазинам деб атаяпти. Исо биз У учун ўта даражада қимматли эканимизни айтмоқда. Биз Унинг – кўзларидағи гавҳарлигимизни тасдиқламоқда. Битта нарсани илғаб олишга ҳаракат қилинг: У биздан хурсанд! Эҳ-ҳа, қуйидаги чинакам ва ҳайратли сўзларга қулоқ тутинг: “Раббий Хўдойинг сенинг орангдадир, сенга мадад берадиган жангчи Ўшадир. У сен ҳақингда қувониб хурсандчилик қиласи, Ўз севгисида юмшоқ бўлади, сен ҳақингда шодлик билан тантана қиласи” (Зефанияҳ 3:17).

## ИНСОН БУ НИМА?

Құдратли ва муқаддас Худо оддий инсонларга шу қадар кўп эътибор қаратишими кўрган фаришталар, бизга қизиқиш билан қарайдилар. Биз шундай деб ўқиймиз: “Мен Сенинг осмонларингга, Сенинг бармоқларингнинг ишига, Сен ўрнаттан ойга ва юлдузларга қараганимда, одам недирки, Сен уни

## ХУДОНИНГ ЖҮШҚИН ИСТАГИ

эслайсан? – деб ўйлайман. Инсон ўғли недирки, Сен үнга ташриф буюрасан?” (Сано 8:4, 5). Бу сўзлар Довуд томонидан ёзилган бўлса-да, Худо үнга, Худо таҳтини ўраб турган улуғвор фаришталарнинг фикрларини эшитишга имкон берганига аминман. Бу фаришталар, Худо борликни қандай яратганини кузатган. Улар буюк эҳтиром ва иззат-икромда Унинг атрофида туришади, улар бир-бирларига мурожаат этиб, фақат “муқаддас, муқаддас, муқаддас” деб ҳайқира оладилар, зеро ҳар бир лаҳза уларга Худонинг янги қиррасини очади, шу тарзда улар Уни мангуба үлуглаши ва мақташи мумкин. Улар шу қадар баланд ҳайқирадиларки, таҳт залидаги устунлар титрайди (у ерда камида ўн миллионта одам бор). Улар Худонинг бизга нисбатан фикрлари севги ва эзгуликка тўлалигини ва улар Ер-юзидағи барча қўм зарраларидан ҳам кўпроқ ва беҳисоб эканини кўриб турадилар. Улар бундан лол қоладилар ва ҳайратланадилар!

Биз – Унинг бебаҳо мулкимиз, Унинг танлаганлари ва қимматбаҳо марваридлари бўлган – тирик тошларимиз, У бу тошлардан абадий яшашни истайдиган Ўзининг маъбадини яратади. Худо нега бизга бундай ёндашади? Унинг ҳайратли севгисига лойиқ бўлишимиз учун, биз нима қилдик, ахир? Айнан манашу ерда мавжуд бўлган барча ҳақиқатлар ичида энг устуни яширинган. Биз унинг севгисини қозониш ва У биз билан бирга бўлишни хоҳлаши учун ҳеч нарса қилмадик. Биз ҳали руҳимизда заиф ва зулматда адашиб юрган гуноҳкорлик чоғимизда, аслида Унинг душманлари бўлганимизда, У бизни излади. У бизда ёлғиз Унинг севгиси илғай оладиган нарсани кўрди. Чириш, гуноҳ ва бузуқлик орасида, У хазинани топди. У кўплар ҳеч нарсага арзитмайдиган ёки кам аҳамиятта эга бўлган нарсадан қимматбаҳо нарсани сотиб олди. У бизнинг асл ҳолатимизга қарамай, ёлғиз Унинг инояти пайқай оладиган нарсани топди.

Энди Ёзувда келтирилган қуйидаги сўзларни теран даражада тушуниб, қабул қиласиз: “Сизлар қимматбаҳо нарх билан сотиб

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

олингансизлар – инсонларнинг қули бўлманглар” (1-Кор. 7:23). Нега унда шундай севги ва эҳтиромни ўзида ҳис этган инсон, бир куни уни қўл қилган ва аҳамиятсиз, қадрсиз деб ҳисоблаган ҳолатга қайтишни истайди?

Агарда биз бир марта, Исо – бу бор жаҳондаги энг атоқли шахслиги ва жон-жаҳди билан бизга интилишини тушуниб етсан, қандай қилиб, Унга яқинлашишдек ажойиб таклифини эътибордан четда қолдиришимиз мумкин? Уни яна ҳам рад этиш имконсиз, зеро бундай рад этиш, фожиа ҳисобланиб, бу бизнинг нодонлигимиз ва ғафлатда эканимиздан дарак беради.

(Мұхим насиҳат: Ёзувда, Худо бизни излаётганига қарамай, У билан муносабатларга киришиш учун, биз ўзимиз Унинг чорловига жавоб қайтаришимиз зарурлиги айтилган. Агарда сиз илгари ҳеч қачон Исо Масиҳни шахсий Раббим ва Нажоткорим деб тан олмаган бўлсангиз, ҳозирнинг ўзида, китобнинг охурида жойлашган А иловасига ўтинг. Буни кейинга қолдирмаслик ўта мұхим.)

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Исройл ўғиллари тўрт юз йиллик Миср қўллигидан озод бўлгач, Худо уларни халос қилишидан асосий мақсадни тушунмадилар. Раббий “уларни Ўзи учун олиб келганини” эълон қилди, улар эса гап ваъда қилинган ерда деб ўйлаб, нолир ва инжиқлиқ қилар эдилар. Ушбу бобда кўрганимиздек, уларнинг юраклари Меросхўрга эмас, мерос қилиб олиши мумкин бўлган нарсаларга қаратилган эди.

Худо сизларни гуноҳ қўллигидан озод қилди ва У сизни Ўзига олиб келишни истайди. Сиз кўпинча нолиб, шикоят қиласизми? Шу билан бирга, сиз Раббийдан Кимни ёки нимани мерос қилиб олишни адаштириб юбормадингизми?

## ХУДОНИНГ ЖҮШҚИН ИСТАГИ

2. Юқоридаги бобда биз қүйидагича савол бердик: “Нега Раббий томонидан бундай севги ва эхтиромни ҳис этган киши, бир куни уни құл қилған, уни аҳамиятсиз ва қадрсиз деб ҳисоблаган ҳолатта қайтишни истайди?” Сиз бу саволга қандай жавоб берасиз?
3. Бу бобда, нажот топганидан сүнг тез орада Худо билан мұлоқотға эга бўлған мұаллиф ҳақида айтildи. Худо мұаллиф билан сұхбатида, У одамларни қанчалик қадрлашини айтди. Худодаги юқори қадр ва шаъннингизни тушуниш, қай тарзда сизнинг ҳаётингизни ва ҳаётга бўлған муносабатингизни ўзгартиради?



# ҮЗ ЧАНҚОҚЛИГИҢИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ



Бизни нима билан боқса, шу нарсага чанқоқ бўламиз.

**Н**ажот топмаган киши, Худони излашни бошлишидан аввал, Раббийнинг Ўзи уни Ўзига жалб қилиши керак. А.У. Тозер шундай деб ёзган: “Гуноҳкор кишининг онгига Худо ҳақида фикр келишидан аввал, унинг ичидаги мътирифатланиш фаолияти амалга ошиши зарур” (*The Pursuit of God*, p. 11). Мана, нима учун Исо Масих орқали Худо билан муносабатларга эга бўлмаган одамлар учун, шафоат қилиш мүҳим. Худо “барча одамлар нажот топишларини ва ҳақиқатни билиб олишларини хоҳлади” (1-Тим. 2:4) ва У бутун тарих давомида бу мақсадга эришиш учун ҳамма нарса қилмоқда. Шунга қарамай, Худо Унинг фарзандлари ҳам, адашиб юрган одамларга нисбатан ачинишга

## Худога яқинлашиш

эга бўлиши ва бу одамларнинг нажоти учун Унга илтижо билан мурожаат этишини истайди. Шу боис Исо дейди: “Ҳосил кўп, аммо ишчилар оз. Шунинг учун: “Ўз ўрим-ийғимингга ишчиларни юбор”, – деб ҳосил Эгасига ибодат қилинглар” (Матто 9:37-38).

Исо Масихнинг ваҳийи орқали нажот топганимиздан бўён, биз доимий равишда ўз кучини йўқотмаган таклифномага эгамиз. Ҳудо фарзандларига, Менга яқинлашинглар демоқда. Биз кучга эга бу мангукондай тақлифномани қўлга киритишимиз учун, Ҳудованд биринчи қадамни қўйди. Тамоман ёниб битмаётган бута алангаланишда давом этмоқда ва У сизни исмингиз билан чақирмоқда, У қайиқдан чиқди! У энди, сизнинг жавобингизни кутмоқда!

Яқинда бир имонли киши мен билан қўйидаги фикрлар билан бўлишди: “Жон, мен ёруғ жаҳонда қанча кўп яшаб, Ҳудога хизмат қилганим сари, бизнинг Ҳудога яқинлигимиз Унга боғлиқ эканини кўпроқ тушуниб бораяпман”.

Мен унга эътиroz билдиридим: “Йўқ, бу нотўғри тафаккур”.

Шунда у Исонинг, Отам жалб қилмаса, ҳеч ким Унинг олдига кела олмаслиги ҳақицадаги оятни айтди.

Мен жавоб бердим: “Ҳа, бироқ бу ҳақиқат фақат имонсизларга тааллукли. Ҳозирда биз Ҳудонинг фарзандларимиз ва шу аснода, Ҳудо бизни Унга яқинлашишимизни сўраяпти, шунда У ҳам бизга яқинлашади. Биз бу қадамни ҳар қандай вақтда қўйишимиз мумкинлигини аниқ ва яққол тарзда айтган”.

Ҳа, шундай вазиятлар бўладики, Ҳудонинг Ўзи биз билан учрашишни истайди ва бундай учрашувларга Унинг Ўзи ташаббус солади. Аммо бу Раббий билан учрашиш учун биз ташаббус билдира олмаймиз ёки билдирамаслигимиз керак дегани эмас. Биз У билан муносабатларга эгамиз, ота ва ўғил ўртасидаги муносабатларда ҳам, бола биринчи бўлиб отасига

## ҮЗ ЧАНҚОҚЛИГИНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ

алоқага чиқадиган вақтлар бўлади, шунингдек отаси боласи билан алоқани бошлаб берадиган вақтлар бўлади.

## НЕГА ҲАММА ОДАМЛАР УНИНГ ТАКЛИФИГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИЛАР?

Ақлга сиғмайдиган савол: Нега Худо билан юзаки ва саёз муносабатларга эга бўлган имонлилар бунча кўп? Нега улар Худо билан янада яқинроқ ва янада онгли равишда муносабатларга киришмайдилар? Нима уларни ушлаб туради? Бундай кишиларни Худонинг Унга яқинлашиш чорловига жавоб билдиришига нима ёндириши ва туртки бўлиши мумкин? Бу саволга жавоб бериш жа унчалик қийин эмас: ҳамма гап бизнинг Уни таниб-билишга бўлган чанқоқлик ва истагимиизда. Довуд шу тарзда ёлворган:

“Менинг жоним Худога – тирик Худога чанқоқ. Қачон келиб Худойимнинг юзи олдида намоён бўламан? Менга ҳар куни: “Худойинг қани?” – деганларида, кўз ёшларим мен учун туну кун нон бўлди. Буни эслаб жонимни тўкиб соляпман, чунки мен кўпчилик билан юрар эдим, улар билан бирга байрам қилаётган оломоннинг шарафлаш ва қувонч овозлари билан Худойимнинг уйига кирав эдим” (Сано 41:3-5).

Бу китобни ўқишида давом этишдан аввал, юқоридаги сатрларни яна бир бора секин ўқинг ва ҳар битта сўзни маъносига эътибор беринг. Довуднинг қуидаги сўзларига эътибор беринг: “Буни эслаб жонимни тўкиб соляпман”. *Zakar* сўзи – ибронийчадан эслаш маъносини билдиради. У.И. Вайннинг айтишича, бу сўз юонон тилида ҳам, худди унинг ибронийча синонимига ўхшаб, шунчаки эслашдан кўра кўпроқ маънога эга. Бу сўз “фикрларни хотирада сақлаш” маъносига

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

ега. Ушбу сатрларда айнан манашу маъно ётибди. Довуд аслида, шундай демоқда: “Худо ҳақидағи истакларимни ўз хотирамда сақлаган чөгимда, Сенинг қаршингда жонимни тўкиб-солишины бошлайман”. Айнан мана шундай ёндашув бизни Худога нисбатан тугамас чанқоқлик солади. Бу каби чанқоқлик Унга яқинлашишга үндайди ва биз – руҳийми, маънавийми ёки жисмонийми, қандай тўсиқларга дуч келишимизнинг аҳамияти йўқ. Бинобарин, Унга бўлган ташналигимизни сақлаш, қолаверса уни ошириб бориш муҳим!

## РАББИЙ МЕНДАГИ ТАШНАЛИКНИ КЎПАЙТИР

Аксарият кишилар қуйидагича ибодат қиласидилар: “Раббий, мендаги Сенга бўлган чанқоқликни оширгин!” Ҳолбуки, бу нотўғри ибодат. Худо эмас, ёлғиз биз ўзимиз Унга бўлган ташналигимизнинг даражасини белгилаймиз. Биз Америкада моддий бойликларнинг улкан миқдорига эгамиз, атрофимиизда завқ-шавқ, роҳат ва пул топиш имкониятлари бир талай. Биз Худога бўлган ташналигимизни бор-йўғи битта йўл билан вужудга келтиришимиз ва сақлаб қолишимиз мумкин – ўз жонимизни қўриқласак ва уни тўлдираётган нарсаларни ўзимиз танласак. Ҳикматлар 27:7 да айтилган: “Тўқ жон мумли асални ҳам оёқ ости қиласи, аммо оч жонга аччиқ нарса ҳам шириндир”. Оддий қилиб айтганда, сизнинг жонингиз ташвишлар, айш-ишратга мойиллик, мол-дунёга муҳаббат ёки бу дунёга хос истаклар билан тўлган бўлса, сиз тўйиб юрасиз ва Худо билан мuloқот каби мумли асални оёқ ости қиласиз.

Миннатдорчилик куни ҳақида эсланг. Америкаликларнинг кўпчилик қисми бу байрамни нишонлаш учун оиласи ва дўстлари билан бир жойга тўпланадилар. Аксарият кишилар, байрам дастурхони ёзилганда иштаҳаси карнай бўлиши учун, ҳатто нонушта ҳам қилмайдилар. Зиёфат бошланади. Меҳмонларга турли қиймали улкан курка, ширин картошка,

## ҮЗ ЧАНҚОҚЛИГИНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ

сабзавотлар, клюква қийласи, пироглар ва бошқалар тортилади. Биз бу егуилкларни күп-күпдан еймиз, чунки шу лаҳзагача иштаҳамизни очиб олган бўламиз. Зиёфатдан сўнг, кўп овқат еб юборганимиз учун инграймиз. Биз тўйиб кетамиз!

Сўнг бир неча соат ўтиб, бошқа оила аъзомизникига меҳмондорчиликка борамиз. Дастурхонга яна мазали ва тўйимли овқатларни, бор кўркида тортиқ қилишади. Бу сафар овқат биз учун – мазахўрликка айланади, аммо биз бундан ҳузур ва иштаҳани ўрнига, қарийб нафратни ҳис этамиз ва овқатдан юзимизни бурамиз. Биз тушлиқда еганимиз билан ҳануз тўқмиз ва байрамона дастурхонга назаримиз тушса, ошқозонимизга бошқа ҳеч нарса сиғмаслигини тушунамиз. Энди, иккинчи жойдаги овқатлар биринчи дастурхондагидан тотлироқ ва нафисроқ экани бизни қизиқтирмайди, биз унга, аслида менсимаслик билан қараймиз. Юқорида Ҳикматлар китобидан келтирилган оятда, айнан шу ҳақда гапирилмоқда.

Бу ҳақиқатни тўлиқроқ очиб бериш учун, ҳамма гап мутаносиблиқда эканини тан олишимиз зарур. Сизнинг жонингиз бу дунёнинг истаклари билан оғирлашиб қолган бўлса, сиз балки, ноз-неъматларни оёқ ости қилмассиз, бироқ уларга мулоҳазасизлик билан қарайсиз. Борди-ю, сиз бир-икки соат илгари тамадди қилиб олганингиз сабабли очликни ҳис этмаётган бўлсангиз, энди, байрам дастурхони атрофида ўтириб, егуилклардан юз бурмайсиз, аммо бир бўлак еб кўрасиз ёки ошқозонингизга бошқа овқат кетмаслигини айтасиз. Сафарларда бўлганимда, қайсиdir шаҳарда мени бирор ресторонга таклиф этишса, мен бир-неча соат илгари овқатланганим ва ҳали оч эмаслигим туфайли, мулойимлик билан бу таклифдан бош тортаман. Шу билан бирга, Миннатдорчилик кунига оид тўкиб чиқилган ҳолатдагидек, овқат ҳақидаги фикрлар менда нафратни ўғотмайди, шунчаки овқатланишни истамайман, холос.

Аммо бунга ўхшаган таклифга, икки-уч кундан бери овқат емаган киши, бутунлай бошқача муносабат билдиради. Бундай

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

киши улкан иштиёқ билан тамадди қилиб олиш учун ўтиради, сиз эса унга бепарволик билан қарайсиз. Хуллас, ҳақиқат шундаки, сиз Худонинг чорловига, сизнинг дунёвий нарсалар билан тўйган даражангизга қараб, жавоб берасиз.

Жамоатдаги одамлар кўпинча Худога оид нарсаларга лоқайдликни ҳис этадилар. Албатта, уларнинг аксарияти Унинг ҳузурини эътибордан четда қолдирадилар, лекин оч одам билан таққослаганда, улар қаршисидаги байрамона ноз-неъматларга ўртача ва одатий нарсадек қарайдилар. Гап шундаки, улар бир неча соат олдин дунёвий дастурхоннинг “овқати” дан тўйиб олганлар ва энди ўзларини анчагина мамнун ҳис этадилар. Бундай одамларнинг, Худога яқинлашишни исташларини айтишини эшитаман, бироқ уларнинг ишлари сўзларидан баландроқ гапиради. Сиз бу китобни қўлингизга олганингизнинг сабаби, Раббийни янада кўпроқ таниб-билишни истайсиз (мен бунга ишонаман), аммо сизнинг жонингиз Унга интиляптими? Сиз бир неча кун давомида емаган ва ичмаган одамга ўхшайсизми? Худога нисбатан иштиёққа эга бўлиш учун, айнан шунга ўхшаш очлик ва ташналикни ҳис этишимиз талаб этилади.

## ЛОҚАЙД ЖАМОАТ

Исонинг Ваҳий Китобидаги охирги жамоатга қаратада айтилган сўзларини диққат билан ўрганиб, сиз лол қолдирадиган ҳақиқатга дуч келасиз. Авваломбор, ёдингизда бўлса, Исо мактубларни Асиядаги еттита жамоатга юборишни буюрди, бироқ бу хатлар тарихдаги мавжуд бўлган ўша жамоатларгагина эмас, қолаверса бизга ҳам тааллукли, аксинча бўлса, булар бизнинг Муқаддас Китобимизда ёзилмаган бўларди. Бу хатлар Ёзувда бўлганининг ўзи, улар пайғамбарчилик маъносига эга экани ёки бугун бизга ҳам гапираётганини билдиради.

Пайғамбарчилик мактубларини аксарият ҳолларда турли хил муносабатларда, мазмунларда ёки вазиятларда қўллашади. Ҳар

## ҮЗ ЧАНҚОҚЛИГИНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ

битта жамоатга йўналтирилган Мактублар нафақат бугун бизга, қолаверса бу Ёзувнинг якунида жойлашгани сабабли, Унинг қайта келиши арафасидаги Жамоатга тўғридан-тўғри аҳамиятга эга бўлиши ҳам мумкин. Бунда аниқ бир маъно ётибди, зеро ушбу мактубнинг якунида Юҳанно дейди: “Шундан сўнг, мен бир қараган эдим, мана, осмонда эшик очик эди. Мен илгари эшитган гўё карнай садосига ўхшаш овоз менга сўзлаб деди: “Бу ерга чиққин. Мен бундан кейин содир бўлиши керак бўлган нарсаларни сенга кўрсатаман” (Ваҳий 4:1).

“Карнай” сўзига эътибор беринг. Охирги кунларда Раббий Ўзиникиларни олиб кетиш учун келишини биламиз, “Чунки Раббийнинг Ўзи буюк нидо пайтида, бош фариштанинг садоси ва Худонинг карнайи овози билан осмондан тушади, шунда Масихда ўлганлар биздан олдин тириладилар. Кейин эса биз, тирик қолганлар улар билан Раббийни ҳавода кутиб олиш учун булултарда олиб кетиламиз. Шундай қилиб, ҳамиша Раббий билан бирга бўламиз” (1-Фес. 4:16-17).

Бу мактубда, биз сиз билан яшаётган вақтдаги жамоатга махсус урғу берилган, деб ўйлайман. Исо хатда, бу жамоат мудроқ ҳолда бўлишини айтган. Замонавий тилда гапирадиган бўлсак, бу жамоатга иштиёқ ва ғайрат етишмас эди, улар Исо учун ўта муҳим бўлган нарсаларга лоқайдлик билан қарадилар. Улар Раббийга маъқул бўлиш учун камдан-кам ҳолларда ўз йўлини ўзгартирадилар. Нега улар ўзларини шу тарзда тутдилар? Ёдингиздами, бу жамоатни қалбаки деб бўлмайди, уни Худо тан олган – Исонинг Ўзи бу одамларни тан олди. Юқоридаги саволга жавоб, уларнинг ҳаётга бўлган муносабатига бориб тақалади.

Исо дейди: “Чунки сен: “Мен бойман, бойиб кетдим, ҳеч нарсага муҳтож эмасман”, – дейсан” (Ваҳий 3:17). Бу сўзлар уларда иштиёқ йўқлигини билдиради, зеро улар қалбларининг хотиржамлигига, минг афсуслар бўлсинки, Унда эмас, балки дунёвий нарсаларда эришдилар.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ЮЗАКИ ТАШХИС

Айримлар, бу жамоатдаги муаммолар ҳаддан зиёд бойлик ёки моддий үнсурларга берилганиқдан келиб чиққан деб үйлаши мүмкін. Бу Исо айтганларини юзаки тушуниш десак, ҳақиқатта сал яқынлашган бўлади. Довудга қарайдиган бўлсак, унда чексиз бойлик ва сон-саноқсиз хизматкорлари бор эди. У ўғли Сулаймонга “Раббийнинг ўйи учун юз минг талант олтин ва минг-минглаб талант кумуш тайёрлади, мис ва темир эса беҳисобдир, чунки улар ниҳоятда кўп эди” (1-Йил. 22:14).

Аммо у Худога мурожаат этиб, ўзи ҳақида қўйидагича айтган: “Ё, Раббий, қулоқ тутиб, мени тингла, чунки мен камбағал ва қашшоқман” (Сано 85:1). У ўзини камбағал ва қашшоқ деб атаяпти! Энди биз, ҳаммаси тўғри айтилганини тушунамиз, негаки самовий илҳомланишни қабул қилган киши алданиб қолиши имконсиз. У чиндан ҳам ўзини камбағал ва қашшоқ деб ҳисоблаган, гарчи унинг омборларида кумуш уюмлари сақланган бўлсада! У Худонинг Ўзига муҳтоҷ бўлган ва бу эҳтиёж Худога бўлган ташналиқдан юзага келган. Унинг фарёдига яна бир карра қулоқ тутинг: “Менинг жоним Худога – тирик Худога чанқоқ. Қачон келиб Худойимнинг юзи олдида намоён бўламан? Менга ҳар куни: “Худойинг қани?” – деганларида, кўз ёшларим мен учун туну кун нон бўлди” (Сано 41:3, 4).

Лаодикия жамоати аъзоларининг муаммоси, моддий нарсаларда эмас эди, балки, ҳойнаҳой, моддий дунёга қалбларидаги ташналиқни қондиришга рухсат беришда эди. Довуд ҳеч қачон бунга йўл қўймаган. Ҳойнаҳой, ўша жамоатнинг аъзолари, Довуд билан таққослаганда, анча кам бойликка эга бўлганлар, бироқ улар ўзларида бор нарсалар билан қониқдилар ва шу нарсаларда роҳат топдилар. Бу уларда Худонинг ҳузури ва У билан мулоқотга бўлган ички иштиёқни ўчирди.

## ТҮЛИҚ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК

Охирги йигирма йил ичидә шу сингари манзарани жұда күп марта гувоҳи бўлдим. Бир дафъа Шимолий Канадада яшовчи кри қабиласига мансуб индеецларнинг олдига борганимни эслайман. Улар Шимолий Америкадаги, резервацияда яшаб қолган охирги индеецлар қабиласи эди. Хусусан, бу ҳодисаларни ёзиш вақтидан йигирма йил илгари, бу олийжаноб кишилар, кўчиб юрадиган буғулар ортидан силжиб, чайлаларда яшаб юрганлар. Бу улкан хазиналарга эга бўлмаган, оддий одамлар эди. улар ўзларининг яшаш жойларида, фақат охирги ўн йиллар ичидә телевизор ўрнатишни бошлаганлар.

Йифинга минг кишилар атрофида одам келди. Мен у ерда бир неча кун бўлдим ва бир ғалати нарсани пайқадим. Ҳеч истисносиз, йигирма ёшдан ошган кишиларнинг қарийб ҳаммаси, Худога нисбатан ақл бовар қилмайдиган ташналиқка эга эдилар. Улар Шимолий Америкадаги бошқа бир талай одамлардан кўра, хийла чанқоқ эдилар. Улар Худони таниб-билишга бўлган жўшқин истакни намойиш этардилар. Аммо йигирма ёшдан кичиклари бефарқ бўлиб, ҳеч қанақа руҳий очликни ҳис этмаётгандек туюларди.

Бир йифинда таълимот ва воизликка кучли мойланиш қўйилди. Улкан чодирдаги одамлар, барча айтилган сўзларни юракларига яқин олдилар. Кутимаганда мен чодир ортида ва яқинида, зерикиб, лойқайдлик билан турган ёшларга кўзим тушди. Баъзида воизликлар, чиндан ҳам зерикарли бўлади, лекин бу сафар ундей эмас эди. Мен Худонинг Сўзини воизлик қилаётib, ўзим Муқаддас Руҳнинг құдратли таъсирини сездим. Тўсатдан, нима содир бўлганини англаб улгурмасдан, Худога ташна кишиларни четлаб ўтиб, чодирнинг четида турган ёшлар томонга ўтиш жойи ёқалаб кетдим. Мен улардан чодирга кириши ва воизликни қулоқ солишини сўрадим. Улар менга, худди ақлдан озган ва реал ҳаётни умуман фаҳмига бормайдиган кишидек бақрайиб туришарди.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Фақатгина шунда уларнинг футболка ва кепкаларини пайқадим. Улардаги ёзувлар алоҳида ажралиб кўринди ва бу менинг эътиборимни тортди. Уларда турли хил профессионал бейсбол ва футбол гуруҳларининг номлари бор эди. Муқаддас Рух, бу ёшлар ойнаижажон орқали келаётган маълумотлар билан тўлиб, заҳарланган эканини кўрсатди. Афсуски, улар ўз чанқоқлигини, уларга фойда келтирмайдиган нарсалар билан қондирадилар! Мен шунда, катта авлод телевизорсиз ўсганини эсладим.

Бу изоҳ, йигирма ёшгача ва ундан юқоридаги кишиларнинг муносабати турлича экани борсидаги менинг таажжубимга жавоб бўлди.

Илтимос, мен нима демоқчи бўлаётганимни тушунишга ҳаракат қилинг. Ойнаижажон ҳар доим ҳам бизнинг ривожланиш ва юксалишимизда зиён келтирмайди, гап биз унга қандай муносабатда бўлишимизга боғлик.

Энди бизнинг оиласизда ҳам телевизор бор, гарчи тўйдан сўнг кўп йиллар давомида бизда у бўлмаган. Ойнаижажондан узатиладиган кўпгина дастурлар бизга бир дунё завқ ва ибрат олиб келади. Мен айнан ойнаижажон шарофати билан дунёдаги бўлаётган воқеаларни кузатиб боришим мумкин. Лекин ойнаижажон бизнинг муҳтоҷлик ва эҳтиёжларимизни қондирамайди ва бизни озиқлантира олмайди. Бунга мен бошим билан кириб кетмаганман. Мен уни кўришим ва Муқаддас Рух билан мулоқотда қолиб, Худога бўлган ташналигимни йўқотмаслигим мумкин. Бу ёшлар, ўзларининг руҳий қашшоқлигига қарамай, ўз иштаҳасини наф келтирмайдиган нарсалар қондиришига қўйиб берди.

Ўша сафардан сўнг, тез орада Қўшма Штатларнинг шимолий-шарқий қисмига йўл олдим. Мендан жума куни кечги пайт воизлиқ қилишни сўрадилар. Йиғинга бутун жамоатни таклиф қилишди ва мени ҳайрон қолдирган нарса, келган етти юзта

## ҮЗ ЧАНҚОҚЛИГИНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ

кишидан беш юзтаси ўсмирлар эди. Хизматдан сүнг ўнлаб ёшлар мени ўриб олишди ва руҳий мавзудаги саволлар беришни бошлашди. Вақт тунга яқинлашиб қолган эди. Биз хизматдан сүнг узоқ вақт давомида Худо ҳақидағи мавзуларда гаплашардик. Нихоят, мен дедим: “Бу менга нақадар ёқаяпти! Сизларнинг ҳаммангизда Худога нисбатан күчли чанқоқлик бор!”

Ёшлар мени кейинги куни кетишимдан аввал тушликка таклиф қилдилар. Мен буни рад эта олмадим, үлар ресторандаги үлкан зални ижарага олишган эди ва у ерда бизнинг мулоқотимиз давом этди. Мен анграйиб қолган эдим ва қувонардим. Бу ҳудуддаги ва давлатнинг шимолидаги ўсмирлар орасыда катта фарқ бор эди, боз устига шимолий-шарқдаги таъминланган кишилар, моддий бойликлари анча кам бўлганлардан кўра, кўпроқ чанқоқликка эга эди.

Шимолий-шарқдаги жамоатдаги катта ёшли кишиларда, ўсмирлардагидек иштиёқ йўқ эди. Нега үлар саволлар билан менинг ёнимга келмадилар? Нега йиғинга бошқа ёшдаги кишилар вакиллардан кўра, ўсмирлар кўпроқ келишиди? Ўйлайманки, катталарнинг қалби ҳаётдаги ташвишлар ва завқ-шавқлар билан оғирлашиб қолган эди. Албатта, Худо бу одамлар ҳаётининг бир қисми эди, лекин үлар Исонининг Раббийлигини эълон қиласаларда, Худо уларнинг иштиёқи эмас эди.

Мен бу жамоатнинг катта чўпони ва ёшлар чўпони билан учрашувларимдан сүнг, үларнинг иккиси ҳам жамоатдаги одамларда ўзларини акс эттирганини пайқадим. Хосея пайғамбар Китобидаги оят, ҳеч муболағасиз, мен учун жонланди: “Халқ билан нима бўлса руҳоний билан ҳам шу бўлади” (Хосея 4:9). Чўпонда иштиёқ бўлмаса, халқ ҳам лоқайд бўлади. Худо мақсадларга берилган ва ғайратга тўлган ёшлар чўпони орқали фаол ҳаракат қиласарди ва у бугунги кунда бошқа шаҳарда маҳсулдор ва шиддат билан хизмат қилмоқда.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ЖАМОАТДАГИ ЛОҚАЙДЛИКДАН ДОРИ

Исо Ўзининг Асиядаги жамоатларга мактубида, жамоатларда тез-тез учрайдиган, айнан мана шундай лаллайиш ҳақида гапирган. Унинг сўзларига қулоқ тутиңг:

“Мана, эшик олдида туриб тақиллатаяпман. Кимда-ким Менинг овозимни эшитиб эшикни очса, унинг олдига кираман. Шунда Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўрамиз” (Ваҳий 3:20).

Хизматкорлар бу мактубни кўпинча имонсизларни даъват этиш учун ишлатиши, мени лол қолдиради, бироқ Исо бу матнда бутунлай бошқа нарсалар ҳақида гапирмоқда. У Жамоатга гапирмоқда, У жўшқинлик етишмайдиган имонлиларга мурожаат этмоқда. Унинг сўзларига эътибор беринг: Кимда-ким возимни эшитсан...” Уни эшитишга бизга нима тўсиқ бўлиши мумкин? Тўйган жон Худони эшита олмайди. Худо Мусонинг диққати бошқа нарсаларга чалғимаслиги учун, уни Мисрнинг ўйин-кулги ва роҳатларидан йироқроқقا, чўлга юборди. Илк учрашувдаёқ, Худо Мусода Ўзига нисбатан қизиқиш уйғотди ва шундан сўнг Мусо қаерга бормасин – ҳатто, Мисрга қайтишга тўғри келганда ҳам, бирор марта Ундан чалғимади.

Исо, агар ким Унинг овозини эшитиб, ўз жонининг эшигини очса, У ўша жойга киришини ва бу инсон билан кечлик қилишини айтди. У бизнинг жонимизга “ҳаёт нони”ни беради – зеро Унинг Ўзи ҳаёт Нонидир. Муқаддас Китобнинг инглиз тилидаги бир таржимасида шундай деб ўқиймиз: “Менинг овозимни эшитиб, эшикни очсанг, Мен кираман ва сен билан, дўстлар каби биргаликда тамадди қиласман”. Менга бундай шарҳ ёқади, чунки ҳозирга қараганда, илгарилари, бошқа киши билан овқатланиш ижтимоий яқинликнинг энг юқори поғонасини билдирган. Мен сафарларда бўлганимда, анжуманнинг раҳнамоси ёки мени таклиф қилган жамоатнинг чўпони билан

## ҮЗ ЧАНҚОҚЛИГИНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ

лоақал бир марта биргаликда тушлик қилишни ёқтираман, зеро мана шундай сұхбатларда бизда бир-бirimiz билан яқындан танишиш имконияти туғилади. Тушлик атрофида, үзаро рұхий бойликларимиз билан алмашиниш содир бўлади, бошқа ҳолатларда бу имконсиз.

Мана, нима учун Павлус үзини имонлига солиб, лекин гуноҳда яшайдиган киши билан бирга овқатланмасликни айтган (1-Кор. 5:11 га қаранг).

Биз овқат атрофида юрагимизни очамиз ва инсон билан яқинлашамиз, борди-ю, бундай инсон Раббийга нисбатан очиқчасига итоатсизликда яшаб юрган бўлса, шунда рұхий алмашинув носоғлом бўлади.

### БИЗ НИМА БИЛАН ОЗИҚЛАНСАК, ШУНГА ЧАНҚОҚ БЎЛАМИЗ

Чанқоқлик – Худо билан яқинликка интиламиزمи ёки йўқлигини белгилайдиган муҳим шарт ҳисобланади. Шу боис, Худо эмас, балки биз үзимизнинг иштаҳамизни назорат қилишимиз зарур. Бу масала қуйидагида үз аксини топган: биз үзимизда қандай чанқоқликни ва қайси интилишларни ривожлантиришни истаймиз? Ҳеч қачон үзгартириб бўлмайдиган битта рұхий қоида бор.

Биз нима билан озиқлансанак, шу нарсага оч бўламиз.

Мен 1979-йил олийгоҳда ўқиб юрган пайтларим осмондан туғилганман. Бир куни кечки пайт, бирор нима еб олиш учун ошхонага кирдим ва шу заҳоти Раббий менга деди: “Сенинг танант – бу Менинг мабадим, қара, уни эҳтиёт қил!”

Ўша вақтларда мен асосан иссиқ овқатсиз озиқланардим ва бу менга жуда ёқарди. Соғлиғимга фойда келтирмайдиган егуликларни ейишимдан сабаб, улар менга ёқарди. Мен кўп лимонад ичар, ҳаддан ташқари кўп ширинликлар ер, экспресс емакхоналарга кириб, юмшоқ нон, ёғли нарсалар ва турли хил

## Худога яқынлашиш

хамирли маҳсулотлар ва бошқаларни ер эдим. Мен ҳар қандай носоғлом овқатларга берилгандим ва улар менинг иштаҳамни очарди. Мен учун энг мазали овқат – бу биг-мак, кока-кола ва картошка фри эди.

Худо менга буни айтганда, менинг танам Худонинг Рухи ва менинг рұхим яшайдиган қийин тизимдан иборат яшаш жойи эканини тушуниб етдим. Онгимга, агар менда қиммат машина бўлса, унга ҳеч қачон арzon ёқилғи қўймаслик ҳақидаги фикр келди. У иложи борича яхши ва узоқ вақт давомида ишлаши учун, мен энг яхши ёқилғидан фойдаланаман. Менда фақат битта тана борлиги, уни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмаслигини ўйладим, гарчи ҳатто, энг қимматбаҳо машинани ҳам тўғри келган пайти бошқасига аламаштириш мумкин.

Мен зудлик билан овқатларга бўлган майлларимни ўзгартирдим. Мен маҳсус адабиётлар ўқишини ва танам кўнгилдагидек фаолият юритиши, ундаги имкониятларнинг тараққиёти ва узоқ умр кўриш учун нималар талаб этилишини билиб олиш учун, саволлар беришни бошладим. Бунинг бари, бир лаҳзада содир бўлгани йўқ, аммо бир неча йиллар ўтиб, ейиш ва ичишга нисбатан бўлган одатларим, тубдан ўзгариб кетди.

Бу қойилмақом эди, лекин шу билан бирга, мен хаёлимга ҳам келтирмаган яна бир имтиёз бор эди. Мен эндиғина соғлом овқатланишни йўлга қўйганимда, унинг таъми менга ёқмасди, бироқ бу мен учун фойдали экани сабабли, барибир танаввул қиласадим. Аммо бироз вақт ўтиб, таъм сезиш тизимим ҳам ўзгарди. Агар олдинлари сабзавотдан тайёрланган салат ва балиқ билан, Макдональдснинг улкан бутербродини танлашни таклиф қилишса, мен бир лаҳза ҳам ўйлаб ўтирмай, бутербродга ёпишиб олиб, салат ва балиқдан воз кечган бўлардим. Бироқ бугун бундай таклифга жавобан соғлом овқатни танлайман ва ҳеч қандай пушаймонсиз носоғлом қуруқ егуликлардан воз кечаман. Очиги, кўпинча сафарларим чоғида, менга фақат енгил

## ҮЗ ЧАНҚОҚЛИГИНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ

тамаддидан бошқа нарсани таклиф қила олмасалар, аксарият ҳолларда мен үндан бош тортаман. Олдинлари жуда ёққан нарсаларни ейишдан кўра, оч ўтиришни пеш биламан. Ўша егуликни оғзимга олишга бутунлай иштаха ҳам, истак ҳам йўқ. Энди у менга умуман ёқмайди!

Бизнинг жонимизга нисбатан ҳам манашу қоида ишлайди. Жонимиз, биз уни боққан овқатимизни истайди. Борди-ю, биз доимий равишда спорт билан шуғуллансан, биз ойнаижаҳондан спорт каналларини томоша қиласиз. Фильмлар кўришни ва голливуд ғийбатларини эшишишни ёқтирангиз, кинофильмларни томоша қиласиз, журнallар сотиб оласиз ва сизнинг иштаҳангизни қондирадиган нарсаларни гапирасиз. Агарда биз доимий равишда тадбиркорлик дунёсида ва жорий воқеаларда аралашиб юрсан, худди шу нарсаларга интиламиш. Биз уй, машина, кийим ва шунга ўхшаш нарсалардан роҳатлансан, харидларимиз, янги машина ёки ўйимизни таъмирлаганимизни муҳокама қилишдан завқ-шавқ топамиш, руҳий мавзулар ҳақида гаплашиш эса бизга зерикарли туюлади. Муқаддас Китобни ўқиш бизга қийин бўлади ва катта ҳафсаласизлик билан ибодатга кирамиз. Агарда биз ўзимизни Худонинг Сўзига асосланган парҳезга ўргатсан, Худо билан мулоқот ва руҳий мавзуларда гаплашиш учун вақт ажратиш осон кечади, шунингдек буларнинг бари осон ва табиий амалга ошади. Биз Худога интиламиш ва У билан яқинликни истаймиз.

## НОСОҒЛОМ ТАРЗДА ЧЕГАРАДАН ЧИҚИШ

Бу одатлар носоғлом тарзда чегарадан чиқишга олиб келиши мумкин. Биз жисмоний танада яшамоқдамиш. Вақти-вақти билан биз дам олиш ва соғлом ўйин-кулгига муҳтоҷмиз. Мен Муқаддас Китобни ўрганиш мактабида ўқиганимда, ҳам ўқиб, ҳам ишлашимга тўғри келган. Бир куни хонадошим дўстлари билан футбол ўйинига мени таклиф қилди. Ёзувни ўрганишим

## Худога яқинлашиш

керақлиги учун унинг таклифини рад этдим. У кетгач, Ёзувни олиб, энди уни ўқийман ва ибодат қиласман деганимда, қаршимдаги эшиклар ёпиқлигини ҳис этдим. Мен Худони эшитмасдим. Ўқиган оятларим ҳеч қандай маънога эга эмас эди. Хонадошим кетганига бир соат ўтганди ва мен қичқириб юбордим: “Раббий, Муқаддас Китобни ўқиш ёки Сенинг овозингни эшлиши, нега менга бунча қийин бўлаяпти? Муаммо нимада? Балки мен Сенинг қаршингда бирор ножўя иш қилиб қўйгандирман?”

Худо бунга: “Бориб, футбол ўйнаб кел” – деб жавоб берганини эшитдим.

“Нима? Футбол ўйнаш? Футбол менга руҳан ўсиш учун ёрдам бермайди ва мени Сенга яқинлаштиrmайди! Сен қандай қилиб, менга бундай дейишинг мумкин?”

Раббий мени бир оята йўналтирди ва бу менинг кўз ўнгимда жонланди: “Кўп китоблар ёзишнинг охири бўлмайди ва кўп ўқиш танани чарчатади” (Воиз 12:12, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли). Худо шундай деди: “Ўғлим, сен жисмоний танада яшаяпсан (мия эса тананинг бир қисми) ва у турли хилдаги ҳордикقا муҳтож. Борди-ю, танангга дам бермайдиган бўлсанг, бу билан ўзингдаги Мени эшлиши ва ўсиш қобилиятини муҳосара қилиб қўясан”. Сўнг Исо одамларга хизмат қилиб бўлгач, Ўз шогирдларини “овлоқ жойларга бориб, бироз дам олишин” айтганини кўрсатди (Марк 6:31).

Мен футбол ўйнагани кетдим. Шундан сўнг, машғулотларимни давом эттиromoқчи бўлганимда, яна Худодаги ҳаётни ҳис этдим, Муқаддас Китоб орқали Муқаддас Рӯҳ билан мулоқот орқали бу ҳаёт менинг борлиғимга қўйилиб келарди.

## ЎТА БАНД

Бугун кўпчилик ўз жони ва танасининг эҳтиёжларини эътибордан четда қолдириб, бошқа турли хил машғулотларга

## ҮЗ ЧАНҚОҚЛИГИНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ

ҳаддан зиёд вақт ажратиб, хатога йўл қўядилар. Банд ҳаёт тарзи – Худога бўлган чанқоқлигимизни ўғирлайдиган энг катта ўғри ҳисобланади. Аксарият самимий имонлилар манашу пистирмага тушиб қолдилар ва Ҳудо билан мулоқотни банд масиҳий бўлиш ҳаёт тарзига айлантиридилар. Бунга бутун вақтни эгаллайдиган хизматчилик ишларини ҳам қўшиш мумкин.

Келинг, бу вазиятни ойдинлаштиришга ёрдам берадиган савол бериб кўрамиз. Нега биз жисмоний танамизни боқамиз? Сиз буни ўз танангизни куч ва қувват билан таъминлаш учун қилишингизни айтасиз деб умид қиласман. Озиқланмасдан ва овқатдан воз кечган ҳолда жиддий юкни ўзингизга оласизми? Агарда тажриба сифатида бир неча кун очлик эълон қилиб, қўшимча уйқу ва дам олишсиз узоқ вақт ишлашда давом этсак, нима содир бўлади?

Бу ҳақда бироз ўйлаб кўринг. Бир куни сиз шунчаки ҳолдан тойиб йиқиласиз. Бироқ биз енгилтаклиқ билан, руҳий танамизга ҳам худди шундай йўл тутамиз. Бу тажрибани жисмоний соҳада қўллаб бўлмаслиги, бироқ бу руҳий соҳада имконли эканининг битта сабаби бордек туюлади. Агарда биз бир-икки марта овқатланмасликка уринсак, ошқозонимиз шикоят қилишни бошлайди. Вақт ўтган сари шикоят янада баландроқ ва оғриқ янада кучлироқ бўлиб бораверади. Бутун танамиз зорланиб, овқат талаб қилишни бошлайди.

Аммо руҳимиз оч қолгани ҳақида бундай қичқира олмайди. Аксинча, ички инсонимизнинг овози секинроқ, секинроқ бўлиб бораверади. Сабаби, биз уни эшитмаслигимизда. Руҳимиз заифлашади, тана кучга тўлиб, руҳдан устун келишни бошлайди.

Биз узоқ вақт ҳеч нарса танаввул қилмасак, иштаҳани йўқотамиз. Беш кундан зиёд вақт овқатланмасангиз, жисмоний очлик сизга азоб бермай қўяди. Овқат ўз файзини йўқотади ва гўшт бўлаги ўзига жалб қилмай қўяди. Агарда инсоннинг ички захиралари тугаб, танасида аста-секинлик билан ўлиш жараёни

## Худога яқинлашиш

бошланса, иштаҳа йўқолади ва у бошқа пайдо бўлмайди.

Ишлар мени Раббий билан мулоқотдан чалғитишига рухсат берсам, мен билан ҳам худди шу нарса содир бўлади. Аввалига Ёзувга бўлган қизиқишимни ўлдиради, сўнг ибодат қилишга бўлган истагимни сўндиради. Фақат тўғри келиб қолганида Ёзувни ўқисам ва ибодат қилсан, мен бутун вужудим тўлдирадиган ҳаёт оқимини ҳис этмайман. Бу ҳолатда Худо Сўз билан доимий равишда озиқланган пайтдагидек гапирмайди.

Мен иштаҳам йўқолгунча жисмоний егуликсиз яшаган пайтларим бўлган, бундай ҳолда иштаҳамни тиклаш учун ўзимни мажбурлаб, бирор нарса еганман. Руҳий иштаҳа борасида ҳам, шундай қилса тўғри бўлади. Мен дангасалигим учун тавба қиласман, сўнг Худонинг овозини эшитишни сабрсизлик билан кутаман. Мен Ундан жавоб эшитмагунимча ўқийвераман. Одатда бунга кўп вақт кетмайди. Мен қунт билан кутсам, У содиқлигини кўрсатади.

Худо билан ёқимли мулоқотни тиклашнинг яна бир йўли, бир ёки икки кун У билан ёлғиз қолишидир, бу вақтни ўзимни тўлиқ тўйинган ҳис этмагунимча, Сўзни ўқиш ва ибодатга бағишлайман.

## СИЗНИНГ РУҲИЙ ҲАРОРАТ ЎЛЧАГИЧИНГИЗ

Ушбу интизомга ҳаммамиз риоя қилишимиз зарур. Имондан кетиш, эркак киши бошқа аёл билан юриши ёки ичкилик ва порнографияга кўнгил қўйишидан бошланмайди. Бу хотинига эътиборсизлик ёки фарзандлари билан вақт ўтказишни истамасликдан бошланмайди. Йўқ, имондан кетиш, Ёзувга ва Худонинг ишларига нисбатан бепарволикдан бошланади. Бу Худонинг ишлари эмас, балки бошқа нарсалар бизга ҳайрат ва ҳаяжон уйғотишни бошлаганда содир бўлади.

Худога нисбатан чанқоқлик – сизнинг руҳий ҳарорат

## ҮЗ ЧАНҚОҚЛИГИНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ

Үлчагичингиз. Ҳаммага таниш манзарани тасаввур этиб кўринг. Одам касалликка чалингандা, у билан биринчи ўринда нима содир бўлади? У иштаҳасини йўқотади. Инсоннинг ҳарорати кўтарилса, унга ҳеч нарса ёқмайди. Ўлим ёқасидаги беморларга қаранг. Улар вазнини йўқотадилар ва уларга озиқлантирувчи суюқликларни томиридан юборишга тўғри келади. Бемор кишининг иштаҳаси яхши бўлмайди ёки у бутунлай иштаҳасини йўқотади. Сиз, эҳтимол, шундай иборани эшитгандирсиз: “Бу одамнинг иштаҳаси соғлом”. Руҳий соҳада ҳам шундай дейишимиз мумкин – ахир, руҳий соғломликнинг белгиси ҳам Худонинг Сўзига интилиш ҳисобланади. Руҳий касалланишнинг белгиси Худонинг ишларига нисбатан иштаҳа йўқотишdir.

Мен шундай хизматчиларга дуч келганман, улар Худо ва Унинг ишларига боғлиқ нарсалардан қўра, ўзининг қурилиш лойиҳаси, янги машинаси, спорт жамоаси ва бошқалар ҳақида муҳокама қилишни ёқтирадилар. Уларга Раббий ҳақида ва юрагингдаги Унинг ваҳийлари тўғрисида айтганингда, улар буни худди сен шахобчага борганингни гапираётгандек қабул қилишади. Эндигина қуриб битирган, янги уйи ҳақида гап кетганида эса, уларнинг кўзлари ёниб кетади.

Бундай хизматчилар сажда вақтида кузатганман, улар қўлларини кўтариб, уларга қимматли Бўлганга диққатини қаратишни ўрнига, атрофига аланглайдилар, бошқалар билан гаплашадилар ёки хомаки ёзилган воизлигига қараб-қараб вақтни ўтказадилар. Аммо бу анча мураккаб мавзуга оид масала.

Бундай жамоатларда Худо йўқлигини сездим. Мен уларнинг жамоатида одамларни тавбага чорлаганимда ва Худога яқинлашишни таклиф қилганимда, Муқаддас Руҳ бизни тўлдиришни бошлайди ва одамлар бундан лол бўлишади. Улар Худодан қаерда узилиб қолганини эслашни бошлайдилар ёки бу айнан бизнинг хизматимиздаги инъом деб ҳисоблаб, бу саволни ўзларидан ҳайдайдилар. Айримлар эса йиғинда бундай

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

нарсалар содир бўлишига қаршилик ҳам қиладилар. Нима бўлганда ҳам, агар уларда зиғирча истак бўлса, Худонинг ҳузури улардаги Унга нисбатан аввалги ташналикни уйғотади.

Ишаъё шундай дейди: “У тутаётган зиғир пиликни ўчирмайди” (Ишаъё 42:3). Бу ибора тўғридан-тўғри, чироқдаги ёғ тугаб, олов сўнишни бошлаган ва ҳид чиқарадиган тарзда милтиллаб қолган пиликнинг ўчишини назарда тутадиган ибора ҳисобланади. Бундай ифодали тилда, бизга қандайдир заиф, митти, юпқа, нозик ва аҳамиятсиз нарса ҳақида гапиришади. Раббий тутаётган кўмирни ўчирмайди, балки уни қайта алангалатади. Ёдингизда бўлсин, биз тутаётган кўмир бўлакчаларига айланиб қолган тақдиримизда ҳам, У матонат билан оптимиздан боришда давом этади. Биз Унга бунда кўмаклашишимиз ва муносабат билдиришимиз нақадар яхши натижага олиб келади, негаки У инсонга ёпишиб олмайди.

Мен тез-тез бундай манзаранинг гувоҳи бўлиб турман. Раббий қариyb ўчиб бўлган кўплаб-кўплаб одамларда, қай тарзда янги алангани ёндирганини кўрганман. Менга одамлар, улардаги аланга қайта тикланиб, Худони излаш истаги туғилмагунича, нақадар кучли йиқилганини ўzlари тушунмагани ҳақида, жамоат ва анжуманларда доимий равишда сўзлаб берадилар. Улар соғлом юракнинг белгиси саналадиган иштаҳани йўқотиб қўйгани ва юрагини асраладиган ўшандада англайдилар.

## ҲАММА НАРСАДАН КЎРА КЎПРОҚ ЮРАГИНГНИ АСРА

Бизга шундай деб маслаҳат берилмоқда: “Асраладиган ҳамма нарсадан кўра кўпроқ юрагингни асра, чунки ҳаёт булоқлари ундандир” (Ҳик. 4:23). Юракдек асраладиган, ҳимоя қилишимиз ва эҳтиётлашимиз зарур бўлган бошқа нарса йўқ! Мен бу ҳақда мулоҳаза қилганимда, одамлар ўzlари

## ҮЗ ЧАНҚОҚЛИГИНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ

учун энг қиммат бўлган нарсасини қай тарзда асршини эслайман. Биз барчамиз расталарда синмайдиган ойналар ортида турадиган қимматбаҳо тошларни кўрганмиз. Расталар огоҳлантирувчи овозли қурилмалар билан қўриқланади, улар босим ва ҳароратдаги ҳар қандай ўзгаришга сезгирилик билдиради, хавф туғилганида ушоқчалик бўлган инфрақизил нур, ваҳима тугмасини чақириши мумкин, шунда эшиклар автоматик равишда ёпилади. Расталар лазер нурлари билан муҳофаза қилинади, улар кесиб ўтилганда, бир лаҳзага қолмай, қуролланган қўриқчилар етиб келадилар. Бу қимматли тошларни қўриқлов хизмати кечак-ю кундуз, доимий равишда ҳимоя қиласди. Шу сингари қимматли буюмларни қўриқлаш учун ўн минг долларлаб пуллар сарфланади.

Худо бизга, Ердаги энг қиммат хазина – бу бизнинг юрагимиз эканини уқтиromoқда. Шундай бўлишига қарамай, имонлилар юракларини нақафат фойда келтирмайдиган нарсалар билан, ҳатто жиддий зарар келтирадиган нарсалар билан ҳам тўлдирадилар. Баъзида дастурларни ёки янгиликларни қаторасига эшитамиз, у жойда очиқдан-очиқ бузуқлик ёки беҳаё гаплар бошланмагунича томоша қиласмиз ёки ўқишда давом этамиз. Биз Муқаддас Рӯҳнинг душмани саналадиган дунёning руҳини фарқига бормаймиз.

Ҳа, айтганча, бу борада дунёвий одамлар биз билан солиширганда, анча донороқ, зеро улар ўзлари учун қимматли ҳисоблайдиган нарсаларни қунт билан асрайдилар. Имонлилар эса бизнинг руҳий эҳтиёжларимизни қондирадиган ва босадиган Зотга нисбатан, чанқоқликни ўғирлайдиган ҳирс ва истаклардан юрагини асррамай, ҳаётда лоқайдлик билан шаҳдам қадамлар босиб кетаверадилар.

Раббий “ташнанинг жонини тўйдирди ва очнинг жонига эзгуликлар ёғдирди” (Сано 106:9). У бизни тўйдиришни истайди, бироқ жонимизни аллақачон, бошқа нарсалар билан

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

түлдирган бўлсак, Унинг эзгулиги бизни ўзига тортмайди. Келинг, юракларимизни ташна ҳолда сақлайлик ва Унинг чорловига енгилтаклик билан ёндошмайлик. Зоро Унга яқинлашишни бошлаганимизда, У ҳам бизга яқинлашишни ваъда берган!

### МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Ҳикматларларда (27:7) қўйидагича ёзилган: “Тўқ жон мумли асални ҳам оёқ ости қиласди, аммо оч жонга аччиқ нарса ҳам шириндир”. Ушбу оят устида фикр юритиб кўринг ва қайси ишлар ҳамда истаклар сиз учун энг жозибадор туюлади? Бу нарсалар, қай тарзда Худо билан мулоқотнинг мумли “асали”га интилишни бўғиб қўйиши мумкин?
2. Бу бобда муаллиф, иккита турли жамоатларда йигирма ёшдан ошган ва ундан кичик бўлган кишиларни кузатгани ҳақида бўлишди, у уларнинг Худога бўлган рашки ёки бефарқлигини баҳолади. Сиз эса ўз жамоатингизнинг ҳаётини кўздан кечиринг ва руҳий оиласигиздаги руҳий иштаҳани таърифлаб беринг – одамлар тўйган ҳолдами, ёки Худога нисбатан ташнами, ёки Унинг ишларига лоқайдими?
3. Ҳикматлар 4:23 да қўйидагича огоҳлантириш келтирилган: “Ҳамма нарсалардан кўра кўпроқ юрагингни асра”. Шу маънода, ўз юрагингизни сақлаш учун қандай қарорлар қабул қилишингиз мумкин? Сиз алмаштириш ёки бутунлай воз кечиш зарур бўлган “носоғлом” руҳий овқат билан озиқланмаяпсизми?

# УНИНГ ҲУЗУРИНИ АСТОЙДИЛ ИСТАШ



У айтадиган сўзларни фақат Унинг  
ҳузурида эшита оламиз.

Охирги йигирма йил мобайнида мен Антарктикандан ташқари, қолган барча қитъаларда бўлиб, жамоат ва анжуманларда Худо Сўзининг таълимотини воизлик қилдим. Мен халқаро хизматга бутун вақтимни бағишлишимдан аввал, етти йил давомида иккита жамоатда доимий хизматчи бўлиб ишлаш шарафига эга бўлдим. Шу вақт ичида жамоатдаги иккита муҳим гуруҳларни ўзим учун аниқ тарзда белгилаб олдим, Раббийнинг қайта келиши яқинлашгани сари, бу гуруҳларнинг дунё қарashi орасидаги жарлик кенгайиб бораётгандек. Биринчи гуруҳ – Худо улар учун амалга ошира оладиган нарсаларга эришиш иштиёқида Уни излайдилар. Иккинчи гуруҳ – Худонинг Ўзини излайдилар.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ИСРОИЛНИНГ ЯШИРИН НИЯТИ

Бу зиддиятни Мусо ва Истроил ўғилларининг мисолида кўришимиз мумкин. Келинг, ушбу муҳим масалани батафсил кўриб чиқамиз. Истроил ситамлардан қутулишни чин қалбидан истар ва Худони ўзининг Халоскори сифатида тан олиб, Унга фарёд қиласарди. Иброҳимнинг бу авлодини, ўзи истаган нарсага эга бўлиш учун Худони излайдиган одамлар гурӯҳига қиёслаш мумкин. Жамоатда ҳам, бу дунё мажбуран йўлиқтирадиган қуллик занжирлари ёқмайдиган одамлар бор. Шундай бўлса-да, улар ўзлари англамаган ҳолда, қулликда қолаверадилар. Улар Исони Раббий деб тан оладилар ва Ундан озодлик ва таъминотни кутадилар. Бироқ Истроил ўғиллари билан содир бўлганидек, уларнинг юрагидаги ҳолатни, уларнинг истаклари, ҳаракатлари, сўзлари ва беҳудаликка берилганидан билиб олиш мумкин.

Юзлаб йиллар мобайнида Истроил Худодан, уларни қулликдан озод қилишини ялиниб, фарёд қилди. Шунда Худо Мусога аён бўлди ва бунинг вақти келганини айтди. У Мусога Унинг сўзларини бажаришни топширди. Мусо фиръавннинг қаршисида туришдан аввал, Истроил оқсоқоллари билан учрашди ва уларга Худонинг халос этиши ҳақидаги ваъдани эслатди. Улар бу хушхабарни эшитиб, “ишондилар, Раббий Истроил ўғилларига ташриф буюрганини ва уларнинг азобларини кўрганини эшитдилар ҳамда Унга тиз чўкиб, сажда қилдилар” (Чиқиш 4:31).

Уларнинг йиғинларида ҳукм сурган ҳаяжонни тасаввур қилинг! Раҳнамолар бутун умр, келажақда Худо олиб келадиган озодлик ҳақида эшитганлар. Сут ва асал оқадиган эркинлик ери ҳақидаги умид ваъдаси, авлоддан-авлодга, оталари ва боболаридан ўтиб келган. Улар ҳалқ сардорлари қай тарзда, умиднинг амалга ошганини кўрмай, яшагани ва ўлганини гувоҳи бўлганлар. Навбатдаги авлод раҳнамолари ҳам – ваъданинг

## УНИНГ ҲҰЗУРИНИ АСТОЙДИЛ ИСТАШ

амалга ошишини күрадиларми ёки озодликка эришмай, ўтиб кетадиларми деган муаммога дуч келдилар.

Эндиликда, улар Худонинг ваколатини тасдиқловчи қўли бўлган, Мисрнинг яхши ўргатилган сардори, собиқ шахзоданинг қаршисида турар эдилар. Фиръавн сингари уларнинг устидан ҳукмронлик қилиши керак бўлган киши, ҳозирда уларнинг халоскорига айланган эди. Ёлғиз Худо бундай мўъжиза яратадарди! Уларнинг юраклари иззат-икром ва таажжубга тўлган эди! Улар бунга жавобан, Худони фақат улуғлар ва миннатдор юрак билан Унга сажда қиласдилар.

Мусо фиръавн билан учрашиш учун уларнинг ёнидан кетди. Аммо Худонинг озодлик ҳақидаги сўзлари Миср шоҳида заррача ҳам таассурот қолдирмади. У Мусо ва Иброҳимнинг авлодлари устидан мазах қилди, боз устига, қарийб бажариб бўлмайдиган даражадаги катта иш ҳажмини уларнинг елкасига ўнгарди. Шу жойда ҳаммаси жуда тезлик билан ўзгаришни бошлади. Ўша биз таърифлаган раҳнамолар Мусога сапчишни ва ўзларининг барча кулфатларида уни айблашни бошладилар. Улар сажда ҳақида үнитиб қўйишди, уларнинг юраклари Мусога нисбатан шу қадар бешафқат эдики, уни Худога солдилар (Чиқиш 5:21 га қаранг).

Бир мунча вақт ўтиб, Худо Ўз шафқати билан уларни барибир халос қилди, бу воқеага мўъжиза ва аломатлар ҳамроҳ бўлди. Нихоят фиръавн буйруқ чиқаргач, уларнинг Мусога бўлган муносабати янгича тарзда ўзгарди. Улар қувондилар ҳамда буюк шараф ва баракалар билан Мисрдан чиқди. Улар Мисрдан чиқишида бутун йўл давомида рақслар билан намойиш қилган озодлик муҳитини кўз олдингизга келтириб кўринг, гарчи уларга олтин ва кумуш мўл-кўл оқиб келди, шунингдек Песах қўзисини егач, шифо ва кучга эришдилар. Собиқ қуллар нафақат Худодан миннатдор эдилар, қолаверса Мусога бўлган ҳурмат ва иззат-икроми ҳар қачонгидан кўра баланд эди.

Улар Мисрдан чиққанларида, Мусо Худонинг бошқаруви

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

остида, халқни Қизил денгизнинг қирғоғыга бошлаб борди. Күринг-ки, улар қайрилиб қараганида, ортидан фиръавн құвлаб келаёттганини күрдилар. Яна халқнинг вазиятта бўлган муносабати ўзгарди. Улар аччиқ зорландилар ва қайтадан Мусога ташландилар: “Кейин Мусога дедилар: – Наҳотки Мисрда қабрлар бўлмаса? Нима учун сен бизни саҳрого ўлгани олиб келдинг?! Бизни Мисрдан олиб чиқиб, бизни нима қилдинг?! Мисрда эканлигимизда: “Бизни тинч қўй. Майли, мисрликларга хизмат қилиб юраверамиз. Чунки саҳрода ўлиб кетганимиздан кўра, мисрликларга қўл бўлганимиз яхши”, деб, сенга худди шуни айтмаганмидик?!” (Чиқиш 14:11, 12).

Мисрда ишлар чатоқ бўлиб қолгач, халқ Мусога уларни тинч қўйишини айтган эди, ҳозир ҳам ўз етакчисидан норози эди ва қайтадан арз қилишни бошладилар. Улар Мусо ва Аҳаронга қарши шикоят қиласапмиз деб ўйладилар, бироқ Мусо уларга деди: «Раббий сизларга кечқурун овқатга гўшт ва саҳарда нонни мўл қилиб берганида буни кўрасизлар, зеро Раббий сизларнинг Ундан нолиганингизни эшилди. Бизлар ким бўлибмиз? Сизлар биздан эмас, Раббийдан нолидингизлар» (Чиқиш 16:8). Уларнинг ўз истакларини қондириш истаги, Худонинг иродасини бажариш зарурлигидан устун келди. Уларнинг – биз қўл бўлганимиз яхшироқ эди – деган сўзларига эътибор беринг. Уларда Худонинг юрагидагиларни фаҳмлашга нисбатан ғайратга эга эмас эдилар, бироқ ўzlари учун қимматли бўлган нарсаларга кучли иштиёқманд эдилар.

Шунга қарамай, Худо Қора (Қизил) денгизни иккига бўлиб ва уларни қуруқ жойдан ўтказиб, уларга яна бир карра Ўз шафқатини намоён қилди. Сўнг Худо Исройлни тўрт юз йиллар ортиқ вақт давомида қийнаган ва ундан шафқатсизларча фойдаланган, Ер-юзидағи энг құдратли қўшинни денгизнинг кучли оқимли суви билан ювиб юборди. Энди уларнинг қувончининг чеки йўқ эди! Улар Раббийнинг қархисида шодланар ва рақсларга тушарди. Биз

## УНИНГ ҲУЗУРИНИ АСТОЙДИЛ ИСТАШ

шундай деб ўқиймиз: “Аҳароннинг синглиси, пайғамбар Марям чилдирмани қўлига олди ва ҳамма аёллар чилдирма чалиб ва рақсга тушиб унга эргашдилар” (Чиқиш 15:20). Саккиюзтадан бир миллионгача бўлган сонга эга аёлларни рақсга тушиб, чилдирма чалаётганини тасаввур эта оласизми? Мана буни сажда хизмати деб атаса бўлади! Улар бундай шодликни ҳеч қачон бошдан кечирмаган эдилар. Аммо бу қувонч ҳам узоққа чўзилмади ва уч кундан сўнг сув тугагач, уларнинг қувончи ҳам барҳам топди. Улар қайтадан баланд овозда зорландилар ва Худо яна уларнинг барча эҳтиёжларини қондириди.

Бир неча кун ўтди ва энди, овқат билан муаммо юзага келди. Одамлар инграшни ва оҳ-воҳ чекишни бошладилар: “Қанийди, бизлар Миср ерида гўшт солинган қозон бошида ўтирганимизда тўйганимизча нон еяётган вақтимизда Раббийнинг қўлидан ўлганимизда эди! Сизлар бутун жамоани очликдан ўлдириш учун бизни бу саҳрого олиб келдинглар” (Чиқиш 16:3).

Улар қандай хулқ-авторга эга бўлганини кўраяпсизми? Худо уларнинг истакларини қондириб турганда, улар ўзларини баҳтли сезар, лекин Худо уларнинг инжиқликлариға жавоб беришни бас қилганда, чуқур баҳтсизлик ҳиссига ғарқ бўларди. Қийин шароитларда уларнинг ҳаракатлари ва оғзидан чиқаётган сўзлари, уларнинг яширин ниятларини билдириб қўярди ва шу тарзда ўзларининг кимлигини бутунлай очиб берардилар. Улар шахсий хоҳишлиарини Худонинг юраги ва ҳузуридан устун қўярдилар.

## МУСОНИНГ СИРЛИ НИЯТЛАРИ

Худо буларнинг баридан безор бўлмагунича, бу давр қайта ва қайта такрорланарди. У Мусога деди:

“Сен ҳам, сен Мисрдан олиб чиқсан халқ ҳам бу жойдан кетиб, Мен Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга: «Сизларнинг

## Худога яқынлашиш

наслингизга бераман»,— деб қасам ичган ерга боринглар. Сенинг олдингдан фариштани юбориб, канъонликларни, аморийларни, хиттийларни, перизийларни, хивийларни ва ябусийларни ҳайдаб юбораман. У сизларни сут ва асал оқиб ётган ерга олиб киради. Зеро Менинг Ўзим сизларнинг орангизда бормайман, токи Мен сизларни йўлда қириб ташламайин, чунки сизлар ўжар халқсиз” (Чиқиш 33:1-3).

Худо Мусога, улар узоқ вақт кутган ваъда қилинган ерга олиб боришини ва улар бу ерга эгалик қилишлари учун ҳатто, уларнинг қаршисида душманларни қувиб юборадиган Ўз Фариштасини юборишини айтди. Бироқ Худонинг Ўзи (Унинг ҳузури) улар билан биргага бўлмайди!

Бахайр, Худо бу гапни Мусога айтди, борди-ю, бу таклиф Истроил ўғилларига тушганда эди, улар бажонидил уни қабул қилган, буни нишонлаган ва барча майда-чўйдасини йиғиб, йўлга отланган бўлардилар! Нега мен бундай деб ҳисоблайман? Ўзингиз ўйлаб кўринг, агарда чўлдан ўтадиган сафардаги шароитларнинг қийинлиги ёқмагани учун улар Фариштасиз ёки Худосиз Мисрга қайтишга тайёр бўлган экан, ваъда қилинган ерга ҳам ҳеч иккиланмай, Фаришта ёки Худосиз кетаверган бўлишига ишончим комил. Энди, Худонинг таклифига Мусо нима деб жавоб берганини тинглаймиз:

“Агар Сенинг Ўзинг бизлар билан бормайдиган бўлсанг, бизни бу ердан олиб чиқмагин” (Чиқиш 33:15).

Биз ўзимизга “бу ердан” деган иборанинг мазмунини эслатиб қўйишимиз зарур. Бу ер қийинчиликлар ва йўқчиликлардан иборат чўл эди. Бу рўшнолик ва ғам-қайғу жойи эди. У ерда танқислик ҳукм сурар, фақат қундалик эҳтиёжлар қондирилар, ҳатто бу ҳам одатда нотабиий равишда содир бўларди. У ерда боғлар, табиий сув ҳавзалари ва хавфсизлик бўлмаган. У ерда

## УНИНГ ҲҰЗУРИНИ АСТОЙДИЛ ИСТАШ

үйлар, дарёлар, узумзор, далалар ёки ҳосилидан ейиш мүмкін бўлган мевали дараҳтлар йўқ эди. Бирор нарса харид қилиш, дам олиш ёки ўйнаб-кулиш имконсиз эди. Бу поёнсиз ва сувсиз жой эди, холос. У ерда бирорта кўркам нарсанинг ўзи мавжуд эмасди, шундай бўлишига қарамай, Мусо деди: “Яхиси, мен Сенинг ҳұзурингиз мўл-кўл ва кўркам ерга боргандан кўра, манашу зерикарли ва чорасиз ерда Сенинг ҳұзурингда қоламан!”

Унинг юраги нима ҳақида ҳўнграрди? Худонинг ҳұзури ҳақида! У ваъда қилинган дуо-баракалардан кўра Раббийнинг Ўзини кўпроқ истарди. У Худога яқин бўлишга интилар ва ўз Яратувчисини, Худо унга инъом этиши мүмкін бўлган барча бойликлардан кўра кўпроқ қадрларди. Мусо шу томонлама Исроил ўғилларидан ажралиб турарди. Улар Худони, У бериши мүмкін бўлган нарсаларни қўлга киритишни истаган ҳолда, Уни изларди. Мусо эса Худога яқин бўлиш хоҳиши билан Уни изларди! Айнан мана шундай сифатга кўра, барча имонлиларни иккита тоифага бўлиш мүмкін. Бундай тоифалаш, сиз қайси йўналишдаги жамоатга мансуб эканингизга боғлиқ эмас.

Худони шахсий муҳофазаси, таъминоти ва амали йўлидан бошқа нарса учун излаш мүмкинлигини билмайдиган одамлар ҳам бор. Улар Худони таниб-билиш ва Унга яқинлашиш имкони борлигини билишмайди. Бундай ёндашиш ҳисоб-китоб асосида турмуш қуришдан фарқ қиласдими? Режа бўйича турмушга чиқадиган аёл, бўлажак эрининг фазилатларига қараб эмас, ундан бирор нарса ундириш ниятида бўлади. Бундай ҳолатда уларнинг иккиси ҳам бой беради, чунончи ният бузуқ бўлган вазиятда, яқинлик юзага келмайди.

## МУКОФОТ

Мен дунёдаги энг мафтункор жойларни, ҳашаматли үйлар ва қасрларни кўрганман, бироқ улар ҳечам мени ўзига жалб қилмайди, негаки улар Худонинг ҳұзуридан маҳрум. Шунингдек,

## Худога яқинлашиш

мен кўзга кўримсиз жойларда, жумладан, қамоқхона, учинчи дунё давлатларидағи чолдеворлар, қашшоқ ва қаровсиз одамлар яшайдиган үйларда ҳам бўлганман, бу жойлар эса Худонинг ҳузури билан тўлган эди. Чинини айтадиган бўлсан, мен Худонинг ҳузуридан маҳрум бўлган, шу билан бирга хазиналарга тўла, бой данғиллама ҳовлидан кўра, шароити оғир бўлса ҳам, Худонинг Рухи бор жойда яшашни афзал кўраман. Мен Дэвис кубогида ёшлар ўйинлари дастуридаги, юниор ўйинларида, талабалар Миллий спорт уюшмаси доирасида теннис ўйнашга ва ўз штатимда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлганман. Қолаверса, мен илмий мукофотларни қўлга киритганман ва ижтимоий ўринга, иш жойимдаги ҳамкасларим, етакчиларим ва бошлиқларим орасида обрўга эга бўлганман. Санаб ўтгандаримнинг барчасини кўплар нафақат орзу қиласидар, шунингдек, бунга жон-жаҳди билан интиладилар. Аслида эса, барча шухрат ва завқ-шавқни бирлаштирганда ҳам, бу Худонинг ҳузурида ўтган ярим дақиқага яқин ҳам турмайди. Ҳатто, буларни таққослашни ўзи имконсиз! Ёзув Мусо ҳақида нима деганини тингланг:

“Имон билан Мусо вояга етганида, фиръавн қизининг ўғли деб аталишдан воз кечиб, гуноҳнинг вақтинчалик лаззатидан кўра Худонинг ҳалқи билан азоб чекишни афзал кўрди ва Мисрнинг хазиналаридан кўра Масиҳнинг ҳақоратини буюкроқ бойлик деб ҳисоблади, чунки у мукофотга қарап эди. Имон билан у подшоҳнинг ғазабидан қўрқмасдан, Мисрни тарк этди, чунки кўринмас Худони кўриб тургандай, мустаҳкам эди” (Ибр. 11:24-27).

Эътибор беринг, кўп нарсадан маҳрум бўлиб, азоб чекишни афзал кўрди. Унинг ҳолати, Исроил ўғилларининг ҳолатидан фарқ қиласиди. Исроилликларнинг бошқа чораси йўқ эди.

## УНИНГ ҲҰЗУРИНИ АСТОЙДИЛ ИСТАШ

Шундай бўлса-да, улар қулликдан халос бўлгач, доимий равишда зорланар ва шикоят қиласарди, Мусо эса дунё хасад билан қарайдиган ўрнидан воз кечиб, уни қайтариб олишни истамади. У бу дунёда эга бўлганларини, ўз хоҳиши билан қолдирди, у инсон эришиши мумкин бўлган энг юқори мансабни ташлаб кетди. Нега? У бошқа турдаги мукофотга эга бўлишни истади. У ёниб битмаётган бута ёнидаги биргина учрашувдан сўнг, ёлғиз бир нарсани – ҳамма нарсада Худони таниб-билишни истарди.

Мен анжуман ва жамоатларда минглаб одамларга воизлик қилганман. Ойнаижаҳон дастурлари ва китоблар орқали эса миллионлаб одамларга хизматда бўлганман. Худо бизни қандай йўллар билан дуо қилганининг ҳисоби йўқ. Борди-ю, мен танлашга мажбур бўлсам, ишқилиб Худонинг ҳузурида қолиш учун, ҳеч шубҳасиз муваффақиятдан воз кечаман. Уни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Унинг яқинлигини ҳис этиш ва шу пайтгacha номаълум бўлган нарсаларни юрагимга шивирлашини эшитиш – улкан оломонга воизлик қилиш ёки миллионлаб нусхада китоблар чиқаришдан кўра, ажойиброқ кечинма.

Муваффақиятда роҳат топаман деб ўйлаб, унинг изидан қувадиган хизматчиларни кўрганимда, юрагим эзилиб кетади. Улар одамларнинг кўзида муваффақиятга эришишни мақсад қилиб қўйганлар. Мен хизматда иқболга эришишга тиришадиган ва бу орқали ҳурмат, ўринга эга бўлишни истайдиган одамлар, хафсаласи пир бўлган, баъзида ҳатто, зулмат кучлари томонидан қўйилган тўрларга тушиб қолганини кузатганман. Улар баҳайбат хизматни йўлга қўйган ва ҳатто, бу нақадар пуч нарса эканини англашга улгурмай, улар қурғанларининг бари, уларнинг шахсий ахлоқсизлиги ёки ҳирси туфайли барҳам топган воқеаларни биламан.

Бошқалардек, омадга эришишга улгурмай, мана шундай фожиали нотада хизмати тугаган одамларни эса янада кўпроқ қурғанман. Улар умидсизликда юрадилар, негаки уларнинг

## Худога яқинлашиш

жамоатидаги одамларнинг сони икки юзта ёки беш юзта, мингта ёки беш мингтадан ошмас эди, яъни улар кўпаймас эди. Уларнинг китоблари ҳеч қачон, ўзлари мақсад қилиб қўйган нусхада сотилмас эди, уларни ўзлари чиқмоқчи бўлган, “йирик” анжуманлар саҳналарига таклиф этмасдилар. Улар топиш имконсиз бўлган жойдан қаноат излардилар. Муваффақиятнинг ортидан қувадиган хизматчилар, савдо-сотиқ дунёсида гилардан, номга эришишга ва омаднинг чўққисига чиқишига интиладиганлардан, ҳечам фарқ қилмайди. Бундай имонлилар, улар нима мақсадда яратилганини үнүтиб қўйганлар.

Бунга қарама-қарши тарзда, йирик иқболга эришган, улкан хизматга эга одамларни учратганман, бироқ уларнинг юраклари Худога янада кучлироқ интиларди. Улар Худога маъқул бўлиш учун, ўзлари эга бўлган нарсаларнинг барчасидан бажонидил хайрлашиши, бошқа хизматни бошини тутиши ёки бошқа ҳар қандай иш билан шуғулланишини айтгандар. Аксарият ҳолларда, улар ҳозирда эгаллаб турган ўринга ўз кучлари билан эришмаганлар. Бу мансабга уларни Худонинг Ўзи тайинлаганини таъкидлайдилар, улар атиги биргина нарсани – Унга маъқул бўлишни исташларини айтадилар. Мен бундай одамлар билан суҳбатда ва уларнинг ҳатти-ҳаракатларида, юраклари нақадар Худога мурожаат этишининг гувоҳи бўлганман. Мен бундай кишиларни улуғвор муваффақиятга эришганига қарамай, ўзини камбағал ва қашшоқ инсон деб атаган Довуд билан қиёслайман.

Шунингдек, мен нисбатан катта бўлмаган хизматда бўлиб, улар ўзларининг даъватини амалга ошираётганини тушунгани сабабли, хотиржамлик ва баракада яшаётган одамларни ҳам учратдим. Уларнинг хизматининг натижаси, жамоатидаги одамларнинг сони ёки одамнинг ташқи белгилари билан эмас, аксинча Худони яқиндан таниб-билиши ва Унинг яқъол кўриниб турган ҳузурида юриши билан белгиланади. Ҳар биримиз шундай яшашимиз зарур. Биз ҳаммамиз Худо учун

## УНИНГ ҲҰЗУРИНИ АСТОЙДИЛ ИСТАШ

яратилғанмиз ва бирортамиз, ҳеч қачон Уни таниб-билишсиз ва Унинг ҳұзуридан ташқаридаги ҳаётда чинакам қониқиши топа олмаймиз. Айнан мана шунда ҳаққоний хотиржамлик ва қаноат топамиз.

### ХУДОНИНГ ҲҰЗУРИДАГИ ИККИ ЖИХАТ

Шу жойда, Ёзув Худонинг ҳұзурига қандай таъриф беришини билиб олишимиз зарур. Авваломбор, бу Унинг ҳамма жойда мавжудлигини билдиради. Довуд худди шу нарса ҳақида ёзган: “Сенинг Рұхингдан қаерга бораман, Сенинг юзингдан қаерга қочаман”(Сано 138:7). Худонинг ҳамма жойда мавжудлиги, У бир вақтнинг үзида ҳамма жойда эканини билдиради. Довуд давом этиб, дейди: “Осмонга чиқсам – Сен үша ердасан, ер остига түшсам, у ерда ҳам Сен борсан. “Балки мени зулмат қоллар ва менинг атрофимдаги ёруғлик тұнга айланар” – десам, зулмат ҳам Сендан тұса олмайди. Тун ҳам күндүздек ёруғидір; қоронғилик ҳам, ёруғлик ҳам бирдек” (Сано 138:8, 11, 12). Беихтиёр, Худо бизни ҳеч қачон тарк этмасликни ваъда бергани ёдға тушади (Ибронийларга 13:5 га қаранг). Биз Унинг ҳұзурини ҳис этмасак-да, бу У доимий равишда биз билан биргалигини бекор эта олмайди. Шунчаки, биз буни сезмаймиз, холос.

Худо ҳұзурининг иккинчи жиҳати, бу унинг яққол күринишидір. Яққол сүзи, күринмайдыған, эшитилмайдыған ва номаълум нарсанинг күринадыған, эшитиладыған ва маълум бўладыған тарзда ўзгаришидір. Мусо Раббийнинг ҳұзурини яққол кўришга муштоқ эди. Худди шу тарзда, Раббий Ўзини нафақат бизнинг рұхимизга намоён қиласи. Бундай ҳолатларда Унинг ҳұзурини бизнинг онгимиз ва ҳисларимиз ҳам англашни бошлияди. Айнан шу тарзда онгимиз Үндан билимларга эга бўлади. Худо ҳұзурининг манашу жиҳати ҳақида Исо қўйидаги оятда айтган:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

“Ким Менинг амрларимга эга бўлиб уларга риоя қилса,  
ўша одам Мени севади. Мени севганни эса Отам севади,  
Мен ҳам уни севаман ва унга Ўзимни намоён қиласман”  
(Юҳанно 14:21).

Саночи бу ҳақда шундай деб таъкидлаган: “Бурғунинг тантана овозини биладиган халқ баҳтилдири. Ё, Раббий, улар Сенинг юзингнинг нурида юрадилар” (Сано 88:16). Петрус Эллигинчи кунда Худога чанқоқларга қаратса, шундай деган: “Шунинг учун гуноҳларингиз ўчириб ташланиши учун тавба қилинглар ва Худога ўгирилинглар, токи Худонинг ҳузуридан сизларга ором вақтлари келсин ҳамда Худо аввалдан тайинлаган Исо Масихни олдингизга юборсин” (Ҳав. 3:19, 20, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Худо Ўз ҳузурини турли йўллар билан намоён қила олади. Ёзувда айрим одамлар Уни кўрган, бошқалари Уни кўрмаган, фақат эшигтан, учинчилари Унинг ҳузурини ҳис этганлар ва У берган ваҳий орқали, олдин билмаганлари ҳақида, бирлаҳзада билимга эга бўлишган. Битта нарса равшан – У келганида, сиз буни аниқ биласиз, бор вужудингиз билан ҳис этасиз ва У ҳозир шу ерда эканига амин бўласиз.

## РАББИЙНИНГ ЎЗИНИ ИЗЛАШ КЕРАКМИ ЁКИ УНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИНИМИ?

Мен Худонинг ҳузурини жон-жаҳди билан истагани учун, бу борада адашиб юрган одамларни кўрганман. Бундайлар Раббийнинг шахсиятини эмас, кўпроқ Унинг намоён бўлишини излайдилар. Худо Илёснинг ёнидан ўтди ва Унинг ҳузури улуғвор аломатларда намоён бўлди. Аввал кучли ва қаттиқ шамол эсади, бироқ Раббий шамолда эмасди. Сўнг зилзила бошланди, Ёзувда Раббий зилзилада ҳам эмаслиги аниқ айтилган. Зилзиладан кейин, олов келди, аммо Раббий оловда эмасди. Оловдан сўнг

## УНИНГ ҲҰЗУРИНИ АСТОЙДИЛ ИСТАШ

сокин шаббада эсди ва фақат шунда, Илөс Худонинг ҳұзурида әканини түшунди.

Худонинг намоён бўлишини излайдиган, шу орқали Унинг Ўзини топаман деб ўйладиган одамларни биламан. Лекин улар буни, Раббийни бутун юраги билан қидириш натижасида, Унинг яқъол ҳұзурини бошдан кечириш учун қилмайдилар. Мен кўпинча Худо томонидан илҳомланган ва фош этадиган воизлиқдан сўнг, одамларни Худо билан учрашиш учун олдинга чақираман. Айрим одамлар бошқаларни ўзига жалб қилиш ёки уларни чалғитиш мақсадида, йиғиндаги муҳитни бузадиган тарзда ибодат қиладиган пайтлар ҳам бўлади. Бундайларнинг баъзилари кулаверадилар, бошқалари қалтираш ёки турли ишоралар билан қандайдир ҳаракатларни ўйлаб топадилар. Шунга ўхшаш ҳатти-ҳаракатларнинг сабаби, улар қачонлардир Худони ва Унинг ҳұзурини излаганида, бу уларни кулишга, қалтирашга ёки йиғлашга унданған, энди эса, улар Худо мана шундай нарсаларнинг намоён бўлишида Ўз ҳұзурини кўрсатади деб, нодонларча, умид қилишини билдиради, бироқ бу содир бўлмайди. Кўпинча мен шундай кишиларни тўхтатаман ва бошқа бундай қилмасликни, балки шунчаки тинчланиб, юрагини Исонинг Ўзини излашга қаратишини сўрайман. Борди-ю, тинчлангандан кейин ҳам, қандайдир нарсалар содир бўлса, бу ажойиб! Биз Худони қандайдир нарсалар содир бўлиши орқали изламаслигимиз жоиз. Биз Раббийнинг Ўзини излаймиз!

Бир дафъа, Осиёдаги хизматда, катта оломон тавба қилиш даъватни қабул қилган бир учрашувни эслайман. Жамоатнинг олдки қисмида, чиқишини истаган кишиларнинг ҳаммасини сиғдириш учун жой қолмади. Тавба қилишни хоҳловчиларнинг сони бир талаилиги учун, улар ўз жойларида турган ҳолда ибодат қилиши ва Раббийни қидиришини айтдим. Ибодатдан сўнг, турган жойида, Раббийга мурожаат этишга чорладим. Худонинг ҳұзури ҳайратли тарзда бутун йиғинни қамраб олди.

## Худога яқинлашиш

Йиғин устидан Раббий одамларга Ўзини намоён қилиб, ҳукм сурاءтганини кузатиш қувончли эди. Мен буни тез-тез бошдан кечирғанман, аммо бу мен учун ҳануз одатий ҳолга айланиб қолгани йўқ ёки мен бунга ўрганиб қолмаганман. Бундай лаҳзаларда, сиз Уни ёнингизда турган кишидан кўра ортиқроқ даражада ҳис этасиз. Ўшанда Унинг ҳузури йиғинни қамраб олганида, кимдир баланд овозда ҳахолашни бошлади ва шу заҳоти кайфиятим тушиб кетди. Мен ўзимнинг ҳолатимни тушундим – Раббий кела-келмас, аллақачон кетган эди, одамлар эса худди У бизнинг орамиздадек, қаҳқаҳа отишни ва овозларини баландлатишни давом эттиради.

Мен уларни тўхтатдим ва уларга танбеҳ бердим, негаки улар бир неча ой илгари уларнинг давлатига бир хушхабарчи келганида, Худонинг ҳузурида содир бўлғанларни, ҳозир ҳам шунчаки такрорлаётганини тушундим. Ўша хушхабарчининг хизматида “муқаддас кулгу” деб аталадиган кучли ҳаракат кузатилган. Худо одамларни тўлдирганда, ҳақиқатдан ҳам уларда шодлик кулгуси юзага келишига ишонаман. Очифи, мен буни ўзим ҳам бошдан кечирғанман, шунингдек бизнинг йиғинларимизда ҳам бундай ҳаракатнинг гувоҳи бўлғанман. Бир марта Индонезияда, Муқаддас Рӯҳ бутун йиғинни шодлик билан қўршаб олди ва икки соат мобайннида, мен таржимоним билан, залдаги ичак-узди қаҳқаҳани кузатдик, одамлар ҳеч муболағасиз, полга юмалаб қуларди. Ҳаммаси, бешта аёл йиғлашидан бошланди, сўнг бу йиғи бошқаларга юқадиган кулгуга айланди ва келганларнинг ҳаммасига тарқалиб кетди. Бу кишилар, шу кунгача, бирор марта бундай нарсани бошдан кечирмаган эдилар. Улар чиндан ҳам Худони излаган эдилар!

Лекин бу сафар ҳаммаси бошқача кечди. Одамларнинг диққати Худонинг Ўзига эмас, Унинг ташқи намоён бўлишига тақалиб қолган эди. Улар, агар одамлар кулмасалар, Худонинг ҳузури йўқ деган фикрга келган эдилар. Мен кўп марта

## УНИНГ ҲҰЗУРИНИ АСТОЙДИЛ ИСТАШ

Худонинг ҳұзурида бўлганман, Уни яққол ҳамда кучли тарзда ҳис этганман, аммо шу билан бирга, кўринарли нарсалар содир бўлмаган. Унинг ҳұзурида, менда тийиб бўлмас фарёд кўтарилиган, бироқ бу Худони излаганим ва Унинг ҳұзури мени қоплагани натижаси эканини тушунардим.

Сизларга равшан бўлиши учун, бир мисол келтираман. Тасаввур қилинг, сиз шим кийганингиздан сўнг, шимнинг ҳамёнига қўлингизни солиб, у ердан юз долларлик қофоз пулни топиб оласиз. Мен шимни кия туриб, ундан пул топаман деб ўйламаган эдим ва уни бехосдан топдим. Мен бор-йўғи кийим киймоқчи эдим, кийиниб бўлгач, кутилмаган совғага дуч келдим. Биз қандайdir ҳаракатларни эмас, аксинча Раббийни шахс сифатида қидирамиз, Унинг ҳұзури билан келадиган барча ҳодисалар эса, бу кутилмаган ва ёқимли совға ҳисобланади. Мен ўша ерда йиғилганларга ўз ҳукмимни чиқарганимдан сўнг, улар Худонинг ҳұзурига киришни истаётганларини тушунишимни айтдим ва Худони ўзларининг илгариги тажрибасига алиштирмаслиги ҳақида ҳам огоҳлантирудим.

Манашу огоҳлантиришдан сўнг, Худонинг ҳұзури йиғинга яна қайтиб келди ва бизда муқаддас эҳтиромни уйғотди. Бу сафар эса кўплар йиғладилар, лекин кулмадилар ва энг мұхими, Раббийни излаганларнинг барчаси, У уларни тўлдирганини ҳис этди. Улар йиғлаган ёки йиғламаганидан қатъий назар, Унинг ҳайратли ҳұзурига кира олдилар.

## ХУДОНИНГ ҲҰЗУРИДАГИ КЎРИНАДИГАН НАРСАЛАР БИЗНИ ТЎЙДИРМАЙДИ

Ёдингиздами, Исроил ўғиллари маннадан ҳеч тўймас эдилар. Худо уларга чўлда манна берганининг сабаби, улар бошқа нарсага – Унинг ҳұзурига қаттиқ мұхтоҗлигини кўрсатиш учун эди. Мусо деди:

## Худога яқынлашиш

“Раббий Худойинг сени бўйсундириш учун, сени синаш учун ва юрагингда нима борлигини: Унинг амрларига риоя қиласанми ёки йўқми билиш учун сени саҳрода олиб ўтган бор йўлни ёдда сақлагин. У сени бўйсундирап эди, очликдан тинкангни қуритар эди ва сен ҳам, сенинг оталаринг ҳам билмаган манна билан сени боқар эди, токи сенга инсон фақат нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқадиган ҳар бир сўз билан тирик эканлигини кўрсатсан” (Қон. тақ. 8:2, 3, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Келинг, чиқиш сўзини диққат билан ўрганамиз. Мусо Худонинг оғзидан сўзлар чиқди деб айтмаган. У бу давом этаётган жараён эканини ва у ўтмишда якунланмаганини назарда тутган. Сиз Унинг ҳузурида бўлганингизда, айтилган Сўзни эшитиш мумкин! Илёс Худонинг ҳузурида, тасодифан шунчаки унинг ёнидан ўтиб кетаётганида пайдо бўлгани йўқ. Илёс Худо унга гапиришдан аввал, намоён бўлган Худони кутган эди. Осиёда Худонинг ўтмишдаги намоён бўлишини кузатган одамлар, аввал ташқи ҳодисаларга эътибор беришган. Натижада, Худо йиғиндан кетиб қолди. Бу одамлар Худо бўлмаган жойда, Уни топамиз деб, Худосиз қолган бир пайтда, У бошқа янги нарсалар яратиш учун кетган эди.

Манна ҳеч қачон Исройл ўғилларини қондира олмас эди. Худди шундай, ҳеч қандай ташқи ҳодисалар бизнинг энг кучли иштиёқларимизни қондира олмайди, зеро ташқи ҳодисалар асосий мақсад бўла олмайди. Агарда биз уларни излашда давом этсак, бизга чинакам қониқиш олиб кела олмайдиган нарсалардан йироқлашиб, У билан яқинликни излашни истамас эканмиз, биз янада кучлироқ тарзда умидсизликка йўлиқамиз.

## АҚЛ ДАРАЖАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР БИЛАН ҚОНИҚИШ

Имонлилар Раббийнинг Ўзидан кўра, Унинг ҳұзуридаги ташқи күренишларни устун қўйган вазиятларда, Худони излаш қайғули оқибатларга олиб келади. Бундай муносабатлар одамларни Худонинг ҳаққоний ҳұзуридан чалғитади. Худони излайдиган кишиларнинг ҳамоҳангмаслиги ва ғалати ҳатти-ҳаракатларидан ихлоси қайтган имонлилар, эҳтиёткор бўлиб қолади ва Раббий билан ақл даражасидаги муносабатлар билан кифояланишади. Бу фожиали вазият, негаки биз бундан кўпроғи учун яратилгандикиз. А. У. Тозернинг ёзишича, охирги пайтларда имон билан оқланиш таълимотини:

... кўплар, бу аслида одамларга Худони таниб-билишга тўсиқ бўладиган тарзда талқин қиласидар. Барча илоҳий муносабатлар жараёни, оддий расмиятчилик ва руҳийликдан йироқдаги ҳаракатларга айланиб қолди... Инсон “нажот топади”, бироқ Худога нисбатан чанқоқликка эга эмас. Моҳиятан, уни ками билан қаноатланишга, атайлаб ундейдилар ва бундан мамнун бўлишни ўргатадилар (*The Pursuit of God*, pp. 12, 13).

Худо билан онг даражасидаги муносабатларни расмийлик ва танавийлик деб аташ мумкин. Биз У билан чинакам яқинликка эга бўлиш учун яратилгандикиз, назария учун эмас, ахир. У билан мулоқотни тўлиқликда ҳис этмас эканмиз, ҳеч қачон қаноатга эга бўлмаймиз. Исо бизни Худонинг ҳұзуридан ажратиб турадиган пардани даф қилди. Айнан, шунинг учун саночи қуйидагича эълон қилмоқда:

“Ё, Қўшинлар Худованди, Сенинг чодиринг нақадар дилтортар. Раббийнинг ҳовлисини истаб, менинг жоним йұртанди. Менинг юрагим ва менинг танам тирик Худога

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

талпинади. Ё, Құшинлар Худованди, менинг Подшоҳим ва Худойим. Сенинг құрбонгоҳларинг қошида құшча ўзига құним ва қалдирғоч ўз болаларини қүйиш учун үя топади. Сенинг үйингда яшовчилар бахтилер, омадли ва ҳавасга лойикдерлар)! Улар Сени тұхтосиз улуғлайдилар. Селаң!” (Сано 83:1-5).

Саночи, құш ҳам, қалдирғоч ҳам Раббийда құним топадилар демоқда, ўзини эса үйсиз ҳисоблаяпти, чунки үнинг юраги Раббийнинг үйини тусаб, ўртанмоқда. Саночи ү учун әнг ёқимли құрғон – бу Худонинг ҳұзуридаги жойлигини таъкидлаяпти. Үнинг ушбу сўзларига эътибор беринг: Сенинг үйингда яшовчилар бахтилер, омадли ва ҳавасга лойикдерлар)! Бундай кишилар Үнинг яққол ҳұзурига чанқоқ бўладилар. Биз Үнга қанча кўп яқинлашсак, бу чанқоқлик янада ошиб бораверади ва Үнинг ҳұзури бизга янада каттароқ таассурот қолдиради.

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Бу бобнинг бошида шундай деб ёзилган: “Мен бу вақт ичида, жамоатда иккита груп борлигини аниқладам... Биринчи груп – бу Худо үлар учун амалга ошира оладиган нарсаларни қўлга киритишга интилиб, Худони излайдиган кишилар. Иккинчиси эса – бу Худони шахс сифатида қидирадиганлар. Ўзингизга самимий жавоб беринг ва сиз қайси групдан эканингизни айтинг.
2. Истроилликлар Мисрдан халос бўлгач, ўша куннинг ўзида Худони шарафладилар ва Үнга таъминот учун миннатдорчиллик билдирилдилар, эртаси куни эса, ўз истаклари қондирилмагани учун зорланишни ва шикоят қилишни бошладилар. “Чўлдаги сафар”ларингизда, ўз

## УНИНГ ҲҰЗУРИНИ АСТОЙДИЛ ИСТАШ

ұатти- ҳаракатларингизга қараб, истроилликларни кига үхшаш, қандай томонларингизни айта оласиз?

3. Ушбу китобни ўқишингиздан сабаб, эҳтимол, сиз бугун “чўлдан” ўтаётгандирсиз. Бундай ҳолда, шамол, зилзила ва олов каби табиат ҳодисалари билан дуч келган Илёснинг тажрибасидан ўзингиз учун нималар олдингиз?



# ПАРДА ОРТИДА



Худонинг ҳузури бизни ердаги ҳар қандай  
халқлардан шухратлироқ қилади.

**Х**удонинг ҳузури доим Унинг Кимлиги ҳақида кўпроқ очиқлик келтиради ва ҳар бир учрашувда, биз бетакрор ва мангу тарзда ўзгариб борамиз. Муқаддас Китобни ўқиб, Худонинг йўлларини англаб, Унга яқинлашишга интилиб ва Унинг ҳузурида яшаган одамларни кўрамиз.

## АЖРАЛИБ ТУРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ

Ўтган бобда, Худо Мусо орқали исроилликларга, йўлларини Раббийсиз, ёлғиз ўзлари давом эттиришини буюрганининг гувоҳи бўлдик. Раббий халқقا берган ваъдасини устидан чиқиш

## Худога яқынлашиш

ниятида бўлса-да, аммо буни халқни Ўз ҳузуридан маҳрум қилган ҳолда амалга оширишни истади. Бунга жавобан Мусо шу заҳоти деди: “Агар Сенинг Ўзинг бизлар билан бормайдиган бўлсанг, бизни бу ердан олиб чиқмагин” (Чиқиш 33:15). Мусо биринчи бўлиб, бизга Худо билан яқинлик, барча бошқа ваъдалардан-да устун эканини билдириб қўйди. Мусо қай аснода, унга фаришталарнинг ҳамроҳлигидан воз кечишини тушунтирганига қулоқ солинг:

“Мусо эса Унга деди: –Агар Сенинг Ўзинг бизлар билан бормайдиган бўлсанг, бизни бу ердан олиб чиқмагин. Акс ҳолда, мен ҳам, халқинг ҳам Сенинг нигоҳингда илтифот топганимиз қандай билинади? Сен биз билан бирга борганингдан эмасми?! Шунда мен ҳам, Сенинг халқинг ҳам ер юзидағи ҳамма халқлардан фарқ қиласмиз” (Чиқиш 33:15, 16, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу жавобда рад этиб бўлмас ҳақиқат яширинган. Худонинг ҳузури бизни Унинг шуҳрати учун, Ердаги барча халқлардан ажратиб теради. Гап, бизнинг эътиқодимиз масиҳийлиги ёки Муқаддас Ёзув руҳидаги жамоат аъзоси эканимизда эмас. Биз бир куни танишимиз билан тавба ибодатини қайтарган ва саҳнага чиқиш чорловига рози бўлган яхши одам эканимизда ҳам эмас. Биз Унинг ҳузурига эришганимиз шарофати билан ажralиб турамиз, айнан шу нарса бизни муқаддас кишига айлантиради (У учун ажратилган инсонга). Ёлғиз Унинг ҳузури бизни кўзга ташланадиган ва Ердаги одамлар пайқай оладиган даражага кўтаради.

Нега унда талайгина одамлар Худо билан ақл даражасидаги муносабатлар билан қаноатланишади? Нега биз Масиҳнинг ҳузури йўқ масиҳийликда яшашга рози бўламиз? Худога яқин бўлмай туриб, мамнун яшашга қандай ўргандик? Не сабабдан биз, одамларда Худога яқин бўлишга ва Унинг ҳузурида яшашга

## ПАРДА ОРТИДА

ташналик ва иштиёқдан маҳрум бўлган масиҳийликни олға сураяпмиз? Бунга жавобан А. У. Тозер шундай деб ёзган:

Худо биз Унинг ҳузурида бўлишимиз ва бутун ҳаётимиз давомида Унда яшашимизни қатъият билан истайди. Биз унинг ҳузурига шахсий намунализда амин бўлишимиз зарур. Бу биз амал қилишимиз керак бўлган оддий назария эмас, бу Ердаги умримизнинг ҳар бир лаҳзасини қувонч ила ўтаказишимииз жоиз бўлган ҳаётдир (*The Pursuit of God*, p. 34).

Бир талай кишилар бир дақиқа ҳам Худо билан чинакам муносабатларга киришмаган ҳолда, Худога тегишли эканини англаш билан мамнун бўлиб яшайдилар. Одамларда нажот топганига аминлик шу қадар томир отганки, бу тушунчадан кўпроғига ўтишни жуда камчилик истайди. Улар тавба ибодатини қиласидилар, сўнг бир куни бу оламдан қўз юмиб, Худонинг олдига равона бўладилар. Бироқ Масиҳ билан ҳаққоний мулоқот татиб кўрилмайди ва Худонинг улар билан юриш истаги ҳақидаги құдратли очиқлик ҳам қўлдан бой берилади. Бу бир марталик ва етиб бўлмас кечинмалар эмас, бу Унинг биз билан доимий ва тўхтовсиз равишдаги мулоқотга, чинакам ва самимий тарздаги чанқоқлигидир. Келинг, бунга амин бўлиш учун Ёзувга мурожаат қиласиз.

## УНИНГ ҲУЗУРИНИ КИМЛАР БОШДАН КЕЧИРГАН?

Биз Унинг яққол ҳузурини Ёзувдаги бутун матн бўйлаб кузатамиз. Одам ва Ҳаво, уларнинг итоатсизлиги “Раббий Худонинг юзидан яширинишга” мажбур этмагунича Адан боғида Худо билан юрдилар (Ибитдо 3:8). Шу лаҳзада инсон ўзини Худонинг ҳузуридан маҳрум қилди. Уларнинг ўғли бўлмиш, Қаън юрагини тош қилгани сабабли, Худонинг ҳузуридан янада кўпроқ узоқлашди.

## Худога яқинлашиш

Шунга қарамай, Худо таслим бўлмади, У ҳануз инсонларни севгани учун, улар билан яқинликка интиларди. Охир-оқибат, Энох ва Нуҳ каби одамлар, Унинг юрагидаги истакни қабул қилдилар ва ўз навбатида, Унга яқинлашишга бўлган ўчмас иштиёқи билан мўлжалга уришди. Натижада, бу кишилар, Одам Адан боғини тарк этгандан бўён, ўз даврида, Худога ҳаммадан кўра кўпроқ яқинлаша олдилар. Иброҳим ҳаётида Худонинг яқъол ҳузурини кўп марта бошдан кечирди. Бир учрашувда Худо у билан Садом ва Гамора шаҳарларининг тақдири тўғрисида муҳокама ўтказди. Бу шаҳарлар устидан ҳукм амалга ошгач, шундай деб ўқиймиз: “Иброҳим эрталаб барвақт уйғониб, у Раббийнинг қаршисида турган жойга борди” (Ибитдо 19:27).

Бу воқеа Иброҳим Худонинг ҳузурида, У билан мулоқотдан баҳра олгани ҳақидаги кўплаб ҳолатлардан бири, холос. Иброҳим кекса ёшида, хизматкорига шундай сўзлар билан мурожаат этди: «Мен қаршисида юрган Раббий Ўз фариштасини юбориб, йўлингни муваффақиятли қилади» (Ибитдо 24:20).

Биз Шомуил ҳақида шундай деб ўқиймиз: “Шомуил улғайди. Раббий у билан бирга эди ва у айтган биронта сўзи амалга ошмасдан қолмади” (1-Шоҳ. 3:19). Нега у айтган биронта сўз амалга ошмасдан қолмади? Бу саволга жавобни кейинги оятда ўқиймиз: “Раббий Ханнаҳни ёдга олди. У ҳомиладор бўлиб, яна уч ўғил, икки қиз туғди. Ўспирин Шомуил эса Раббийнинг ҳузурида ўсиб-улғаяр эди” (1-Шоҳ. 2:21). Бу матнда ҳам, Худо бевосита мулоқотда Ўзини очишини кўраяпмиз. Биз Уни яқиндан билсак, Худо нимани гапирса, биз ҳам ўшани гапирамиз ва шу тариқа, бизнинг ҳам барча айтганларимиз амалга ошади.

Худони севган ва Худонинг ҳузурида, Эски Аҳждаги бошқа ҳар қандай кишидан кўпроқ яшаган Довуд, Мусодан кейин, албатта, қўйидагича ҳайқирган: “Раббий қўшинлар Худоси – Истроил устидан Худодир!” – дейишлари учун Сенинг исминг

## ПАРДА ОРТИДА

абадий улуғлансин” (2-Шоҳ. 7:26). У ҳам Мусо каби, ҳеч қандай мұваффақиятни, Худонинг ҳузуридан маҳрум бўлиш эвазига қўлга киритишини истамаган. Бироз кейинроқ, у ўта оғир гуноҳ бўлмиш, зино ва қотилликка қўл ургач, аламли тавба билан фарёд чекди: “Мени юзинг олдидан рад қилма ва мендан йўз Муқаддас Рұҳингни тортиб олмагин” (Сано 50:13). У Худонинг ҳузурисиз, унинг бутун ҳаёти бўм-бўш ва маъносиз бўлиб қолишини билган! У мана шундай сўзларни келтирган: “Сен менга ҳаёт йўлини кўрсатасан. Қувончнинг тўлиқлиги – Сенинг ҳузурингдадир, лаззат тоабад Сенинг ўнг қўлингдадир” (Сано 15:11).

Рұҳшуносларнинг айтишича, муносабатлар беш йил давомида юритилса, бу инсоннинг шахсиятини шакллантирас экан. Мен бунга тўлиқ қўшиламан, зеро Ёзувода дейилган: “Адашманглар! Ёмон улфатлар яхши хулқни бузади” (1-Кор. 15:33).

Бошқа жойда эса, шундай дейилган: “Донолар билан юрадиган доно бўлади, аҳмоқлар билан дўстлашувчи эса бузилади” (Ҳикматлар 13:21). Шундай бўлса-да, Довуд ҳақида нима дейиш мумкин? У чўлда бўлганида “Барча эзилганлар, қарздорлар, кўнгли ранжиганлар Довуднинг ёнига тўпландилар ва Довуд уларга бош бўлди. Унинг ёнида тўрт юзтacha одам бор эди” (1-Шоҳ. 22:2). У бу одамлар билан ўн йилдан ортиқ бирга яшади. Эзилган, кўнгли ранжиган, норози, бу ҳам етмагандай, қарздор одамлар! Бу ғазабдор, аччиқланган, ҳойнаҳой, қўпол ва ҳиссиз одамлар бўлган. Бироқ улар Довуднинг шахсига таъсир ўtkаза олдиларми? Йўқ! Нега? Довуд Худонинг ҳузурида кўп вақт ўтказгани сабабли, ўзининг шоҳона муомала тарзи ва услубларини сақлаб қолди, натижада, у барча авлодлар аро улуғвор раҳбар сифатида шаклланди!

Муқаддас Китобдаги менинг энг севимли матнларимнинг бирида, Довуд Худонинг ажойиб таклифига бўлган жавоби келтирилган. Довуд дейди:

## Худога яқинлашиш

Сен: “Менинг юзимни изланглар”, - деб айтганингда менинг юрагим Сенга деди: “Сенинг юзингни излайман, ё, Раббий!” (Сано 26:8).

Унинг ҳаёти мана шундай аснода кечган. У Раббий билан шу қадар кўп вақт ўтказгани боис, нафақат тўрт юзта норози эркакка, қолаверса, бутун бошли миллатга таъсир қила олди. У одамларга ибрат кўрсатишни ўддасидан чиқарди, негаки ўз вақтини донолик, билим ва үқувнинг Манбаи билан ўтказарди. Бироқ Довуд Худонинг ҳузурини, буларнинг барига эга бўлиш учун изламаган. Унда Худога нисбатан рашк ёнарди, модомики у Раббийнинг юрагини билишга интилган. У Худони дунёдаги барча нарсадан кўра устунроқ севган, бундай севгининг сабаби эса, У билан кўп вақт ўтказганидир.

Эҳ, Довуднинг ўғли Сулаймон ҳам отасидаги манашу жўшқинликни мерос қилиб олганда эди! У ҳатто, Исройлнинг Худосини кўрди, шунингдек, Сулаймон унгача ва ундан кейин ҳам, бирор кишида бўлмаган доноликка эга эди. Шунга қарамай, у Худонинг ҳузурида жо бўлишнинг муҳимлигини англай олмади. Умрининг охирида, йилларини ҳавога совуриб бўлгач, Воиз деб аталадиган ҳасратли китоб ёзди. У доноликка, мисли кўрилмаган бойликка ва дунёдаги энг латофатли аёлларга, қолаверса ўша даврда бутун дунёга донғи кетган шухрат ва нуфузга эга бўлишига қарамай, у биргина иборани таъкидлар эди: “Беҳудалар беҳудаси – ҳаммаси беҳуда!” Агарда унда отаси Довуднинг юраги бўлганда борми, Исройлнинг тарихи бошқача юз тутган бўларди.

Хусусан, ҳар хил одамлар Худонинг ҳузурини излашнинг муҳимлигини таниб-билгандарида эди, Муқаддас китобдаги воқеаларнинг аксарият қисми бошқача бўларди. Минг афсулар бўлсинки, ўта камчилик одамлар Унинг ҳузурининг белгиланган миқдорини бошдан кечирдилар, бироқ ҳатто, улар ҳам, бундай

## ПАРДА ОРТИДА

бахтни тотиш, айнан уларга насиб этганини фаҳмлай олмадилар. Улар доимий равишда Ҳудони изласа, Унинг ҳузури, теран ва тўхтовсиз қаноат олиб келадиган манба эканини билишдан қуруқ қолдилар. Бундайлардан бири, шоҳ Довуднинг узоқ қариндоши шоҳ Уззиаҳ эди. У ёшлик даврларида Ҳудони излади ва натижада, улкан муваффақиятни қўлга киритди, афсус, кейинроқ муваффақиятининг манбаи ва асосий сабабини унутиб қўйди. Димоғдорлиги туфайли Раббийни изламай қўйди ва оқибатда, моховга чалинган киши сингари, ҳаммадан ажратиб қўйилган ҳолда бу дунёни тарк этди (2-Йилнома 26 бобга қаранг).

## УЛКАН ФОЖИА

Биз Эски Аҳдни ўқишида давом этишимиз мумкин, аммо энг улкан фожиа, шоҳ Довуд дунёга келишидан анча йиллар илгари, унинг аждодлари, Иброҳимнинг авлодлари Мисрдан чиққанда содир бўлган эди. Юқоридаги бобларда Ҳудо Истроил халқини Ўзига жалб қилиш учун қулликдан олиб чиққани ҳақида билиб олдик. У халқقا Ўз ҳузурини намоён қилиш учун олиб чиқди, уларни Ўзига яқинлаштироқчи эди. Ҳудонинг бу истагига нисбатан халқнинг муносабати, мана қанақа бўлди: “Шундай қилиб, халқ узоқ масофада тураверди. Мусо эса Ҳудо турган қуюқ зулматга кирди” (Чиқиш 20:21, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли). Бу қандай фожиа! Ҳудо уларга Ўзини очди, улар эса узоқда туравердилар. Ёлғиз Мусода, қатъият билан олдинга боришга ва Ҳудога яқинлашишга ундейдиган рашк бор эди. Халқнинг бундай муносабати оқибатида, Ҳудо руҳонийликни яратди, руҳонийлар халқнинг вакили сифатида Ҳудонинг қаршисида туришлари керак эди. Ҳудо парданинг ортида яширинган ҳолда, халқнинг ичига кириш мақсадида, уларга чодир қуришни буюрди. Ҳудонинг кўрсатмаларидан чиқмаган тарзда қурилган чодир битганидан кейин, тез орада шундай сўзларни ўқиймиз:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Шунда йиғин чодирини булат қоплади ва Раббийнинг шұхрати (Унинг ҳұзури) чодирни тұлдирди. Мусо чодирға кира омади, чунки булат уни қоплади ва Раббийнинг шұхрати чодирни тұлдирди” (Чиқиш 40:34, 35, ёзма ҳарфлар мұаллифға тегишли).

## УНИНГ ҲҰЗУРИНИНГ ТУРЛИ ДАРАЖАСИ

Айнан шу жойда мен бир оз четга чиқиб, Худонинг ҳұзуридаги турлы даражалар ҳақида мұлоқаза юритмоқчиман. Юқоридаги оята келтирилгандар, Худонинг ҳұзурунан аңглатадиган, шұхрат сүзиге эътибор беринг. Чодир қуриб тугалланғандар, Худонинг ҳұзури үнде шу қадар шұхратли әдікі, ҳатто, Худо билан юзма-юз гаплашган Мусо ҳам, у ерга кира олмади. Унинг чиройининг, ажайып ва шу билан бир қаторда, құрқинчли ҳұзурунинг даражасини тасаввур эта оласизми?

Талай йиллар давомида, халқ чодирдаги Раббийнинг ҳұзуруни менсимадилар, десак мұболаға бўлмайди. Бу Элий исмли рұхоний ва ҳакамлар, шунингдек, Аҳароннинг узоқ авлодлари даврида бўлди. Боз устига, чодирға нафақат бўлар-бўлмасга кириб-чиқиб юришарди, шахрат вақтида Мусо киришга ботинолмаган жойнинг ёнгинасида даҳшатли гуноҳлар содир этиларди. Шундай деб ўқиймиз: “Ўша қунларда Раббийнинг Сўзи кам келар, ваҳий ҳам кўп бўлмас эди” (1-Шоҳ. 3:1). Негаки Худодан келадиган ваҳий ёки очиқлик, қолаверса Худонинг Сўзини фақат Унинг ҳұзурида топиш мумкин эди. Унинг ҳұзури йўқ жойда, ваҳий ҳам бўлмайди, Унинг ҳұзури зиғирчалик кам бўлган жойда, ваҳий ҳам кам бўлади. Унинг ҳұзури құдрат ва куч билан намоён бўлган жойда, ваҳийлар ҳам құдрат ва кучда содир бўлади! Биринчи Шоҳлар китобининг мұаллифи шу бобнинг ўзида, “Худонинг чироғи (Унинг ҳұзури) ҳали ўчмаган эди (Худо бутунлай кетиб қолмаган эди)” деб айтган. Барибир кейинрок, Элий хизмат

## ПАРДА ОРТИДА

қилган йилларнинг охирида, Худонинг Аҳд сандиғи филистликлар томонидан олиб кетилган пайтда, бу фожиа содир бўлди. Элий ҳаётининг сўнгги сонияларида ихавод сўзини эшитди, бу “Исройлдан шухрат чекинди” деган маънони билдиради.

Элий даврида, исроилликлар ўртасида ҳукмронлик қилган гуноҳ туфайли, Худонинг ҳузури аранг сезиларди. Исроил тарихида одамлар, Худонинг ҳузури эндигина қуриб битилган чодирдагидек, яққол даражадаги шухратни кўрмаган бўлсаларда, ваҳийлар құдратли ва сахий тарзда келган дамлар бўлган. Худонинг ҳузури даражаси кам бўлганида, У одамларга сезилмас тарзда яқинлашади, Ўз шуҳратини одамларга томоша қилмасликни афзал кўради.

Буни Ёқуб билан бўлган воқеада кўриш мумкин. У Худо билан курашди ва Уни юзма-юз кўрди, аммо бу ерда Унинг шуҳрати намоён бўлмади. Бунга қарамай, Ёқуб бутунлай ўзгарди ва натижада, Худо билан учрашув жараёнида, У ҳақидаги очиқликда улғайди (Ибитдо 32:24-30 га қаранг). Ешua Бин Нун Худони кўрди, лекин жангчилар Раббийсининг сардори билан гаплашаётганини тушунмади. Бошқа томондан, Мусо Худони юзма-юз кўриш истагини билдириб, Унга фарёд қилди ва Худо бунга жавобан қуийдагича жавоб берди: “Менинг юзимни кўра олмайсан, чунки Мени кўрган одам тирик қолмайди” (Чиқиш 33:20). Мусо Худони Унинг бор шуҳратида томоша қилишни истаганини, бироқ бунга эриша олмаганининг гувоҳи бўламиз. Ешua Бин Нун ва бошқалар Раббийнинг юзини кўрдилар, аммо тирик қолдилар-ку. Нима учун? Чунки улар Раббийни Унинг бор шуҳратида кўрганлари йўқ.

## УНИНГ ЮЗИДАГИ НУР

Биринчидан, келинг, Раббийнинг шуҳрати нима экани ҳақида мuloҳаза юритайлик. Айримлар, буни қандайдир туман, булут ёки шунга ўхшаш аллақандай нарса деб ўйладилар. Оқибатда,

## Худога яқынлашиш

қүйидагича таъкидларни эшитиш мүмкін: “Эх, бизнинг ўтган сафар бўлиб ўтган йиғинимизга Раббийнинг шуҳрати ёғилди”. Бироқ бундай ёндашув, Худо ҳақидаги тушунчаларни “бемаъни сўзлар билан тундлаштиради” (Аюб 38:2).

Авваламбор, Худонинг шуҳрати – бу булут эмас. Сиз шундай деб сўрашингиз мүмкін: “Нега унда, Ёзувда Худонинг шуҳрати тилга олинган жойда, булут ҳақида ҳам ёзилади?” Бунинг сабаби қүйидагича: Худо булулларда яширинади. У кўриш учун ҳаддан зиёд даражада нур таратади, Уни кўриш мүмкін бўлиши учун У булулларда яширинади, бошқачасига, Унинг атрофидаги ҳар қандай жонзод бир лаҳзада йўқ қилинган ва ҳалокатга юз тутган бўларди. Ёдингиздами, Худо Мусога Унинг юзини кўрган одам, тирик қолмаслигини айтди. Бу борада бир савол туғилади: унда қай тарзда Ишаъё, Езекил ва ҳаворий Юҳанно Раббийнинг юзини кўрдилар ва ўлмадилар, кейин бизга бу ҳақида сўзлаб бердилар? Жавоб оддий: улар танада эмас, руҳда бўлган эдилар. Фоний тана мұқаддас Раббийнинг бор шуҳрати ҳузурида тирик қолмайди. У еб битирадиган олов, Унда ҳеч қандай зулмат йўқ (Ибр. 12:29; 1-Юҳ. 1:5 га қаранг). Павлус бу ҳақда ёзган:

“Ягона муборак Парвардигор, подшоҳларнинг Подшоҳи ва эгаларнинг Эгаси ўз вақтида Масихни намоён қиласи. Ёлғиз У ўлмасликка эгадир, У яқинлашиб бўлмайдиган нурда истиқомат қиласи. Уни инсонлардан ҳеч ким кўрмаган ва кўра олмайди ҳам. Унга ҳурмат ва абадий салтанат бўлсин! Омин (1-Тим. 6:15-16).

Исо инсонлардан ҳеч ким кўрмаган ва кўра олмайдиган, чида бўлмас даражада қамаштирадиган нурда яшайди. Саночи Раббий нурдан тикилган кийимда юришини айтган (Сано 103:2 га қаранг). Павлус ҳам бу ҳақида дадиллик билан айтган, чунки у Дамашққа кетиш йўлида, Худонинг шуҳратидаги ҳузуруни

## ПАРДА ОРТИДА

таратган, чидаб бўлмас нурнинг бир парчасини ўзида ҳис этган. У бу ҳақда шоҳ Агриппага қўйидагича сўзлаб берган:

“Куннинг қоқ ярмида мен йўлда осмондан қуёш ёғдусидан ҳам ёрқинроқ нурни кўрдим” (Ҳав. 26:13).

Павлус Исонинг юзини кўрмаган, у фақат Ундан таралаётган нурни кўрган. Бу нур Яқин Шарқдаги чидаб бўлмас даражада ярқирайдиган қуёшдан ҳам кучлироқ эди! Павлус Худо шуҳратининг ҳузурини ҳис этди. Бу эрталабки ёки кечки қуёш эмас, балки кун ўртасидаги кўзни қамаштирадиган даражадаги ёруғлик эди. Мен қуёшли Флоридада ўн икки йил яшаганман ва бирор марта қуёшдан ҳимоя қиласидиган кўзойнак тақмаганман. Бироқ Лиза билан бир неча йил олдин Яқин Шарққа ташриф буюрдик ва ўша ерда қуёшдан ҳимоялайдиган кўзойнак тақишга тўғри келди! Ушбу қуруқ ва чўл иқлимда, қуёш кўпроқ чарақлар эди, экваторнинг яқинлиги эса унинг чидаб бўлмас нурларини кучайтиради. Қуёш нурларига эрталаблари ва кечга яқин бироз чидаса бўларди, аммо соат ўн бирдан то иккигача қуёш ҳаддан зиёд даражада порларди. Шунга қарамай, Павлус Исонинг нури Яқин Шарқдаги куннинг ўртасидаги чарақлайдиган қуёшдан ҳам кучлироқ эканини таъкидламоқда! Бир лаҳзага ўйлаб кўринг, сиз қачон қуёшга қарашга урингансиз? Агарда у булутлар ортида яшириниб турмаса, унга қараш имконсиз. Раббийнинг шуҳрати куннинг қоқ ўртасидаги қуёшнинг порлашидан кўп марта узиб кетади.

Йоил ва Ишаъё пайғамбарлар нима сабабдан, охирги кунларда Раббийнинг шуҳрати очилганда, қуёш хиралашади деб айтганини тушунсак бўлади. “Мана, ... Раббийнинг шиддатли куни келаяпти. Самовий юлдузлар ва ёритқичлар ўз нурини бермайдилар. Қуёш ўзининг кўтарилишида хиралашади ва ой ўз нури билан порламайди” (Ишаъё 13:9, 10).

Сизга бир нарсани тушунтиришимга рухсат беринг. Биз тунги

## Худога яқынлашиш

тиниқ осмонда нимани күрамиз? Юлдузларни! Улар бүтүн осмон бўйлаб ёйилган. Тонгда қуёш чиққанда нима содир бўлади? Юлдузлар қаерга ғойиб бўладилар? Наҳотки улар қочиб кетадилар ва қуёш ботгунича, яшириниб турадилар-у, сўнг тезгина ўзларининг жойига қайтиб келадилар? Бу ундан эмаслигини биламиз. Аслида нима содир бўлади? Шунчаки юлдузларнинг шуҳрати бир даража, қуёш шуҳратининг даражаси эса ундан кўп марта устун, шу боис, қуёш чиққанида, уларнинг шуҳрати қуёшнинг шуҳратида хиралашади. Улар ўз жойида туради, аммо энди уларни кўришнинг имкони йўқ. Худди шу аснода, Исо ҳам Ўз шуҳратида ерга қайтганда, Унинг шуҳрати қуёшнидан, таққослаб бўлмас даражада кучли порлайди ва уни тўсиб қўяди. Қуёш ўз жойида қолади, бироқ уни кўришнинг имкони бўлмайди. Мана шунаقا! Павлус нега, Исони Ўз шуҳратида “ҳеч ким кўрмаган ва кўра олмайди” деганини энди тушунаяпсизми?

Раббийнинг шуҳрати ҳар қандай бошқа нурдан устун. У мукаммал нур ва еб битирадиган оловдир. Мана, нима учун Унинг иккинчи марта келганида “Раббийнинг қўрқувидан ва Унинг улуғорлигининг шуҳратидан одамлар қояларнинг оралиқларига ва ернинг ғорларига кирадилар” (Ишаъё 2:19, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли). Юҳанно бу ҳақда шундай деб ёзган:

Дунёнинг шоҳлари, аслзодаларию лашкарбошилари ғорларга ва тоғларнинг қоялари орасига яшириндилар. Улар билан бирга бойлару кучилар, қўлу эркин одамлар яшириндилар. Улар тоғу қояларга шундай деб ёлворар эдилар: “Устимизга қуланг, тахтда ўтирган Зотнинг назаридан ва Қўзининг ғазабидан бизни яширинг!” (Ваҳий 6:15, 16, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

## ХУДОНИНГ ШУҲРАТИ НИМАНИ БИЛДИРАДИ?

Келинг, қўйидаги саволга жавоб берамиз: Худонинг шуҳрати бу нима? Жавоб учун Мусонинг Худо билан мулоқотига қайтамиз. Мусо нафақат Худонинг ҳузурини сўради, қолаверса, Унинг шуҳратини кўришни ҳам сўради.

Мусо: - Илтижо қиласман – менга шуҳратингни кўрсатгин,  
- деди (Чиқиш 33:18, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ибронийча “шуҳрат” сўзи – *kabowd* ҳисобланади. Стронг ўзининг Ёзув луғатида бу сўзниң маъноси “кўчма ва ижобий маънода, нимадир миқдори” деб тушунтирган. Ушбу сўзниң изоҳида “Салтанат ва улуғворлик, тўкин-сочинлик ва ҳурмат” сўзлари ҳам бор. Мусо Худодан үнга Ўзининг бор шуҳратини намоён қилишни сўради. Худонинг жавобини дикқат билан ўқинг:

Раббий эса деди: - Мен бутун шуҳратимни сенинг олдингдан ўтказаман (Инглизча Ёзувда – Мен бутун эзгулигимни сенинг олдингдан ўтказаман, дейилган) ва Йаҳвех исмимни сенинг олдингда эълон қиласман (Чиқиш 33:19, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Мусо Худодан Ўз шуҳратини кўрсатишини сўраган, Худо эса эзгулигини кўрсатишини ваъда берган. “Эзгулик” сўзи ибронийчада – *tuwb*. Бу “энг кенг маънодаги эзгулик сўзи”ни билдиради. Бошқача қилиб айтганда, яширин ҳеч нарса йўқ, барча эзгулик ва яхшиликлар юзада.

Сўнг, Худо деди: “Йаҳвех исмимни сенинг олдингда эълон қиласман”. Ердаги шоҳлар залга киришидан аввал, жарчи унинг исмини эълон қиласди. Шоҳ бутун улуғворлигида тантанали равишда тахт залига ташрифи ва унинг шоҳона исмини эълон этилиши карнайлар садоси остида амалга оширилади.

## Худога яқинлашиш

Шу тариқа, шоҳнинг улуғворлиги намоён бўлади ва барча йиғилганларга шоҳ кимлиги маълум бўлади. Унинг улуғвор ҳузури одамларни эҳтиром ҳисси билан тўлдиради. Агарда бу подшоҳ, ўзининг шаҳридаги кўчаларда оддий кийимда, сарой аёnlари ҳамроҳлигисиз юрса-чи? Очигини айтганда, саройда намойиш этилганларнинг бари кўчада барҳам топади ва бирорта ўткинчи бу зотни танимайди. Унинг ҳузуридан одамларнинг нафаси ичига тушиб кетмайди, унинг шухрати тахт залида ҳис этилгандек, таассурот қолдирмайди. Моҳиятан, Худо Мусонинг олдида Ўз исмини эълон этишга қарор қилди ва шундай деди: “Йаҳвеҳ исмимни сенинг олдингда эълон қиласман ва сенинг олдингда бутун улуғворлигимда ўтаман”.

Янги Аҳдда, Раббийнинг шухрати Исо Масиҳда намоён бўлгани айтилган (2-Кор. 4:6 га қаранг). Раббийнинг ҳузурида бўлганларнинг аксарияти, Унинг юзини ва Унинг Ўзини кўрганини гувоҳлик беришган. Ҳа, шубҳасиз шундай, бироқ шу билан бир қаторда, шуни ҳам айтаманки, ҳеч ким Худони Унинг бутун шухратида кўрмаган.

Кимdir шогирдлар Исо Тирилганидан сўнг, Унинг юзини кўргани тўғрисида сўраши мумкин. Ҳа, тўғри, бироқ ўшандада ҳам, бу Унинг тўлиқ шухратининг намоён бўлиши эмасди. Юқорида айтиб ўтганимдек, Эски Аҳдда Раббийнинг ҳузурини бошдан кечирган одамлар бўлган, аммо Унинг шухратини эмас. Раббий Иброҳимга Мамре эманзорида зоҳир бўлди, лекин шухратида эмас (Ибитидо 18:1, 2). Раббий Ёқуб билан курашди, Йешуа Нун эса ҳатто, Уни танимади (Йешуа Нун 5:13-15). Бунга ўхшаш яна бошқа воқеалар ҳам бўлган.

Йешуа Нун, Иерихонга ҳужум қилишдан олдин, Раббий билан учрашганида, Раббий унга жангчи сифатида зоҳир бўлди. У Раббийни танимай, сўради: “Сен бизларданмисан ёки душманларимизданмисан?” Шунда Раббий унга Раббий қўшинининг қўмондони бўлиб очилди ва Йешуа Нунга

пойабзалини ечишни, чунки у турган жой, мұқаддас ер әканини айтди! Ёқуб бутун түн давомида Раббий билан курашды ва тонгда ҳайқириб юборди: “Менга исмингни айт” деди (Ибтидо 32:29). Келинг, шоҳ оддий кийимда юргани ва күплар уни танимагани ҳақидаги мисолимизга қайтамиз. Ёқуб ва Йешуа Нұнлар Раббийни айнан шу тарзда күрдилар, бунга қарамай, улар Ундан буюқ очиқликларга эришдилар.

Бу Тирилишдан кейинги даврга ҳам тааллұқли. Исо биринчи бўлиб Магдалик Марям билан гаплашди ва Марям Уни боғбон деб ўйлади (Юҳанно 20:15, 16 га қаранг). Шогирдлар денгиз қирғоғида Исо билан балиқ едилар (Юҳанно 21:9, 10 га қаранг) ва бошида Унинг Ўзини ҳам, овозини ҳам танимадилар. У уларга жуда таниш бир ҳаракат қилгандан сўнггина, шогирдлар Уни тан олишди. Шунингдек, Тирилишдан сўнг Исо Унинг ўлими ҳақида, нималар содир бўлиши ҳақида эшитган иккита шогирд билан бирга юрди, лекин улар Раббийни танимадилар, чунки “уларнинг кўзлари тўсилган эди” (Луқо 24:16 га қаранг). Улар ҳам Исони на юзидан, на қаддидан, на овозидан танимадилар. Юқорида тилга олингандарнинг бари Унинг ҳузурида бўлдилар, бироқ Унинг шуҳрати тўлиқлигича уларга намоён бўлмади. Натижада, уларнинг ҳаммаси Унинг ҳузурида вахий олдилар.

Бунинг акси сифатида ҳаворий Юҳанно Патмос оролида бўлганида, руҳида Раббийни кўрди. Аммо бу денгиз қирғоғидаги нонуштадан бутунлай бошқача учрашув эди, Юҳанно бу гал Исони бутун шуҳратида кўрди. У Исони қўйидагича таърифлаган: “Унинг юзи кун қизиганда балқийдиган қуёшдай порларди. Уни кўришим биланоқ, оёқлари остига ўлиқдай йиқилдим” (Ваҳий 1:16,17). Раббийнинг шуҳратли ҳузури шу қадар кучли бўлганки, Юҳанно ўлиқдек йиқилган.

Айнан Раббийнинг шуҳрати Худони Худо қиласи. Унинг барча сифатлари – кучи, ҳокимиияти, донолиги – тўғридан-тўғри ўлчаб бўлмас вазнга ва улуғворликка эга. У ҳеч нарсани тийиб

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

турмайди ва ҳеч нарсани яширмайди! Бу шұхратли Худонинг ҳузурини Худо қисман күринганда ҳис этиш мумкин, буни Мусо Уни орқасидан күрганидаги ёки Шоул Дамашққа кетиш йўлидаги воқеа мисолида кўрамиз, ўшанда Павлус кўзни қамаштирадиган нур ва овоздан бошқа ҳеч нарсани кўрмади ҳам, эшитмади ҳам.

## УНИНГ ЯШАШ ЖОЙИ

Иброҳимнинг авлодларига қайтамиз. Худо Синай тоғида Ўз шұхратини намоён қилганида, одамлар даҳшатда ортга чекиндилар ва шундай деб фарёд қилдилар: “Мана, Раббий Худойинмиз бизларга Ўз шұхратини ва буюклигини кўрсатди, бизлар Унинг овозини олов ичидан эшитдик... Аммо бизлар ния учун ўлишимиз керак? Зоро бу буюк олов бизларни ямлаб ютади. Агар бизлар Раббий Худойимизнинг овозини эшитсак, бизлар ўламиз” (Қон. тақ. 5:24, 25, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли). Улар Унинг шұхратли ҳузурида тура олмадилар, негаки уларнинг виждонлари ўзбошимчалик ва қайсарлик билан булғанган эди.

Сўнг исроилликлар чодир қуришди ва Худо ундаги муқаддаслар муқаддаси деб аталадиган ички қисмида яшайдиган бўлди. Ушбу ички қисмга олийруҳоний йилида бир марта кирап эди. У бу жойга олийруҳонийнинг ва бутун халқнинг гуноҳини ювиш ва Худо билан ярашиш мақсадида мис қурбонгоҳда қонли қурбонлик келтириладиган ташқи ҳовли орқали кирап эди. Олийруҳоний қурбонлик келтиришни амалга ошириб бўлгач, қурбонгоҳнинг ёнида турган мис қўл ювгичда ювинар эди. Фақат шундан сўнгина у парда ортидаги муқаддасгоҳга ўтарди. У жойда табиий нур бўлмаган. Муқаддасгоҳ олтиндан ясалган чироқнинг нуридан ёруғлик тараларди, бу бизнинг Нуримиз саналган Исонинг тимсолидир (Юҳанно 9:5 га қаранг). Шунингдек, у ерда Исонинг ҳаёт нони тимсолига эга нонлар турарди (Юҳанно 6:48 га қаранг). Бу жойдаги буюмларнинг учинчиси фимиам тутатиладиган қурбонгоҳ эди, бу доимий ибодат ва сажданинг тимсоли ҳисобланади.

## ПАРДА ОРТИДА

Олийруҳоний у жойда ҳам Худонинг ҳузурига тўғридан-тўғри кира олмасди. У ерда муқаддаслар муқаддасини муқаддасгоҳдан ажратиб турадиган парда бор эди. Шафқат тахтида яқъол ва чинакам Худонинг ҳузури турарди. Исо Ўз руҳини Худога топширган чоғда, бу парда йиртилиб кетди: “Шунда мана, маъбаддаги парда тепадан пастгача иккига бўлинниб кетди” (Матто 27:51). Эътибор беринг, у тепадан пастга қараб йиртилди, пастдан тепага қараб эмас. Пардани инсон эмас, айнан Худо йиртди, чунки У шу лаҳзада маъбаддан чиқди! У Ўзига янги уй, янги яшаш жойи тайёрлаган эди, У буни азалдан орзу қилиб келарди – бу уй юқоридан туғилган Унинг фарзандларининг юраги. Бу қачон содир бўлди? Эллик уч кун ўтгач, Эллигинчи кун байрамида Худо, азалдан Ўзи учун орзу қилиб келган уйга жойлашди. Биз шундай деб ўқиймиз:

Тўсатдан осмондан худди кучли шамол бўлгандек шовқин келди ва улар ўтирган уйни бутунлай тўлдирди. Уларга олов каби бўлинаётган тиллар зоҳир бўлиб, уларнинг ҳар бирининг устига биттадан қўнди. Шунда уларнинг ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлдилар ва Руҳ уларга бераётган иборалар билан бошқа тиллар гапира бошлидилар (Ҳав. 2:2-4).

Мусо чодирни қуриб битирмагунча, Худонинг ҳузури намоён бўлмади, худди шу аснода, Раббий янги уйига, Исо “Амалга ошди” деб айтгандан сўнг кўчиб ўтди! “Шундан сўнг, У бошини эгиб, руҳини топшириди” (Юҳанно 19:30). Бу янги турар жой абадий Қўзининг қони билан тайёрланган эди.

Шундай қилиб, эй биродарлар, Исо Масиҳининг қони туфайли Муқаддас Маконга киришимиз учун жасоратга эга бўлиб, - чунки Масиҳ маъбаддаги парда орқали, яъни Ўз танаси орқали бизга янги ва тирик йўлни

## Худога яқинлашиш

очиб берди... тұлық имон билан чин юрақдан Худога яқинлашайлык. Юракларимизни ёмон вијдондан поклаб, танамизни тоза сув билан ювиб, ишончимиз эътирофини иккиланмай маҳкам тутайлик, чунки ваъда берган Худо содикдир (Ибр. 10:19-23, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Биз “муқаддасгоҳ”да яшайдиган Зотга яқинлашиш учун дадилликка эгамиз. Энди бу муқаддасгоҳ чодирда ҳам, маъбадда ҳам эмас, балки бизнинг танамиздадир! Ҳа, Ҳудо Исо Масиҳнинг қурбонлиги орқали Унга ўзини бағишилаган инсон зотининг юрагида яшайди. Қўпинча, Ҳудога мурожаат қилганимизда, биз ўзимиздан, эҳтимол, миллион километрлар узоқлиқда турган таҳтини тасаввур этамиз. Аммо ундей эмас, У бизнинг юракларимизда яшайди! Биз ҳали ичимизга қарашни ўрганмадик, биз ҳануз олдингидек ташқарига қараймиз! Янги Аҳддаги Ёзув бизга “Ўз юрагингда: Ким осмонга чиқар экан?” дема деб аниқ айтилган (Римликларга 10:6).

Ҳа, албатта, чиндан ҳам, учинчи осмонда, Ҳудонинг таҳт зали бор. Аммо, шу билан бир қаторда, У Ўз халқи билан яқинликка чанқоқ, шунинг учун Эски Аҳд даврида Ерда чодир қурди, у жойда Унинг ҳузури намоён бўлди. Энди У Ўзи учун бошқа уй ҳозирлади, бу ҳаётини Исога топширган ва Ундан Муқаддас Рухга тўлдиришини сўраган кишиларнинг юракларида яшайди. Ҳудо Унинг севгиси ва меҳрига яқин жойдан Ўзи учун уй яратди. Бизнинг юрагимизга яқин Зотга яқинлашганимизда, биз Ердан миллионлаб километрлар узоқлиқдаги таҳт залига кирамиз. Бунинг қандай имкони бор? Ҳудонинг Рухида масофа йўқ. Унинг ҳузурида бўлиш, Исо ва Ота билан таҳт залида бўлишни англатади, негаки У Масиҳнинг ва Ҳудонинг Рухидир! (Римликларга 8:9 га қаранг).

Эътибор беринг, Ибронийларга мактубнинг муаллифи шундай дейди: “Ишончимиз эътирофини иккиланмай маҳкам

## ПАРДА ОРТИДА

тутайлик, чунки ваъда берган Худо содикдир” (Ибр. 10:23). Шунингдек, муаллиф яна бошқа гапни ҳам айтган:

Шу умид жон учун лангардай ишончли ва мустаҳкам бўлиб, ичкарига – парда орқасига (Унинг ҳузури бор жойга) кириб боради (Ибр. 6:19, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Йиртилган парда, энди дунёдаги ҳар битта имонли янги ва тирик йўл билан Худонинг ҳузурига киришга имкон яратади. Энди бизнинг танамиз пардага айланди. Агарда биз танамизни михлаб ёки уни рад этиб, танамизнинг ташқи ҳовлиси орқали ўта олсак (Галатияликларга 5:4 га қаранг), юрагимизда жойлашган “муқаддаслар муқаддаси”га кирамиз, у жойда Худо билан тўхтовсиз мулоқотга эга бўлишимиз мумкин. Унинг ҳузури доимий воқеликка айланади. Борди-ю, биз пок ва самимий юрак билан Унга яқинлашсак, У ўз ҳузурини бизга намоён қилишни қатъий ваъда берган! У ҳеч қачон чекланган ёки тор доирадаги одамларни назарда тутмаган, ушбу иноятнинг амалга ошиш даври ҳам чекланмаган. Истроилликлар Худога зоҳир бўлганларида, чодирда Унинг ҳузури доимий равишда бўлган ва шу аснода, юрагимизнинг чодири ичида ҳам, Унинг ҳузури доимий бўлади.

Ёқубнинг сўзларига қулоқ тутинг: “Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади”. Қандай умид, қандай аминлик! Худо Ўзи билан қасам ичмоқда, зеро “олдимизга қўйилган умидни маҳкам ушлаш учун қочоқлардек югуряётганлар, Худо алдаши мумкин бўлмаган иккита ўзгармас нарсада қатъий тасалли топайлик” (Ибр. 6:18). Бироқ бу қандай умид? Агарда биз Унга яқинлашсак, У бизга яқинлашади! У буни қатъий ваъда берди!

Нега унда аксарият одамлар Унинг яққол ҳузуридан роҳатланмайдилар? А.У. Тозер айтганидек:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Исонинг танаси пардани йиртган ва Худода биз Унинг ҳузурига киришимизга халақит берадиган ҳеч нарса қолмаганда, нега биз имилляяпмиз? Нега биз ҳаётимизнинг барча кунларида, муқаддаслар муқаддасидан ташқарида яшаш билан қаноатланамиз ва Худони томоша қилиш учун ҳеч қачон у ерга кирмаймиз? Биз Күёвнинг сўзларини эшитамиш: “Менга чехрангни кўрсатгин ва овозингни эшиттиргин, чунки сенинг овозинг ширали ва сенинг чехранг ёқимтойдир” (Кўшиқлар қўшиғи 2:14). Бу чорлов бизга қаратилганини ҳис этамиш, бироқ яқинроқ бормаймиз, шу тариқа, йиллар ўтади ва ёшимиз бир жойга бориб қолганида, чодирнинг ташқи ҳовлисида юришдан чарчаймиз. Бизга ўзи нима халақит бераяпти? (*The Pursuit of God*, p. 41).

Яна шу саволга қайтамиш: бизга нима халақит бераяпти? Сўқирилгимииздан, ўз йўлларимиздаги муҳим белгиларни кўздан қочириб, нега биз ҳамма нарсани ўз кучимиз билан амалга оширишга чиранаяпмиз? Нега кўплаб одамлар, уларнинг қаршисида шу қадар порлоқ умид, Худо буза олмайдиган, кафолатланган ваъдалар бўй чўзганида, қониқмаганлик ва зерикишда яшаяптилар? Қуйида биз сиз билан Худо ҳар бир имонли эриша оладиган ажойиб муносабатларни йўлга қўйишга, айнан нималар халақит беряётганини кўриб чиқамиз.

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Бу бобнинг бошида ушбу саволларни ўртага ташладик: “Нега аксарият кишилар Худо билан ақл даражасидаги муносабатлар билан қаноатланадилар? Нима учун биз Масиҳнинг ҳузури йўқ масиҳийликка рози бўламиш? Қай тарзда, Худога яқин бўлмаган ҳолда, ўзимизни қониқкан ҳис қилишга ўрганиб олдик?”

## ПАРДА ОРТИДА

2. Шунингдек, биз руҳшуносларнинг таъкидлашига кўра, беш йил давом этган муносабатлар бизнинг шахсимизни ўзгартиришга қодирлигини гапириб ўтдик. Худди шундай, Ёзув қуйидаги фикрни билдиришини айтдик: “Ёмон улфатлар яхши хулқни бузади” (1-Кор. 15:33) ва яна: “Доно билан мулоқот қилган доно бўлади” (Ҳикматлар 13:21). Ҳаётингизда Ёзувдан юқорида келтирилган иккита фикрнинг бири ёки иккисининг ҳам ҳақиқатлигини тасдиқлайдиган даврлар бўлганми? Улар ҳақида шахсий тажрибангизга асосланган ҳолда сўзлаб беринг.



# ХУДОНИНГ ДҮСТЛАРИ



У үларга яқин дүст бўлишни таклиф қилди,  
лекин улар ўзларининг танлови натижасида  
бу таклифни қабул қилишмади.

**М**ен ушбу бобларни ёзаётганимда, юрагимда Унинг ҳузурига бўлган зўр ташналик ёнмоқда. Бу мавзудаги сухбат ичимдаги алангани ловуллатмоқда ва бизни ниҳоятда кучли севадиган Зотни излаш истагимни кучайтирмоқда. Бутун тарих давомида ва У барча халқлар орасидаги ушбу энг романтик севги билан ҳар бир инсонга алоҳида ёндашади. Бироқ шуни ҳам айтиб қўйишим керакки Унинг йози уни қидиришимизга лойиқ. Лекин У осон “ўлжа” эмас. У буюк ва муқаддас Шоҳ ва Унга улкан эҳтиром билан муносабат билдиришимиз керак. Шу сабабдан табиийки, “муқаддас

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

қўрқув” мавзусига тўхталиб ўтмай туриб, Унинг олдига яқинлашиш ҳақида гапириб бўлмайди.

## ЙЎЛЛАРНИНГ БЎЛИНИШИ

Ушбу чоррахада “дўстликни қидирувчи” билан “ҳақиқатни қидирувчи”нинг йўли бошқа-бошқа томонга кетади. “Дўстликни қидирувчилар” кишиларни ҳар қайси оқимда ва ҳар қайси жамиятда топиш мумкин. Улар инсон билан яқин бўлишни ва уни дуо қилишни истайдиган Худо ҳақида гапирадилар, аммо бу унчалик ҳам тўғри таълимот эмас, чунки бундай одамлар Унинг муқаддаслигини унутадилар. Кўпинча бу яхши ният билан қилинади, чунки айрим одамлар дин соҳасида ҳаддан зиёд қонунпарастликнинг гувоҳи бўлишди ёки шундай инсондан азият чекишиди, бошқалар эса кимдир уларни шунчаки севишини ва улар ҳақида ғамхўрлик қилишини истайдилар. Шунинг учун, афсуски, улар ёмон ниятсиз, тўлиқ бўлмаган таълимотни ваъз қиладилар, бу эса янада аянчли оқибатларга олиб келади.

Қонунпарастликнинг исканжасидан халос бўлган ва фақат бизнинг нуқсонлигимизни ва ерлик унсурларга берилганлигимизни унутадиган, Худонинг севгиси ва тушуниши ҳақида воизлик қилаётган одамлар, айнан тескари таассуротга эришмоқдалар. Улар одамларни Унинг овозини эшига олишлари учун Унинг ҳузурига киришга даъват қилмаяптилар. Агарда улар одамларни шунга даъват қилаётган бўлсалар эди, улар Унинг олдига олиб борадиган муқаддас севги ва қўрқувдан бошқа йўл йўқлигини кўрган бўлар эдилар.

Бундай воизликлар бизга, улар интилаётган мақсадларга эришиш истагини қаноатлантирадиган “осон Раббийни” таклиф қиласди. Худонинг қўрқувини четга суриб қўйиб, улар аслида, одамларни Худонинг ҳузурига кириш имкониятидан маҳрум қилмоқдалар.

## ХУДОНИНГ ДҮСТАЛАРИ

### УЛКАН ЭХТИРОМДА

Унинг ҳұзурда бўлишга таалуқли бўлган абадий ва ўзгармас ҳақиқат. Бу ҳақиқат Каломда келтирилган:

“Эй Худо, муқаддас малаклар даврасида ҳайбатлисан, тахтинг атрофидагиларнинг ҳаммасидан қўрқинчлисан”  
(Сано 66:8).

Бу оятнинг иккинчи қисмини яна бир марта ўқиб чиқайлик: “Тахтинг атрофидагиларнинг ҳаммасидан қўрқинчлисан”. Бу абадий бўлган ҳақиқатdir. Биз ҳеч қачон Худога ҳурмат кўрсатилмаган жойда, У йузининг ҳұзурини намоён қилишини кўрмаймиз. Худо Унга улкан ҳурмат ва муносиб иззат кўрсатмаган одамлар йиғинига келмайди. Одамлар чиройли қўшиқлар куйлашининг, сажда қилишининг, аъло даражада воизлик қилишининг ёки таълим беришининг аҳамияти йўқ. Қилинаётган ибодатлар Муқаддас Китобнинг ҳақиқатларига мос бўлишининг ҳам аҳамияти йўқ, агар Худонинг қўрқуви бўлмаса, У йиғинга келмайди ва йузини намоён қилмайди. Элиаҳ ва унинг ўғиллари билан айнан манашу нарса содир бўлди.

Мен узоқ йиллар давомида хизмат қилиб келяпман. Ўта катта оломон йиғилган хизматларда ҳам, Худонинг ҳұзури бўлмаган хизматларнинг ҳисоби йўқ. Бунинг сабаби қуийдагича: одамлар орасида, баъзан эса чўпонлар орасида Раббийнинг қўрқуви етарлича эмас. Гарчи ҳамду-сано гурӯҳлари аъло даражада бўлиши мумкин, истеъоддли мусиқачилар ва ашулачилар ҳам аълочи бўлиши мумкин, йиғилгандар устида байроқлар ҳилпираши мумкин, залда саждакорлар рақс тушиши мумкин. Хизматда юқори технологиялар ёрдамида янги нарсалар ўйлаб чиқилган бўлиши ва матбуот вакиллари иштирок этиши мумкин. Хизмат ижодли ва иштиёқманд бўлиши мумкин ва хизматга келганларни қизиқарли мавзулар ишлатиб маҳсус ҳазил билан

## Худога яқинлашиш

кутиб олишлари мүмкін, лекин барибир йиғинда нимадир етишмайды.

Йиғинда Худонинг ҳұзури етишмайды. Йиғинга келган аксарият одамлар бу учрашув қанчалик пуч бўлганини тушунмаслиги қанчалик қайғули. Шуни қайд этиш керакки, Хушхабарни етказишнинг ижодий ва янги үслубларининг ўзи яхши, бу Худонинг ҳұзури намоён бўлишига умуман монелик қилмайды. Мен энг замонавий йиғинларда бўлганман ва у ерда Худонинг құдратли ҳұзуридан баҳра олганман. Худонинг ҳұзури юқори технологияларга қарши эмас. Бироқ Худонинг ҳұзури юракларнинг ҳолатини кўрсатади.

Бундай ҳолатларда мен Худонинг бошқаруви остида одамларга итоат ва Худонинг қўрқуви ҳақида гапиришни бошлайман, ҳар сафар мен одамларни тавбага чақирганимда, менинг чорловимга кўпгина одамлар, шу қаторда етакчилар ҳам ижобий жавоб қилишганини кўраман. Қарийб ҳар доим ибодатдан аввал Худонинг ҳұзури намоён бўлишини кўрамиз ва одамлар йиғлашни бошлайдилар. Бу нима учун содир бўляпти? Чунки Худо, Уни севадиган, ҳурмат қиладиган ва Ундан қўрқадиган одамларни Ўзига тортади. Ёқуб шу сабабдан шундай деган:

Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади. Эй,  
гуноҳкорлар, қўлларингизни тозаланглар! Эй, фикрида  
иккиланаётганлар, юракларингизни покланглар! (Ёқуб 4:8)

Бир қараашда, Ёқуб бизлар юқоридан туғилмаган гуноҳкорлар деб атайдиган имонсизларга мурожаат қилаётгадек туюлади. Шунга қарамасдан, Ёқуб ўз мактубида ўзининг тингловчиларини ўн беш марта “биродарлар” деб, атаяпти. У юқоридан туғилган одамларга мурожаат қиляпти.

Келинг, гуноҳкор сўзини қараб чиқамиз. Юончада бу сўз *hamartolos* деб ёзилади. Вайн ушбу сўзни таърифлаб, унинг

## ХУДОНИНГ ДҮСТЛАРИ

түрфидан-түрфи маъноси “нишонга теккиза олмайдиган киши”ни англатади деялти. Имонсиз одамларни шундай сўз билан аташ мутлақо түрфи, лекин бу сўзни масиҳийларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бундай матн доирасида у ўз фикрларида нишонга туширолмаган масиҳийни назарда тутмоқда, бу эса ўз навбатида нотўрфи ҳаракатларнинг ёки нотўрфи хулқининг такрорланишига олиб келади. Сўнггида, Ёқуб дейди: “Эй, фикрида иккиланаётганлар, юракларингизни покланглар!” Бу чорлови билан у имонли киши нима учун нишонга туширолмаслигининг асосий сабабига олиб боряпти.

Худонинг қўрқуви имонлининг юрагида туғилиши ва бу унинг ташқи ҳаракатларида ҳамда ишларида намоён бўлишини тушуниши жуда муҳим. Бир пайтлар Худо Ўзининг ҳалқи ҳақида шундай деди:

“Бу ҳалқ Менга оғзи билан яқинлашиб, тили билан ҳурмат қилгани, лекин унинг юраги Мендан узоқ бўлгани учун ва уларнинг Менинг олдимдаги эҳтироми инсоний амрларни ўрганиш бўлгани учун...” (Ишаъё 29:13, ёзма ҳарфлар муваллифга тегишли).

Худодан қўрқадиган ва Уни ҳамма нарсадан ва ҳамма одамдан кўпроқ севган юрак Худога яқинлаша олади. Бу шунчаки ташқи ҳаракатлар эмас, бу инсоннинг юрагининг ниятидир. Шу боис, Худонинг қўрқувига таъриф берганда, биз аввало юракнинг муносабати ҳақида гапиришимиз шарт.

Шундай қилиб, Худонинг қўрқуви бу Худони ҳурмат қилиш, иззат қилиш ва энг юксак эҳтиром билан муносабатта бўлишдир. Биз Унинг олдида чуқур ҳурмат билан таъзим қиласиз. Бу Унинг қаршисида Унинг ҳузурида титрашни, Унинг амрларига ва истакларига ҳурмат билан муносабат қилишни билдиради. Бу ҳали бошланиши фақат.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ХУДОГА ҲУРМАТСИЗЛИК БИЛАН ЯҚИНЛАШИШ

Бирон нарсани тушуниш учун, шу нарса нима эмаслигини аниқлаб олиш баъзида фойдали. Аҳароннинг иккита ўғлининг ҳаёти Худонинг олдига керакли қўрқувсиз яқинлашишнинг яхши мисоли бўла олади. Чодир қурилишининг яқунланишидан аввал Раббий Мусога амр қилди: “Исроил ўғиллари орасидан аканг Аҳаронни ва у билан бирга унинг ўғилларини ёнингга олгин. Аҳарон ҳам, унинг ўғиллари Надав, Абиҳу, Элеазар, Итамар ҳам руҳоний бўлиб Менга хизмат қилишсин” (Чиқиш 28:1).

Худонинг бу одамлари Раббийга хизмат қилиш учун ҳамда Худонинг халқи учун туриш учун ажратилган ва ўргатилган эдилар. Уларнинг хизмат мажбуриятлари ва чегаралари Худо Мусо орқали берган аниқ амрлар билан шартланган эди. Улар ўргатилгандан сўнг Худога хизмат қилиш учун бағишлиланган эдилар ва уларнинг хизмати бошланганидан сўнг Худонинг ҳузури чодирни тўлдирди.

Аммо Худонинг шуҳрати чодирда намоён бўлганидан сўнг, тез орада бу иккита одамнинг ҳаёти Худодан узилиб қолди.

Аҳароннинг ўғиллари Надаб ва Абиҳу, иккалови ўз тутатқидонларини олиб, унда олов ёқиши ва устига тутатқилар қўйиб, Раббийнинг қаршисига, У буюрмаган бегона оловни келтириши (Лев. 10:1, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Эътибор беринг, Надаб ва Абиҳу Раббийнинг ҳузурига бегона (муқаддасланмаган) оловни олиб кирдилир. Вебстернинг луғатида бегона (муқаддасланмаган) сўзи шундай тушинтирилади: “Ҳурматсизлик кўрсатиш ёки муқаддас нарсаларни менсимаслик; беҳурматлик қилиш”. Бу Худо муқаддас ёки табаррук деб, атаган нарсага беҳурматлик қилиш ёки менсимасликни англалади. Худонинг бу иккита

## ХУДОНИНГ ДҮСТАЛАРИ

одами Раббийга сажда қилиш учун ажратилган тутатқичларни олиб, ўзлари хоҳлаган олову тутатқи билан түлдирдилар. Улар Раббий буюрган бағишловни олиб келмадилар. Улар мұқаддас нарсаларга нисбатан эътиборсиз әдилар ва бу итоатсизликка олиб келди.

Улар Худонинг ҳузурига ножоиз ва номақбул тутатқилар билан яқынлашдилар. Худонинг мұқаддасворликларига ўтамиёналик билан, сийқаси чиққан нарсадек мұносабат қилдилар. Бунинг оқибатига қаранг:

Шунда Раббийдан олов чиқиб, уларни ёндириб юборди  
ва улар Раббийнинг қаршисида ҳалок бўлишди (Лев. 10:2).

Бу иккита эркак беҳурматлик қилишгани учун ўша онда Худонинг ҳукмини олдилар ва мұқаррар ўлимга йўлиқдилар. Улар Худонинг ҳузурида бўлиб туриб ҳурматсизлик қилдилар, гарчи улар рухоний бўлсалар-да, улар ҳам Худога юксак ҳурмат кўрсатишлари шарт эди. Улар мұқаддас Худонинг олдига, гўё У мұқаддас ва қўрқинчли Худо эмасдек мұносабат билан яқынлашиб гуноҳ қилдилар. Уларнинг Унинг ҳузурида ўзларини ҳеч нарсага муҳтож эмасдек тутдилар! Уларнинг устида бўлиб ўтган ҳукмдан сўнг Мусо нима деганига қаранг ва “Менга яқынлашаётганлар” иборасига эътибор беринг:

Мусо Аҳаронга деди: «Менга яқынлашувларда мұқаддасланаман ва бутун халқнинг олдида шарафланаман», – деганида мана шуни назарда тутган эди», – деди. Аҳарон жим турар эди (Лев. 10:3).

Бу амр борлиққа тегишли бўлган амр сифатида абадийлик хусусиятига эга. Худо бирор киши Унинг олдига енгилтак юрак билан, керакли ҳурмат ва қўрқувсиз яқынлаша олмаслиги ҳақида айтяпти. Ҳамма одамлар Уни мұқаддас дея ҳурмат

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

қилиши ва Унинг ҳузурига чўқур ҳурмат билан муносабатта бўлиши шарт.

Раббий йўз ҳузурида беҳурматликка чидамаслигини аниқ тушунтирди, лекин Надаб билан Абиҳу бу огоҳлантиришга эътибор бермадилар. Бугун бу борада ҳеч нима ўзгаргани йўқ, Худо илгаригидек муқаддас Худо. У зарур ҳурмат ва эҳтиромни кўрсатмаган инсонни йўз ҳузурига киритади деб тахмин қилиш мумкин эмас!

Бу талаб ҳеч кимдан мустасно эмас, хусусан оиласвий танишибилишчилиқда ҳам. Ўша иккита руҳоний Мусонинг жиянлари ва Аҳароннинг ўғиллари эди. Лекин уларнинг бирортаси Худонинг ҳукми адолатли бўлганини инкор эта олмайди, чунки ёлғиз Худо хақ ва одил. Боз устига, Мусо Аҳаронни ва қолган иккита ўғлини ҳалок бўлғанлар устидан мотам тутмаслиги кераклиги ҳақида огоҳлантирди. Акс ҳолда, уларни ҳам ўлим кутарди. Бўлмаса, Раббийга бу яна қўшимча шармандалик олиб келарди, шунинг учун Надаб билан Абиҳунинг жасадларини халқ орасидан ташқарига олиб чиқариб ўша ерда кўмдилар.

Бу иккита одам Худонинг аниқ амрларига енгилтаклик билан ёндашдилар. Улар Унинг олдига керакли ҳурмат ва қўрқув билан келмадилар. Уларнинг юрагида итоатсизлик борлигини кўрсатдилар. Кўриниб турибдики, гуноҳнинг илдизини Раббийнинг қўрқуви йўқлигидан қидириш керак.

## РАББИЙНИНГ ҚЎРҚУВИ БИЛАН УНИНГ ҚАРШИСИДАГИ ДАҲШАТНИНГ ЙURTASИДАГИ ФАРҚ

Худо Синай тоғида исроилликларга намоён бўлганида, улар Унинг ҳузурида тура олмадилар. Бунинг сабаби, уларда Раббийнинг қўрқуви етарли даражада эмас эди. Улар Унинг ҳузуридан узоқлашганларида, Мусо уларга шундай деди:

## ХУДОНИНГ ДЎСТЛАРИ

Қўрқманглар! Худо сизларни синаш учун ва сизлар гуноҳ қилмасликларинг учун Ундан қўрқиши сизларнинг юзларингиз қаршисида бўлиши учун келди (Чиқиш 20:20).

Мусо “қўрқманглар” деб, амр қилди, чунки Худо халқни синаш учун келган эди, токи “Ундан қўрқиши сизларнинг юзларингиз қаршисида бўлсин”. Бир қарашда, айтилган ҳамма гап ўзига қарама-қаршидек туюлади, лекин бу бундай эмас. Мусо Раббийдан қўрқиши билан Унинг олдидаги даҳшат ҳисси ўртасидаги фарқни кўрсатди. Уларнинг ўртасидаги фарқ жудда катта. Худонинг олдида даҳшатга тушган одам ниманидир яширади. У Худога яқинлашишни истамайди, чунки Унинг ҳузурининг ёрқин нури инсон яширишни истаган нарсани ошкор қиласди. Павлус шундай дейди: “Фош қилинадиган ҳамма нарса нур томонидан аён қилинади, чунки аён қиласдиган ҳамма нарса нурдир” (Эфес. 5:13).

Худо бизни даҳшатга тушишимизни истамайди, лекин бизда Унинг қаршисида Ундан қўрқиши бўлишини талаб қиляпти. Павлус ёзади: “Чунки Худо бизга қўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қудрат, севги ва соғлом онг Руҳини берган” (2-Тим. 1:7), Юҳанно эса унинг кетидан қайтаряпти: “Севгида қўрқув йўқ, лекин мукаммал севги қўрқувни қувиб чиқаради, чунки қўрқувда азоб бор. Қўрқадиган одам севгида мукаммал эмас” (1-Юҳ. 4:18). Худонинг олдида даҳшатга тушган одамларда қўрқув руҳи бор, бу Худонинг қўрқуви эмас, чунки янги аҳд мактубларининг муаллифлари бизга “янада кўпроқ қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар” деб айтган (Флп. 2:2). Павлус бизга яна “эҳтиром ва қўрқувда Худога маъқул хизмат қилайлик дейди. Чунки бизнинг Худойимиз – еб ютадиган оловдир” (Ибр. 12:28, 29). Петрус янада кескинроқ гапира дейди: “Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман”. Агарда ҳар бир кишини юз-хотир қилмасдан, қилмишига яраша ҳукм Қилувчини сизлар Ота деб атасангизлар, унда

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

мусоғирчилик даврингизда қўрқув билан яшанглар” (1-Пет. 1:16, 17). Ушбу сатрларни ўқиб Худонинг қўрқуви янги аҳд масиҳийлигининг ажralmas қисми эканини тушунмасликнинг имкони йўқ.

Мусо одамларга Худонинг ҳузури ҳақида гапираётганига эътибор беринг: “Сизлар гуноҳ қилмасликларинг учун Ундан қўрқиш сизларнинг юзларингиз қаршисида бўлсин». Бизни Худонинг севгиси эмас, Худонинг қўрқуви гуноҳдан асрайди. Павлус бизга: “кўпроқ қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширгилар” деб буюряпти. У нажот севги ва яхшилик билан амалга оширилади дегани йўқ. Бошқа мактубда, Худо бизнинг орамизда мудом бўлиши ҳақидаги ваъдани эслата туриб, у бизни даъват этмоқда: “Шундай қилиб, севганларим, шундай ваъдаларга эга бўлиб, ўзимизни тананинг ва руҳнинг ҳар қандай нопоклигидан тозалаб, Худонинг қўрқуvida муқаддаслигимизни камолотга етказайлик (2-Кор. 7:1). Эътибор беринг, у буни Худонинг севгисида қилиш керак демаяпти.

Мен товламачилик сабабли қамоқда ўтирган хизматкорни кўргани борганим эсимдан чиқмайди. Мен ундан: “Сиз Масиҳнинг севгисидан қандай қилиб четлашдингиз?” деб, сўрадим. У менга қараб қаттиқ ишонч билан деди: “Мен четлашганим йўқ”. Мен таажжубланиб эътиroz билдиридим: “Лекин товламачиликка ва зинога нима дейсиз?”

У: “Жон, мен шунча пайтдан бери Худони севардим. Ҳамма гап шундаки, мен Ундан қўрқмас эдим” деди. Кейин у мен бутун умрга эслаб қолган нарсани айтди: “Жон, америкалик миллионлаб масиҳийлар менга ўхшайди. Улар Исони ўзларининг Нажоткори деб аташади, лекин улар Ундан энг олий Тангри ва Ҳумкдор сифатида қўрқишмайди”.

Шу онда ичимга гўёки чироқ ёнгандек бўлди. Мен, биз ўзимиз ўз тасаввуримизда ва тушунчамида яратган Исонинг тасвирини севишимиз мумкинлигини, лекин бу тасвир чинакам

## ХУДОНИНГ ДҮСТЛАРИ

Исо эмаслигини тушундим. Чунки Калом Раббийнинг қўрқувини – Худони яқиндан таниб-билиш донолигининг қўзғалиш нуқтаси деб таъкидлайди (Ҳик. 1:7; 2:5). Мен бу инсон Исонинг бузилган тасвирини севганлигини тушундим.

### ТОКИ УЛАР МЕНДАН ҚЎРҚСИНЛАР

Мусо аниқ қилиб айтган: айнан Худонинг қўрқуви бизни гуноҳдан сақлайди, гуноҳ эса бизни Худо билан бўлган муроҷотимиздан ажратади. Раббий У билан аҳдлашган одамларга шундай деди: “Лекин сизларнинг қонунбузарликларингиз сизлар билан Худойингиз орасида бўлиниш олиб келди ва гуноҳларингиз, сизларни эшиитмаслик учун Унинг юзини сизлардан беркитмоқда” (Ишаъё 59:2). Эътибор беринг, У бизнинг гуноҳларимиз бизни Ундан ажратди деяпти. Бизнинг гуноҳимиз Уни биздан маҳрум қилмади, бизни Ундан ажратди. Худо бу гапларни айтганида, У мажусийлар ҳақида эмас, балки Ўзининг халқи ҳақида гапиряпти. Биз ўзимиз ўзимизни Худонинг яқинлигидан ажратамиз ва бунинг сабаби, Унинг қаршисида муқаддас қўрқувнинг йўқлигидир.

Худонинг қаршисида даҳшатга тушган одамдан фарқли ўлароқ, Худодан қўрқадиган одам ҳеч нимани яширмайди. У унинг ҳаёти Раббийнинг олдида очиқ тутилган китобга ўхшашини билади. У Худонинг истакларини ҳамма нарсадан устун қўяди. У учун Худонинг иродаси, дўстларидан, оиласидан ва ҳатто, ўз жонидан ҳам устун туради. Бундай инсон ўзининг интилишларини Худога бўйсунишдек, қаноатлантирадиган нарсадан аълороқ нарса йўқлигини тушунади. У ўзидан воз кечади, ўз хочини олади ва Исонинг кетидан эргашади. У Худо учун яшайди.

Мусо ҳаётининг тавсифи қўйидагича. У Худодан қўрқарди. Истроил эса қўрқмасди. Истроилликлар ўзларининг истакларини, муҳтожликларини ва шинамни Худо истаган нарсадан устун

## Худога яқынлашиш

күриб, буларни юқори даражада қадрлашарди. Улар Үнга таянишмасди, гарчи ҳар доим, Худога таянамиз дердилар. Улар мудом Үнга шубҳаланишарди, гарчи тескари муносабат ҳақида гапиришарди. Улар Ҳудодан қўрқмаганликлари учун Унинг Сўзини, Унинг истакларини ва амрларини қадрламасдилар ва Ҳудони барча нарсадан устун қўймасдилар. Улар ҳеч қачон Уни чинакам севишмаган. Нега? Чунки улар ҳеч қачон Унинг ҳақиқий ваҳийини бошдан кечиришмаган. Ана шу сабабдан, улар Унинг ҳузуридан четлашдилар. Уларда Унинг ҳузуридаги нуридан яширадиган нарсалари бор эди. Улар вақти келиб, манашу нур уларни барча масалага нуқта қўйишга мажбурлашини ва ахийри, улар кимга хизмат қилишни танлашларига тўғри келишини билишган.

Исройл Ҳудонинг ҳузури бўлган Синай тоғидан чекинган бир пайтда, Мусо аксинча, у ерга яқынлашди. Мусо Ҳудога, У Ўзининг құдрати ва мўъжизалари билан құллиқдан озод қилган ўша одамлар Үнга яқынлашишни истамаётгандарини айтишига тўғри келди. Мусо мана шундан қўрқар эди, аммо Ҳудо ҳамма нарсани билар эди ва Ўзининг жавоби билан Мусони лол қолдирди:

Мен бу халқнинг сенга айтган сўзларининг овозини эшилдим. Уларнинг барча айтган гаплари яхши (Қон. так. 5:28).

Бу гапларни эшилган Мусо қанчалик ларзага келганини тасаввур қиласман! У нафақат одамлар айтган гапларини Ҳудо билганлигидан ҳайрон қолди (ахир, Ҳудо ҳамма нарсани билишини тез-тез унугиб қўйишимиз ажаб эмасми), балки исроилликларнинг барча айтган гаплари Ҳудонинг фикрича тўғри эканига ҳам ҳайратда эди.

Ҳудо Мусога халқ нима сабабдан Үнга яқынлаша олмаганини тушунтириб, айтган жавобида қайғу кўринади:

## ХУДОНИНГ ДҮСТЛАРИ

“Эх, қани эди, уларнинг юраклари шундай бўлсаки, улар Мендан қўрқсалар ва ҳаётларининг барча кунларида Менинг барча амрларимга риоя қилсалар! (Қон. тақ. 5:29).

Худо Ўзининг жавоби билан иккита нарсага ойдинлик киритди. Биринчидан, агар муқаддас қўрқув етишмаса Худога мутлақо яқинлашишнинг имкони йўқ. Иккинчидан, Худога бўйсуниш ва Унинг амрларини бажариш манашу қўрқувнинг борлигидан далолат беради. Исроилликлар чиройли гапиришни ва муғомбирлик қилишни билардилар, лекин уларнинг юрагида Худонинг қўрқуви йўқ эди. Ҳамма нарса ва ҳар доим юракдан бошланади ва инсоннинг хулқида намоён бўлади!

Сўнгра Раббий Эски Аҳдда келтирилган энг фожиали гапни айтди. У ушбу мактубни Мусо орқали Ўз халқига етказди:

Бориб уларга: “Чодирларингизга қайтиб боринглар”, —деб айтгин (Қон. тақ. 5:30).

Худонинг юраги парчаланган эди, Мусо ҳам халқнинг олдига қайтиб борганида жон азобида эди. Мен ҳам манашу юкни ўз кўксимда сезаман. Худо уларни Мисрдан бир сабабга кўра олиб чиқди — уларни Ўзига яқинлаштириш учун, лекин улар ҳеч нимани тушунмадилар (Чиқиш 19:4). Бу буюк нажот Унинг илоҳий мақсади эди. Аммо халқ Худодан улуғвор ваҳийни олиш имкониятига эга бўлганида, улар Ундан узоқлашдилар. Улар Унинг ҳузурига киришни истамадилар, чунки Ундан қўрқмасдилар. Улар ўз чодирларига қайтиб бордилар ва Унинг овозини эшитмай, Унинг ҳузуридан қуруқ қолдилар. У уларга яқин бўлишни таклиф қилди, аммо улар ўз хоҳиши билан манашу яқинликдан бош тортдилар.

## ХУДО БИЛАН ДҮСТЛИК

Бошқа томондан, Худо одамларни чодирларига жўнатганидан сўнг Мусога айтган сўзларини тингланг:

## Худога яқинлашиш

“Сен эса Мен билан шу ерда қолгин ва Мен сенга... барча амрлар, низомлар ва қонунларни айтаман” (Қон. тақ. 5:31).

Ана холос! “Мен билан шу ерда қолгин ва Мен сенга... айтаман” Бу шодликни тасаввур қила оласизми? Бу қанақанги бекиёс имтиёз! Мусога қолишни ва Худонинг юрагини тинглашни таклиф қилишди! Борлиқда бундан-да ажиброк нарсанинг ўзи йўқ! Севгида, доноликда, билимда ва куч-қудратда чексиз бўлган Зотнинг ҳузурида қолиш таклифини олиш, осмонлар ва бор мавжудот интилган Зотнинг ёнида туриш бебаҳодир. Мусо манашунаقا таклифга эришди!

Мусода Худонинг қўрқуви бор эди, шунинг учун у Худо билан яқин бўлган муносабатдан хурсанд бўлди. Биз бунинг гувоҳлигини саночининг сўзларидан топамиз: “У Мусога Ўз йўлларини, Истроил ўғилларига Ўз ишларини қўрсатди” (Сано 93:7). Мусо кўпинча Худо нима қилишини, ҳодисалар юз беришидан аввал билган, чунки Худо Ўз юрагининг фикрларини Мусо билан бўлишган, чунки Мусо Истроил халқи яқинлаша олмайдиган жойга яқин туришда давом этган.

Истроил Худони, Худо уларнинг ибодатига берган жавоб орқали билган. Улар Унинг ниятларини, истакларини, режаларини ва Унинг юрагининг бошқа тубларини билишмаган. Улар Унинг қилаётган ишларини кўришган, лекин ҳеч қачон У буни нима учун қилаётганини тушуна олишмаган. Мусо Худони яширин жойда эшитган сўзлар орқали билган. Менинг севимли Ёзуvdаги оятларимдан бири шундай янграйди:

“Раббийнинг сири – Ундан қўрқадиганларгадир, У уларга Ўз аҳдини англаатади” (Сано 24:14).

Оятнинг маъносини ўзгратирмай шундай деса бўлади: “Худонинг юрагининг сирлари – Ундан қўрқадиганларгадир ва У Ўзининг аҳд йўлини уларга очади”. Бизнинг барчамизда ўз

## ХУДОНИНГ ДҮСТЛАРИ

сирларимиз бор (ва уларнинг барчаси ёмон эмас), бироқ биз уларни барча танишларимизга айтмаймиз, фақат биз ишонган, яқин дўстларимиз билан бўлишамиз. Бунинг асосли сабаби бор: биз улар юрагимизнинг жавоҳиротларини бизга оғриқ етказиш учун ёки улар билган сирларимиздан имтиёз сифатида фойдаланмасликларини биламиз. Улар бизнинг ишончимизни нотўғри талқин қилмасилигини ва бизнинг сирларимиздан ўзининг манфаати учун фойдаланмаслигини биламиз. Улар бизнинг юрагимизни билишади ва биз учун энг яхши нарсаларни исташади.

Худо ҳам шунаقا. Худо Ўзининг сирларини, шахсий ҳузур-ҳаловатини ҳаддан зиёд устун қўядиган ва ўзининг фаровонлиги учуг ташвишланадиган одамлар билан бўлишмайди. Худо, юраги Унинг юрагига ўхшаган ва ўз ҳаётини У ҳақи қурбон қилган инсонлар билан сирлашади – бундайларни У Ўзининг дўстлари деб атайди. Инглизча Ёзувнинг таржималаридан бирида санонинг бу ояти шундай янграйди: “Раббийнинг дўсто налиги – Ундан қўрқувчиларгadir, ва У Ўзининг аҳдининг сирларини уларга очади” (Сано 24:14).

## ИБРОҲИМ – ХУДОНИНГ ДЎСТИ

Қадимги Аҳдда Худонинг дўсти деб аталган инсон бўлган. Унинг исми Иброҳим. У қандай қилиб Худонинг дўстига айланди? Бунинг жавобини у йўлиққан энг оғир синовдан топсанк бўлади. У Худонинг ваъдаси амалга ошишини йигирма беш йил кутишига тўғри келди. Шундан сўнг у бепушт рафиқаси Соро билан ўғил кўрдилар. Худо унга бу ўғилни, Иброҳим рафиқаси билан бола кўриш ёшидан чиққанидан сўнг анча йилдан кейин берди. Ўғилга Исҳоқ деб исм қўйиши, бу кулгу деган маънони билдиради. Бу бола уларнинг хонадонига улар тасаввур қила олмайдиган қувончни келтирди.

Худо бу оилани диққат билан кузатарди, Иброҳим билан

## Худога яқынлашиш

ўғлининг ўртасида мустаҳкам ва нозик мұхаббат ўсади. Синовлар вақти келди ва Худо Иброҳимдан: “Хозир сен ўзинг севадиган ўғлингни, ягона ўғлинг Исҳоқни олиб, Мориаҳ ерига бор. Ўша ерда Мен сенга айтадиган тоғларнинг бирида уни тамоман ёндириш қурбонлиги қилиб қурбон қил” деб сүради (Ибитдо 22:2).

Сиз Иброҳим бу буйруқни әшитиб бошидан нима кечирганини тасаввур қила оласизми? Бу ваъда қилинган бола эди. Унинг туғилишини узоқ сабр билан йигирма беш йил кутишган. Исмоилни аллақачон уйдан ҳайдаб юборишган эди – демак, Иброҳимнинг вориси қолмайди. Аммо нима учун буни ҳозир, мұхаббат риштаси жудаям мустаҳкам бўлган вақтда қилиш керак? Худо буни нима учун шунчалик кўп вақт кутди? Нима учун У Исҳоқни гўдак бўлган вақтида қурбонликка келтиришни сўрамади? Кўплаб Ёзувдаги олимлар шу пайтда Исҳоқ ўттиз уч ёшда бўлган деб ҳисоблашади.

Сиз ўша кечани кўз ўнгингизга келтира оласизми? Иброҳимнинг ичида изтиробли жанг кечган бўлиши керак. Худо қандай қилиб шундай нарсани сўраши мумкин? Ҳаммаси режадагидек кетаётган эдику! Исҳоқ бир куни келиб уйланади, унинг зурриётлари эса Худо Иброҳимга ваъда қилган бутун бошли халқларни ва шоҳларни дунёга келтиришади. Худо қандай қилиб Иброҳимдан ўғлини қурбон қилишни, устига-устак, ёш чоғида сўраши мумкин? Сиз ўша кечада Иброҳимнинг жонидан ўтган саволларни әшитяпсизми? Унақада У менга Исҳоқни нега берди? Наҳотки, У уни менга кейин яна қайтариб олиш учун берган бўлса? У Исҳоқни мендек севадими ўзи? Нега У ўғлимнинг ўрнида менинг ҳаётимни олишни истамади?

Бироқ Иброҳим нимагадир ичидаги манашу саволлар ва аччиқ мулоҳазалар устидан устун келди. Биз шундай деб ўқиймиз: “Шунда Иброҳим эрталаб барваҳ турраб, эшагини эгарлади ва ўзи билан иккита хизматкорини ва ўғли Исҳоқни

## ХУДОНИНГ ДЎСТЛАРИ

олиб, тамоман ёндириш қурбонлигига ўтин тайёрлади. Шундай қилиб, Худо унга айтган жойга кетди” (Ибитидо 22:3). Эрталаб барвақт деган сўзларга эътибор беринг. Сиз одамларнинг: “Худо мен билан охирги бир неча ой мобайнида ишляяпти, лекин мен ҳали тайёр эмасман” деган гапларини эшитган бўлсангиз керак. Бундай одамлар, уларда Раббийнинг қўрқуви етишмаслигини кўрсатмоқдалар.

Худодан қўрқиш Унинг Сўзининг олдида титрашни англатади. Бу биз сабабни ёки маъно билан фойдани кўрмасак ҳам Унга бўйсунишимизни англатади. Бу биз ҳеч нарсани тушуммаган пайтимиизда ҳам Унга бўйсунишимизни англатади. Киши оғриқ келтирадиган вазиятда ҳам Худога бўйсунади. Биз Хушхабарнинг воизлари сифатида Масиҳнинг Танасида ёмон хизмат кўрсатдик.

Кўпинча биз итоат ҳақида фақатгина фойда бўлсагина, манфаатимизни кўзлаб гапирамиз. Биз масалан шундай деймиз: “Агар берсангизлар, шунда Худо ҳам беради” ёки “Агарки ибодат қилсангизлар, шунда Худо...”, ёки “Агар бўйсунсангизлар, шунда...” Бу аслида одамларга, Масиҳга ишонишнинг эвазига нимадир олиш мумкин деган мактубдир. Мен Худо дуо қилишига ишонаманми? Шубҳасиз! Бироқ биз Худога фақатгина баракалар олиш учун хизмат қилмасилигимиз керак! Биз Унга Ундан нимадир олиш учун эмас, балки У Худо бўлгани учун хизмат қилишимиз керак.

Иброҳим зудлик билан итоат қилди, у уч кун давомида Худо кўрсатган тоқقا қараб борди. Худо нега яқинроқ тоғни танламади? Нима учун уч кун юриш керак эди? Ўйлайманки, Худо Иброҳимга Унинг буйруғини ўйлаб кўриши учун ва ҳаттоқи, у орқага қайтиб кета олиши учун вақт берди. Худонинг овозини эшитгандан сўнг зудлик билан ҳаракатланишини бошлаш, бир нарса ва ишни якунига етказиш эса умуман бошқа нарса. Иброҳим уч кун ўтгандан сўнг, энди Худодан бошқа ҳеч нарсани эшитмай, тоғнинг этагига етиб келиб, ҳаётида энг

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

қимматли бўлганни қурбонликка келтириш учун белгиланган тоққа қараганида, нималар ҳақида ўйлаганини тасаввур қила оласизми?

Шундай бўлса-да тоғнинг чўққисига кўтарилиб қурбонгоҳ қурди, Исҳоқни боғлади ва унинг устида пичоқни кўтарди. Қўққисдан Раббийнинг фариштаси Иброҳимга хитоб қилди: “Болага қўл теккизма, унга ҳеч нима қилма. Чунки Мен энди сенинг Худодан қўрқишишингни билдим ва сен ўзингнинг ягона ўғлингни Мендан аямадинг, – деди” (Ибитидо 22:12).

Худо Иброҳим Ундан қўрқишини қандай қилиб билди? У буни Иброҳим Худонинг ҳаракатларида ҳатто, ҳеч нимани тушунмаса ҳам бўйсунишга тайёр эканидан тушунди. Иброҳим оғриқли вазиятда ҳам, умуман беъмани бўлиб туялган вақтда ҳам бўйсунди. Худо Иброҳим қандай қилиб Раббийнинг истагини ҳамма нарсадан кўра устун қўйганини кузатди. Шунда Худо тушунди: “бу одамга Мен Ўзимни очиш имумкин, у билан Мен юрагимдаги нарсалар билан бўлишишим мумкин”.

## ХУДОНИНГ ОЧИЛГАН ҚИРРАЛАРИ

Иброҳим шундан сўнг нигоҳини кўтариб буталарга ўралашиб қолган қўчқорни кўрди. Шунда унинг юрагидан ҳайқириқ чиқди: “Яҳова-Ире” (“Раббий таъминлайди” демакдир). У Худони Яҳова-Ире сифатида таниб-билган биринчи одам бўлди. Иброҳимнинг ҳурмат қўрсатишига ва итоатига жавобан, Худо унга илгари инсонлар билмаган феълининг қиррасини очди. Сиз мени, Жон Биверни китоблар муаллифи сифатида билишингиз мумкин. Баъзиларингиз мени, Жон Биверни – нотик сифатида биласизлар. Аммо Лиза исмли аёл бор, у мени эр сифатида билади. Бу менинг яқин дўстим ва хотиним, мен у билан ундан бошқа ҳеч ким билмайдиган сирлар билан бўлишаман. Бизнинг

## ХУДОНИНГ ДҮСТЛАРИ

ўғилларимиз бор ва улар мени дада сифатида билишади. Бизнинг ўзаро муносабатларимиз ўзига хос, бу фақат ота ва ўғиллар ўртасида кечади. Сизнинг ҳаётингизда ҳам оталар, хотинлар, ўғиллар, дўстлар ва ҳоказолар бор. Худонинг феълининг ҳам кўп томонлари ва қирралари бор.

Худо Иброҳим билан бошқа ҳеч ким билмайдиган нарса билан бўлишди. Раббий Иброҳимга ҳатто, Ўзининг режаларини очди ва унга ўз фикрини билдиришга ижозат берди.

Улар биргаликда маълум бир масалаларни муҳокама қилишарди. Шундай музокаралардан бири Садом ва Гаморага тааллуқли эди. Худо деди: “Қиладиган ишимни Иброҳимдан яшираманми?” (Ибитдо 18:17). Раббий бир вазиятни муҳокама қилиш учун Иброҳимнинг олдига келди ва дўстининг фикрини инобатга олди. Агар Садомда ҳеч бўлмаса ўнта ҳақ киши топилганида эди бу шаҳар қисмати бошқача бўлар эди. Унда ҳатто, ўн киши ҳам топилмади!

## ХУДОНИНГ РЕЖАЛАРИГА БЕПАРВО ОДАМ

Муқаддас Китоб Иброҳимнинг жияни Лутни ҳақ киши деб аташи таажжубли (2-Пет. 2:7). У амакисидан жудаям фарқ қиласарди. Лут танавий одам бўлган ва у Худодан қўрқмаган. Унинг воқеаси Иброҳимнинг воқеасидан фарқ қиласди. У ўз йўлини Иброҳим билан бирга бошлади, лекин ҳар сафар, тана руҳ билан яшашни бошлаганида жанжал келиб чиқиши муқаррар. Иброҳимни дунёвий ишлардан кўра кўпроқ Худонинг ишлари қизиқтирган, шунинг учун у Лутга ер майдонини биринчи бўлиб танлашни таклиф қилди. Иброҳим Лутдан кейин қоладиган ер билан қаноатланишга тайёр эди, гарчи айнан у танлаган ер вақт ўтиб, сут ва асал оқадиган ҳосилдор ҳудудга айланди.

Биз шундай деб ўқиймиз: «Лут нигоҳини кўтариб (маҳсулдор) Йордан текисликларига қаради» (Ибитдо 13:10).

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Ўша пайтларда Йордан ҳудудлари ердаги энг исталган ва ҳосилдор жой бўлган. Лут нигоҳини кўтариб, яна ниманини кўрди? У Садом ва Гамора бетавфиқликка тўла шаҳарлар эканини биларди. У бу шаҳарларнинг бойлигидан, қандай қилиб уларнинг бузук таъсирига тушмасдан фойдаланиш мумкинлини аниқлашга ҳаракат қилган бўлса керак. У ўзининг чодирини эски шаҳарда эмас, балки Садомнинг текисликларида жойлаштиришга қарор қилди. Шундай қилиб у бир вақтнинг ўзида ҳам бузуқликнинг марказидан узоқроқда бўлган, ҳам ушбу вилоятнинг бойлиги билан тўкинчилигидан ҳузур-ҳаловат кўра олган. Каломда: “Ибром Кањон ерида яшаб қолди. Лут эса текисликдаги шаҳарларда яшаб, Садомга қадар чодир қурди” деб ёзилган (Ибитдо 13:12). Бироқ агар сен Худодан қўрқмасанг бетавфиқликдан узоқроқ юришга қанчалик уринсанг ҳам, гуноҳ сени вақт ўтиб, ўзига тортиб олиши муқаррар. Лут билан айнан шу нарса содир бўлди: у Садомнинг текисликларида чодир қуришдан бошлаган, лекин олти бобдан сўнг Садом шаҳрида аллақачон унинг уйи бўлгани ҳақида ўқиймиз (Ибитдо 19:2). Садом бой ва фаровон шаҳар эди. Унинг ахолиси уларнинг шаҳари ер юзидан йўқ қилинишига саноқли соатлар қолгани ҳақида тасаввурга эга эмасдилар. Бу бизни таажжублантириши керак эмас. Аммо бу ҳақда Лут ҳам билмаганлиги бизни хавотирга солиши керак. Худо шафқат элчилари бўлмиш фаришталарни уни огоҳлантириш учун юборди. Худодан қўрқадиган ва Унинг ҳаётда амалга оширишилишидан аввал бўлган сирли фикрларини ва режаларини билган Иброҳимдан фарқли ўлароқ, Лут Садомда яшайдиган гуноҳкорлар сингари бепарво бўлган. Иброҳим Худонинг дўсти эди, чунки у Ундан қўрқарди!

## ҲАҚИҚИЙ ИСО

Иброҳим ва Лутнинг ҳаётини Раббийнинг қўрқуви доирасида ўрганиб, биз ушбу тушунчанинг таърифини кўриб чиқамиз.

## ХУДОНИНГ ДЎСТЛАРИ

Раббийнинг қўрқуви Худо севган нарсани севишини ва У нафратланадиган нарсадан нафратланишини ўз ичига олади. У учун мұхим бўлган ҳамма нарса биз учун мұхим бўлади, У учун мұхим бўлмаган нарсалар эса биз учун ҳам мұхим бўлишдан тўхтайди. Унинг устуворликлари ва истаклари бизнигига айланади. Раббийнинг қўрқуви Худонинг иродасига ва Унинг барча истакларига қатъият билан итоат қилишни англатади.

Ёзувга кўра, агар биз Худодан қўрқсанак, У бизга яқинлашишни бошлайди. Унга яқинлашишимиз сари бизнинг Унга нисбатан бўлган севгимизнинг кучи ўсишни бошлайди. Биз шунчаки Худо ҳақида билимларни эмас, балки бизга Ўзини очаётган тирик Худони севамиз. Раббийнинг теран ва мудом қўрқуви бўлмаса, биз Худони чиндан таниб-билиш билан мақтана олмайдиган севгини эътироф этган бўламиз. Биз У ҳақда биламиз, лекин биз Уни билмаймиз. Бундай ҳолда бизнинг ҳиссиётларимиз Исонинг суратига, бизнинг тасаввуримизда шаклланган суратга қаратилган бўлади, чунки биз Отанинг ўнг томонида ўтирган ҳақиқий Исони билмаймиз.

Бу ҳолатни голливуд киноюлдузларига ёки машҳур спортчиларга нисбатан бўлган ихлосмандларнинг мұхаббати билан таққосласа бўлади. Улар интервью ва рўзнома мақолалари ёрдамида оммавий ахборот воситалари яратган суратларни севадилар. Бу машҳур инсонларнинг исмлари америкаликларнинг уйларида тез-тез жаранглайди. Мен мухлислар ўзларининг бут қилиб олган актёрлари ҳақида гўёки ўзларининг яқин дўстлари ҳақида гапиргандек гапирганини эшитганман. Мен машҳур инсонларнинг ҳаётидаги ҳодисаларни гўёки уларнинг оила аъзосидек юрагига яқин олган инсонларни кўрганман. Лекин агар улар ҳаётда уларни учратганларида эди, улар бу машҳур одамлар сунъий яратилган образдан жуда катта фарқ қилишини кўрган бўлар эдилар. Мухлислар билан машҳурларнинг ўзаро муносабатлари – ҳаракати бир томонлама

## Худога яқинлашиш

бўлган кўчадир. Агарки улар ҳаётда учрашишса эдилар, уларнинг умумий қизиқишлари топилиши амри маҳол бўларди, улар нима ҳақида гапиришни билмаган бўлар эдилар, чунки бу одамлар бир-бирларини билмайдилар.

Манашунаقا тамойилни мен жамоатларда ҳам кўрганман. Кўпчилик Раббий ҳақида гўёки Уни яқиндан билган инсондек гапиришади, лекин агар уларнинг қандай мулоҳаза юритишини дикқат билан тингласангиз, улар фақат У ҳақида билишади. Улар Унинг ҳаракатларини кўришган, бироқ Унинг йўлларини билишмайди, улар У нима деганини билишади, лекин У нимани назарда туваётганини билишмайди.

Ўтган йили мен билан шунга ўхшаш бир истисно ҳодиса рўй берди. Биз оиласиз билан Гавайида дам олаётган эдик. Вақтнинг фарқи борлиги сабабли мен барвақт уйғонардим. Бир куни эрталаб мен пляжда ибодат қилаётганимда олдимга бир одам келиб мен билан гаплашишни бошлади. Орол унга жуда ёқиб қолган бўлиб, у буни иштиёқ билан айтиб берарди. У бирданига “бу оролнинг қизлари ажойиб эканини – бафоят дўстона ва гапчан” эканини етказди. Сўнгра у яқинда борган кечки базм ҳақида айтиб берди, сўнгра бошқа танавий мавзуларга тўхталди. Унинг барча гаплари ҳаддан зиёд бузук ва юзаки тусда эди. Сўнг у менинг фаолиятим ҳақида сўради. У мени руҳоний эканимни билганидан сўнг у ҳаяжонланиб кетди ва Раббий ҳақида гапиришни бошлади. У унинг жамоати байкерлар учун ташкиллаштирган хушхабар лойиҳасида иштирок этгани ҳақида айтиб берди, сўнгра ўзининг чўпони ҳақида мулоҳаза юритди. У Исога қандай келгани ҳақида айтиб берди ва ҳатто, ёнида бўлган кичик китобчани берди. Сўнгра унинг рафиқаси ва болалари меҳмонхонада ҳали ухляяпти деди (шу пайтда, у оролнинг дўстона қизлари ҳақида қандай ҳаяжон билан айтиб бергани бирдан эсимга тушди). Менинг юрагим эзилди, чунки бу одам Раббийни биламан деб ишонч

## ХУДОНИНГ ДЎСТЛАРИ

билин айтарди, лекин унинг ҳаёти бунинг тескарисидан далолат берарди. Шунинг учун Исо имонлиларни сўзларидан ёки хизматидан эмас, балки ҳосилларидан, яъни ҳаёт тарзидан билиб оласизлар деган (Матто 7:20-23).

Бу кўплаб мисоллардан бири. Мен сиз ҳам манашундай ёрқин мисолларга тўқнаш келганингизга ишончим комил. Исога ишонаман деб айтадиган одамлар шундай ҳолатларда киноюлдузларнинг муҳлисига ўхшайдилар. Мен бундай одамларга ачинаман. Бундай одамлар нажотни истайдилар, лекин дунёвий нарсаларни севадилар, улар ўзларининг лаззатга бўлган интилишларини, режаларини ва ниятларини Худонинг фикрларидан устун қўядилар.

Аммо чиндан ҳам нажот топган, лекин Лутга ўхшаб, танавий манфаатлар билан яшайдиган одамлар ҳам бор. Улар дунёвий ишлар билан банд. Улар Худога хизмат қилишни истайдилар, лекин уларнинг иштаҳаси уларнинг бу дунёning қулига айлантириди. Улар ўзларининг манманлигини Хочга михлашмаган ва ўз ҳаётида Масиҳнинг тозаловчи ҳаракатларига қаршилик қиласидилар. Улар Унинг иродасини излашга интилмайдилар ва Худонинг Шоҳлигини кенгайтирмайдилар. Улар илгаригидек ташқи ховлида яшайдилар, уларнинг танасининг пардаси девор бўлиб тўсиб олган, бу уларга янги ва тирик йўлга яқинлашишига халақит беряпти. Улар Унинг ҳузурига яқин ва шу вақтнинг ўзида Ундан узоқда турибдилар.

Ташқи ховлида яшаётган одамлар Худо нима сабабдан уларни бу дунёning зулмидан қутқарганини тушунмадилар. Улар инсонга берилган Худони таниб-билишдек, олий даъватни қўлдан бой бердилар. Уларга Худонинг севгиси, баракалари, ҳимояси, таъминоти ва тўкинчилиги ҳақида гапираётган воиззиклар ёқади. Бунинг барчаси ҳақиқат, лекин улар юрагининг ҳолатига тааллуқли бўлган масалалар ҳақида эшлишибни истамайдилар. Улар аслида, ҳеч қачон уларни қаноатлантира олмайдиган

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

нарсани танладилар ва юрагида бўлган ҳаёт булоғини четлаб ўтмоқдалар.

Худо биз билан яқин муносабатларни исташини, У муқаддас эканини ва ҳеч кимга Ўз устидан мазах қилишига йўл қўймаслигини тушунишимиз керак. У бизни Ўзига тортиш учун ҳаддан зиёд тўлов тўлади, шундай экан, қандай қилиб бу дунёнинг дўсти бўлиб қола оламиз? Бизни Худога яқинлашишга даъват қилишдан аввал, Ёқуб огоҳлантириди: “Дунё билан дўстлик – Худога душманлик эканлигини билмайсизларми?” (Ёқуб 4:4). У агар биз дунё билан дўст бўлишни изласак, Худога душман бўлишимизни айтди. Эсингизда бўлсин, у имонлиларга мурожаат қиляпти. Павлус шунингдек, жуда аниқ ва бир маъноли ибораларни ишлатяпти: “Чунки ҳамма инсонларга нажот берадиган Худонинг инояти зоҳир бўлди. Бу иноят эса шуни ўргатадики, биз бетавфиқликни ва дунёвий ҳирсларни рад қилиб, бу дунёда ифратли, ҳақ ва художўй ҳаёт кечиришимиз керак. Чунки биз баҳтли умидимизни рўёбга чиқишини, Нажоткоримиз Исо Масихнинг ва буюк Худойимизнинг шухрати зоҳир бўлишини кутмоқдамиз” (Тит. 2:11-13). Айнан шунинг учун Павлус “қўрқув ва титров билан ўз нажотимизни амалга ошириш”га чақирмоқда.

## ИСОННИНГ ДЎСТЛАРИ

Биз кўпинча воизликларда, агар Уни қабул қиласак, биз Унинг дўстларига айланамиз деган гапни эшитамиз. Умид қиламанки, Худо ҳар қайси одамни ҳам енгилтаклик билан ва беўй равища Ўзининг дўсти деб атай олмаслигини тушунгандирсиз. Бир куни мен ибодат қилаётганимда У менга деди: “Менинг ҳалқимдан сўрачи, улар Менга содиқ бўлгандек Мен ҳам уларга шундай содиқ бўлишимни истайдими?” Исо Ерга ҳар бир киши “Юқоридан туғилган одамларнинг клубига” қўшила олиши учун келмади. Худо инсонларни қандай севган бўлса, Уни ҳам шундай

## ХУДОНИНГ ДҮСТЛАРИ

севадиган одамлар билан дүст бўлишни истайди ва фақат шу аснода У билан дүст бўла оламиз. Унинг Ўзи манашу ҳақиқатни тасдиқлади:

“Агар Менинг сизларга буюрганимни бажарсангиз, унда сизлар Менинг дўстларимсизлар” (Юханно 15:14).

Исо дўст бўлишнинг маълум бир шартларини қўймоқда. У: “Агар сизлар Мен Масиҳ эканимга ишонсангизлар, сизлар Менинг дўстимсизлар” демаяпти. Кўряпмизки, У: “Агар Менинг сизларга буюрганимни бажарсангиз, унда сизлар Менинг дўстларимсизлар” деди. Бу бобда биз аллақачон, У амр қилган нарсаларни бажаришнинг кучи ва маҳорати Раббийнинг қўрқувида мужассам экани ҳақида гапирган эдик.

Исо бу ҳақда Яхудо Ишқариёт Унга хиёнат қилиш учун кетганидан сўнг айтди. Агар биз кейинги оятни ўқисак, Исо ўн битта шогирдига шундай деб мурожаат қилганини кўрамиз:

“Энди Мен сизларни қулларим деб атамайман” (Юханно 15:15). У: “Энди Мен сизларни атамайман” деб айтган сўzlари, У шу пайтгача уларга хизматкорларга қарагандек қараганлигини билдиради, энди эса улар ўзаро муносабатларнинг янги поғонасига ўтдилар. Бу гапдан сўнг У шундай деди:

“Чунки қул, унинг хўжайини нима қилаётганини билмайди. Аммо Мен сизларни дўстларим деб атадим, чунки Отамдан эшигтан ҳамма нарсани Мен сизларга маълум қилдим” (Юханно 15:15).

Эътибор беринг, Раббийнинг дўстлари У нима қилаётганини билишади. Улар Унинг йўлларини билишади! Нега уларни дўстлар деб ўзаро муносабатлар бошланган пайтда эмас, балки айнан ҳозир атади? Гап шундаки, улар ўз содиқлигини ва итоаткорлигини ишда кўрсатишди, чунки улар Исонинг

## Худога яқинлашиш

кетидан эргашдилар ва синовлар билан текширувдан ўтдилар, мўъжизлару аломатларнинг қувончидан ва қилинган барча яхши ишлардан биргаликда баҳра олдилар. Уларнинг садоқати уларнинг итоаткорлиги билан исботланган эди.

Исонинг айтган гапи Унинг исмини чақираётган барчага тааллуқли: “Агар Менинг сизларга буюрганимни бажарсангиз, унда сизлар Менинг дўстларимсизлар”. Эътибор беринг, У Унга бўйсунганди киши Унинг дўсти бўлишга муносиб бўлади деди. Санолардаги қўпгина оятларда Худо Уни севгандар учун буюк шафқат ва баракалар тайёрлаб қўйилгани ҳақида айтилган.

Нима сабабдан Худо ҳар кимни ҳам Ўзининг дўсти деб атамайди? Бизни хавфли бўлган бетакаллуфликдан асраш учун деб ўйлайман. Аҳароннинг ўғиллари ва Худо уларнинг ўлимидан сўнг Аҳаронга берган огоҳлантириши эсингиздами: “Менга яқинлашувчиларда муқаддасланаман ва бутун халқнинг олдида шарафланаман”.

Янги Аҳдда ҳам манашу нарса таърифланган, бир одам турмуш ўртоғи билан муқаддас Худонинг ҳузурига енгилтаклик ва бетакаллуфлик билан кирдилар. Улар шу заҳотиёқ Унинг ҳузурида ўлдилар (Ҳав. 5:1-11). “Бутун жамоат ва буни эшигнларнинг ҳаммасини буюк қўрқув босди”. Имонлилар Худога нисбатан ҳурматсизлик қилиш қанчалик хавфли эканини тушундилар. Ва яна: “Менга яқинлашувчиларда муқаддасланаман ва бутун халқнинг олдида шарафланаман”.

Ўтган йили мен ҳайратомуз сирни кашф этдим. Ибодат вақтида сукут сақладим ва Отамнинг улуғворлиги ва мўъжизавий шуҳрати ҳақида шунчаки ўйлашни бошладим. Исо мени қўлга киритиши учун қозонган улуғвор ва ҳайратомуз ғалабаси ҳақида ўйлардим. Мен Унинг кўркам Рӯҳи ҳақида ва У мени Ўзи билан мулоқотда бўлишибми учун танлагани ҳақида зикр қиласдим. Бу нақадар ақл бовар қилмас ва ғаройиб!

Шундай зикр вақтида мен тушундимки, Раббийнинг ҳузури

## ХУДОНИНГ ДЎСТЛАРИ

мени ҳар томондан қамраши учун гапиришим керак. Унинг ҳузурига шунчалик осонлик билан кириш мумкинлигидан ҳайратланиб, мен Муқаддас Рухдан шу ҳақда сўрадим. У юрагимга гапирди: “ Ўғлим, Исо йўз шогирдларига ибодат қилишни ўргатганида нимани буюргандим?” Мен Раббийнинг ибодатини эсга олдим: “Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг исминг муқаддаслансин”. Мен ҳайратга тўлиб қувончдан ҳайқирдим: “Манашу, манашу керак эди!” Авваламбор, биз Уни муқаддаслашимиз керак, яъни Уни муқаддас деб ҳурмат қилишимиз керак: “Сенинг исминг муқаддаслансин”! Биз Унинг ҳузурига Уни муқаддас ҳурмат билан киришимиз керак! Мен бу ибодатни Исо, аслида унга жойлаган ҳақиқатни тушунмаган ҳолда, неча маротаба айтганман!

## ҲАЁТ ХАЗИНАЛАРИНИНГ КАЛИТИ

Раббийнинг қўрқуви – бу Худо билан яқинликнинг калити ва бутун ҳаётнинг пойдеворидир. Ишаъё бизга шундай дейди:

“Раббий юксакдир, зеро У юқорида яшайди. У Сионни адолат ва ҳақлик билан тўлдириди”. Сенинг нажот, донолик ва билимга бой бехатар давринг келади. Раббийдан қўрқиш сенинг хазинанг бўлади (Ишаъё 33:5-6).

Раббийнинг қўрқуви нажот, донолик ва билим хазинасини очади. Нима учун? Чунки бу Худо билан яқинликнинг асосидир ва шу асосда, Унинг хазиналари очилади. Худонинг севгиси билан у ҳаёт пойдевори ҳисобланади. Агар бизда Худонинг қўрқуви бўлмаса, биз Худони чинакамига сева олмаймиз ва У билан бўлган яқинликдан қувона олмаймиз.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Худонинг қўрқуви билан унинг тескариси бўлмиш Унинг қархисида ваҳима ҳиссининг ўртасидаги фарқни қандай қилиб тушунтирган бўлардингиз?
2. Ушбу бобда Худонинг дўсти бўлмиш Иброҳим, ҳақ киши деб аталган жияни Лут билан таққосланган. Лут бетавфиқ шаҳарлар бўлмиш Садом ва Гаморанинг атрофидаги ҳудудларга кўнгил қўйиб қараганида, ушбу шаҳарларнинг бойлигидан фойдаланиш ҳақида ўйлаганида, уларнинг бузук таъсирига тушмасликка умид қилган. Сизда шунга ўхшаш фикрлар бўлганми?

Худонинг қўрқуви қандай қилиб шунга ўхшаш халокатли муроҷазаларнинг олдини олиши мумкин?

3. Муаллифнинг гавайининг пляжида бўлган учрашувининг маъносига қарасак, сизда ҳам шунга ўхшаш учрашувлар бўлганми? Бундай пайтда сиз қандай йўл тутгансиз?  
Сизда ҳам бундай учрашувлар, бу китобда айтилганидек бир марталик истисно ҳолат бўлганми, ёки сиз ўзингиз ҳам ўша одамга ўхшаб сўзларингиз билан ва ҳаракатларингиз билан юрагингизнинг асл ҳолатини билдирганмисиз?  
Бундай ҳолатлардан қандай сабоқ олдингиз ёки олишни бошлайпсиз?
4. Сано 24:14 нинг мазмунида (Раббийнинг сири – Ундан қўрқадиганларгадир, У уларга Ўз аҳдини англатади) муаллиф кўрсатяптики, Худо инсон билан дўстлашиш масаласига жуда жиддий ёндашади, чунки бизни бетакаллуплик хавфидан сақлашни истайди.  
“Бетакаллупликнинг хавфи” нимадан иборат?

# ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?



Алданган одамлар ўзларини Худо ҳақида билими билан юпатадилар, аслида улар Уни билмайдилар.

**Р**аббийнинг қўрқуви – бу Худо билан бўлган яқинлигимизнинг асосидир. Бу ҳақиқат Ҳикматлар Китобининг энг бошидан тушунарли бўляпти. Биз ўқиймиз: “Раббийдан қўрқиш – билимнинг бошидир [билимнинг асосидир]” (Ҳик. 1:7). Қандай доноликнинг? Ҳикматларнинг муаллифи шундай тушунтиради:

Ўғлим, агар менинг сўзларимни қабул қилсанг ва амрларимни ўзингда сақласанг, агар доноликка қулоқ тутсанг ва юрагингни муроҳаза қилишга йўналтирсанг, агар билимни чорласанг ва ақлни чақирсанг, агар уни кумушдек изласанг ва хазинадек қидирсанг, шунда

## Худога яқинлашиш

Раббийдан қўрқиши англайсан ва Ҳудо ҳақида билим топасан (Ҳик. 2:1-5, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ёзувдаги атамаларнинг Луғатида билим сўзи “ким билан ўзаро муносабатлари бўлган инсон ҳақида маълумот” деб тушунтирилган. Вайннинг Изоҳли луғатида билим сўзи “У(Ҳудо) билан амалий ва яқин бўлган танишлик”ни назарда тутади. Яна Луғатда айтилганки, билим “Ҳудони таниб билишнинг ва Ундан қўрқишининг ўртасида боғлиқлик”ни назарда тутади.

Илгариги матндан тушундингизки, Раббийнинг қўрқуви Унинг амрларини юксак ҳурмат қилишда намоён бўлади. Унинг амрларини ҳурмат қилиш Унинг Сўзига диққат билан қулоқ тутишни ва Унга вазиятларга қарамасдан итоат қилишга тайёргарликни англатади. Ҳудонинг муқаддас қўрқувига эга бўлмаган одамлар, Ҳудо билан яқин муносабатга эга бўлишга умид қилмасалар ҳам бўлади, чунки Ёқуб бундай одамлар “ўз-ўзини алдаяптилар” дейди (Ёқуб 1:22). Бундай одамлар Унинг иродасини биладилар, аммо уни бажармайдилар. Ёлғон – қўрқинчли нарса, чунки алданган одамлар ҳамма нарса жойида деб ўйладилар, аслида эса бундай эмас. Алданган одамлар Ҳудо ҳақида эга бўлган билимлари билан ўзларини юпатадилар, аслида улар Уни билмайдилар.

## РАББИЙНИНГ БУЗИЛГАН СУРАТИ

Раббийнинг қўрқувисиз биз аслида Ҳудони билмаймиз. Бундай ҳолда бизнинг жонимизда ёки ҳаёлимизда бузилган сурат шаклланади. Ҳатто, шундай ҳолда ҳам биз У билан мулоқотга эга эканимизни эътироф этсак ёки Уни фақат оғзимиз билан ҳурмат қилсак ва сажда қилсак ҳам, бизнинг эрагимиз Ундан йироқ, бизнинг ҳаётимиз эса Унинг истакларига мувофиқ эмас. Буни Исройлнинг мисолида кўришимиз мумкин.

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

Биз илгариги бобларда айтганимиздек, Мусо халқни Синай тоғига олиб келди, у халқни Худонинг олдига олиб келмоқчи эди, лекин “Шундай қилиб, халқ үзоқ масофада тураверди. Мусо эса Худо турган қуюқ зулматга кирди” (Чиқиш 20:21). Таассуфки, улар Худо билан манашуңдай ғаройиб ва мўъжизивай учрашувга жазм қилмадилар. Агар улар бу учрашувга боргандарида эди, бунинг натижаси қандай бўларди? Уларда Унинг сўзларини эшитиш, Унинг йўзи айтган сўзларни эшитиш имконияти бўлган! Биз илгари айтганимиздек, улар Унинг ҳузурига киришни истамадилар, уларнинг юрагида Худонинг қўрқуви бўлмаган, шунинг учун улар Унинг армларига риоя қилмадилар (Қон. так. 5:29).

Худонинг кўнгли қолиб, йўзи билан халқнинг ўртасига воситачини қўйди. У Мусога деди: “Бор, пастга туш! Йозинг билан бирга Аҳаронни олиб кел” (Чиқиш 19:24). Худо Мусо билан Аҳаронни воситачи қилиб қўйди. Улар Худонинг сўзларини эшитишлари ва халқقا етказишлари, халқнинг жавобини эса Худога етказишлари керак эди. Бу Худо инсонлар билан яқин муносабат ўрнатиш ҳисобланган, азалдан ўйлаган режасидан тубдан фарқ қиласиди.

Биз Чиқиш китобини ўқишини давом эттирганимизда, Мусо Худонинг олдига тоққа яна чиққани, Аҳарон эса қароргоҳга қайтганини кўрамиз. Айтидан, у тоққа чиқишини бошлагану, нимагадир кейин қароргоҳда пайдо бўлиб қолди. Нима сабабдан? Чунки у ўзини Худонинг ҳузуридан кўра инсонларнинг ҳузурида анча қулайроқ ҳис қилган. Унга Раббийнинг қўрқуви етишмас эди. Аҳарон Худодан кўра одамлардан кўпроқ кўркарди, шунинг учун у инсонларга хизмат қилишни кўпроқ хуш кўрарди. У одамлар сўраган нарсани қилди, устига устак, жуда тез.

Мусо тоғда бўлганига, мана қарийб қирқ кун бўлди ва биз шундай деб ўқиймиз:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Халқ Мусонинг тоғдан узоқ вақтдан буён тушмаётганини кўргач, Аҳароннинг ёнига йиғилиб, унга: – Тургин, бизларга олдимиздан борадиган худо ясаб бергин. Зеро бизни Мисрдан олиб чиқсан бу одамга, Мусога нима бўлганини билмаймиз, – дейишди (Чиқиш 32:1).

Аҳароннинг етакчилик инъоми бор эди, бу инъомнинг ўзига хос хусусияти бор, масалан одамларни ўзига магнит сингари тортиш қобилияти. Манашу инъомнинг шарофати билан инсон ҳар қандай ҳолда одамларни ўзига тортади ва инъомли инсон Худо билан вақт ўтказадими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ. Шунинг мисолида кўряпмизки, сизнинг жамоатингизда минг киши бўлиши мумкин-у, лекин хизматларингизда Худонинг ҳузури бўлмайди. Унинг истаклари бузилган шаклда кўрсатиляпти. Кўпинча Худонинг қўрқуви етишмаган етакчи Худо берган истеъдодларни, Худонинг истагини эмас, балки инсонларнинг истагини амалга ошириш учун ишлатади.

Одамлар Аҳаронга: “Тургин, бизларга олдимиздан борадиган худо ясаб бергин. Зеро бизни Мисрдан олиб чиқсан бу одамга, Мусога нима бўлганини билмаймиз” дейишди. Эътибор беринг, улар: “Худо билан нима бўлганини билмаймиз” дейишмади. Улар Худони инкор этмадилар, улар шунчаки Мусони яроқсиз деб тан олдилар.

## ХУДОМИ ЁКИ ХУДОЛАРМИ?

Мен Ёзувнинг асл матнини ўрганган пайтимда, таржима асл нусхага қанчалик яқин эканини аниқлашга ҳаракат қиласман. Инглиз тилига таржима қилувчилар кўпинча худолар сўзини ишлатишади. Бироқ ибронийча “худолар” – сўзи бу *elohiyum*. Эски Аҳдда бу сўз 2606 марта учрайди, уларнинг 2350 таси (тўқсон фоиздан кўпроғи) биз хизмат қилаётган Қодир Худони англатади. Биргина Ибтидо Китобининг биринчи бобида бу сўз

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

Үттиз икки марта учрайди ва шунча марта бу сўз билан Раббий назарда тутилган. Масалан, Ёзувнинг биринчи ояти шундай жаранглайди: “Бошида Худо [*elohiyum*] осмон ва ерни яратди” (Ибитидо 1:1). Бу ерда *elohiyum* “Худо” деб таржима қилинган. Эски Аҳдда тахминан икки юз эллик марта бу сўз сохта худони таърифлаш учун ишлатилган. Шу боис, ёзилган нарсани тӯғри тушуниш учун мазмун доирасига эътибор бериш керак.

Аҳарон ҳалқقا: “Хотинларингнинг, ўғилларингнинг, қизларингнинг қулоқларида олтин сирғаларни ечиб олиб, менга келтиринглар, – деди” (Чиқиш 32:2). Одамлар шундай қилишди. “У олтин сирғаларни уларнинг қўлларидан олиб, қўйма буқа ясади ва унга ўйиб шакл берди (Чиқиш 32:4). У олтин буқани қўйганидан сўнг бутун ҳалқ: “Эй, Исройл! Мана сени Миср еридан олиб чиқсан худойинг!” – деди (Чиқиш 32:4).

Бу ерда ҳам ибронийча *elohiyum*, яъни худо сўзи ишлатилган. Одамлар: “Эй, Исройл! Мана сени Миср еридан олиб чиқсан *elohiyum!*” – деди. Сиз нима содир бўлганини кўряпсизми? Одамлар нима деганини тушуниш учун кейинги оятни ўқиймиз.

Аҳарон буни кўргач, олтин буқанинг олдида қурбонгоҳ қурди. Кейин: “Эртага Раббийга бағишланган байрам бўлади”, – деб эълон қилди (Чиқиш 32:5, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу оятдаги ибронийча бўлмиш, Раббий сўзи – бу *Jeḥovah* ёки *Yaḥweh*. Яхвех – бу Эски Аҳддаги энг муқаддас сўздир. Бу ягона ва ҳақиқий Худонинг шахсий исмидир. У Эски Аҳдда бирор марта ҳам сохта худони таърифлаш учун ишлатилмаган. Бу сўз шуқадар муқаддас бўлганки иброний ёзувчилар уни тўлиқ ёзишмаган. Улар сўздаги барча уни ҳарфларни олиб ташлаб фақатгина ундош ҳарфларни ёзишган: *YHWH*. Иброний ёзувчилар уни муқаддас тетраграмматон, талаффуз этиб бўлган тўртта ҳарфларнинг бирикмаси деб ҳисоблашган. Бу муқаддас исмни

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

овоз чиқарыб айтиш мүмкін бўлмаган ва Исройлда бу исм ҳар қандай куфрдан арсалган.

Шундай қилиб, Аҳарон ва Исройл ўғиллари қўйма буқага қараб ҳайқириб: “Эй, Исройл! Мана сени Миср еридан олиб чиқсан Яҳвех!” дедилар. Улар: “Эй, Исройл! Мана сени Миср еридан олиб чиқсан Баал!” демадилар. Улар шунингдек, уларни миср қуллигидан бошқа бир сохта худо чиқарганини ҳам айтишмаган. Улар буқани ўзларининг Худосининг исми билан аташди.

## САЖДАДАН СҮНГ ЎЗ ИНЖИҚЛИКЛАРИНГИЗГА ЭРК БЕРИШ

Улар Худони очиқасига инкор этмадилар, лекин Унинг шуҳратини ўзлари яратган буқанинг даражасигача камситдилар. Улар чинакам Худони билишлиқда алдандилар. Илгаригидек, улар Яҳвехни ўзларининг нажоткори ва халоскори дея тан олиб, улар Унинг шифоловчи құдратини инкор этмадилар, улар шунчаки Унинг ҳақиқий суратини тұқиб чиқарилған суратига алмаштирудилар. Кейин нима содир бўлганига қараймиз:

Эртаси куни халқ барвақт туриб, тамоман ёндириш құрбонликлари билан тинчлик құрбонликлари келтирди. Кейин ўтириб еб-ичишиди ва күнгилхушлик қилишиди (Чиқиш 32:6).

Эътибор беринг, улар бу буқага құрбонликлар келтирудилар. Лекин құрбонликлар келтиришнинг нима кераги бор? Ахир бу нарса улар хизмат қилишни ваяда қилған Яҳвехга ҳурмат күрсатиш учун қилинади-ку? Құрбонликлар келтирилгандан сүнг ва саждадан сүнг улар ўйнашни ва ўзларининг танавий иштахасини қаноатлантиришни бошладилар. Ёзувнинг инглиз тилидаги таржималаридан бирида улар “ичкиликтозлик қилдилар” дейилган.

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

Бугун шунга ўхшаш нарса бўлиши мумкинми? Наҳотки, бугун ҳам Унинг қутқарувчи инояти билан дунёвий муаммолардан қутилган, Исонинг исм мини чақирадиган ва ўз тасаввурида Унинг бузилган суратига эга бўлган ва Унинг олдида ҳеч қандай қўрқувга эга бўлмаган одамлар бўлса? Улар юқоридан туғилган бўлиб, Худонинг фарзандилик ҳис туйғусидан қувонишади, Уни ўзининг Раббийси деб эътироф этишади, ушр беришади, лекин жамоатдан чиқиб шартнома тузишда алдашади, шу билан бир қаторда, Худо тадбиркорлигимни дуо қилди, деб гувоҳлик беришади. Балки улар ўзларининг чўпонлари ҳақида ва бошқа одамлар ҳақида ғийбат қилиб, “бу рост, буни ҳамма билади” деб ўзларини оқлашади. Улар зино қилишади ва бошқа хил уятли ишларни қилишади, сўнгра нажотга қарамай, улар мен ҳали танадаман, мен муайян эҳтиёжларимни қаноатлантиришим керак деб ўзларини оқладилар. Бу рўйхатнинг охири йўқ.

Улар Исони биладиларми? Улардан сўраб кўрсангиз – улар жўшқинлик билан: ҳа дейдилар! Улар ўзларини алдаяптими? Улар осмонда Буюкликнинг ўнг томонида ўтирган Зотни эътироф этяптиларми, ёки ўз ҳаёлида яратган, уларга сўраган нарсасини берадиган сохта худони эътироф этяптиларми? Лекин бундан-да муҳимроғи шуки: ушбу суратда ўзимизни кўрмаяпмизми?

Одамларга Раббийнинг қўрқуви етишмаганида, улар Унга хитоб қиласидилар, аммо шу билан бир вақтда, тананинг манфаатлари билан ҷалғийдилар, тана эса Худо билан душман эканини биламиз, чунки у Худонинг иродасига бўйсунмайди (Рим. 8:5-7). Бундай одамлар Унинг истакларига бўйсунмайдилар, гарчи Унинг исм мини чақирадилар, улар Уни биламан дейдилар, боз устига улар Худо уларнинг ҳаракатларини мақуллайди деб ишонадилар. Уларнинг итоатсизлиги Раббийнинг қўрқуви йўқлигидан бошланади, бу ҳар қандай итоатсизликнинг илдизидир. Фожия шундаки улар мен “Исони биламан” деб алданяптилар.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ЯШИРИН БҮЛГАН ҲЕЧ НАРСА ЙҮҚ

Бу фожианы Ёзувнинг кўпгина жойларида кузатиш мумкин. Бу Одамнинг гуноҳга йиқилишдан сўнг тез орада, унинг ўғли Қаъндан бошланди. Қаъннинг ота-онаси боғда гуноҳ қилишганида, улар ўзларининг жоҳиллиги сабабли, яланғочлигини анжир барглари – ернинг ҳосиллари билан ёпдилар. Худо уларга кўрсатдики, Унинг истагига кўра Унга ҳайвонларни қурбонликка келтириш зарур. У уларга ҳайвонларнинг терисидан кийим тикиб берди ва мен ўша ҳайвонлар қўй бўлган деб ўйлайман.

Шунинг учун Қаънни жоҳил инсон деб атаб бўлмайди. У ота-онаси орқали Худога ернинг ҳосилларини эмас, балки ҳайвонларни қурбонликка келтириш кераклигини билган. Шундай бўлса-да, биз Ёзувда қуйидагича ўқиймиз: “Бир қанча вақт ўтганидан сўнг, Қаън ернинг ҳосилларидан Раббийга бағишлов келтирди” (Ибитдо 4:3). У Худога хизмат қилишга ҳаракат қилгани яққол кўриниб турибди, зеро Ёзувда у ўзининг қурбонлигини сохта худога олиб келди деб ёзилмаган. У Худога ўз меҳнатининг ҳосилидан қурбонлик келтириш учун тиришқоқлик билан ҳаракат қилган, шундай бўлса-да бу очиқсагига бўлган итоатсизлик ҳаракати эди.

Бу итоатсизликнинг илдизи нимада? Бунинг илдизи ўша-ӯша – Раббийнинг қаршисида қўрқувнинг йўқлигига. Бу Худо Қаънга берган саволидан маълум бўлмоқда, зеро Худо Қаъндан ўлдирилган укаси ҳақида сўради. У ўта сурбетларча жавоб берди: “Билмайман, – деди Қаън, – мен укамга қўриқчиманми?” (Ибитдо 4:9). Кўриб турганингиздек, исроилликлар билан бўлган ҳолатдагидек, улар буқани қўйганидек, Раббийнинг қўрқувининг йўқлиги Қаънни шундай ҳолатга олиб келдик, у Худонинг суратини йўққа чиқарди ва у Худога бўлган хизмат үслубини ҳам ўзgartирди. У ўз-ӯзини алдаб, Худодан бирор нарсани яшира оламан деб

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

ўйлайпти. У учун Худо – гүёки оддий инсондек бўлиб қолди. Унинг кўзида Худонинг сурати инсоний даражагача пасайтирилган эди. Павлус охирги кунларда биз барчамиз манашуңдай тамойилни кузатишимиш ҳақида ўта жиддийлик билан огоҳлантирмоқда: “Чунки улар Худони таниб - билиб, уни Худо каби улуғламадилар... чиримас Худонинг шуҳратини чирийдиган инсоннинг ва қушларнинг, тўртоёқлиларнинг ва судралувчиларнинг тасвирига алмаштиридилар” (Рим. 1:21-23). Қаъннинг ҳолатида бўлганидек, диёнатли қўрқувнинг йўқлиги инсонларни ўзларини алдашига олиб келади, одамлар Худо уларнинг бузук йўлларини кўрмаяпти деб ишонишни бошлайдилар.

Қаъннинг жавобига кўра, у Худодан бирор нарсани яширишнинг иложи йўқлигини унугтган. Худо инсон эмас, У ҳамма нарсани кўради ва билади. Биз Худонинг қўрқуви ҳақида унугтанимизда, бизнинг руҳий донолигимиз йўқолишни бошлайди, зеро ўтакетган гуноҳкор ҳам унинг исён қилаётганини ва қаршилик кўрсатаётганини Худо кўриб турганини билади. Худо ҳақида билимга эга бўлган, лекин Худонинг қўрқувига эга бўлмаган одамлар ўзларини “Раббий кўрмаяпти” (Ҳиз. 9:9) дея, ёки агар кўрса ҳам, ҳаммасини тушунса керак, кечирса керак дея пуч умид билан юпатадилар. Ҳатто, айрим жамоат етакчилари ҳам бундан мустасно эмас. Худо дейди: «Инсон ўғли, Истроил хонадонининг оқсоқоллари нима қилаётганини кўраяпсанми? Зеро улар:“Раббий бизни кўрмаяпти, Раббий ерни тарк этди”, – демоқдалар» (Эзек. 8:12).

Наҳотки, биз Исонинг Худодан қўрқиши ҳақидаги қатъий буйруғини унугтган бўлсак? Зеро У деди: “Очилмай қоладиган ҳеч бир яширин нарса йўқ, билинмай қоладиган ҳеч бир сирли нарса йўқ” (Луқо 12:2). Биз Худонинг қўрқувини йўқотганимизда, Худони ўзимизнинг даражамизга туширамиз ва англамаган ҳолда Ундан ниманидир яшира оламиз деб ўйлаймиз. Агар шундай одамлардан, Қодир Худонинг ҳамма жойда борлиги

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

ва ҳамма нарсаны билиши ҳақида сўрасангиз, улар қатъийлик ва ишонч билан Худонинг манашу хусусиятлари борлиги билан розилик билдирадилар. Аммо улар ўз ичининг тубида Унинг кўркамлигининг тушунчасини йўқотишган, чунки агар улар шундай тушунчага эга бўлганларида эди, улар Ундан бирор нарсаны яширмаган бўлар эдилар. Улар кўп нарсаны диёнатли инсонлардан яширадилар ва кўпинча бунинг үддасидан чиқадилар, бироқ “Раббийнинг нигоҳи ҳамма жойда – яхшиларни ҳам, ёмонларни ҳам кўриб туради (Ҳик. 15:3).

## СЕНДА БЎЛМАГАН ШАХСИЙ ИТОАТИНГГА ИШОНИШ

Бироқ бизнинг воқеамиз шу билан тугамайди. Инсон ўзини алдаганида бу у итоатда яшаётганига ишонишига олиб келади, аслида эса у итоатда яшамайди. Мисол тариқасида Довуднинг авлодидан бўлган Уззиаҳ исмли шоҳни ҳаётидан намуна келтиrsa бўлади. У ўн олти ёшга тўлганида унинг отаси Амасия ўлди ва Уззиаҳ унинг ўрнида Яҳудиянинг шоҳи бўлди. Ёш киши ўн олти ёшида шоҳ бўлганида, агар унинг ақли бўлса Худони излашни бошлайди, Уззиаҳ шундай қилди ҳам. Бунинг натижасида, у фаровонликка эришди. Кўп йиллар мобайнида у ўз шоҳлигидаги тўкинчиликдан ва муваффақиятдан хурсанд бўлиб яшади. Сўнгра биз шундай деб ўқиймиз: “Унинг номи олисларга тарқалди, чунки у ўзини мўъжизавий ҳимоя қилди ва кучга тўлди” (2-Йил. 26:15). Аммо Уззиаҳ кучли бўлганидан сўнг унинг юраги такаббур бўлди ва мағрурликка тўлди. Мағрурлик ва Худонинг қўрқуви бир-бирига тескари нарсалардир. Инсоннинг юрагида муқаддас қўрқув бўлмагандан, унда мағрурлик ўсишни бошлайди. Сўнгидаги нима бўлганини эътибор билан ўқинг:

Бироқ у кучга тўлганида, унинг юраги ўзининг ҳалокати учун мағрурланди ва у ўз Худоси Раббий қаршисида

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

мунофиқлик қилди, зеро у Раббий маъбадига тутатқи тутатиладиган құрбонгоҳда хүшбүй тутатқи тутатиш үчүн кирди. Шунда унинг орқасидан руҳоний Азариаҳ ва у билан бирга Раббийнинг саксон нафар руҳонийлари, жасур кишилар кирдилар. Улар подшоҳ Уззиаҳға қарши туриб, унга: Уззиаҳ, бу сенинг ишинг эмас, бу иш тутатқи тутатиш үчүн бағишиланган руҳонийлар, Аҳарон ўғилларининг ишидир. Муқаддасгоҳдан чиқ, зеро сен қонунбузарлик қилдинг ва бу учун сенга Раббий Худо ҳұзурида шараф бўлмайди, – дедилар. Шунда Уззиаҳ ғазабланди, унинг қўлида тутатқи тутатиш үчүн тутатқидон бор эди. У руҳонийлардан ғазабланганида, Раббий үйида, тутатқи тутатиладиган құрбонгоҳ олдида, руҳонийларнинг қаршисида унинг пешанасида мохов пайдо бўлди (2-Йил. 26:16-19).

Шу боис, биз савол беришимиз керак: Уззиаҳнинг юраги мағрурланганда унинг руҳийлиги кўпайдими ёки камайдими? Йиғинда шундай савол берганингда тингловчиларнинг аксарияти руҳийлиги камайди дейишади. Аммо бу бундай эмас, чунки Уззиаҳ Худога сажда қилиш үчүн маъбадга борди. Аслида, у ўз ҳаракатларида янада кўпроқ руҳий (ёки кўпроқ диндор) бўлди. Кўпинча манашундай ҳолларда кўрасизки, ўзини ҳаддан зиёд руҳий рашк билан кўрсатган одамда мағрурлик ёнма-ён юради, боз үстига, биттаси бошқасини ёпиб туради. Мағрурлик одамлар ўзларини диндор эканини, диндорлик эса мағрурликни сохта руҳийлик билан қоплаб туришини тан олмайдилар. Иккаласи ҳам Худонинг қўрқуви ва Унинг қаршисида чинакам камтаринликнинг йўқлигининг аломатидир.

Эътибор беринг, Уззиаҳни фош қилишганда у ҳақиқатни эшитиб ғазабга тўлди. Қаънга ҳам ҳақиқатни айтиб, уни фош қилишганда шу нарса рўй берди. Ёзув айтади: “Қаън эса ўта

## Худога яқинлашиш

ғазабланди, үннинг юзи тундлашди (Ибтидо 4:5). Қаън Худога жаҳл қилди! Агар сиз Раббийнинг муқаддас қўрқуви йўқлиги сабаб итоатсизликда яшаётган одамларни фош қилсангиз, улар жаҳл қилиши турган гап. Нима учун? Чунки улар ўзларини ҳақ деб ўйладилар. Улар алданмоқдалар, алданиш эса ўзини ҳақ деб ҳисоблашни англатади, аслида эса инсон адашаётган бўлади.

Агар Уззиаҳ ўзини ноҳақ деб ҳисоблаган бўлса эди, нима сабабдан у руҳонийларга жаҳл қилди? У маъбадга сажда қилиш учун келди, аммо у ҳам Аҳароннинг ўғиллари сингари Худонинг қарорларига нисбатан бўлган ҳурматни үнутиб қўйди ва Унинг тасвирини ўз нигоҳида пасайтирди. Ўзининг итоатсизлигида у ўзининг ҳаракатларини Худонинг қонунлари билан мувофиқлаштирмади. У Худога яқинлашмоқчи бўлгандек туюлган эди, аммо аслида у сажда қилмоқчи бўлган Зотдан узоқлашди.

Жамоатларимизда нима сабабдан Худо билан яқинлигини эътироф этадиган, аммо уларнинг ҳаёти Худонинг иродасига умуман мувофиқ бўлмаган одамлар борлиги энди тушунарли бўляпти. Биз сиз билан ҳозир муҳокама қилаётган қоидаларни тушунмасак, бундай одамлардан, Худонинг Сўзининг ҳақиқатларига зид бўлган илоҳий ваҳийларини эшитиб, тўлиқ таажжубланиб қолиш мумкин. Қандай қилиб улар, ибодатдан сўнг, Худо ҳурмат қилишни амр қилган хизматчиларни танқид қилиши мумкин? Агар сиз уларга Ёзув бу мавзуда нима деганини айтсангиз улар ғазаб отига миниб олишади. Улар сизни адашаяпти, сизга руҳийлик етишмаяпти деб ўйлашади, аслида эса айнан улар Унинг йўлларидан чекиндилар.

Мен руҳоний сифатида Худодан ваҳий олдим деб ўйлаган одамлар билан кўп маротаба гаплашганман. Бундай тусдаги ваҳийлардан менинг руҳим саросимага тушган. Улар бу ваҳийларни Худодан олганман деб қаттиқ ишонишига қарамай, мен Ёзувдан келтирмоқчи бўлган сўзларни эшитишдан қатъиян бош тортишарди.

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

Улар нафақат менга, балки уларга ёрдам бермоқчи бўлган барча одамларга шундай муносабатда бўлишади.

Ўзларининг ҳақлигини тасдиқлаш учун улар мазмун доирасидан суғуриб олинган Ёзувнинг бошқа лавҳаларини келтиришади ва ўзларининг ваҳийларини муҳокама қилишни исташмасди. Шундан сўнг улар мендан, уларга ёрдам бермоқчи бўлган барча одамлардан қочишга ҳаракат қилишади, чунки энди биз уларнинг назарида руҳий одамлар эмасмиз. Вақт ўтиб, улар танлаган йўлнинг натижаси, Худонинг иродасига мувофиқ эмаслигини ва улар кутган нарсага эришмаганини тушунив етадилар. Улар Исонинг эмас, балки ўзларининг хомҳаёлларининг овозини эшлишганини пайқашни бошлайдилар. Наҳотки, улар Худога яқинлашиш илинжида ўз ўзларини алдашгани, уларни кўнгил совушига олиб келди?

## ХУДОГА БУТПАРАСТ ЮРАК БИЛАН ЯҚИНЛАШИШ

Бундай тусдаги ўз-ўзини алдашдан қутулишнинг йўли бор ва бу ҳартугул Раббийнинг қўрқувида мужассамлашган. Биз Худодан қўрққанимизда, Унинг олдига бўш юрак билан Унинг насиҳатларини ва ўзгартиришларини эшлишга тайёр бўлиб келамиз. Биз ўз тушунчамизга ёки худбин истакларимизга суюнмаймиз, балки иштиёқ билан Унинг иродасини бажаришни истаймиз.

Раббий бизга Ўзининг иродасини очганидан сўнг Унинг олдига Унинг иродасига мувофиқ бўлмаган истакларимиз билан келишни, энг аҳмоқ ва хавфли иш деб аташ мумкин. Бу инсон ўзини алдашнинг навбатдаги даражасига, боз устига энг хавфли даражага олиб келади. Ўзни алдашнинг бу даражаси шундан иборатки, Худо чиндан ҳам биз Ундан сўраган ҳар қандай нарсани беради деб ўйлаймиз:

## Худога яқынлашиш

Шунда менга Раббийнинг сўзи келди: «Инсон ўғли, ушбу одамлар ўз бутларига юракларидан ўрин бердилар ва ўз юзлари қаршисига ўзларининг бетавфиқликлари васвасасини қўйдилар. Мен уларга жавоб бера оламанми? (Эзек. 14:2, 3).

Раббий хафа бўлди, чунки Унинг халқи Унинг олдига келиб улар ҳаракат қилиши учун йўл кўрсатишини сўрашди, Ундан маслаҳат ва донолик сўрашди, аммо уларнинг юракларида бутлар яширган эди. Одамлар, уларнинг юраклари Раббий олдида нопок бўлганини тушунишганми ёки ҳақиқат улар буни кўздан қочирганми, аниқ эмас. Уларнинг бутларга бўлган ишончи уларни йиқилишга ва бетавфиқликка йўлиқишга олиб келарди. Ибронийча “бетавфиқлик” сўзи – бу *awon* ва унинг маъноси Худонинг иродасини билиб туриб ёки билмай туриб бузишни англатади.

Эътибор беринг, Худо уларга, улар бутларини ховлисида ёки хоналарида ва уйларида ўрнатдилар демаяпти. Бутпарастлик уларнинг юрагида илдиз отди. Ёдингиздами, бутпарастлик инсон сохта худони чақириш билан чекланиб қолмайди. Юқорида айтилганидек, юракда Худонинг бузилган тасвирини шакклантириш ва асл Худони биз истаган нарсани бериши шарт бўлган, тўқиб чиқарилган бутнинг даражасига тушуриш ҳам бутпарастликдир. Ҳар қандай бутпарастликнинг илдизини биз ҳирса кўрамиз. Янги Аҳд баён этади:

“Шунинг учун ерга хос аъзоларингизни, яъни фоҳишабозлик, нопоклик, ёвуз ҳирсу *нафслар* ва бутпарастлик бўлган тамагирликни ўлдиринглар” (Кол. 3:5, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Эфесликларга (5:5) да Павлус тамагир инсонни бутпараст деб эслатмоқда. Кўриниб турибдики, бутпарастлик ҳирсни

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

англатади, шу боис, келинг, ҳирс түшүнчесининг таърифини аниклаймиз. Вебстер “маълум бир нарсаларни сотиб олиш ва шу нарсага эга бўлишни кучли исташ” деб тушунтиради. Мен Раббийдан бу сўзнинг таърифини беришини сўрадим. У менга шундай деб жавоб қилди: “Ҳирс – бу эга бўлишга (сотиб олишга) интилиш”.

Бу таъриф фақат пулга эга бўлиш истаги билан чекланмайди. Бунга мулк, жамиятдаги ўрин, шинамлик, бошқаларнинг маъқуллови, лаззатлар, ҳокимият, жинсий бузуқлик ва ҳоказолар киради. Ҳирс – бу эга бўлган ҳолатимиздан, норозилик туфайли, биз тушиб қоладиган ҳолатдир. Биз яна ва яна кўпроқ эга бўлишга интиlamиз, чунки Ҳудо бизга бераётган тинчлик ва ором етишмайди. Билган ёки билмаган ҳолда биз Унинг ҳаётимиздаги режаларига ва фикрларига қаршилик қиламиз. Шу сабаб, бизга шундай дейилган: “Турмуш тарзингиз пулпарастли бўлмасин. Ўзингизда бори билан қаноатланинглар, чунки Ҳудонинг Ўзи: “Мен сени тарк этмайман ва ташлаб кетмайман”, – деган (Ибр. 13:5). Биз “Қувончнинг тўлиқлиги – Сенинг ҳузурингдадир, лаззат тоабад Сенинг ўнг қўлингдадир” деган сўзга чиндан ҳам ишонсак, лаззатни Унинг ҳузуридан ташқарида ёки ўз режаларимиизда қидирмаймиз.

Ҳирс норозилик ва хавотирнинг ўртасида яшайди ва енгилтак истаклардан озиқланади. Айнан манашу нарсани Мирсдан чиққан Исройл ўғиллари ҳақида гапирса бўлади. Улар нуқул ўзлари учун аълороқ бўлган нарсани исташган, гарчи Ҳудо уларга Ўзининг иродасини очган эди. Уларга Ҳудо ваъда қилинган ерда яшашга тайёр қилиш учун етаклашни истаган йўл ёқмасди. Улар ҳаётий шароитдан нолир эдилар, сувнинг, озуқанинг йўқлигидан норози эдилар. Уларга муқаддас қўрқув етишмас эди, шу боис, уларнинг юраклари ҳирснинг заминига айланди. Ҳудо Ўзини уларга намоён қилганида, улар Ҳудодан ўзларининг лаззатга бўлган яширин интилиши ҳақидаги ҳақиқатни, ўзларининг

## Худога яқынлашиш

истакларини Худонинг истакларидан устун қўйганини яшириш учун Унинг ҳузуридан яширинишига шошдилар.

Раббий Мусо билан ёлғиз қолганида, халқ уларнинг ҳирслι истакларини бажара оладиган Худонинг тасвирини ясадилар. Шуни айтиш жоизки, улар қилган барча ҳаракати олтин билан боғлиқ эди. Уларнинг пулга нисбатан бўлган севгиси шунчалик яққол кўриниб турардики, улар Унинг иродасида муқаддас қувонч кўришмади. Улар ўз алдовининг қуюқ туманида ҳаракат қилишди.

Шуни айтиш ўринлики, ҳирс бошқа турдаги бутпастликларнинг ҳам илдизидир. Барча одамларда Худога сажда қилиш туфма истаги бор. Бироқ уларнинг кўпи ҳақиқий Яратувчига бўйсунишини исташмайди. Шу боис, улар сохта худоларга топинишиади. Аммо сохта худолар қаердан пайдо бўлади? Уларни инсон яратади. Инсон у истаган нарсани берувчи сохта худога сажда қиласди. Бу ерда муаммонинг илдизи – яна ҳирс.

Ҳар ҳолда, бутларнинг шакли қандай бўлмасин, улар инсоннинг лаззатининг манбаига айланади. Улар қонунан фақат Худога тегишли бўлган жойни эгаллайди. Бут баҳт, шинамлик, тинчлик, таъминот манбаи бўлиб хизмат қиласди. Худо дейди: “Ўзингизга бутлар ясаманглар” (Лев. 26:1). Биз ўзимиз ўзимизга санам ясаймиз. Бут – бу ҳаётимизда Худодан устун қўйган ҳар қандай нарсадир. Бут бу биз Худодан кўра кўпроқ севган, ишонган, қулоқ соладиган ёки кўпроқ истаган нарсадир. Бут – бу биз ўзимиз учун куч тўплайдиган ёки аксинча, ўз кучимизни берадиган шахсdir. Имонлининг юраги норозилик билан тўлса ва у ўзи учун ҳаётидаги Худонинг режасидан ташқарида бўлган лаззатни излаганда бутпастликка йўлиқади. Бунинг натижасида ҳирс юзага келади.

ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

## ҲИРСГА МУВОФИҚ БҮЛГАН ЖАВОБ

Худо Эзекил орқали айтган сўзларига қайтсак, инсонлар Худо Унинг олдига юракларида яширин бутларга тўлган ҳолда ёрдам сўраб келишидан эзилаётганини кўряпмиз. Улар, Худо уларнинг худбин истакларини қаноатлантиришини истайдилар, лекин улар Унинг иродасини таниб-билишга интилмайдилар. Бу ҳолат ота-онанинг маслаҳатига қулоқ солишни истамайдиган, балки ота-оналар уларнинг ғояларига ва режаларига ҳалал беришларини истамайдиган ўсмиirlар тушиб қолган ҳолатга ўхшайди. Уларнинг ота-онаси донолик ва тажрибага эгалиги ҳамда улар учун энг аълосини исташларини тушунмайдилар.

Худо Эзекилга тетиклаштирувчи ва хавотирли жавоб берди. У икки хил маънода бўлмаган тарзда гапирди: “Агар Исройл хонадонидан бирор киши ўз бутларига ўз юрагидан ўрин берса... Мен Раббий, унинг кўплаб бутлари туфайли унга жавоб бера оламанми?” (Эзек. 14:4). Ёзувнинг янги америкача стандарт вариантида бу шундай жаранглайди: “Мен, Раббий, унга унинг юрагида бўлган кўплаб бутлари бўйича жавоб бераман”. Яъни, бошқача қилиб айтганда, Худонинг жавобида шундай фикр бор: “Мен, Раббий, унга унинг ҳирслли истакларига мувофиқ жавоб бераман”.

## ХУДОНИНГ АДАШГАН ОДАМИ

Бу Балаамнинг мисолида кўзга жуда ташланиб турибди. У сохта худонинг эмас, балки асл Раббийнинг, биз хизмат қилаётган Яҳвеҳнинг хизматкори эди. Унинг пайғамбарчилик хизмати шунчалик құдратли бўлганки у ҳақда ҳамма подҳошлар билишган. Ўша подшоҳларнинг бири Мидиён ва Мўаб подшоҳи Балак эди.

Мўаб ва Мидиян аҳолиси ваҳимага тушган эди, чунки Исройл дунё ҳалқлари орасидаги энг құдратли бўлган Мисрни

## Худога яқинлашиш

ҳозиргина мағлуб қилған эди. Энди исроилликлар Мұабнинг текисликларида қароргоҳ қуришди. Мұаб ахолиси агар исроилликлар Мисрни шунчалик тез ишғол қилған бўлса, Мұаб умуман ночор аҳволда деб айтарди. Қўрқув шиддат билан бутун ер бўйлаб тарқалди ва подшоҳ саройигача етиб борди.

Подшоҳ режа ўйлаб чиқди. У пайғамбар Балаам нимани дуо қиласа, шу нарса дуоли бўлишини ва нимани лаънатласа лаънати бўлишини тушунарди. У зодагон одамларни Балаамнинг олдига сахий совғалар билан юборди ва ундан у юборган элчилар билан бирга қайтиб келиб, подшоҳнинг ёнида Мұабнинг тепаликларидан туриб Исройлни лаънатлашини ёлвориб сўраган.

Балаамда бу таклиф қизиқиш уйғотди. У уларга шундай деди: «Бу кеча шу ерда тунанглар. Раббий менга нима деса мен сизларга шуни айтаман» (Сон. 22:8). Унинг жавобини бугунги кўплаб масиҳийларнинг сўзлари билан солиштирса бўлади: “Мен бу масала юзасидан ибодат қилишимга ва Раббий нима дейишини эшлишимга ижозат беринг”.

Раббий Балаамга зоҳир бўлиб сўради: “Сенинг уйингдаги бу одамлар қанақа одамлар?” Бошқача қилиб айтганда: “Бу ҳақда ибодат қилишингни нима кераги бор? Бу одамлар Менинг аҳдимда эмас, улар сендан Мен билан аҳд қурған Менинг халқимни лаънатлашни сўрашмоқдалар! Сен Менга умуман нима учун савол беряпсан ўзи?”

Айнан шу ҳақиқатни биз ҳам билишимиз шарт. Шундай нарсалар борки улар ҳақда ҳатто, ибодат қилишимиз керак эмас! Биз Худога бу каби саволлар беришимиздан аввал Унинг жавобини аллақачон, олдиндан билишимиз шарт. Менинг ўсмир ўғилларим мен уларга анча пайт мүқаддам ва доимга тақиқлаган нарсалар ҳақида олдимга келиб сўрашлари ёқмайди. Мен ичимда “Улар нима учун сўрашяпти?” дея минғирлаб, қатъият билан улар ичининг тубида кутган ўша

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

жавобни қайтараман. Улар менинг сўзим, улар учун қонун бўлгани ёки ҳаёт соҳасидаги чеклов бўлгани учун сўрашишади.

Балаамнинг мавзусига қайтсак, унга таклиф қилинган мукофот ва Мўаб ҳамда Мидиян халқлари орасида эгаллаши мумкин бўлган ўрин чиндан ҳам жозибадор бўлган деб ўйлайман. Наҳотки, пулларга ва шарафга бўлган интилиш Балаамнинг кўзларини кўр қилиб, у соғлом мулоҳаза қилишга йўл бермаса?

Раҳмдил Худо, эҳтимол шундай фикр қилган: “Яхши, Балаам, сен ҳеч нимани тушунмаганинг учун ёки тушунишни истамаганинг учун, Мен сенга Ўзимнинг иродамни аниқ-тиник кўрсатаман”. Сўнгра У деди: “Улар билан бирга бормагин, бу халқни лаънатламагин, зеро у дуо қилингандир” (12 оят). Энди сен тушундингми? Мен Худо гапирганида Унинг сўzlари ҳар доим тушунарли, аниқ ва икки маъноли эмаслигини анча вақт муқаддам тушунганман. Биз ўзимиз одатда ҳамма нарсани хиралаштирамиз ва мураккаблаштирамиз.

Балаам итоат қилди ва эртаси куни эрталаб меҳмонларга: “Сизлар ўз ерингизга боринглар, зеро Раббий менга сизлар билан боришга рухсат беришни рад қилди” деб уларни жўнатиб юборди (13 оят). Гарчи у итоат қилган бўлса ҳам, унинг овозида енгил хафачиликни эшитса бўлади, айниқса “Раббий рад қилди” деган сўzlарида. Кўз ўнгингизга шундай суратни келтиринг: ёш, қомати келишган ва уддабурон лекин ёмон обрўли йигит ўсмир қизни дискотекага таклиф қилди. Йигит қизга эътибор қаратгани учун қизнинг боши осмонда ва у отасидан қўйиб юборишини ёлвориб сўрайди. У оталик севгиси ва бурчи билан хушмуомалалик билан, лекин қатъият билан унинг илтимосини рад қилади. У хафа бўлиб, ёш йигитга: “Мен бора олмайман, ота-онам мени қўйиб юбормаяпти” дейди. Аслида у: “Менинг ота-онам “йўқ” дейишаяпти, лекин менинг ўзим “ҳа” деган бўлар эдим” дейди. У фақат ота-онаси розилик бермагани учун

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

бормаяпти. У боришни истайди-ю, лекин ота-онасининг тақиқи үнга ҳирслі истакларини қаноатлантиришга йўл қўймаяпти. Афсуски, агар у ота-онасининг юрак ҳолатини тушунмаса, эртами ё кечми, барибир ўша ёш йигит билан бирга бориш учун имконият топади ва бу аянчли ҳолат билан тугайди.

Балаамнинг пулларга бўлган муносабати носоғлом эди. Уни ҳирс отashi қамраб олган эди. У унинг мансаби юқорироқ, бисоти эса кўпроқ бўлишини истаган эди. У итоат қилди, лекин ўз хоҳиши билан эмас. Худонинг үнга айтган сўзлари қувонч эмас, балки чеклов эди, чунки у аслида истаган нарсасини қўлга кирата олмасди.

## ЎЗ ҲИРСИНГ БИЛАН АЛДАНИШ

Мўаб ва Мидиян оқсоқоллари подшоҳнинг олдига қайтиб келиб: “Балаам биз билан келишга рози бўлмади” дедилар. Бироқ бу нарса подшоҳни тўхтатмади. У шу заҳоти ундан-да кўпроқ зодагонларни ва аслзодаларни янада каттароқ мансаб таклифи ва янада қимматли совғалар билан жўнатди.

Балак нега бундай қилди? Ўйлайманки, уни бунга ёвуз руҳлар ун DAGАН. Мен нега шундай деяпман? Гап шундаки, Ёзув қўйидагича тушунтиради: “Лекин ҳар бир киши ўзининг ҳирсига қизиқиб, алданиб васвасага тушади” (Ёқуб 1:14). Анашу иккита нарсага эътибор беринг. Биринчидан, ўзининг ҳирсига сўзларига эътибор беринг. Бизни қамраб олган ва Худонинг иродасига қарши бўлган ҳар қандай кучли истак – бу ҳирс, демак, бу бутпарастликдир. Иккинчидан, алданиш сўзи. Бу душманнинг имтиёзи ҳисобланади. Эътибор беринг, исталмаган нарса билан алданишнинг имкони йўқ.

Агар сиз жамоат аъзоларига ҳузур-ҳаловат қилинглар дея кучли таъсир ўтказувчи гиёҳванд моддасини таклиф қилсангиз, қарийб ҳамма бир соня иккиланмасдан бу таклифингизни рад

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

қилади. Нега? Уларда уни қўлга олишга заррача хоҳиш йўқ. Инсон истамаган нарса билан алданмайди. Бироқ Хочга равона қилмаган истакларингиз билан алданишингиз мумкин. Биз қўярда-қўймай талаб қиладиган нарсалар билан, бошқача қилиб айтганда кучли истаган нарсалар билан алданамиз.

Душман бу пайғамбар пулни, ҳурматни севишини билган ва шунинг учун бетавфиқ подшоҳни, қимматроқ совғалар билан бошқа одамларни юборишга ундаган. Янги вакиллар Балаамга у истаган нарсани таклиф қилиш ваколатига эга бўлишган. Улар Балаамга подшоҳнинг сўзларини етказдилар: “Мен сен учун сен айтган ҳар қандай нарсани қиласман”. Мана буни таклиф деса бўлади! Бор бўлган нарсани олиш бу бир нарса, бу қўшнингда йўқ бўлган нарса бўлиши мумкин ва подшоҳ сенга сен истаган нарсангни олишни таклиф қилиши эса умуман бошқа нарса, айниқса агар сенинг заиф жойинг подшоҳнинг таъсир қилиш доирасида бўлса. Бироқ Балаам нима деб жавоб қилганига қаранг:

Агар Балак менга уйи тўла қумуш ва олтин берса ҳам,  
Раббий менинг Худойимнинг буйругини босиб ўта  
олмайман ҳамда ўз истагим билан бирор кичик ёки катта  
иш қила олмайман (Сон. 22:18, ёзма ҳарфлар муаллифга  
тегишли).

Кўпларга Балаамнинг итоати ёқсан бўларди. Бироқ биз у сўзларини пухталик билан айтиётганини кўряпмиз, у “қила олмайман” деяпти. Унинг чинакам истаклари амалга ошиши учун Раббийнинг иродаси кўринишидаги тўсиқ турибди. Балаам бугун жамоатга қатнайдиган кўплаб масиҳийлар билган нарсани билган. *Худонинг иродасини атайлаб бузиб баракалар оқимини сақлаб қолишининг имкони йўқ*. У замонавий масиҳийларнинг тахминан ярмиси биладиган нарсани ҳам билган: Худонинг иродасини билиб туриб бузгандар жазоланади. Бироқ гоҳида

## Худога яқинлашиш

инсонни кулфатга олиб келиш учун айнан манашуңдай маълумот кифоя қилади, чунки Худонинг иродаси бўйича исталган нарсани қўлга киритиш имкониятига эга бўлмай, сиз ўша нарсани қўлга киритиш учун бу гўёки Худонинг иродасига мувофиқдек айланма йўлларни қидиришни бошлайсиз. Намуна тариқасида Балаамнинг ҳолатига назар соламиз:

Шундай бўлса ҳам, сизлар ҳам бу тун шу ерда қолинглар. Раббий менга яна нима дейишини мен билайин (Сон. 22:19).

Сиз буни эшитяпсизми? “Раббий менга яна нима дейишини билайин”. Балким қимматроқ совғалар Худонинг қарорини ўзгартирап деб ўйлагандир? Ёки Раббий Балаамга янада қимматроқ совғалар келтирилиши учун биринчи марта тақиқ қўйгандир?

У нега бу одамлар учун яна ибодат қилмоқчи? Кўряпсизми, у истаган нарсасини қўлга киритиш учун яна имконият қидирмоқда. Унинг иштиёқли истаги соғлом фикр қилиш ниятини айнитмоқда. Айни пайтда у муваффақият қозонган ёш йигит билан сайр қилишга ота-онасидан ёлвориб ижозат сўраётган ўсмир қизга ўхшайди. Балаам қайсар ва итоатсиз, у Худонинг иродасини қувонч билан амалга оширишни истамаяпти, чунки Раббийнинг иродаси унинг ҳирслι юрагига зид. Унинг юраги бутпараст бўлгандир? Ҳа, Муқаддас Китоб менинг тузатишимни тасдиқлайди: “Бўйсунмаслик – сеҳр-жоду сингари гуноҳ, ўжарлик эса – бутпарастликдир” (1-Шоҳ. 15:23). Худо Балаамга нима деб жавоб берганига қаранг:

Худо тунда Балаамнинг олдига келиб, унга: “Агар бу одамлар сени чақиришга келган бўлсалар, туриб, улар билан бирга боргин. Бироқ Мен сенга нимани айтсам, ўшани қилгин”, — деди (Сон. 22:20).

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

Элчилар Балаамнинг олдига у улар билан боради деган умид билан келдилар. Демак? Ҳудонинг сўзларининг мазмуни қўйидагича: “Бу одамлар сени чақирганида бор, лекин сен Мен айтган нарсани қилишинг шарт”. Балким биз содир бўлаётган воқеаларни баҳолашда хато қилгандирмиз? Эътибор беринг, бу ерда: “Кечаси шайтон Балаамнинг олдига келиб: тур, улар билан бор, - деди” дейилмаяпти. Ҳа, мен ҳазиллашяпман, лекин Ҳудо энди Балаамга боришига ижозат бераётганидан, У чиндан ҳам у учун катта миқдорда пул тайёрлаб қўйибди деб тахмин қилиш мумкин.

## ИСТАЛГАННИ ҚЎЛГА КИРИТИШ

Демак, Балаам йўлга чиқиш учун Ҳудодан рухсат олди. У Раббийнинг буйруғини бажариш учун кейинги куни эрталаб барвақт турди. Кейин нима содир бўлганига қараймиз:

Балаам тонгда туриб, ўз эшагини эгарлади ва Мўаб ҳокимлари билан бирга кетди. У кетгани учун *Раббийнинг ғазаби алангаланди* (Сон. 22:21, 22, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Нима, бу қанақаси бўлди? Энди, Балаам Ҳудо унга кечаси берган буйруқни бажараётгани учун Унинг жаҳли чиқди! Биз Ҳудо буйруқ берганида буни анлаган ҳолда қилишини биламиз. Унда бу ҳолатни қандай тушуниш керак? Бу саволнинг жавобини биз Унинг Эзекилга айтган сўзларидан биламиз. Эсингиздами, Ҳудо халқининг бутлари қалашиб ётган пайтда, унга ҳақиқий жавобни беролмаслигини айтган эди?

Жамоатдаги кўпгина одамлар буни тушунишмайди ёки билишмайди. Агар биз чиндан ҳам ниманидир истасак ва бизга Ҳудонинг иродаси маълум бўлган нарсаларни қўярда-қўймас талаб қиласкерсан, Раббий ахийри бизга шу нарсани бериши

## Худога яқынлашиш

мүмкін. Аммо биз шуни ҳам билишимиз керакки, бунинг оқибатида бизга Унинг ҳұмкімі ёғилади!

Сиз бу ҳақиқатдан ҳайратта түшишингиз мүмкін. Лекин Истроилни эсланг, халқ подшоҳи бўлишини истаганини эсланг. Шомуил Раббийга анашу истак билан ёқинлашди ва Худо унга халқа подшоҳ беришни истамаслигини кўрсатди. У Шомуилга подшоҳ халқнинг аъло ўғилларини ва қизларини, аъло ерларини ва узумзорларини тортиб олишини, ҳамда уларга солиқ солишини тушунтириди.

Шомуил Худонинг иродасини халқа етказди ва уларнинг жавобига қаранг: “Бироқ халқ Шомуилнинг гапига эътибор беришни хоҳламасдан: — Йўқ, устимиздан подшоҳ бўлсин” деди. Эътибор беринг, бу ерда халқ Раббийнинг овозига қулоқ солишдан бош тортди деб айтилмаган. Бу ерда ҳам Мусонинг ҳолатида бўлгандек, улар Шомуилнинг ҳокимиютини тан олишдан бош тортдилар, улар Раббий ҳақидаги ўзларининг шахсий тасвирига тақалдилар, чунки улар истаганини олишни жудаям хоҳлар эдилар. Худо Шомуилни юпатди: “Зеро улар сени рад этмадилар, аммо уларнинг устидан шоҳлик қилмаслигим учун Мени рад этдилар” (1-Шоҳ, 8).

Ахийри Худо уларга шоҳларни берди. У уларга биринчи подшоҳ Шоулни танлаб берди. Худо олдиндан огоҳлантирғанидек подшоҳлар халқнинг энг яхши ерларини, ўғилларини ва қизларини олиб қўйишаарди, халқа эса солиқ солишаарди. Сўнгра, вақт ўтиб, подшоҳлар истроилликларни бобил асирилгига олиб келишди. Худо улар иштиёқ билан истаганини берди!

Истроилни сахрордаги сафарини эсланг. Улар инсон тарихда еган нарсадан энг зўрини – самовий маннани ейишди. Илёс бу маннанинг атиги икки донасини еди ва бу унга қирқ кечаю қирк кунга етди! Бу манна қанчалик фойдали бўлганини тасаввур қиласизми? Истроил бу озуқани ейишдан чарчади ва гўшт йўқ

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

деб нолишни бошлади. Улар Раббийдан гүшт сўрадилар ва «Эгамиз уларга сўраганини берди» (Сано 105:15). Улар яна қўярда-қўймай талаб қилган нарсани олдилар. У уларнинг эҳтиёжини мўъжизавий равишда таъминларди:

У осмонда шарқ шамолини қўзғатди, йўз кучи билан жанубий шамолни келтирди. Уларнинг устиларига гўштни чангдек ва қанотли қушларни денгиз қумидек ёғдириди. Қушларни уларнинг қароргоҳларининг ўртасига, уларнинг чодирларининг атрофига туширди (Сано 77:26-28).

Улар сўрадилар ва Раббий уларга мўъжизавий равишда сўраганларини берди. У шамолни қўзғатди ва денгиз томондан улар томонга шуқадар кўп беданаларни ёғдириди, улар уч миллионлаб кишига етди! Бу ғаройиб мўъжиза, чунки беданалар саҳрова яшамайди! Исройилликларнинг беданаларни овлаш учун на қуроли, на итлари йўқлиги ҳам ҳайратланарли. Ҳайратомуз мўъжиза! Аммо сўнгидаги нима содир бўлганига қаранг:

Улар еб тўйдилар, уларга истаганларини берди. Аммо ҳали уларнинг нафслари қонмаган эди, ҳали озиқ уларнинг оғизларида эди, Худонинг ғазаби уларга келди, уларнинг семизларини ҳалок қилди ва Исройилнинг йигитларини қулатди (Сано 77:29-31, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Худо мўъжизавий равишда уларнинг истакларини қаноатлантириди, лекин улар беданаларни ейишни тўхтатишидан аввал, йўз ҳукмини ёғдириди. У уларнинг юрагининг нафсига мувофиқ жавоб берди.

Манашу нарса ҳақда ўйлаб кўринг: ёш йигит қизга хушторлик

## Худога яқинлашиш

қилади. Унинг ота-онаси хавотирда: “Ўғлим сизларнинг муносабатларингиз бизга ёқмаяпти. У билан учрашишни бас қил” дейди. Ёшлар чўпони ҳам ота-онасининг хавотирига қўшилади: “Мен ота-онангни фикрига қўшиламан. Мен бу ҳақда ибодат қилганимда рӯҳимда кучли хавотирни сездим. Сен чиндан ҳам бу қиз билан учрашишни тўхтатишинг керак” дейди. Лекин ёш йигит эътиroz билдириб: “Мен узоқ ибодат қилдим ва Худо менга унга уйланишим мумкинлигини айтди” дейди. Улар турмуш қурадилар ва у уларнинг оиласида нима сабабдан муаммоларнинг охири йўқлигидан ҳайрон қолишдан тўхтамайди.

Яна шу нарса ҳақда ўйлаб кўринг: эркак киши хотинига ишдаги янги лавозим учун ибодат қилаётганлиги ҳақида айтади. Хотини у билан ўз фикрлари билан ўртоқлашади: “Менга бу лавозим ёқмаяпти. Агар сиз бу ишга ўтсангиз, сиз вақтингизнинг аксарият қисмини йўлда ўтказишингизга тўғри келади. Сиз жамоатга мунтазам қатнай олмайсиз, сиз Худо чўпонимизнинг юрагига жойлайдиган ваҳийларни ўтказиб юборасиз, Худога сажда қилиш ҳақида айтмаса ҳам бўлади...” дейди. Чўпон ҳам унга шу гапларни айтади, лекин эрнинг қарори қатъий бўлиб, юқорироқ лавозимни олмагунича ибодат қилишда давом этади. Бир йилдан сўнг у қандай қилиб иш сафари вақтида меҳмонхонанинг номерида бегона аёл билан бир тўшакда бўлиб қолганидан ҳайрон қолади.

Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Биз бирор нарсани Худонинг иродасига зид равишда жудаям истасак, Худо буни бизга бера олишини тушунишимиз керак. У бизнинг юрагимизда ўтирган бутга мос равишда жавоб беради. Охир-оқибат, У буни биз ўзимизга келишимиз ва У яна юрагимизнинг тахтига ўтира олиши учун қилади.

Мен Раббий, унинг кўплаб бутлари туфайли унга жавоб бера оламанми? Ўз бутлари туфайли уларнинг барчаси

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

Мен учун бегонага айланғанлигини Исройл хонадони ўз юрагида тушуниб етсін» (Эзек. 14:4, 5).

Бу оят инглиз тилидаги Ёзувнинг бошқа хил таржимасида шундай жаранглайды: “Мен буни Исройл халқини йзим учун қайтадан забт этиш учун қиласаман”. Раббий рашк билан, бизни Ўзининг юрагига жалб этиш учун қиласади. Ёдингизда бўлсин, У бизни қидиради, У бизни Ўзига яқин қилишни истайди. Гарчи у бирон кишининг ўлимини тиламаса ҳам, У Ўзига нисбатан ҳурматсизликка тоқат қилмайди. Унинг юраги ўзини Унга тўлиқ бағишилаганлар учун очиқ. Шу боис, У юраги ҳирснинг исканжасига тушиб қолганларни Ўзига қайтариш учун курашади, чунки бу бутпарастлиқдир.

Дарбадар ўғил отасидан ўзининг улушини сўраганида, у отаси билан келгиндига ёки мусофирга ўхшаб эмас, балки оила аъзосидек гаплашди. Ўғил худбин истаклари билан бошқарилгани яққол кўриниб турибди. Ота унга йўқ демади, гарчи ўғли пулни тўғри ишлата олмаслигини биларди. У ўғлига катта маблағ пул берди ва ўғил оқибатда отаси билганидек жуда катта талофат кўрди. Яхшиямки, ўғил ўзига келганида отасининг олдига қайтишга қарор қилди. Бу қайта қўшилишдан сўнг ўғил отасининг юрагини яхши тушунди.

Худо Унинг қаршисида муқаддас қўрқувни йўқотиш натижасида адашиб қолган ҳар битта фарзандини Ўзига олиб келишга умид қиласади. Афсуски, Балаамнинг ҳолатидагидек, баъзилар Раббийнинг юрагини таниб билмайдилар, У билан ярашмайдилар. Агар сиз Балаам воқеасининг давомини ўқисангиз, у истаганига қўярда-қўймас интилганини кўрасиз ва бунинг жазоси тариқасида унинг бошига қилич келди.

Бу таққослаш бизни Янги Аҳдга олиб келади, у ерда муқаддас қўрқувга эга бўлмаганлиги сабабли азоб чеккаётган одамлар, Исройл ўғиллари, Қаън ва Балаам билан солиширилган

## Худога яқинлашиш

(биз бу шахсларни ушбу бобда мұхокама қилдик). Ушбу огохлантиришни үқинг:

Сизлар буни билсангиз ҳам, барибир әсингизга туширмоқчиман: Раббий Исроил халқини Миср еридан, асирикідан қутқариб, кейин имонсизларни ҳалок қылган әди (Яхудо 5).

Сүнг Яхудо янги аҳддаги, Худонинг иноятини булғайдиган ва үз ҳаётида ҳирсни, бетавфиқликни ва итоатсизликни күрсатиб чекинадиган имонлиларни гурұхларга бўляпти:

Уларнинг ҳолигавой, чунки улар Қаъннинг йўлидан бормоқдалар, Балаамга ўшаб, манфаатпарастликка берилиб адашмоқдалар ва Корахга ўшаб исён қилиб, ҳалок бўлмоқдалар. Бундай одамлар севги зиёфатларингизда сизларга васваса бўладилар, улар сизлар билан бирга зиёфат қилиб, ўзларини қўрқмай семиртирадилар (Яхудо 11, 12).

Эътибор беринг, бизнинг севги зиёфатларимизда васвасалар бўлар экан ва бу огохлантириш бизнинг жамоат хизматларимизга ҳам тааллұқли. Исо ўзини дунёвий ҳирслардан бенуқсон сақлаган келини (Унинг севгисининг асоси) кетидан келади. Аммо Яхудо имонлиларга уларнинг айримлари “сизлар билан бирга зиёфат қилиб, ўзларини қўрқмай семиртирадилар” деяпти. Улар баракалар олишни истайдилар, улар Худога яқинлашишни истайдилар, бироқ уларга Раббийнинг қўрқуви етишмаяпти. Улар ўз-ўзини алдаяптилар ва агар улар Худонинг юрагига муқаддас қўрқув ва севги билан қайтмасалар улар ўз-ўзини алдашда ўсиб борадилар.

ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

## ОГОХЛАНТИРИШ ВА ТАЪЛИМ БЕРИШ

Менга бу борада бошқачароқ қилиб айтишимга ижозат беринг. Ибронийларга мактубининг муфаллифи шундай деган: “Бизлар эса ҳалок бўлиш учун орқага чекинадиганлардан эмасмиз” (Ибр. 10:39). Мен сиз бу китобни ҳозир ўқиб ўз юрагингизни имтихон қилишга тайёр эканингизга аминман, чунки сиз нафақат Раббийнинг юзи қаршисида юришни, балки бутун юрагингиз билан Унга нафақат фикрларда ва сўзларда, балки ишларда ва ҳақиқатда ҳам мақбул бўлишни истайсиз. Шу боис, бизга шундай айтилган:

Шундай қилиб, менинг севганларим, сизлар доимо итоаткор бўлганингиздек, энди нафақат мен сизларнинг ёнингизда бўлганимда, балки менинг йўқлигимда ҳам янада кўпроқ қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар. Чунки Худо Ўзининг илтифоти бўйича сизларнинг ичингизда хоҳишни ҳам, ҳаракатни ҳам туғдиради (Флп. 2:12, 13).

Муқаддас қўрқувда юрадиган одамлар Худонинг ҳузурини ҳис қилишадими ёки йўқми, Худога доим бўйсунадилар. Улар Худо уларни ташлаб қўйгандек туюлган пайтда ҳам эгилмайдилар, Худо эса уларни ҳеч қачон ташлаб қўймайди! Раббий, Унинг қўрқувида юрганларга яқинлашади ва уларга нафақат истак учун, балки Унинг иродасини бажариш учун ҳам куч ато қиласди. У бизга нажотни нафақат севги ва қувончда, балки қўрқув ва титров билан амалга оширишни буюрмоқда. Яна шуни такрорлаш жоиз, Раббийнинг қўрқуви – ўта мухим омил, у бизнинг юрагимизда эътироэзсиз итоатни ишлаб чиқаради ва бизни мувофиқ ҳаракатларга ундейди.

Бу бобда ёзилган ҳамма нарса тетиклаштиради ва бизни мулоҳазаликка чақиради. Бироқ Павлус ҳар бир одамни

## Худога яқынлашиш

Худога Исо Масиҳда баркамол тақдим қилиш учун биз ҳар бир одамни ўқитиб, барча доноликларни ўргатишимиш кераклиги ҳақида айтмоқда (Кол. 1:28). Бир қараашда ўқитиш ёқимсиз ва исталмаган ишдек туюлиши мүмкін, лекин ахийри бу жонни құтқаради ва фойдалы ҳосиллар келтиради. Менга оптимистик (умид-ишенчли) ва қувончли сўзларни эшлиши ёқади, аммо мен шунингдек, Ҳукм кунида кўпчилик хизматкорларга қараб: “Нима учун мени бу ҳақда огоҳлантирмадинг” деб бақиришларини тасаввур қиласман. Агар воизлар одамларга юпанчли ва тинчлантирувчи сўзларни айтишни афзал кўрган бўлсалар, улар эртага қонга бўланган қўлларига қараб титрайдилар.

Бир марта мен жамоат йиғинида шу ҳақда айтганимдан сўнг олдимга ғазабга тўлган чўпон келиб: “Сен кимнингdir қони бизнинг қўлимиизда бўлиши мүмкин деб айтишга қандай ҳаддинг сиғди?” Бу қадимга аҳднинг бўлмағур гапи, биз эса иноят билан яшаемиз” деди. Мен Муқаддас Китобни очиб унга Павлуснинг сўзларини кўрсатдим:

Шунинг учун бугун сизларга гувоҳлик бераяпманки,  
мен ҳамманинг қонидан тозаман, чунки Худонинг бор  
иродасини сизларга эълон қилишдан чекинмадим.  
Шундай қилиб, ўзингизга ва Муқаддас Рӯҳ сизларни  
назоратчи қилиб қўйган бутун подага диққат қилинглар,  
токи Худо Ўз қони билан қўлга киритган Унинг жамоатини  
боқинглар (Ҳав. 20:26-28).

Мен Павлуснинг огоҳлантиришини ўқиганимдан сўнг шокка тушган чўпон, ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. У кўп йилдан бери хизмат қиласди ва бу сўзларни кўп маротаба ўқиган, лекин ўша куни у бу сўзларни бошқача кўз билан кўрди. У вазминлик билан узр сўради ва биз бир неча дақиқа давомида воизлиқда нуқул ижобий томонларни, ёки аксинча фақат салбий томонларни таъкидлаб, нарсаларга тор қарашнинг тузоғига

## ЧИНАКАМ ЯҚИНЛИККА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?

тушиб қолмаслик қанчалик мұхим эканлиги түғрисида гаплашиб олдик. Биз “оғоҳлантиришимиз ва таълим” бера олишимиз учун мувозанатга ега бўлишимиз ўта мұхим.

Биз Исо оғоҳлантирганидек, ҳатто танланганлар алданадиган даврда яшяяпмиз. У ёлғон ва алдов ҳар ерда тарқалиши ҳақида айтган. Биз ииқилмаслигимиз учун, ниманинг устида турганимизга жиddий эътибор беришимиз лозим. Биз Ҳудога тоза юрак билан, Ҳудонинг қўрқувига тўлган ҳолда, енгилтакликсиз яқинлашишимиз керак, шунда алданишимиз осон бўлмайди. Бизнинг севувчи Отамиз биз учун курашмоқда, У бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун ҳамма нарсани берди. Биз Унинг иродасига бўйсуниб яшай олишимиз учун У Раббимиз Исо Масиҳ орқали бизга иноят берди ва биз У билан фақат Унинг қаршисидаги муқаддас қўрқув орқали яқин мулоқотга ега бўлишимиз мумкин.

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Сиз “Раббийнинг қўрқувисиз жонимиизда ёки ҳаёlimизда бузилган тасвир шаклланиши” ҳақидаги баёнотни ўқидингиз. Ортга қараб, босиб ўтган масиҳийлик масофангизга қараганингизда, айтингчи, онгингизда Ҳудонинг бузилган тасвири юзага келган пайтлар бўлганми? Агар шундай бўлган бўлса, айнан қанақа бузук тасвир юзага келган?
2. Бу бобда биз Ҳудонинг истагига қарши бўлган бирор нарсани истаганимизда, Ҳудо бизнинг истагимизни амалга ошириши мумкин дейиляпти. Ўзингизнинг ибодат ҳаётингизга рўйирост қараб айтингчи, Ҳудонинг олдига доим ҳудбин ва ҳатто, ҳирслι бўлган истак билан келасизми? Ҳаётингизда сиз истаган нарсани олган, лекин ўшандан кейин бу ҳақда аччиқ афсус чеккан пайтларингиз бўлганми?

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

3. Биринчи бобнинг якунидаги биринчи саволда сиз нима сабабдан бу китобни ўқишига қарор қилганингиз ҳақида сўралди. Энди, бу китобдан олишингиз мумкин бўлган ҳамма нарсани ўйлаб чиқиб, сиз олган дарслар сиз учун фойдали бўлди деб айта оласизми? Сизнинг ҳаёлингизда бўлган Худонинг тасвирида қандай ўзгаришларни кўришни бошладингиз ва сиз учун Худога ишларда ва ҳақиқатда мақбул бўлиш нимани англатади?

# ХАҚИҚИЙ САЖДА



“Дин руҳи ўзининг иродасини бажариш учун  
Менинг Сўзимдан фойдаланади”.

**Р**аббийнинг қўрқувига эга бўлмаган кишини алданиш кутади. Лекин Унга қўрқув билан яқинлашувчиларни, У билан яқин ва чамбарчас муроқот кутмоқда. Бундай муносабатнинг ташқи кўриниши Худонинг барча истакларига сўзсиз бўйсунишдир. Биз нафақат бўйсунамиз, балки бизнинг юракларимиз Унинг иродасини бажариш истаги билан тўладир. Биз буни Унинг қаршисида юрганларнинг ҳаётида кўрамиз.

Ҳанўҳ Худога маъқул бўлди. Биз Жамоатнинг илк оталаридан бири, нарсаларнинг моҳиятини чуқур тушунишлик, камёб қобилият соҳиби бўлган Климентнинг асарларидан парчалар оламиз. Римлик Климент биринчи асрда яшаб, ҳаворийлар

## Худога яқинлашиш

Павлус ва Петруснинг биродардоши бўлган. У шундай деб ёзган: “Худога маъқул бўлганлиги ҳақида гувоҳлик олган ва шу боис, кўчирилган Ҳанўҳни мисол тариқасида оламиз”. Ҳанўҳдаги энг асосий нарса унинг итоаткорлиги бўлган, у итоаткорилиги билан Худога маъқул бўлди. Ёзувда Худонинг қаршисида юрган навбатдаги инсон бу Нуҳ эди. Ибтидо китобида унинг ҳаёти мана қандай келтирилган:

Мана бу Нуҳнинг насабномаси: Нуҳ ўз авлодида ҳақ ва бенуқсон одам бўлиб, *Худонинг қаршисида юрар эди* [Худонинг иродасини доимо бажарган] (Ибтидо 6:9, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ҳанўҳнинг ҳаётидагидек, Нуҳнинг ҳаётидаги асосий тавсифномаси у Худонинг иродасини доимо бажарган. Бошқача қилиб айтганда, у Худонинг истакларига бўйсунарди. Бу иккала одам ҳам фақат ғаразли ният билан бўйсунган Балаамнинг тўлиқ тескарисидир. Балаам итоатсизлик қилган ҳолатда барака олишнинг имкони йўқлигини тушунган, ахийри ўзининг чидаб бўлмас итоатсизлиги туфайли жазоланди.

Балаам Худонинг сўзини бузди, чунки Худога итоат этишда ўз манфаатини кўзлади. У фақат Худонинг иродасини бажаришга интилгани учун бўйсунишни истамади. Худонинг иродаси – бу шунчаки Унинг истаги эмас, балки эгилмас ва ўзгармас қонундир.

Довуд – умуман бошқача инсон бўлган. Ёзувда унинг ҳаёти ҳақида шундай дейилган:

Уни радэтиб, Худо уларга Довудни подшоҳ қилиб кўтарди ва у ҳақида гувоҳлик бериб, шундай деди: “Мен юрагимдагидек бир эркакни – Йессей ўғли Довудни топдим. У Менинг барча истакларимни бажо келтиради” (Ҳав. 13:22).

## ХАҚИҚИЙ САЖДА

Худонинг қўрқуви – бу Худонинг қаршисида фақат қўрқувни ҳис қилишнигина эмас, балки шунингдек, Унинг иродасини бажаришни билдиради. Биз Унинг барча истакларини гўёки ўзимизнинг истакларимиздек бажаришга интиlamиз. Биз Унинг юрагининг истакларини ўзимизницидек қабул қиламиз. Бу ҳақиқий итоатdir.

### ДИН РУҲИ

Раббийга сажда қилаётган пайтимда У мулойимлик билан юрагимга гапирганини унутмайман: “Жон, сен дин руҳи нималигини биласанми?”

Энди мен, Худо бизга савол берадётганида У биздан маълумот олишни истамайди, балки биз ниманидир билмаслигимизни айтаётган бўлишини, ёки бизда аллақачон бор бўлган ваҳийларни кенгайтирмоқчилигини биламан. Мен бунгача, аллақачон диндор инсоннинг хулқи нималиги ҳақида ёзган эдим ва айтган эдим, лекин Унинг саволига мен: “Раббий, мен буни аниқ билмайман. Дин руҳи нима?” деб жавоб бердим.

Шунда У менинг юрагимга гапирди: “Дин руҳи ўзининг иродасини бажариш учун Менинг сўзимдан фойдаланади”. Унинг сўзлари юрагимга чуқур ва кўп вақтга қадалди, менда жавобини топишим керак бўлган кўплаб саволлар туғилди.

Ҳақиқатни айнан шу тарзда бузганликда Балаамни айблаш мумкин. У Худога бўйсунишни истаган эди, лекин ўзининг шахсий манфаатлари сабабли Худонинг юрагидаги истакларини бажара олмасди. Шу боис, Раббийнинг фариштаси унга “сенинг йўлинг менинг қаршимда нотўғридир”, деди (Сон. 22:32). Балаамнинг йўли нотўғри ва бузук эди. Балаам ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб Худонинг Сўзидан фойдаланишга уриниб, унинг мазмунини бузди.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ҲАҚИҚИЙ САЖДА

Агарда сиз Иброҳим, Мусо, Нун ўғли Йешуа, Довуд, Эстер, Дониэл ва Ёзувнинг бошқа қаҳрамонларининг ҳаётини ўргансангиз, улар Раббий билан яқин мuloқотда яшаганинг бир умумий жиҳати бўлган. Уларнинг Худога бўлган яқинлигининг ўзаги Унинг истакларига чин юракдан бўйсуниш бўлган. Худо қадимги аҳдда аҳдлашган ҳар бир инсонга шундай дерди:

Зеро Мен сизларнинг оталарингизни Миср еридан олиб чиқсан кунимдан ҳозирги кунга қадар доим уларни огоҳлантирас эдим; эрта тонгдан: *“Менинг гапларимга қулоқ солинглар”*, – деб уларни огоҳлантирас эдим (Йер. 11:7).

Раббий Унинг халқи Унга бўйсунмаганлигидан ва улар ўз юрагининг истакларига эргашаётганидан эзиляпти. Улар Унинг юрагини таниб-билмадилар, ҳойнаҳой, Унинг барча сўзлари улар учун чеклов доираси бўлиб қолган. Шунга мувофиқ улар ўзларининг ниятини амалга ошириш учун имконият қидиришган. Худо маълум бир вақтагача сабр қилган, улар эса ўзларига имкон қадар эрк бериб яшашган, шу сабаб, улар У билан яқин муносабатга эга бўлолмадилар. У билан яқин ва чамбарчас мuloқотга эга бўлиш учун мутлақо тўлиқ бўйсуниш зарур. Янги Аҳдда Исо бизга шундай дейди:

Аммо шундай кунлар келадики, аллақачон келди ҳам, ҳақиқий сажда қилувчилар Отага руҳда ва ҳақиқатда сажда қиладилар, чунки Ота Ўзига шундай сажда қилувчиларни изламоқда. Худо – Руҳдир, Унга сажда қиладиганлар руҳда ва ҳақиқатда сажда қилишлари лозим. (Юҳанно 4:23, 24, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

## ХАҚИҚИЙ САЖДА

Бу бир нечта оялларда шундай күп нарса айтилганки! Бириңчидан, эътибор беринг, Ота Ўзига шундай сажда қилувчиларни изламоқда. Ўтган бобда эсланг, биз У қанчалик рашк билан бизга яқин бўлишни ва биз билан мулоқотга эга бўлишни исташи ҳақида гапирган эдик. Энди яна Исонинг Ўзи ҳам бизга шу ҳақда айтмоқда.

Иккинчидан, Худо Үнга руҳда ва ҳақиқатда сажда қилувчиларни изламоқда. Келинг, сажда нима эканлиги ҳақида гапириб ўтамиз. Мен Муқаддас Китобни ўқиётганимда Муқаддас Руҳ юрагимга айтган сўзлари ҳеч қачон ёдимдан кўтарилимайди: “Сажда – бу секин қўшиқ эмас!” Бу фикр шу заҳоти менинг диққатимни ўзига тортди.

Кўпчилик сажда деганда айнан манашу нарсани – секин, байрамона қўшиқни назарда тутишади. Инжил жамоатларидағи йиғинларнинг тартибини эсланг. Биз йиғинга келамиз, Худони улуғлашни бошлаймиз, миннатдорчилик билдирамиз, шундан сўнг сажда қиламиз, кейин эълонлар ўқиласи, қурбонлик йиғилади, воизлик ва охирида минбар хизмати бўлади. Анъанавий жамоатларда олдиндан дастурчалар чоп этилади, биз инжил масиҳийлари эса хизматларимизни ёддан ўтказамиз-у, аммо Руҳдаги эркинлик ёки Унинг бошқаруви билан мақтанамиз. Саждага келсак, айрим билмайдиганлар учун мақтов билан сажданинг фарқини айтиш керак. Мақтов – бу тез қўшиқлар, сажда эса – бу секин қўшиқлар. Биз қўшиқлар китобларидан қутулиб, уларнинг ўрнида экранли проекторладан фойдаланишимиз қизиқ. Шунинг учун сажда деганимизда имонлilarнинг аксарияти дисқдаги, мусиқий видеокассеталардаги ёки йиғиндаги секин қўшиқларни ҳаёлига келтирадилар.

Раббий менга гапирганида, мен тез жавоб бериб: “Раббий мен сажда нималигини билмайман. Илтимос, менга буни аниқ қилиб айтгин” дедим.

## Худога яқынлашиш

У қатъият билан: “Бу ҳаёт” деди.

Шу захоти бунга мисол келтириди. У деди: “Үғлим, фараз қил. Сен эрталаб үйғонасан, Лиза эса сендан болаларни мактабга жүнатишга ёрдам беришингни сўрайди, сен эса менинг вақтим йўқ дейсан. Сал вақт ўтгандан сўнг унга яна ёрдам керак, лекин сенинг яна вақтинг йўқ. Шунда у сендан нонушта тайёrlашга ёрдам сўрайди, лекин сен яна ўта бандсан. Тушликдан сўнг у болаларни мактабдан олиб кела оласизми деб сўрайди ва сен унга эрталабдагидек жавоб берасан. У сендан яна тушликни тайёrlашга ва уйни тозалашга ёрдам беришингни сўрайди, у яна сени банд эканингни эшитади”. Сўнгра У давом этиб деди: “Кечқурун, болалар ухлашга ётганидан сўнг, сен унинг олдига аниқ бир истак билан, яъни унинг суйиб-сийпалашини истаб келасан. Сен унинг олдига келиб, мулойим сўзлар билан: “Азизам, мен сени севаман” дейсан.

Сўнг Раббий мендан сўради: “У сенинг севги ҳақида сўзларингга ва сенинг у билан яқин бўлиш истагингга нима деб жавоб беради?”

Мен: “Хойнаҳой, “Азизим, бориб ухланг, хайрли тун” деб айтади” дедим.

Раббий шунда: “Сен ҳақсан, аммо нима учун у сенга бундай қўпол жавоб беради?” деди

Мен: “Чунки яқин муносабат эрталабдан бошланади, кечқурун эса бунинг авжи келади” дедим.

Раббий менга айтган нарсалар ҳақида зикр қилиб тушундим, агарки мен рафиқам билан ўзимни шундай тутганимда эди, мен унга уни севишим ҳақида иқрорий сўзларим на иш ва на ҳақиқат билан тасдиқланмаган бўлар эди. Рафиқаси билан ўзини шундай тутагидан эр ўз-ўзини алдаётган бўлади.

Сўнгра Раббий менга шундай деди: “Үғлим, Менинг болаларим кўп, Мен уларнинг диққатини бутун ҳафта давомида излайман, лекин улар Мени тўлиқ инкор қилмоқдалар. Мен

## ХАҚИҚИЙ САЖДА

уларни қўшнисига хизмат қилишга унданмоқчиман, лекин улар Мени эшитмаяптилар ёки Менинг бошқарувимга бўйсунмаяптилар, чунки улар ёқимли ва қизиқ тадбирларни режалаштиришган. Мен улардан пулни қурбонлик қилишни ёки жамоатга, ўз оила аъзоларига хизмат қилишни сўраганимда Менга қулоқ солмаяптилар. Сўнгра улар йиғинга келиб, Мендан муайян бир нарсани, жумладан, баракани олишни истайдилар. Улар Менга севги ҳақида дилбар қўшиқларни куйлашади ва буни сажда деб аташади. Бу сажда эмас, бу шунчаки секин қўшиқлар!”

Мен бу ваҳий билан қотиб қолдим. Мен сажда ҳақида тушунчам нотўғри эканини тушундим. Кечроқ мен илгари эътибор бермаган диққатга сазовор нарсани сездим. Азиз китобхон, сизга савол беришимга рухсат берсангиз: Муқаддас Китобнинг қаерида биринчи марта сажда сўзи ишлатилган? Бу жуда муҳим савол, чунки муаллиф ўз китобида кўпларга маълум бўлмаган янги тушунчани берганида, у уни учта нарсаларнинг бири билан илова қиласди. У ёки ушбу янги атаманинг таърифини келтиради, ёки бу тушунча нимани англатадиган изоҳни келтиради, ёки янги сўздан шундай фойдаланадики, бу унинг маъносини яққол билдиради. Сажда сўзини биз илк бора Ибтидо Китобида учаратамиз:

Иброҳим ўзининг хизматкорларига: “Сизлар шу ерда эшак билан қолинглар, мен ўғлим билан бирга у ерга бориб сажда қиласмиш, сўнг олдиларингга қайтиб келамиш”, – деди (Ибтидо 22:5, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Иброҳим Исҳоқ билан тоқقا секин қўшиқларни айтиш учун чиқмади. У ҳаётида энг қиммат бўлганни ўлимга топшириш учун борди, чунки Худо ундан шуни сўради! Демак, кўряпсизки, сажда – бу *иттоатдаги ҳаётдир*. Бундай таъриф Худо нима сабабдан Унга қўшиқлар куйлаган ҳалқига иштиёқ билан гапирганини тушунтияпти:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Мендан құшиқларингнинг шовқинини узоқлаштири,  
зоро Мен небелларингнинг овозига қулоқ солмайман.  
Одил ҳукм сув каби ва ҳақлик күчли оқим каби оқсин!  
(Амос 5:23, 24).

Мен замонавий ва жозибадор мусиқа чалинган күпгина илохий йиғинларда бўлганман, аммо у ерда Раббийнинг ҳузурини ҳис қилмаганман. Бундай ҳолларда мен биринчи навбатда ўз юрагимни текшириб Муқаддас Руҳдан сўрайман: “Мен бирор кишини ҳафа қилмадиммикин, ёки гуноҳ қилмадиммикин?” Кўпинча мен юрагимнинг тубида тинчлик ва ишончни ҳис қиласман, шунда мен Худо билан яқин бўлиш учун одамларнинг ўзи-ўзларига тўсиқ эканини тушанаман. Шунда мен Худонинг қўрқуви ва итоат тўғрисида аминлик билан воизлик қилишни бошлайман. Бундай муҳитда қариyb ҳар сафар воизликнинг якунидаги одамларнинг қариyb яrimi тавбага чиқиб тавба қиласдилар. Менинг ўзим бунинг гувоҳиман. Сўнgra мен ўша жамоатнинг кейинги йиғинига келганимда улар ўша үлуғлов гуруҳи билан ўша мақтov қўшиқларини айтаётган бўлишади ва қариyb ҳар сафар мўъжизавий тарзда Худонинг ҳузури намоён бўлади. Нима учун? Чунки ҳақиқий сажда – бу итоатдаги ҳаётдир, анашу ҳаётдан үлуғлов қўшиқлари оқиб чиқади, бу Худонинг юрагини шод қиласди ва Амос пайғамбарининг Китобида ёзилган Худонинг муносабатини келтирмайди. Бизнинг Худо билан бўлган ўзаро муносабатларимизда, турмуш ўртоғимиз билан бўлган ўша-ўша қоидалар ишлайди. Мен унинг олдига, мен уни кун давомида менсимаганимдан кейин эмас, балки унга нисбатан севгимни ишлар билан тасдиқлаганимдан сўнг келиб, мени суйиб-сийпашини сўрайман.

## ХАҚИҚИЙ САЖДА

### ХАҚИҚАТДА САЖДА ҚИЛИШ

Исо бизга Ота Унга руҳда ва ҳақиқатда сажда қилувчиларни изляяпти деяпти. Кейинги бобларда биз Худога *руҳда* сажда қилиш ҳақида батафсил гапирамиз. Энди эса келинг, ҳақиқатда сажда қилиш ҳақида гапирамиз. Юнончада ҳақиқат сўзи – *aletheia*. Вайн бу сўзнинг шундай таърифини келтиради: “Кўринарли ва туюлган негизда ётган реаллик. Масаланинг кўринган ва асл моҳияти”.

Менга бу таъриф ёқади, чунки у Исо бизга айтган нарсанни батафсил тушунтиради. Исо шу билан, ҳақиқий сажда инсоний мавжудотнинг негизида ётибди, жумладан, юрақдалигини айтган. Аниқроқ қилиб ифодалаш учун мен инсоний мулоқотнинг учта поғонаси ҳақида сўзлаб бераман.

Мулоқотнинг биринчи ва энг паст поғонаси – бу оғзаки бўлган алоқа. У буни ўзининг иккита ўғлини узумзорга бориб ишлашни сўраган отанинг мисолида тушунтирди (Матто 21:28-31). Унинг бир ўғли шунда жавобан: “Бораман, ҳазратим”, – деди, бироқ бормади. Бошқаси эса: “Боришни истамайман” деди-ю, лекин сўнгида тавба қилиб, борди. Сўнгра Исо аввалига боришдан бош тортган ўғил отасининг иродасини бажариш учун ишлашга борганини тушунтирди. Шундай қилиб, ҳаракат билан бўлган тасдиқ – бу оғзаки шаклдан кўра олий шаклда бўлган алоқадир.

Ёқуб ҳам қўйидаги парчада паст поғона бўлган оғзаки алоқанинг мисоли ҳақида гапиряпти: “Агар бирор биродар ёки опа-сингил яланғоч бўлиб, қундалик ризқига эга бўлмаса, сизлардан бирортангиз уларга: “Эсон-омон бориб, исининглар ва овқатланинглар”, – десангиз, лекин танасига керак бўлган нарсаларни уларга бермасангиз, бундан нима фойда?” дейди (Ёқуб 2:15, 16). Ҳаворий Юҳанно бу ҳақиқатни тасдиқлаб деди: “Агар бирор киши бу дунёда мулкка эга бўлса-ю, биродарини муҳтожлиқда кўриб, ўз юрагини ундан ёпса, қандай қилиб у

## Худога яқинлашиш

одамда Худонинг севгиси жо бўлар экан?” (1-Юҳ. 3:17).

Бу ҳақиқатнинг намоён бўлишини кўп ҳолларда кўришимиз мумкин. Масалан, эр хотинига уни севишини айтади-ю, лекин у билан умуман вақт ўтказмайди. Ёки масалан, хотин эрига севишини айтади-ю, лекин унинг маслаҳатларига умуман қулоқ солмай, кредит (қарз) карточкасидан фойдаланишни тўхтатмай, оиланинг бюджетини қуритади. Ўйлайманки, бундай ҳолатлар сизга маълум ва бу рўйхатнинг умрбод давом эттираса бўлади. Юҳанно бу мавзу юзасидан мулоҳаза қилишда давом этади:

Фарзандларим! Фақат сўзимиз ёки тилимиз билан эмас, балки амалда ва ҳақиқатда севайлик (1-Юҳ. 3:18).

Ҳа, биз одамларга севги сўзларини айтишимиз шарт, лекин агар севги ҳақидаги сўзларимизни тасдиқлаш учун ишларимиз ва ҳақиқат билан севмаганимизда эди, бу аянчли ҳолат бўлган бўлар эди. Эътибор беринг, ҳаворий “иш ва ҳақиқат” билан деяпти. Бу алоқанинг юқорироқ бўлган иккита поғонасиdir.

Ишлар ёки ҳаракатлар – алоқанинг оғзаки бўлган поғонасининг кейингисидир. Бироқ бу мулоқотнинг энг олий даражаси эмас ва бу ерда адашиб қолиш жуда осон, чунки ишлар ҳақиқатга зид бўлиши мумкин. Павлус шундай дейди: “Агар бор мол-мулкимни тарқатиб юборсам, ҳатто танамни ёндиришга топширсам-у, лекин севгига эга бўлмасам, бундан менга ҳеч қандай фойда йўқдир” (1-Кор. 13:3). У севгининг энг олий ифодаси бўлиб кўриниши мумкин бўлган ишларни таърифлаяпти, бироқ у бундай шарафли бўлиб кўринган ишларни юрақда Худонинг севгисига эга бўлмай туриб ҳам қилиш мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда.

Бу нарса мулоқотнинг энг олий даражасига олиб келади, у эса бизнинг юракларимизда амалга ошади. Манашу инсоннинг асосий даражасидир. Юҳанно ва Исо ҳақиқат

## ХАҚИҚИЙ САЖДА

хақида айтишганида айнан анашу даражани назарда тутди. Юрагимизнинг фикрлари ва ниятлари бизнинг саждамизнинг чинакам сабабларини кўрсатади, бироқ уларни биргина Худонинг Сўзи ёрдамида фарқлаш мумкин.

Бизга асраладиган ҳамма нарсадан кўра кўпроқ юрагингни асра, чунки ҳаёт булоқлари ундандир деб буюрилган. Агар биз бу қоидаларни менсимасак, биз тез орада алданиб қоламиз. Ўз ихтиёрига қўйиб берилган, Худонинг Сўзи ва Унинг Рӯхи томонидан бошқарилмаган юракни алдаш жуда осон.

Худо Ўз халқига баён қилди: “Агар хоҳласангизлар ва итоат қиласангизлар, ернинг эзгуликларидан ейсизлар” (Ишаъё 1:19). Эътибор беринг, Худо шунчаки қулоқ солишимиз керак демаяпти. У биз исташимиз ва сўнгра итоат қилишимиз керак деяпти. Итоат қилишни исташ ёки тайёр бўлиш юрагимизнинг муносабатини тавсифлайди. Мен ўғлимдан ниманидир қилишини сўрашим мумкин ва у зудлик билан бўйсуниши ва итоатли бўлиб кўриниши мумкин, лекин ўз юрагида у нолиши ва норозилик билдириши мумкин. Аслида у ҳақиқат бўйича бўйсунмаяти, балки ўзини итоатли қилиб кўрсатяпти. Юҳанно бизга Худони ва яқинимизни ҳам ишда, ҳам ҳақиқатда севишимиш шартлигини айтяпти, бу эса юракда содир бўлади: “Биз ҳақиқатдан эканлигимизни ана шундан билиб оламиз. Унда юрагимиз бизни ҳукм қилса ҳам, юрагимизни Худонинг олдида хотиржам қиласиз” (1-Юҳ. 3:19).

Худо менга бу мавзуда гапиргани ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Мен ўша пайтгача ҳам нолимаслик ва жаврамаслик учун кўп куч сарфладим. Мен бизнинг шикоятларимиз Худони ҳақорат қилишини билардим, зеро ўз шикоятимиз ва норозолигимиз билан биз гўёки Унга: “Менга Сен қилаётган иш ёқмаяпти ва мен Сенинг ўрнингда ҳаммасини бошқача қилган бўлар эдим” дейдигандекмиз. Шу йўсинда биз Раббийнинг қўрқуви йўқлигини кўрсатган бўламиз, Худо эса бундан

## Худога яқынлашиш

нафратланади. Истроил ўғиллари айнан анашундай муносабат туфайли ваъда қилингандар ерга кира олмадилар. Шундай қилиб, мен маълум бир вақтгача нолиш сўзларини айтмадим ва бу билан ғурурланардим. Аммо бир куни эрталаб уйғонганимда Муқаддас Рух менга қатъият билан деди: “Мен юрагингдаги норозиликни эшитяпман!” Мен қўлга тушдим. Мен қотиб қолган эдим, ўз мағрурлигимда қанчалик алданиб қолганимни тушунар эдим. Менинг Худога бўлган саждам ҳақиқий бўлмаган экан ва менинг юрагимдаги хатоларни кўрсатиш учун менга Унинг тузатувчи Сўзининг ёритқичи керак бўлди. Мен ўша заҳоти тавба қилдим ва ўша пайтдан бүён Худо мени бу масалада тузатмаганидан хурсандман. Худога Унинг шафқати учун шараф!

Вайннинг луғатида ҳақиқат сўзининг таърифига яна бир бора қаранг. У ерда, туюлган ёки ташқи нарсанинг негизида ётган реаллик дейилган. Бу ҳақиқатдан шунчалар осон узоқлашамиз! Мисол келтираман. Биз Раббийга ибодат қилишимиз ва мадхия кўйлашимиз мумкин, лекин шу билан бирга, битта ҳам сўз юракдам чиқмаслиги мумкин. Биз кўйлаётган пайтимизда нуқул очлигимиз ҳақида ўйлашимиз мумкин, ўтган куни болаларимиз қандай қилиб бахслашганини, илоҳий йиғиндан сўнг қанақанги беназир ишларни режалаштирганимизни эслашимиз мумкин ва ҳоказо. Биз ибодат қилиб: “Раббий, Сендан миннатдорман” дейишимииз мумкин. Шу вақтинг ўзида бир неча кун давомида биз тушиб қолган вазиятларимиздан нолишимииз мумкин. Биз Раббийдан чиндан ҳам миннатдормизми ёки юрагимизнинг тубида У бизнинг ишларимизни бизнинг назаримизда тўғри бўлгандек, мос бўлгандек қилмагани учун Уни айблаяпмизми? Бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Худога ҳақиқатда сажда қилиш Унга фақат бўйсунишни эмас, балки У сенга буюрган иш учун хурсанд бўлишни ҳам англатади. Сажда қилиш Унга бундай вазиятларда айтилиши лозим бўлган гапларни эмас, балки чиндан ҳам юрагингда бўлган нарсани

## ХАҚИҚИЙ САЖДА

гапиришни англатади. Ҳудо билан иккюзламачилик кетмайди. Менга Довуддинг сўзлари ёқади:

Эй, ҳалқ! Ҳар вақт Унга умид қилинг. Унинг олдида юрагингизни тўкиб-солинг. Ҳудо – бизнинг паноҳимиздир. Селаҳ! (Сано 61:9, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Мен Ҳудо билан мутлақо очиқ бўлганимда У менга яқинроқ бўлишини тушундим. Агар мен Ундан ниманидир яширсам бу менга ҳалақит беришни бошлайди ва мен ибодатда олдинга силжимайман. Мен ўз-ўзим билан ҳақиқий жанг олиб боришинга тўғри келади, чунки мен У билан алоқани йўқотаман. У Унга тоза юрак билан, риёкорликсиз яқинлашишга тайёр бўлганларни излайди. Мен йиғинда турган одамларни улар: “Исо Сенга раҳмат...ҳаллелуяҳ, Ҳудога шукур” дейишганини кўрганимда, бу мени ўйлантириб қолади. Қизик, улар гўёки масиҳий қасбий тилни ўзлаштириш учун амалиёт қилишаётган туюлгани учун бу сўзларни шунчаки тақрорлашаяптими ёки бу ҳиссиётлар ва фикрлар юрак тубидан чиқаятими деб ўйлайман. Бундай ҳолатларни эр хотинини шунчаки тинчлантириш учун уни севишини айтадиган вазиятга ўхшайди. Унинг сўзлари қалбидан чиқмаган. Бу эркак хотини билан у ҳали келин бўлган пайтида унаштирилганда уни севишини кучли ҳис-ҳаяжон билан айтган пайт умуман бошқача нарса.

Мақтов қўшиқларининг оқими ҳақиқий сажда ҳаётидан оқиб чиқади, бу аслида бизнинг итоатимиздир. Масиҳ Танасида улуғлов ва сажда қўшиқларини ижро этиш учун маҳсус инъом этилган одамлар бор. Бу замонавий саночилардар. Уларнинг айримлари чинакам сажда ҳаёти билан, бошқалари эса ҳиссий ва дунёвий ҳаёт кечирадилар. Аммо ўзини бетавфиқлик билан булғаганлар ҳам, илгаригидек ўзининг истеъдодининг шарофати билан ҳайратомуз жўшқин қўшиқларни куйлар оладилар. Бироқ

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

улар ижро этәётган пайтда уларга Раббийнинг муқаддас ҳузури етишмайди, соф ижрочиларнинг мақтови ва миннатдорчилиги эса, улар Унга ва Унинг халқига бутун қалби билан хизмат қилганида Худонинг шарафли ҳузурининг ҳамроҳлигидаги ўтади.

## ИСОНИНГ ЎЗИНИ НАМОЁН ҚИЛИШ ВАЪДАСИ

Худога ҳақиқатда сажда қилиш Унга тоза юрак билан сажда қилишни англатади. Бу Үндан қўрқишни ва Уни ҳурмат қилишни англатади. Саночи шундай дейди:

Бурғунинг тантана [саждага чорлайдиган қувонч] овозини биладиган халқ баҳтлидир. Ё, Раббий, улар Сенинг юзингнинг нурида юрадилар (Сано 88:16).

Худо Унинг сажда ҳаёти билан яшашга чақирадиган овозини эшиитувчиларни изляяпти. Итоат этувчилар Унинг ҳузурида юрадилар. Улар Уни яқиндан биладилар, чунки У Ўзини бу одамларга намоён қиласди. Исо бу ҳақда деди:

Яна бир оз вақтдан кейин дунё Мени бошқа кўрмайди, лекин сизлар Мени кўрасизлар, чунки Мен яшайман ва сизлар ҳам яшайсизлар. Ўша куни Мен Отамда, сизлар эса Менда ва Мен сизларда эканимни билиб оласизлар. Ким Менинг амрларимга эга бўлиб уларга риоя қиласа, ўша одам Мени севади. Мени севганини эса Отам севади, Мен ҳам уни севаман ва унга Ўзимни намоён қиласман (Юҳ. 14:19-21, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Унинг амрларига эга бўлган ва уларга риоя қилган одамлар Унга ҳақиқатда сажда қилмоқдалар. У бу одамлар Уни кўришини ваъда берди. Намоён бўлиш кўринмас соҳадан кўринарли соҳага чиқишини англатиши, ноъмалум соҳадан – маълум ва тушунарли соҳага ўтиш эканини билдириши ёдингиздами?

## ХАҚИҚИЙ САЖДА

Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимасида бу парча шундай янграйди:

Яна бир оз вақтдан кейин дунё Мени бошқа кўрмайди, лекин сизлар Мени кўрасизлар, Ким Менинг амрларимга эга бўлиб уларга риоя қилса, ўша одам Мени [чиндан ҳам] севади. Мени [чиндан ҳам] севганни эса Отам севади, Мен ҳам уни севаман ва унга Ўзимни намоён қиласман [Мен унга кўринарли бўламан ва у учун реал бўламан] (Юханно 14:19, 21).

Унга ҳақиқатда сажда қиласиган одамлар чиндан ҳам Уни биладилар. У Ўзини уларга очади ва улар У учун қимматли дўстга айланишади. Бу ҳаворийларни таажжублантирди, уларнинг бири шундай деб ёзди:

Искариот бўлмаган бошқа Яхудо Унга: — Ҳазрат, нима учун Сен Ўзингни дунёга эмас, балки бизларга намоён қилмоқчисан? — деди. Исо унга жавоб бериб деди: — Ким Мени [чиндан ҳам] севса, Менинг амрларимга риоя қиласи [Менинг таълимотимга бўйсунади] ва Менинг Отам уни севади. Бизлар унинг олдига келамиз ва унда маскан (истиқоматгоҳ, маҳсус яшашгоҳ) яратамиз. Мени [чиндан] севмайдиган одам Менинг сўзларимга риоя қилмайди [ва Менинг таълимотимга бўйсунмайди] (Юханно 14:22-24)

Демак кўриб турганингиздек, ҳамма нарса яна итоатга тақаляпти. Худо менинг юрагимга айтган нарсани эсланг: “Сажда – бу Унинг истакларига бўйсуниб яшаш”. Биз Уни чиндан ҳам севсак, У бизнинг олдимиизга ташрифчи сифатида эмас, балки биз билан мудом яшаш учун доимий истиқомат қилувчи сифатида келади. У бизга Ўзини шундай намоён қилмоқда.

Муқаддас Рӯҳ билан инъом этилган талайги на одамлар бор, бироқ улар Раббийнинг Сўзини бутун қалби билан

## Худога яқинлашиш

бажармайдилар. Бу жуда осон алданадиган одамлар. Айнан шунинг учун уларнинг истедодида Худонинг ҳузурини қандайдир даражада кўриш мумкин, масалан, воизлиқда, қўшиқда, ибодатда ёки хизмат бошқа турларида. Бу маънода улар бағоят инъомли бўлган ва ҳар сафар унда Худонинг инъоми ҳаракат қилганида, Раббийнинг ҳузурини ҳар хил даражада бошдан кечирган Балаамдан фарқ қилмайдилар, бироқ унинг юраги Худонинг юрагидан анча йироқда бўлган.

Бу одамларнинг алданиши шундан иборатки, улар уларнинг хизматида бўлган Худонинг ҳузурини У уларнинг ҳаёт тарзини бутунлай мақуллашининг аломати деб ўйладидилар ва Унинг ҳузурини улар Унга яқин эканининг далолати деб хато ўйладидилар. Яхши инсон бошқа бир одамни ишга ёллаши мумкин. Ишчи эса ҳар куни иш берувчисининг олдида бўлгани учун уни яхши биламан деб нотўғри тахминга бориши мумкин. Бундай тахмин ўз негизида нотўғри эканини тушуняпсиз. Исо Унинг исмини эътироф этадиган кўпгина одамлар оқибатда жиддий м uaамога дуч келиши ҳақида айтган:

Ўй эгаси туриб эшикни бекитиб қўйганида, ўшанда сизлар ташқарида туриб, эшикни тақиллата бошлаб: “Ё, Раббий, ё, Раббий, бизларга эшикни оч!” – дейсизлар. Лекин У [Раббий] сизларга шундай жавоб беради: “Сизлар ким ва қаердан эканингизни [умуман] билмайман”. Шунда сизлар: “Биз Сенинг олдингда еб-ичдик, Сен кўчаларимизда таълим бериб юрган эдинг-ку”, – деб айта бошлайсизлар. У эса: “Сизларга айтаманки, сизлар ким ва қаердан эканингизни билмайман. Эй, ноҳақлик қилувчилар, ҳаммангиз Менинг олдимдан кетинглар!” – дейди (Луко 13:25-27).

Агар буни Матто (Матто 7:21-23) Хушхабаридаги келтирилган ҳикоя билан ёнма-ён қўйиб ўқисак, Исога бу саволни Унинг

## ХАҚИҚИЙ САЖДА

номи билан мўъжизалар яратган одамлар беришган. Улар инъомли эдилар, лекин Раббий Ўз ҳузури билан уларнинг инъомига ҳамроҳлик қилгани учун, улар буни Раббий бизни мақуллаяпти, демак У бизга яқин деб ўйлашган. Кўряпсизми, Уни биламиз деб қаттиқ ишонган одамлар, бу кашфиёт билан қанчалик даражада ларзага келишган, шундай бўлсаям, уларни Унинг ҳузурига киритмадилар. Биз Унинг мудом ҳузури билан хизматда ҳамроҳлик қиласидан ҳузурининг ўртасида катта фарқ борлигини тушунишимиз жуда муҳим.

Юқорида келтирилган оятдаги Исонинг Яхудонинг (Ишқариёт эмас) саволига берган жавоби ёдингиздами? Бу жавоб билан Раббий Унга ҳақиқатда сажда қилаётган одамларда Ўзи учун маскан қуришини кўрсатмоқда. Бу эътиборга лойик оят, чунки унда маскан ҳақида гапириляпти. Менга яшашгоҳ, тураргоҳ, истиқоматгоҳ сўзлари ёқади. Бу сўзлар эски аҳд билан янги аҳднинг муқаддасларининг ўртасидаги катта фарқни кўрсатади. Қадимги аҳднинг муқаддаслари Худонинг тураргоҳи бўлиш имтиёзига эга бўлишмаган. Худонинг тураргоҳи чодирда, сўнгра маъбаддаги муқаддасларнинг муқаддасида бўлган. Аммо шу ерда ҳам таққосласа бўлади. Элиаҳнинг кунларида Худонинг ҳузури кам бўлган, боз устига ўша кунлари одамлар ўзбошимчалик билан яшагани учун Худо чодирда умуман бўлмаган. Аммо халқ Унга бутун юраги билан бўйсунганида, Унинг ҳузури кучли ва ёрқин бўлган.

Бугун ҳам ҳудди шундай бўляпти. Унга руҳда ва ҳақиқатда сажда қилаётган имонлилар – Унга тоза ва рашкли юрак билан бўйсуниб, ҳаётида Унинг мудом ҳузурини бошдан кечирмоқдалар. Худо бундай одамларга Ўзини очади. Воҳ, бундай ҳолда бизни қанақангি ажойиб мулоқот кутмоқда! Бизга шунақангি ақл бовар қилмас хазиналар таклиф қилинган пайтда имонли киши қандай итоатсизликда яшashi ёки дунёвий нарсаларга тоқат қилиши мумкин!

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

У бизни Ўзининг яшашгоҳига айлантиришни, бизда маҳсус жойдек жо бўлишни ва шу йўсинда бизга Ўзини намоён қилишни ёки Ўзининг асл феълини очишни ваъда қилди. Бу ваъда бизга нималар беришини фақат ўйлаб кўринг, бу яна келажакда эмас, балки бизнинг ҳозирги ҳаётимиз учун, ҳозир ва шу ерда бўлиши учун белгиланган! Мен бу оятларни жуда севаман, чунки бизнинг юракларимизда улуғланган Подшоҳ “Ўзини намоён” қилмоқчи, ёки Ўзини мен учун ва шахсан сиз учун намоён қилмоқчи. Кейинги бобларда У буни айнан қандай қилишини кўрамиз. Лекин кейинги бобда биз аввал яна битта жуда муҳим ва зарур бўлган яхши фазилатни кўриб чиқамиз. Худо буни У яшашни истаган одамлардан қидиради.

### МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Ёзуvdаги қаҳрамонларнинг, жумладан Ҳанӯҳ, Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Довуд, Эстер, Дониэл ва бошқаларнинг ҳаётини ўрганиб, сиз битта умумий белгини кўрасиз – бу ўз истакларингдан кўра Худонинг истакларини юқори кўйиб, уларга самимият билан итоат қилиш. Агар сиз бугунданоқ шундай итоатни кўрсатишни бошлаганингизда, ҳаётингизда нима содир бўлган бўлар эди?
2. Ушбу бобда келтирилган ҳазил, “мақтов – бу тез қўшиқлар, сажда эса – секиш қўшиқлар” баёноти устидан зикр қилиб, сиз шундай фикрга қўшиласизми? Раббий муаллифга “бу ҳаёт” дея сажданинг таърифини берди. Ушбу қоидаларни амалда қўллаганингизда ҳаётингизда қанақа ўзгаришларни келтиради?
3. Исонинг Луқо (13:25-27) ва Матто (7:21-23) Хушхабарларидағи айтган сўзлари устида зикр қилиб, сиз Раббийнинг бизда доимий жо бўлиши билан Унинг хизматдаги ҳамроҳлик қилувчи ҳузурининг ўртасидаги фарқни қандай тушунтирган бўлар эдингиз?



# MessengerX


*Кундалик шогирдчилик учун илова*

## Умуман белгілі!

Мобил мосламаңызга юкланға  
ундан фойдаланишиңи бошланғ!  
Ёки сайтдаги веб-версиядан  
фойдаланынг:



**MessengerX.com**




**120+тилда ва бу ҳали ҳаммаси әмас**

-  120 дан ортиқ тиллардаги материалларни күринг ва юклаб олинг.
-  Материалларни дүстларингиз билан улашинг ёки үқұв гурӯхини бошланг.
-  Яңги материаллар доимий равишда құшиб борилади.

# Кўринг. Ўқинг. Тингланг.

Электрон китоблар, аудио китоблар, қисқа метражли фильмлар ва бошқаларни кўриш, ўқиш ва тинглашингиз мумкин бўлган манбаларни ўз ичига олган кенг кўламдор кутубхонани ўрганинг.



## Энг мухим соҳаларда ўсиш

Оила, ўзаро соғлом муносабатлар, ҳаётингиздаги мақсад, порнографиядан озодлик, имонни мустаҳкамлаш, Худонинг овозини эшитиш, тадбиркорлик, етакчилик каби мавзуларни ўрганинг!

## Ўсишнинг йўли


**MessengerX** нинг мақсади сизга ҳаётингизда кейинги қадамни қўйишга ёрдам бериш ҳисобланади. Биз шогирдчилик йўлини ҳамда бу йўлда қолиш учун кўмак бўладиган кучли омилларни ишлаб чиқдик.



## Янада кўпроқ сизга ёқадиган имкониятлар!

- Оддий ва осон асбоблар, ушбу материаллар билан бўлишишда ва ҳатто, ўқув гурӯхини бошлашда ёрдам беради.
- Севимли смарт телевизорларингизда томоша қилиш учун Chromecast ва AirPlay.
- Тараққиётни ўз мосламаларингизда сақлаб қўйинг. Сизга ёқсан манбаларни ўзингизнинг тезда очиладиган кутубхонангизга сақлаб қўйинг.
- Офлайнда кўриш учун манбаларни ўз мосламангизга юклаб олинг.
- Сиз излаётган нарсани топиш учун ақлли қидириш ва фильтр.
- Ўз она тилингиздаги аудио китоблар, Муқаддас Китобнинг аудио форматини ва ҳатто, ҳамду-сано қўшиқларини кетма-кетликда автоматик равишда тингланг

# MessengerX - 1-2-3 дек осон!



- 1 MessengerXни App Store ва Google Play дастурларидан юклаб олинг.
- 2 Рўйхатдан ўтинг ва иловадан ўз она тилингизда фойдаланинг.
- 3 Сизга ёқсан манбаларни кўздан кечиринг, ўқинг, кўринг, тингланг ва юклаб олинг ҳамда уларни бошқалар билан бўлишинг.

## Шогирд бўлинг, шогирдларни кўтаринг

MessengerX нинг бир қисми бўлиб, таржима қилинган манбаларни бутун дунё бўйлаб тақдим этишимизда бизга ёрдам берасиз.

*Чунки ҳар бир киши билишга лойиқ!*



</> Барча браузерларода  
топиш мумкин

**MessengerX.com**

# ХУДО КИМДА ЖО БҮЛАДИ



Шоҳликнинг құдратига ва ҳокимиятига эга бўлган  
эгизаклар, бу Раббийнинг қўрқуви ва камтарлик.

**Б**у бобда биз билан мuloқot қилишни шунчалик чуқур  
истайдиган Зотга яқинлашишимиз учун муҳим бўлган  
яна битта элементни ўрганиб чиқамиз. Бизнинг асосий оятимиз  
“Худога яқинлашинглар, шунда у Ҳам сизга яқинлашади” деб  
ундайди. Лекин бу ҳайратомуз таклифдан аввал ва кейин нима  
дейилганига қарайлик:

Худо мағрурларга қарши туради, лекин *камтарларга*  
иноят ато этади. Худога яқинлашинглар ва У сизларга  
яқинлашади. Раббий олдида *камтар бўлинглар* ва  
У сизларни юксалтиради (Ёқуб 4:6-10, ёзма ҳарфлар  
муаллифга тегишли).

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Камтарлика чақираётган иккита оятнинг орасида Худонинг чорлови жойлаштирилган ва бу учун етарлича асос бор, зеро Худо деди:

Зеро Баланд ва Юксак Бўлган, абадий Яшовчи – Унинг исми Муқаддасдир, шундай дейди: «Мен баландликда ва Муқаддас Маконда яшайман ҳамда руҳи камтар ва эзилганлар билан яшайман, токи камтарларнинг руҳини жонлантирайин ва эзилганларнинг юрагини жонлантирайин (Ишаъё 57:15, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ёқуб агар биз Раббий қаршисида камтар бўлсак, У бизни юксалтиради деяпти. Қаерга юксалтиради? Худо Ишаъё пайғамбар орқали гапиряпти – осмоннинг баландлигига ва муқаддасгоҳга! Худо шунчаки ташриф эта оладиган одамларни эмас, балки уларда яшай оладиган одамларни изляяпти. Ёзув бизни Худо билан қисқа вақтга учрашишга эмас, у бизни Унинг ҳузурида доимо яшашга таклиф қиляпти, лекин Ишаъё айтганидек, бу фақат камтарлар учун имконли.

## КАМТАРЛИК ҲАҚИДАГИ ИЛГАРИГИ ЖОҲИЛ ТАСАВВУРЛАР

Масиҳ Танасида кўпчилик на камтарликни, на унинг кучини тушунадилар. Улар камтарликни заифлик, масъулиятсизлик, журъатсизлик деб ҳисоблайдилар, камтарлик деганда кўпинча диндорлик тушунилади. Лекин аслида, чинакам камтарлик кўпинча мағурурлик сифатида хато қабул қилинади! Урушга кетган акаларини, отасининг илтимосига кўра кўриб келишга борган Довудни эсланг. У акалари бўлган жангчилар гуруҳига келди. У улар ўзларини ғалати тутишаётганини, паҳлавон Гўлиётдан қўрқиб, қалъалар ортида яширинишаётганини қўрди. У бу нарса қирқ кун давом этаётганини билиб олди. Шунда

## ХУДО КИМДА ЖО БҮЛАДИ

Довуд қатъий оҳангда сўради: “Бу филистинликни ўлдириб, Исройлни шармандалиқдан халос қилган одамга подшоҳ нима беради? Зеро бу хатнасиз филистинлик ким бўлибдики, Барҳаёт Худонинг қўшинини бундай ҳақорат қиласди?! (1-Шоҳ. 17:26).

Бу савол Довуднинг акаси Элиёбнинг жаҳлини қўзғатди. Ҳойнаҳой, у ўйлаган: “Менинг кенжা укам нафақат эркатой бола, у яна устига-устак ўзига жуда ишонган такаббур”. Шу боис, Элиёб Довудга шундай деди: “Сенинг қанчалик манманлигинги ва юрагингнинг бузуқлигини биламан” (1-Шоҳ. 17:28).

Шошманг, уларнинг қайси бири манман эди? Бор йўғи бир боб олдинроқ ўқисак, Шомуил Иешшайнинг уйига, шоҳлик ўстида навбатдаги подшоҳни мойлаш учун келганини кўрамиз. Шомуил унинг тўнғич ўғлини рад этишига тўғри келди. Гап шундаки, Иешшай ҳам, Шомуил ҳам, Элиёбнинг бўйи энг баланд бўлгани учун, у Иешшайнинг ўғилларининг орасида энг кучлиси ва келишгани бўлгани туфайли, у бу ролга тўғри келади деб ўйлашган. Аммо Худо қатъий айтди: “Мен уни рад этдим” (1-Шоҳ. 16:7). Худо инсонни рад этишининг фақат битта сабаби бор – бу мағрурлик. Элиёбнинг ўзи Довудни айبلاغан мағрурлик билан тўла эди. Худо эса шу вақтнинг ўзида Довуд ҳақида гапирганида уни юрагимдагидек эркак деб айтди (Ҳав. 13:22). Довуд хеч ҳам заиф, масъулиятсиз ёки журъатсиз бўлмаган.

Довуд жанг майдонида бўлиб, акасининг ранжитадиган сўзларига умуман эътибор бермади ва катта ишонч билан паҳлавонга қараб борди, у уни бошини танасидан жудо қиласман деб огоҳлантирди. Довуд душман қўшини томонга қараб ташланди, Гўлиётни ўлдирди ва унинг бошини сапча қиласди.

Аслида, биз камтарлик нима эканини тушунмаслигимизни сизга исботлаб беришимга ижозат беринг. Сонлар китоби Муқаддас Китобнинг биринчи бешлигининг биридир. Бу китоб Таврот деб аталадиган китоблар гуруҳига мансуб. Бу китобда шундай деб ёзилган:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Мусо ер юзидағи барча одамлар орасида энг камтарини әди (Сон. 12:3).

Мана буни баёнот деса бўлади! Агар биз ўз-ўзимиз билан рўйирост бўлсак шуни тан олишимиз керакки, биз ҳақимизда ҳам шундай деб айтишларини истаган бўлар эдик, лекин ўзимиз ўзимиз ҳақимизда бундай дейишга журъат этмаймиз. Нега? Чунки факат манман одам ўзига шундай баҳо бериши мумкин. Аммо Сонлар Китобини ким ёзган? Жавоб – Мусо. Мана шундай!

Биз ҳеч қачон ўз-ўзини камтар деб айтган, боз устига, ер юзидағи энг камтар одам деб айтган одамни, камтар инсон деб айтмаган бўлар эдик! Сиз йиғинда ўрнидан туриб: “Сизнинг орангизда мен энг камтариман” деб айтган хизматкорни тасаввур қила оласизми? Одамлар унинг устидан кулган, уни бидъатчи деб атаган бўлишарди. Бироқ Исо нима деяётганига қаранг:

Эй, оғир меҳнат заҳматини чекаётган ва оғир юк остида қийналган ҳамма одамлар, Менинг олдимга келинглар!  
Мен сизларга ором бераман. Мендан ўрганинглар, чунки  
Мен камтарин ҳамда бўйсунувчан юракка эгаман. Шунда  
ўз жонингизга таскин топасизлар (Матто 11:28, 29, ёзма  
ҳарфлар муаллифга тегишли).

Демак, аслида биз бўйсуниш сўзининг асл маъносини тушунмаган эдик, чунки биз бўйсунувчан инсон ҳақида, ҳеч қачон ўзи ҳақида яхши гапларни айтмайди ва ҳеч нарсага ярамайдиган қуртдек яшайди, деб ўйлаймиз. Бироқ бу ҳақиқатдан жудаям йироқда.

## БЎЙСУНУВЧАНЛИКНИНГ ТАЪРИФИ

Бўйсунувчанлик учта соҳага эга. Биринчидан, бу Раббийга итоат қилишдир. Иккинчидан, бу Унга тўлиқ таяниш. Учинчидан,

## ХУДО КИМДА ЖО БҮЛАДИ

бу ўзимизга бўлган муносабат. Келинг, анашу учта соҳанинг ҳар бирини қисқача кўриб чиқамиз.

Биринчиси, бу бизнинг итоаткорлигимиз. Ёқуб итоаткорлик ҳақида ёзганидан сўнг ўша заҳотиёқ, имонлиларга “Шунинг учун Худога бўйсунинглар” деди. Бу фазилат итоат ва бўйсуниш билан жуда боғлиқ. Раббий Ўзининг халқига ваъдалар беряпти ва Ўзининг режалари билан улашаяпти. “Фақат Мен сизлар ҳақингиздаги мақсадларимни биламан, – дейди Раббий, – булар сизларга келажак ва умид бериш учун ёвузликка эмас, эзгуликка бўлган мақсадлардир”. (Йер. 29:11). Бу мақсадлар бизга Унинг иродасини очади ва биз ўтишимиз керак бўлган йўлнинг пайғамбарчилик суратини чизади. Биз бу мақсадларнинг амалга ошишини самимий истаймиз, чунки айнан У бизнинг юракларимизга Ўзининг мақсадларини жойлаштиради (Сано 36:4). Ўз юрагимизда У бизни қаерга йўналтираётгани ҳақида тасаввурга эгамиз, бизнинг тасаввуримиз эса қаерга бориш кераклигининг мантиқий чизмасини чизади. Бироқ Худо бизни кўпинча мантиқа зид бўлган йўналишда йўналтиради. Чинакам бўйсуниш бизнинг тушунчамиздан устун бўлган Худонинг донолигини ва буйруқларини тан олади ва биз ҳеч нимани тушунмаган пайтимида ҳам Унга бўйсунишни қарор қиласиз. Ҳикматлар (3:5) да айтилган: “Бор юрагинг билан Раббийга ишон ва ўз ақлингга таянма”.

Иброҳим куп йиллар мобайнида Худо Исҳоқ ҳақида берган ваъдасини бажо бўлишини кутган эди ва Исҳоқ туғилганидан сўнг у кўп халқларнинг отаси бўлишни орзу қилиш учун асос пайдо бўлди. Лекин бир куни кечқурун ҳаммаси ўзгарди, чунки Худо Исҳоқни қурбонликка келтириши учун Иброҳимга уч кунлик сафарга отланишни буюрди! Бу буйруқнинг ҳеч қандай маъноси йўқ эди. Иброҳим Худога сўзсиз бўйсуниши учун қанақанги курашга дош беришига тўғри келганини тасаввур қила оласизми? Бу жуда азобли қарор эди ва Худо илгари берган

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

ваъдасининг доирасида бу ҳеч қанақа маънога эга эмас эди. Аммо Худонинг буйруғини тушунмаганлигига қарамай, Иброҳим бўйсунувчанлиги сабабли итоат қилишни қарор қилди.

Муқаддас Китобда бошқа кўплаб мисоллар бор, Худо илгари кўрсатган нарсаларга зид бўлиб туюлган буйруқлар беради ёки вазиятларга йўл қўяди. Аммо ўз итоатимиз билан бизга илгари ваъда қилингандарни, бизнинг тушунчамиздан юқори бўлган йўллар орқали оламиз.

## БИЗНИНГ ХУДОГА БЎЛГАН ТЎЛИҚ ТАЯНИШИМИЗ

Иккинчидан, бўйсунишни Худога тўлиқ сўзсиз боғлиқ бўлиш деб таърифласак бўлади. Довуд манман бўлиб туюлган, лекин у Худо унга берган қобилиятни билар эди. Довуднинг сўzlари билан айтадиган бўлсак: “Мени шер ва айиқдан халос қилган Раббий бу филистинликнинг қўлидан ҳам халос қилади” (1-Шоҳ. 17:37). Унинг биродарлари фақат ўзларининг маҳоратига ишонишар эди, шунинг учун улар ўзларини Довуд билан солиширишганда улар ўзларига каттароқ ва кучлироқ бўлиб туюлган. Аммо Довуднинг кучи унинг Раббийга бўлган ишончида ва итоатида бўлган.

Биз манашу фазилатларни Калеб билан Нун ўғли Йешуада кўрамиз. Улар исроилликлар ваъда қилинган ернинг ҳудудларини ўрганиб келишга танланган ўн иккита етакчиларнинг иккитаси эди. Қирқ кун ўтгандан сўнг, улар қайтиб келдилар ва Мусо ҳамда халқа билиб келган маълумотларни етказдилар. Ўнта етакчи шундай дедилар:

«Сен бизларни юборган ерга бордик, ҳақиқатан ҳам унда сут ва асал оқмоқда, мана булар — унинг ҳосиллари. Бироқ у ерда яшайдиган халқ кучли ва шаҳарлари мустаҳкамланган, ўта катта шаҳарлар. Боз устига, биз у ерда Анак ўғилларини кўрдик» (Сон. 13:28, 29).

## ХУДО КИМДА ЖО БҮЛАДИ

Халқ бундай сўзларни эшитиб, фарёд кўтарди. Калеб одамларни тинчтишни бошлади ва қатъий ишонч билан уларга: “Бориб, уни босиб оламиз, чунки биз уларни енга оламиз», – деди (31 оят).

Бошқа етакчилар яна эътиroz билдириб: “Биз бу халққа қарши бора олмаймиз, зеро улар биздан кучлироқ», – дер эдилар (32 оят).

Ёзув сўнгидаги бизга шундай дейди: “Бутун жамоа эса: – Уларни тошбўрон қилинглар! – деди” (Сон. 14:10).

Бутун халқнинг ва бошқа етакчиларнинг нигоҳида Калеб ва Нун ўғли Йешуа ўзига бино қўйган ва манман одамлар бўлиб кўринган. Ерни босиб ололмаймиз деб таъкидлаган етакчилар эса реалистлар бўлишган. Улар вазиятга баҳо бериб, улар собиқ қуллар құдратли ва азим мустаҳкамланган шаҳарларни ва ҳудудларни босиб олишнинг мутлақо имконсиз эканини тушундилар. Ахир улар яна ўзларининг хотинларини ва фарзандалирини ҳимоя қилаётган эдиларку?! (Сон. 14:3). Бу етакчилар бўйсунувчан, орасида кексалар ва заифлар бўлган халқ учун ғамхўрлик қиласидигандек кўринишган. Калеб ва Йешуа шуҳратпаст ва димоғдор бўлиб кўринишган, чунки улар ёрдамга муҳтож одамларнинг хотиржамлиги ҳақида ўйлашни исташмасдилар.

Ҳа, лекин улар ўзларининг ишончини қаердан олишяпти: “Фақат Раббийга қарши исён қилманлар ва у ернинг халқидан қўрқманлар, зеро улар бизнинг ўлжамиз бўлади. Уларнинг ҳимояси йўқ, бизлар билан эса Раббийдир; улардан қўрқманлар” (Сон. 14:9). Нун Нун ўғли Йешуа ва Калеб ўз маҳоратларига эмас, балки Худонинг құдратига тўлиқ суюнار эдилар. Улар Худонинг иродасига кўра анашу ерга киришлари ва уни босиб олишлари кераклигини билар эдилар. Улар чиндан ҳам димоғдор ва мақтанчоқ бўлиб, бошқа етакчилар эса реалист бўлиб кўринган бўлиши мумкин. Бироқ айнан Худо

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

бўйсунувчанлар билан мағурурларни ажратса олади.

Бўйсунувчанлик, ёки Худонинг иноятига тўлиқ таяниш Павлуснинг ҳаётини ҳам тавсифлайди. У ўзи ҳақида шундай дейди:

Бироқ бу нарса ўзимиздан деб ўйлашга қодир бўлмаганимиз: аксинча, бизнинг қодирлигимиз Худодандир (2-Кор. 3:5).

Ва яна:

У эса менга деди: “Менинг иноятим сен учун етарлидир, чунки Менинг құдратим заифликда камолга етади”. Шунинг учун Масихнинг құдрати менда жо бўлиши учун бажонидил ўз заифликларим билан янада кўпроқ мақтанаман. Шундай қилиб, мен заифликларда, хафагарчиликларда, муҳтоҗликларда, қувғинларда, Масих учун бўлган сиккувларда мамнун бўлиб юрибман: чунки мен заиф бўлганимда кучлиман (2-Кор. 12:9, 10).

Павлус ҳаётининг жадали шунаقا бўлган: у қанчалик узоқ яшаса Худонинг иноятига шунчалик кўп боғлиқ бўлиб борган ва у ўз кучига, қобилияtlарига ёки истеъодларига шунчалик кам сүянган. Масихга қанчалик кўп бўйсунган бўлса у Масихни улуғлашдаги қатъийликда шунчалик кўп дадил ва мустаҳкам ҳаракат қилган.

## БИЗ ЎЗИМИЗГА ҚАНДАЙ ҚАРАЙМИЗ

Бу бизни бўйсунишнинг учинчи соҳасига, жумладан, биз ўзимизга қандай қарашимизга олиб келяпти. Павлус ўзининг тавбасидан сўнг ўзини бўйсундирди. У Исо билан учрашувдан олдинги, ўзининг жамиятда эришган ютуқларидан ва ўрнидан воз кечди. У бу нарсаларни ахлат деб атади. Масихни таниб-

## ХУДО КИМДА ЖО БҮЛАДИ

билишидан аввал бўлган ҳаётининг аксарият қисмини ахлат деб аташ, чиндан ҳам қийин эмас.

Масиҳга имон келтирганимиздан сўнг бизнинг ютуқларимиз ҳақида нима дейиш мумкин? Кўпинча бу умуман бошқа воқеа. Павлус бу жасоратлар ҳақида гапирганида шундай деди: “Биродарларим, мен ўзимни буларга эришганман, деб ҳисобламайман. Фақат орқамдагиларни [Худо унинг тавбасидан сўнг у орқали қилган ишларни] үнүтиб, олдимдагиларга интилаяпман (Флп. 3:13).

Павлус имонга келганидан бир неча йил ўтиб, ҳаворийликка бағишиланди (Ҳав. 13:1-4). У жуда кўп ваҳийлар ва донолик олди, бу унинг улкан муваффақиятлар қозонишига имкон берди. У бутун Асия ва Шарқий Оврўпа бўйлаб жамаотларга асос солди. Биз унинг бўйсунувчанлигининг далилини унинг 56-йилда Коринф шаҳрида асос солган жамоатига ёзган мактубидан кўрамиз. Унинг яшашига ўн йил қолган эди ва у Масиҳга хизмат қилиш ишида синалган ветеран бўлган. Аммо мана у нима дейди:

Мен ҳаворийлардан энг кичиги бўлиб, ҳаворий деб аталишга ҳам лойиқ эмасман, чунки мен Худонинг жамоатини қувғин қилганман (1-Кор. 15:9).

Сиз бу сўзларда камтарликни кўрягпизми? Мен бу сохта камтарлик эмаслигини таъкидлаяпман. Сохта камтарлик камтар бўлиб кўриниш учун қанақанги керакли сўзларни териб айтиш кераклигини билади, бироқ бунда ақл билан юракнинг иффати йўқ. Бунақанги ўрин алдоқчи ва иккиюзламачидир. Бироқ Муқаддас Китобни Муқаддас Рӯҳнинг илҳоми билан ёзаётганингизда сиз ёлғон гапира олмайсиз! Агар Павлус ўзини шунаقا кўрмаганида эди, у бундай баёнот қилолмаган бўларди. Шу боис, агар Павлус ҳаворийларнинг энг кичигиман деганда, демак, у ўзининг чинакам камтарлигига шундай деб ўйлаган.

Бироқ қўйидаги гапга қаранг: “Мен уларнинг ҳаммасидан

## Худога яқинлашиш

кўра кўпроқ меҳнат қилдим” (1-Кор. 15:10). Кимдан кўпроқ? Қолган барча ҳаворийлардан кўпроқ! Шошманг! Наҳотки, Павлус ўзини мақтаётган бўлса? Энди умуман бошқа одам гапираётгандек туюлаяпти. У қандай қилиб ўзини ҳаворийларнинг орасида энг кичигиман деб, яна “уларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ меҳнат қилдим” дея мақтана олади? Аввалига унинг сўзлари такаббурона туюлади ва гёй бундан аввал айтган сўзларини бекор қиласи, бироқ бу бундай эмас. Сўнгра Павлус ўзининг тўлиқ тобелиги ҳақида айтмоқда:

“Бироқ меҳнат қилган мен эмас, балки мен билан бўлган  
Худонинг иноятидир” (1-Кор. 15:10).

У қилинган ҳамма иш биргина Худонинг инояти билан қилинганлигини баён қилмоқда. У ўзини, ўзининг барча ютуқларидан ажратишга салоҳиятли бўлган. У унинг муваффақиятлари фақат у орқали оққан Худонинг құдратининг шарофати билан имконли бўлганини тушунган.

Павлуснинг “мен ҳаворийларнинг энг кичигиман” деган таърифини қабул қилиш қийин. Павлус ўзининг замонида ва жамоат тарихининг келгуси даврларида энг буюк ҳаворийлардан бири деб санаган. Аммо Павлус Эфесдаги жамоатга 63-йили, етти йил ўтгандан сўнг, яъни у ердан кетганидан уч-тўрт йилдан сўнг айтган сўзларига қаранг. Павлус Коринфликларга ёзган Мактубни ёзгандан сўнг етти йил ўтиб, у бутун умри мобайнида қилганидан кўпроқ қиласи. У ўзи ҳақида шундай дейди:

Мен барча муқаддаслардан энг арзимагани бўлсам  
ҳам, менга буюк иноят берилган. Бу иноят Масиҳнинг  
ўрганиб бўлмайдиган бойлиги ҳақидаги Хушхабарни  
мажусийларга етказишидир (Эфес. 3:8, ёзма ҳарфлар  
муаллифга тегишли).

## ХУДО КИМДА ЖО БҮЛАДИ

Бундан етти йил бурун у ўзини “ҳаворийларнинг энг кичигиман” деб айтарди, энди эса у ўзини янада камситиб мен муқаддасларнинг орасидаги энг кичигиман деяпти! Бу нима? Албатта, агарда бирор киши мақтанмоқчи бўлган бўлса бу фақат Павлус бўлиши мумкин эди. Ёдингида турсин, Муқаддас Китобни ёзаётганда ёлғон гапиришнинг имкони йўқ эди, сиёсий тўғри бўлган диний услугуни танлашнинг имкони йўқ. У чиндан ҳам ўзини шундай нурда кўрган!

Бу ўсиш давом этган, зеро бунинг тасдиғини Тимотийга, ўлим ёқасида турган пайтда ёзилган мактубдан топамиз:

Исо Масиҳ гуноҳкорларга нажот бериш учун дунёга келди”, – деган сўз тўғри ва тўлиқ қабул қилинишга муносибdir. Гуноҳкорларнинг биринчиси эса менман! (1-Тим. 1:15).

Энди у ўзини ҳаворийларнинг ёки ҳатто муқаддасларнинг энг кичигиман деб атамаяпти. У ўзини гуноҳкорларнинг биринчиси сифатида кўрмоқда. Эътибор беринг, у гуноҳкорларнинг биринчиси эдим демаяпти, у бу сўзни ҳозирги замонда қўллаяпти. Бироқ айнан унга, тавба қилган инсон Масиҳ мутлақо янги ижодга айланиши ҳақидаги ваҳий берилган эди ва у учун қадимги ҳамма нарса ўтиб кетди, энди ҳаммаси янги бўлди (2 Кор. 5:17). У ҳеч қачон Нажоткор у учун қанчалик кўп қилганини унутмаган.

Павлус қанчалик кўп хизмат қилса, ўзининг камтарлигининг ўсишининг меъёри бўйича, ўзини шунчалик кам лойик кўрган. Балким бу унинг ёшига қараб, баробар кўпайтган Худо иноятининг ҳаракати бўлгандир? Зеро Ёқуб Худо “камтарларга иноят беради” дейди (Ёқуб 5:6). Балки, айнан шунинг учун Худо Павлусга Ўзининг йўлларини кўрсатганки, ҳатто ҳаворий Петрус бу борада тушунмагандир? Худо Ишаё пайғамбар орқали айтаяпти, У камтарларга гоҳида ташриф буюрмайди, балки

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

улар билан мунтазам равишда бирга бўлади. Биз У билан доимо яшаганимизда биз бир-биримизга жуда яқин бўламиз.

## КУЧ ЭГИЗАКЛАРИ

Энди Шоҳликнинг кучининг эгизаклари мавзусига ўтамиз. Бу Раббийнинг Қўрқуви ва Камтарлик. Эсингиздами, олдинги бобларда биз Раббийнинг қўрқуви Худони яқиндан таниб-билишнинг бошланғич йўли эканини аниқладик, бироқ камтарлик ҳақида ҳам ҳудди шундай деса бўлади.

Саночи баён қиласди:

У камтарларга Ўз йўлларини ўргатади (Сано 24:9, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Худо Ўзининг йўлларини камтарларга, яъни бўйсунувчанларга кўрсатади. Қўйида биз шундай ўқиймиз:

Раббийдан қўрқадиган киши ким? Раббий унга танлаши лозим бўлган йўлни кўрсатади (Сано 24:12, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Моҳиятан, Раббийдан қўрқадиган одамлар чиндан ҳам камтарин, чиндан камтарин инсонлар эса Худодан қўрқади. Мусо Раббийнинг йўлларини билганини эсланг, исроилликлар эса Худони фақатгина Унинг ибодатларга берган жавоби орқали, яъни Унинг ишлари орқали билишган. Ушбу тушунчалар ўртасидаги алоқани кўярпизми? Истроилга Раббийнинг қўрқуви (Қон. так. 5:29), шунингдек камтарлик етишмас эди (биз буни Нўн ўғли Йешуа ва Калебнинг вазиятида кўрамиз).

Саночи Раббийнинг қўрқувини камтарлик билан қарийб үзилмас узвлардек таққослайди. Биз буни Ёзувда доим кўрамиз. Мана шундай мисолларнинг бири:

## ХУДО КИМДА ЖО БҮЛАДИ

*Раббийдан қўрқиши - доноликни ўргатади ва шуҳратдан олдин камтаринлик келади (Ҳик. 15:33, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).*

Зулмат шоҳлигида ҳам ўзининг куч эгизаклари мавжуд. Улар *Раббийнинг қўрқуви ва Камтаринликнинг тўлиқ тескарисидир*. Бу Нолиш ва *Мағрурлик*. Биз Ҳикматлар китобида бу жуфтлар қандай қилиб бир-бирига қарама-қарши қилиб кўрсатилганини кўрамиз.

*Бўйсунувчанлик ва Раббийдан қўрқиши – бойлик, шуҳрат ва ҳаёт келтиради. Бузук [ва ўзбошимча] одамнинг йўлида тикан ва қопқонлар бор. Ким жонини севса ундан йироқ бўлсин*(Ҳик. 22:4-5, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Сиз Раббийнинг қўрқуви билан камтаринликнинг орасидаги фарқни ва улар мағрурлик билан норозиликка қарши қўйилганини яна қўряпсизми? Исо Ўзини ҳар қандай инсондан ёки фариштадан кўра кўпроқ камтар олди. Шу боис У ҳар қандай номдан юксалтирилди (Флп. 2:8,9). Бошқа фазилатлардан ташқари У яна Раббийнинг қўрқувида қувончга эга бўлган, шу боис Муқаддас Руҳ Унинг ичида ва устида лиммо-лим эди (Ишаъё 11:2, 3; Юҳанно 3:34).

Бунинг тескариси бўлган Люцифер, бир пайлар мойланган каруб эди, сўнгра у барчага маълум бўлган шайтонга айланди, ўзини мағрурлик орқали баланд олди ва тарихдаги энг учига чиққан исёнкор бўлди. Шу боис у “ўликлар диёри қаърига” юборилди (Эзек. 28:14-17; Иш. 14:12-15).

Ёзувда Худонинг турагоҳи осмонларда экани, ёвуз кучларники эса энг пастки жойларда экани ҳақида доим айтилиши ёдингиздами? Ёзувнинг барча жойида мағрурлик ва нолиш ўликлар диёри билан, камтаринлик ва Раббийнинг қўрқуви эса – тепаликлар билан қиёсланади. Тепаликларга чиқинглар – бу Худо билан яқин муносабатда бўлишни англатади!

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ХУДО КИМНИ ТАНЛАЙДИ

Худо мағурларга ва норозиларга қаршилик қиласы (Ёқуб 4:6), лекин Үндан құрқадиган – яғни чиндан ҳам камтар одамлар Унинг диққатини ўзига тортади. Қадимги Ахдда Ёзувга биноан Унга хизмат қилған ва сажда қилған одамлар бўлган. Улар Унга қўзиларни ва буқаларни қурбон қилишган, муқаддасгоҳда тутатқи тутатишган, нон бағишлиовини ҳам унутишмаган. Бироқ Худо уларнинг қурбонликлари инсоннинг қотиллигига, уларнинг бағишливлари чўчқани қурбонликка келтириш билан баробар, уларнинг тутатқилари эса, гарчи бу мақтov ва ибодатнинг тимсоли бўлса ҳам, бутпарастликка ўхшайди деб айтган. У бунинг сабабини тушунтириди:

Чунки Мен чақирганимда, жавоб берувчи бўлмади, Мен гапирганимда – улар тингламадилар. Аксинча, Менинг кўз олдимда ёвуз ишларни қилиб, Менга номаъқул бўлган нарсаларни танлар эдилар (Ишаъё 66:4).

Бироқ улар нима сабабдан Худога маъқул бўлмадилар? Чунки улар қурбонликлар келтирсалар ҳам итоатда яшашмаган (1-Шоҳ. 15:22). Бошқача қилиб айтганда, Раббийнинг қўрқуви бўлмаган ҳар қандай шаклдаги сажда Унга маъқул эмас.

Раббий бундай “саждакорларни” қаттиқ ҳукм қилди. Улар қандай шокни бошидан кечиришганини тасаввур қила оласизми? Улар ўзларининг хизматлари билан Унга маъқул бўлдик деб ўйлаган, бироқ уларнинг саждаси Унинг фақат ғашини келтиришини билиб олдилар. Бироқ Худо Ўз халқининг орасида ниманидир янгидан экишни режалаштирумаган бўлса, экилган нарсаларни суғуриб олмайди. Агар У қурмоқчи бўлмаса, ҳеч нарсани ҳеч қачон синдирамайди. Шу боис, У шу ернинг ўзида инсондаги қандай нарса Унинг диққатини тортишини тушунтирумояда:

## ХУДО КИМДА ЖО БҮЛАДИ

Лекин мана, Мен кимга назар ташлайман: камтарин ва рүхى эзилган ҳамда Менинг Сўзим олдида титрайдиган одамга (Ишаъё 66:2).

Ибронийча назар солиши сўзи (“юқори баҳолаш” деган маънода) – *nabat ҳисобланади*. Стронг бу сўзни “диққат билан қараш, ғамхўрлик қилиш, шу билан бир навбатда, қаноатланиш ва хайриҳоҳликни ҳис қилиш” деб таърифлайди. Яъни, моҳиятан Худо: “Бу Мен разм солиб ва лаззат билан қарайдиган инсон, унга нисбатан мен хайриҳоҳликни ҳис қиласман” дейди. Бошқача сўзлар билан айтганда У: “Бу инсон менга ёқади, Мен уни Ўзимга тортмоқчиман” дейди. Замонавий муаллиф ва муаллим Томми Тенни менинг фикримча замонимизнинг энг улуғвор китобларидан бирини ёзган. У “The God Chasers” деб аталади. У Худони севувчиларнинг юрагини аъло даражада таърифлаб берди. Худони излаш бу битта нарса, лекин Худо сизни излаши эса умуман бошқа нарса! Бироқ Худо бу оятда У чиндан ҳам шундай инсонлар билан мулоқотда бўлишни исташи ҳақида айтаяпти.

Довудни эсланг. Худо Исройлнинг бош пайғамбари Шомуилга, унинг Иешшайнинг уйига бориш истаги йўқлигига қарамай буйруқ берди, чунки Шомуил Шоулнинг ғазабидан қўрқар эди. Худо Иешшайнинг ўғилларидан бирини Ўзига жалб қилмоқчи эди, шунинг учун у унга йўлга чиқишини буюрди. Шомуил барча еттита катта ўғилларни кўрди ва ниҳоят Раббий унга: “Шомуил йўқ, Мен катта ўғилларни эмас, балки кичик ва малласоч бўлганини танладим, у ҳозир далада қўй боқяпти, Мен Ўзим учун айнан уни танладим” (муаллифнинг талқини).

Аммо Худо нима учун катта акаларини эмас, ёки Исройлдаги бошқа бир эркакни эмас, балки айнан Довудни истади? Бунинг жавобини илгариги оятдан топиш мумкин. Худо камтарин ва рүхى эзилган ҳамда Унинг Сўзи олдида титрайдиган одамлар билан яқин муносабатни истайди. Эзилган рүҳ зудлик билан

## Худога яқинлашиш

тавба қилишга тайёрликни ва Худонинг ҳокимиятига ва обрўсига бўйсунишни англатади. Ушбу Ёзувдаги оятнинг яна битта инглизча таржимаси шундай жаранглайди: “Менга камтарин ва тавба қилишга тайёр бўлган, Мендан қўрқадиган ва бўйсунадиган инсон мақбул”. Эзилган руҳ – камтаринликнинг ва Раббий қўрқувининг яна битта шаклидир. Шундай экан, моҳиятан У бизга камтарин ва Ундан қўрқадиган одамларни, Шоҳлик кучининг эгизак фазилатлари – Раббийнинг қўрқуви ва камтаринликда юрган одамларни излаётганини айтмоқда. Мана шунинг учун Муқаддас Китобда шундай дейилган:

У мазах қилувчиларни мазах қилади, камтаринларга эса иноят беради (Ҳик. 3:34).

Бошқа жойда эса:

Сендан қўрқадиганларга сақлаб қўйган ва ...  
эзгуликларинг нақадар кўп. Сен шу художўйларни ... Ўз  
хўзуринг паноҳида яширасан (Сано 30:20, 21).

Мана нима сабабдан Янги Аҳдда бизга “камтарликка бурканиш” (1-Пет. 5:5) ва “мусофиричилик давримизда қўрқув билан яшаш” (1-Пет. 1:17) амр этилган. Муқаддас Руҳ Худо Петрус орқали, Унинг ширин мулоқотига киришга чорлайди, зеро Унинг юраги Унинг қадрдон фарзандлари билан айнан шундай мулоқотга эга бўлишга интилади.

Танлов бизнинг оптимиздан. Худо биз Унинг олдига келишимиз учун биз учун йўлдан юришни давом эттирди! У шунингдек, биз буни амалга ошира олишимиз учун етарлича иноят берган. Биз нақадар ҳайратомуз Худога ва Отамизга хизмат қиляпмиз! Энди биз ундовни эшитимиз, ва унга жавоб беришимиз ва У Ўзини намоён қиладиган оромгоҳига киришимиз вақти келди. Кейинги бобларда, биз У буни амалда қандай амалга оширишини муҳокама қиласиз.

## ХУДО КИМДА ЖО БҮЛАДИ

### МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Ушбу бобда одамлар кўпинча камтаринлик деганда заифликни, масъулиятсизликни, журъатсизликни ва ҳаттоки, диндорликни тушунишлари ҳақида гапирилади. Шу вақтнинг ўзида камтарин инсонларни кўпинча адашиб мағуррликда айблашади. Бу ҳақда ўйлаб кўринг ва атрофингизда сизни уларни илгари такаббур инсон деб атаган, аслида эса улар камтарин инсон бўлган одамларингиз борми? Агар шундай одамлар бор бўлса, сиз ўзингизнинг нотўғри баҳонгиздан қанақа хуносалар чиқардингиз?
2. Камтаринликнинг учта тури – Худога итоат қилиш, Унга тўлиқ боғлиқ бўлиш ва ўзингизга бўлган муносабатингиз устида, шунингдек буларга нисбатан Ёзувдаги мисоллар ҳақида фикр юритинг. Ҳаётингизда энг катта муаммо бўлган ушбу турларнинг бирортасини айта оласизми?
3. Ишање пайғамбар Китобининг олтмиш олтинчи бобида Худога қонун ҳарфига қаттиқ риоя қилиб хизмат қилган ва сажда қилган бир груҳ одамлар ҳақида айтилган. Бу одамлар Худога тўғри қурбонликлар келтиришган, тутатқи тутатишган ва тўғри бағишловлар келтиришган. Шундай бўлса ҳам, улар Раббийга манзур бўлолмадилар, чунки улар итоатсиз бўлишган. Агар бизнинг саждамизни истеъододли ва қобилиятли етакчилар бошқараётган бўлса ҳам, бизнинг саждамиз Унга номақбул бўлиши мумкинми?



# МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ЯҚИНЛИК



Мен Мұқаддас Рұх – жамоатдаги әнг күп назарға олинмайдиган шахс эканига ишонаман.

**Э**нді биз мен анчадан бери мұхокама қилмоқчи бўлган мавзуга етиб келдик: Раббий бизга қандай яқинлашиши ҳақида гапирамиз. Авваламбор, яна бир бор тақрорлашимга ижозат беринг. У сиз билан сиздан-да кўпроқ яқин мулоқотга эга бўлишни истайди. Мусонинг сўзларини эсга олинг: “Зеро сен Раббийдан бошқа худоларга сажда қилмагин, чунки Унинг исми – рашкчи, У рашкчи Худодир” (Чиқиш 34:14).

Яқинда мен ибодатда мулоҳазага шўнғидим ва ўзимга келишга улгурмасдан ҳайқирдим: “Раббий, агар мен Сен билан Ерда яқин муносабатга эга бўлолмасан, илтимос, мени осмонга Ўз олдингга олиб кет!” Мен бу сўзларни айтганимда тиззаларим

## Худога яқынлашиш

қалтираб кетди. Мен бу сўзларни чин юракдан айтганимни тушунаман, лекин менинг онгим шу заҳоти хавотирга тушди: “Нимага бу гапларни айтяпсан” Менинг тафаккурим савол беришни бошлади, мен бундай нарсаларни сўрашга ҳақлимамми? Бир неча соатдан сўнг мен самолётга ўтирдим, ўриндиқقا қулай ўтириб олиб, Муқаддас Китобни сумкамдан чиқардим. Кўзимга тушган илк оят қўйидаги эди:

Ё, Раббий, менинг қоям, Сенга фарёд қиласман. Жим турма, чунки Сен жим турсанг, мен қабрга тушаётгандарга ўхшаб қоламан (Сано 27:1).

Мен ўриндиғимдан сакраб туришимга сал қолди. Наҳотки, Муқаддас Китобнинг манашу бети тасодифан очилган бўлса? Бу оят мен бир неча соат бурун Раббийга хитоб қилган нарса ҳақида гапиравди. Мен бу сўз Раббийдан келганини тушундим.

Довуд айтятники, агар Худо бизга мурожаат қилмаса биз қабрга тушаётган гуноҳкордан аълороқ эмасмиз. Мен ҳар доим ўзим билан Муқаддас Китобнинг замонавий таржимасини олиб юраман, шунинг учун мен уни ҳам ўқиб кўрдим ва у ҳам мен эрталаб ибодат қилган нарса билан мос эди. У ерда шундай деб ёзилган эди: “Агар Сен жим турсанг, мен таслим бўлганим ва ўлганим яхши”. Ўша куни эрталаб, мен Раббийга айнан шу нарса ҳақида ҳайқирган эдим. Мен бу оятни кўп маротаба ўқиганман, лекин ҳеч қачон бундай нурда ўқимаган эдим.

Мен Худонинг иродасига мувофиқ тарзда, Муқаддас Руҳнинг бошқаруви остида ибодат қилганимни тушундим. Бу менга яна шуни тасдиқладики, Худо биз билан сұхбатлашишни истайди, ҳойнаҳой, У биз билан яқин ўзаро муносабатда бўлишни истайди. Довуднинг Муқаддас Китобда ёзган, менинг энг севимли оятларимдан бири қўйида келтирилган:

Сен: “Менинг юзимни изланглар”, – деб айтганингда менинг юрагим Сенга деди: “Сенинг юзингни излайман, ё, Раббий!” (Сано 26:8).

Сиз Худонинг юрагидаги интизорликни эшитяпсизми? У ҳар биримизни чақириб шундай деяпти: “Менга яқинлашинглар, Мен сизлар билан суҳбатлашишни истайман, Мен сизлар билан юрагимнинг сирлари билан бўлишмоқчиман ва сиз билмаган буюк ҳамда имкондан юқори бўлган нарсаларни кўрсатмоқчиман!” Бу ҳар бир имонлининг ҳаётида содир бўлиши шарт. Раббийга яқинлашинг ва агар сиз яқинлашсангиз, У сизга яқинлашишни кафолат беряпти. У эмас, биз У билан бўлган муносабатимизнинг даражасини белгилаймиз. Худо Унинг шахсий уйига олиб кирадиган эшикни аллақачон очиб қўйибди. Бунга рози бўлиш бизга боғлиқ ва биз Унга қанчалик яқин борсак, У бизга Ўзини ва Ўзининг истакларини шунчалик кўп очади. Лекин келинг, яна бир марта Ёқубнинг сўзларига назар соламиз, у буни ушбу таклифдан сал олдинроқ ёзган:

Наҳотки, сизлар Ёзувда: “Бизнинг ичимиизда яшаётган Рух  
рашк қадар севади”, – дейилгани бекор деб ўйласангиз?  
(Ёқуб 4:5).

У биз билан яқин бўлишни завқ билан истайди, рашк қиласди. Олдинги бобларда, У бизни бу дунёning ҳирслι истаклари билан баҳам кўрмаслигини кўрсатдик. Шу боис, Ёқуб шундай дейди: “Зинокорлар ва фоҳишалар! Дунё билан дўстлик – Худога душманлик эканлигини билмайсизларми?! Шундай қилиб, ким дунё билан дўст бўлишни хоҳласа, у Худога душман бўлади” (Ёқуб 4:4). Мисол тариқасида ўзининг бевафо бўлган эрига шундай сўзларни айтган хотинни келтирсак бўлади: “Сиз ҳам мен билан, ҳам ўз машуқангиз билан яшай олмайсиз, шунинг учун тангланг! Агар сиз уни танласангиз, сиз мендан воз кечган

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

бўласиз, шунда мен кетаман!” Раббий билан ҳам худди шундай, У сизни бу дунё билан бўлишмайди. У бизнинг юрагимиздаги ягона севикли Шахс бўлишни истайди, акс ҳолда ,У бизга Ўзини очмайди.

### РАШК ҚАДАР СЕВАДИГАН РУҲ

Аввал, биз фақат Унинг бизга нисбатан бўлган ҳиссиётлари ҳақида муҳокама қилдик. Энди эса Руҳ сўзига тўхталишимиз керак. Ёзувда нима дейилаётгани қизиқ: “Бизнинг ичимиизда яшаётган Руҳ рашк қадар севади”. Эътибор беринг, у ерда “Бизнинг ичимиизда яшаётган Исо рашк қадар севади” дейилмаган. Исо ерда эмас, У Отанинг Улуғворлигининг ўнг томонида ўтирибди ва У ўша ерда қарийб икки минг йилдан бери ўтирибди. Исо осмонга кўтарилаётган кунида фаришталар Унинг шогирдларига шундай сўзларни айтдилар: “Галилия эркаклари! Нега сизлар осмонга тикилиб турибсизлар? Сизларнинг олдингиздан осмонга олинган шу Исо, осмонга қандай кўтарилганини кўрган бўлсангиз, худди шундай келади” (Ҳав. 1:11). У осмонга булатда жисмонан олиб кетилди ва бизга У худди шундай тарзда қайтиб келиши ваъда қилинган.

Илтимос, мени тўғри тушунинг. Бизнинг Нажоткоримиз Исо Масих бизни чиндан ҳам рашк қадар севади, аммо энди Исо кўтарилганидан сўнг бизнинг олдимизга тушиб келган Зот биз билан бирга. Бу Муқаддас Руҳ, У аниқ илоҳий шахс, юқоридаги оятда айнан У ҳақда айтиляпти. Аммо Исонинг номини чақирувчи кўпгина одамлар Муқаддас Руҳни рад қиласдилар. Моҳияттан ўйлайманки, Муқаддас Руҳ – бу жамоатда энг кўп рад қилинадиган шахс ҳисобланади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: машинанинг ичидаги инсон билан бирга ҳаракатланиб, у билан битта ҳам сўз айтмасликнинг иложи борми? Аммо биз кўпинча Муқаддас Руҳ билан ўзимизни шундай тутамиз! Биз кунимизни режалаштирамиз, масиҳийча

## МУҚАДДАС РУХ БИЛАН ЯҚИНЛИК

мусиқа ёки радио тинглаймиз ва кўпинча биз ҳатто, У ёнимизда экани ҳақида ҳам ўйламаймиз. Биз Унинг уйимиздаги, ишдаги ва биз бўладиган бошқа жойлардаги ҳузури ҳақида ўйламаймиз. Аммо биздан У ҳақда сўрашса, биз Унинг борлигини ва У бизнинг юрагимизда эканини тан олишимиз турган гап.

### БИЗНИНГ МУҚАДДАС РУХ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРИМИЗ

Биз Унинг ҳузуруни ва биз билан мuloқотини рад этишимизнинг сабабларидан бири, бу Муқаддас Рух ҳақидаги тасаввуримиздир. Унинг шахсияти биз У ҳақда ўқиган ва эшигтан ваъзлар туфайли сир билан қопланган. Агар мен ҳар сафар Муқаддас Рух ҳақида, аллақандай бир пинҳон шахс деб гапирганимдек, бир доллардан йиғиб борганимда эди, тез орада ғоят бой бўлган бўлар эдим. Афсуски, кўпчилик Уни аллақандай бир “муқаддас мавжудот” деб қабул қилишади. Улар Уни Худо ва Шахс сифатида кўришмайди. У сизнинг энг яқин дўстингиз бўлишни истайди. Агар биз Ёзувни ўргансак, биз Унинг онги (Рим. 8:27), иродаси (1-Кор. 12:11), ҳиссиётлари, хусусан, Унинг бизга нисбатан севги туйғуси борлигини (Рим. 15:30) кўрамиз. У гапиради (Ибр. 3:7), У буни баралла гапиради (1-Тим. 4:1). У таълим беради (1-Кор. 2:13), Уни хафа қилиб қўйиш мумкин (Эфес. 4:30) ва ҳатто, ҳақорат қилиш мумкин (Ибр. 10:29), Унга инсонларга бўлгандек ёлғон гапириш мумкин.

Биз У ҳақида фикр юритганимизда бизнинг ҳаёлимизга кабутарнинг сурати келади. Аммо нима сабабдан Уни кабутар қиёфасида тасаввур қилишади? У Ўзини ҳеч қачон бундай қиёфада намоён қилмаган! Тўртта Инжилда ҳам Яхё Чўмдирувчи Худонинг Рухини Исонинг устига “гўё кабутардек” тушганини кўрганлиги ҳақида ҳикоя бор (Матто 3:16; Марк 1:10; Луқо 3:22; Юҳанно 1:32). Аммо бу таққослаш Уни умуман кабутарга айлантирмайди. Мен баъзи одамларни “у шамолдек

## Худога яқинлашиш

тез”, “у бүкадек бақувват” дея ҳайвонлар ва унсурлар билан таққослашганини күрганман. Лекин бу энди аёл шамол қиёфасига киради, әркак эса түрт оёқли ҳайвонга айланади дегани эмас. Улар инсон зоти бўлиб қолаверади.

Менга эътиroz билдириб: ҳа, лекин ҳаворий Юҳанно Худонинг таҳтига қараганида, Муқаддас Рухни чироқлар кўринишида кўрган, дейишлари мумкин. Ҳа, бу чиндан ҳам шундай, чунки у шундай ёзади: “Таҳтдан чақмоқ, момақалдироқ ва овозлар чиқар эди. Таҳтнинг олдида еттита оловли чироқлар ёнар эди. Булар аслида Худонинг етти руҳидир” (Ваҳий 4:5). Аммо худди шу жойда Юҳанно яна шундай ёзган: “Мана, тўртта жонзот ва таҳтнинг ўртасида ҳамда қариялар орасида сўйилган каби бир Қўзи турганини кўрдим... тўртта жонзот ва йигирма тўрт нафар қария Қўзининг олдида юз тубан йиқилдилар. Улар янги қўшиқ куйлаб, айтишар эди: “Сен китобни олиб, Унинг муҳрини ечишга лойиқсан, чунки Сен сўйилган эдинг, Ўз қонинг билан бизларни ҳар бир қабиладан, тилдан, халқдан ва миллатдан Худога сотиб олдинг” (Ваҳий 5:6-9). У Исо ҳақида айтаётгани равshan, лекин биз Уни ҳайвон сифатида қабул қилмаймиз! Биз Исонинг суратига кўра ва Унга ўхашаш яратилғанмизни аниқ биламиз, У Шахс, биз эса ҳайвоннинг суратига кўра, унга ўхашаш яратилмаганмиз!

Муқаддас Рух – бу шахс ва биз Унинг суратига кўра, Унга ўхашаш яратилғанмиз. Ҳа, ҳа, айнан Унинг сурати бўйича ва Унга ўхашаш қилиб яратилғанмиз! Ибтидо китобида шундай ўқиймиз: Худо яна: “Ўз суратимизга кўра, ўзимизга ўхашаш қилиб одамни яратайлик” – деди (Ибтидо 1:26). У ерда: “Ўз суратимга кўра, ўзимга ўхашаш одамни яратаман” дейилмаган.

Йўқ, инсон Отанинг, Ўғилнинг ва Муқаддас Рухнинг бирлиқдаги ҳаракати билан яратилган. Биз Отанинг ва Ўғилнинг яратишдаги ролини яхши тушунамиз. Аммо Муқаддас Китоб аниқ айтятпи: “Худонинг Рухи мени яратди” (Аюб 33:4) ва бошқа жойда: “Ўз

## МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ЯҚИНЛИК

Рұхингни юборасан – яратиладилар” (Сано 103:30). Шу боис, Худо: “Үз суратимизга кўра, ўзимизга ўхшаш қилиб одамни яратайлик” деганида, табиийки, У яратувчилар қаторига Муқаддас Рұхни ҳам мансуб қилган. Биз Отанинг, Ўғилнинг ва Муқаддас Рұхнинг суратида, ўхшаш қилиб яратилғанмиз. Рұх шахсdir, Илоҳиётнинг учинчи шахси, у мистик шамол ва учувчи қуш әмас.

Агар биз Унинг сурати ва Үнга ўхшаш қилиб яратилмаганимизда эди, үнда Марям қандай қилиб Муқаддас Рұхдан хомиладор бўлиши мумкин эди? Ёзувда айтилган: “Унинг онаси Марям Юсуфга унаштирилганида, уларнинг қўшилишларидан олдин Марям Муқаддас Рұхдан хомиладор экани маълум бўлди” (Матто 1:18). Раббийнинг Фариштаси кечроқ Юсуфга деди: “Чунки унинг ичидаги ҳомиласи Муқаддас Рұхдандир” (Матто 1:20). Агарки Муқаддас Рұх шахс әмас, балки аллақандай бир пинҳон сир ёки мавжудот бўлганида эди, Бокира Марямнинг қорнида қандай қилиб Инсон шаклланиши мумкин эди? У Худонинг Рұхидан хомиладор бўлди. Соғлом авлод пайдо бўлиши учун сурати бир хил бўлган ва бир-бирига ўхшаш бўлган иккита мавжудот керак.

Умид қиласманки, сиз энди Муқаддас Рұхни шахс сифатида, боз устига энг ғаройиб шахс сифатида қабул қиласиз. Шу боис, Павлус имонлиларга дейди:

Раббий Исо Масиҳнинг инояти, Отамиз Худонинг севгиси ва Муқаддас Рұхнинг мулоқоти сизларнинг ҳаммангиз биландир. Омин (2-Кор. 13:13, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Эътибор беринг, у “Муқаддас Рұхнинг мулоқоти сизларнинг ҳаммангиз биландир” деяпти. Мен мулоқот сўзини бир неча йиллар мобайнида ўрганганман, чунки ҳамма нарсадан кўра кўпроқ Худони яқиндан билишни истайман. Мен бу сўзнинг маъносини қўлимга тушган барча юонон луғатларида кўриб

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

чиқдим. “Мулоқот” сўзининг маъносини билдирадиган бир неча сўз бирикмаларини келтираман:

- дўйстона ва яқин мулоқот
- қўшма фаолият ёки жамоавий муносабатлар;
- ҳамкорлик ёки умумий иштирок;
- яқин ўзаро муносабатлар;
- яқинлик, бир-бирини яхши билиш;

Мулоқот тушунчасини ифодалайдиган яна бошқа сўз бирикмалири ҳам бор, лекин уларнинг бари юқорида келтирилган ифодалар билан маъноси жиҳатидан яқин, шу боис мен шуларни танладим. Келинг, уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз ва уларнинг устида зикр қиласиз:

### ДЎЙСТОНА ВА ЯҚИН МУЛОҚОТ

Дўйстона муносабатлар – бу авваламбор, ўртоқлик муносабатлариdir. Бу инсонлар ўртасида ўзаро ишонч ҳолатидир. Биз ҳеч қачон бир-биридан қочишга ҳаракат қилган дўйстларни кўрмаймиз, аксинча, улар ҳар доим ўзларининг ишлари ва келажакдаги режалари билан бўлишадилар. Улар дўyst, шунинг учун мунтазам равища ўзаро суҳбатлашадилар. Ҳаворийлар Китобида биз Муқаддас Рӯҳ ва Унинг хизматкорлари ўртасида манашундай ўзаро муносабатларнинг кўплаб мисолини топамиз. Ҳаворий Павлуснинг гувоҳликларидан битта мисол келтираман:

“Мана, мен энди Рӯҳга банди бўлиб, Йерусалимга бораяпман. У ерда мен билан нима юз беришини билмайман. Бироқ мени кишанлар ва қайғулар кутаётгани ҳақида Муқаддас Рӯҳ барча шаҳарларда гувоҳлик бераяпти (Ҳав. 20:22, 23, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

## МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ЯҚИНЛИК

Павлуснинг сўзлари у билан Муқаддас Руҳнинг ўртасидаги мунтазам равишда бўлган, узлуксиз мuloқot ҳақида гувоҳлик беради. Улар ҳаёт мобайнида, сафарларда ва хизматда ўртоқ бўлишган.

Янги Аҳддаги Раббийнинг ҳар бир бошқа хизматкори ҳақида шундай деса бўлади. Муқаддас Руҳ улар қаерга борсалар уларга ҳамроҳ бўлган ва улар Унга мурожаат қилишганда, улар билан мuloқot қилган. У уларнинг ҳамбиродари бўлган. Филипп ҳам шогирд эди, у шаҳарни тарк этиб саҳрого борди, лекин у ўзини ёлғиз ҳис қилмаган, у сўнгида нима қилиши кераклигини билган, зеро “Унга яқинлашиб, шу аравага қўшилгин!” – деди (Ҳав. 8:29). Петрус мураккаб бўлган ваҳийнинг мазмунини тушуниш учун Ёзувдан олган шахсий билимига суюнишига ҳожат йўқ эди, зеро у Руҳ унга гапирганини эшитди: “Петрус бу ваҳий кўриниши ҳақида фикр юритиб турганида, Руҳ унга деди: “Мана, уч киши сени изламоқда. Ўрнингдан туриб, пастга туш ва ҳеч шубҳа қилмасдан, улар билан бирга боргин, чунки уларни Мен юбордим” (Ҳав. 10:19, 20, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Муқаддас Руҳ Павлуснинг ва унинг атрофдагиларининг барчаси билан доимий дўстона муносабатда бўлгани равshan кўриниб турибди. Луқо шундай ёзади: “Сўнг Фригия ва Галатия юртларидан ўтгач, уларга Муқаддас Руҳ томонидан Асия юртида Сўзни воизлик қилиш ман этилди. Мисиягача этиб боргандарида, Битинияга боришига уриндилар, аммо Руҳ уларга ижозат бермади (Ҳав. 16:6, 7, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Мен бу ерда бошқа мисолларни ҳам келтиришим мумкин эди. Бироқ мен янги аҳд хизматкорлари Худо Руҳининг ёрдамини ва бошқарувини тўлиқ англашганини таъкидламоқчиман. Руҳ улар учун ҳеч қачон мистика ёки ғайритабиий кўриниш бўлмаган, чунки улар учун У билан бўлган мuloқot оддий ҳолат бўлган.

Улар ҳаётидаги Унинг иштирокини табиий ҳолат деб қабул

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

қилишган. Худди шунингдек, биз билан үзоқ мұддат давомида ва мунтазам равиша яшаётган ҳар қандай одамдан бизнинг ҳаётимизда иштирок этишини кутишимиз мүмкін.

Одамлар мендан меҳмонхоналарда тұнаб юришдан чарчамадингизми деб сўрайди. Ростини айтсам мен ҳеч қачон ularдан чарчамайман. Мен ҳатто, дунёning энг кўркам шаҳарларида бўлсан ҳам, мен шаҳарни айлангани чиқмайман, чунки Муқаддас Рӯҳ билан сұхбат қилишдан улкан баҳра оламан, шу боис, мен бундай қимматли фурсатни қўлдан чиқаришни истамайман. Ўтмишда, мен Муқаддас Рӯҳ билан мuloқot қилиш кераклигини етарли даражада тушунмаганман, мuloқot бўлмагани учун Уни ҳис қилмаганман, мен ёлғизлик онларини оғир кечирганман. Мен доим ўзим билан бирорта дўстимни олиб юришимга тўғри келган. Энди эса мен муштоқлик билан У билан яkkама-якка қоладиган вақтни кутаман. Бу менга У билан эркин мuloқot қилишим ва Уни тинглашим учун имконият.

У ҳам биз билан мuloқot қилишни интизорлик билан кутади! Бир дақиқа ажратиб, кўзингизни юминг ва Муқаддас Рӯҳ – сизнинг ўртоғингиз, дўстингиз ва ишларингиздаги ҳамбиродар экани ҳақида зикр қилинг. Зоро Худонинг Сўзи таъкидлайди: Муқаддас Рӯҳнинг мuloқоти барчангиз биландир”. Бу сўзлар сизнинг юрагингизни тўлдирсинг ва сиз билан сизнинг Яратувчингиз ўртасидаги яқинлик эшигини очсин.

## ҚЎШМА ФАОЛИЯТ

“Мулокот” тушунчасининг иккинчи ифодаси – қўшма фаолият ёки жамоат муносабатлари – фикрлар ёки ҳиссиётлар алмашинувини назарда тутади. Яқин дўстларимиз билан учрашганимизда сұхбатимизнинг энг ёқимли онлари бир-биримиз билан юрагимиздаги энг чуқур ва сирли бўлган муаммолар билан бўлишиш қисми ҳисобланади. Бундай

пайтларда биз нозик ҳолатда бўламиз, чунки биз агар бу дардларимизни, бизни билмаган одамларга айтишни бошласак, улар устимиздан кулишни бошлаган бўлар эдилар. Аммо биз бундай нарса ҳеч қачон содир бўлмаслигини биламиз, чунки биз дўстларимиз билан сұхбатлашамиз. Улар бизнинг юрагимизни билади ва биз улар билан бўлишаётган нарсаларимизни тўғри тушунишади. Павлус Муқаддас Руҳ билан қўйидаги оятда айнан анашундай муроқот қилиш ҳақида айтаяпти: “Мен Масихда ҳақиқатни айтаяпман ва ёлғон гапирмаяпман, менинг виждоним ҳам Муқаддас Руҳда менга гувоҳлик бераяпти” (Рим. 9:1). Муқаддас Руҳ Павлуснинг юрагини билар эди, Павлус эса Унинг юрагини билар эди. Уларнинг орасида яқинлик бор эди, бу уларнинг ишончининг натижаси эди, ишонч эса улар бир-бирлари билан ўзларининг яширин фикрлари ва ҳиссиётлари билан бўлишганида ифодаланаар эди.

Айнан шунинг учун Раббийнинг қўрқуви жуда муҳим. Раббий Ўзининг яширин фикрларини буни қадрламайдиганлар билан бўлишмайди, У Ўзининг гавҳарларини, уни булғайдиган ва бузадиган одамларнинг олдига сочмайди. Оддий қилиб айтганда биз ҳеч қачон бизга руҳда яқин бўлмаган одамлар билан яширин фикрларимиз билан бўлишмаймиз ва бизнинг Худойимиз ҳам шунақа.

Қадимги аҳд муқаддаслари хитоб қилди: “Сен тадқиқот билан Худони топа оласанми? Қодир Худони буткул англай оласанми?” (Аюб 11:7). Бироқ энди Янги Аҳд Муқаддас Руҳ билан яқин муносабатнинг эшигини очди, Павлус ҳаяжон билан баён қиласди: “Бизга эса Худо буни Ўз Руҳи билан ошкор қилди. Чунки Руҳ ҳамма нарсани, ҳатто Худонинг *теранликларини* текшириб кўради”. Эътибор беринг, У буни Ўзининг Руҳи орқали қиласди. Руҳ – бу Илоҳиётнинг шахсидир ва У биз билан Худонинг яширин, чуқур фикрлари билан бўлишади! Тасаввур қиласизми? Ахир бу ажиб эмасми?!

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Шундай қилиб, Мұқаддас Рұх биз билан айнан шундай, жуда яқин мұносабат үрнатишни исташи устида яна бир бор фикр юритинг. У сизга Ўзининг яширин фикрларини ва түйғуларини күрсатмоқчи ва сизнинг фикру түйғуларингизни ҳам тингламоқчи. Зеро Худонинг Сўзи таъкидлайди: “Мұқаддас Рұхнинг мұлоқотида фикрлар ва түйғулар алмашинуви барчангиз биландир”.

### ҲАМКОРЛИК ЁКИ УМУМИЙ ИШТИРОК

Мұқаддас Рұх Ўз хизматкорларининг ишида “мұлоқот”, ҳамкорлик, ёки умумий иштирок этиши тушунчасининг учинчи таърифининг мисоли, илк жамоат етакчиларининг гувоҳлигига келтирилган. Улар ўз мактубида ёзишган:

Мұқаддас Рұхга ва бизга маъқул бўлди: (Ҳав. 15:28).

Шу йўсинда, улар ҳам Мұқаддас Рұхнинг, ҳам ўзларининг тутган үрнини аниқ кўрсатдилар. Бу қарор биргаликда қабул қилинган. Шоҳликнинг бошқарувида улар ҳамкор бўлишган. Шунга ўхшаш нарсани Эски Аҳдда ҳам кўрамиз. Худо Садом ҳақидаги Ўзининг режасини мұхокама қилиш учун Иброҳимнинг олдига келди. Иброҳим ўз фикрини айтиш имкониятига эга эди ва Худо Иброҳимнинг фикрини эшитиб бўлганидан сўнг Ўзининг якуний қарорини чиқарди.

Шундай ҳолатлар бир неча марта Мусо билан ҳам содир бўлган. Раббий Ўз қахру ғазабида Исройл халқини йўқ қилмоқчи эди ва агар Мусо аралашмаганида эди, шундай содир бўлган бўлар эди. У Худога Унинг ваъдаларини эслатди ва Худо бундай ҳаракатлари билан Ўзининг нуфузига пурт етказиши мумкинлигини айтди. Мусонинг аралашганидан сўнг нима содир бўлганини ҳикояда ўқишимиз мумкин: “Шунда Раббий Ўз халқига келтирмоқчи бўлган кулфатни бекор қилди” (Чиқиш

## МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ЯҚИНЛИК

32:14). Мусо ва Иброҳим Худонинг ҳамкорлари ва ишчилари бўлишган, бироқ ҳатто улар ҳам Худо билан мунтазам равишда гаплаша олмаганлар, бизда эса Янги Аҳднинг шароити туфайли анашундай имконият бор. Бу ҳақда ўйлашни бошлаганингда ўз имтиёзларингдан ҳайратланасан.

Павлуснинг Эфес жамоатининг раҳбарларига мурожаат қилган сўзларини тингласак, Муқаддас Руҳ бизнинг катта ҳамкоримиз ролини ўйнаётганинг тасдиғини кўрамиз.

Шундай қилиб, ўзингизга ва Муқаддас Руҳ сизларни назоратчи қилиб қўйган бутун подага диққат қилинглар, токи Худо Ўз қони билан қўлга киритган Унинг жамоатини боқинглар (Ҳав. 20:28, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ушбу оятда Илоҳиётнинг турли шахсларини мутлақо бирликда яққол кўрамиз. *Муқаддас Руҳ* биринчи бўлиб ёдга олинади ва айнан У жамоатнинг нозирларини тайинлайди. Сўнгра Худонинг Жамоати иборасида Ота эсга олиняпти ва ниҳоят, бу ерда Ўғилнинг ролини (Раббийнинг Жамоати) ҳам эслатиб ўтилганини кўряпмиз, зеро Жамоат Унинг Қони билан сотиб олинган. Учта ҳар хил шахслар, лекин битта Худо. Буни англаш қийин, лекин биз табиатдан ушбу тушунчани изоҳлайдиган мисолларни биламиз. Сув учта ҳолатда бўлиши мумкинлигини биламиз: қаттиқ, суюқ ва газсимон бўлади, шу билан бир навбатда унинг молекуляр тузилиши ҳар доим бир хил бўлиб туради. Илоҳиёт ҳам худди шундай учта кўринишига эга, учта шахсга, бироқ У комил бирликка эга, зеро Худо биттадир.

Яна шуни таъкидлаш мухимки, Муқаддас Руҳ – бу Илоҳиётнинг Жамоатдаги руҳий етакчиларини тайинлайдиган шахсидир. Бу ҳодиса бошқа жамоатнинг, яъни антиохиялик оқсоқоллар Раббийни излаган пайтда ҳам содир бўлди. Улар ибодат қилаётганида “Муқаддас Руҳ уларга: “Менга Барнабо

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

билан Шоулни Мен уларни даъват этган иш учун ажратиб беринглар!” — деди. Шунда улар рўза тутиб, ибодат қилдилар ва уларга қўлларини қўйиб, уларни жўнатиб юбордилар. Улар эса Муқаддас Рӯҳ томонидан юборилиб, Селеўкия шаҳрига келдилар ва у ердан Кипрга сузиб кетдилар” (Ҳав. 13:2-4). Рӯҳ Исони улуғлаш учун Худонинг хизматкорлари билан биргалиқда ишлади.

Ушбу мисолларнинг асносида Муқаддас Рӯҳ етакчилик ёки катта иштирокчининг ролини ўйнайдиган ҳамкорлик муносабатларини кузатиш мумкин. Мен буни яна бир бора таъкидламоқчиман: Унинг йози сиз ва мен Унинг хизматдошлари, Унинг ҳамкорлари бўлишишимизни завқ билан истайди! Бу ҳақда Павлуснинг коринфликларга ёзган мактубида аниқ ёзилган. Павлус шундай дейди: “Чунки биз Худонинг ҳамкорларимиз, сизлар эса Худонинг экинзори, Худонинг иморатисизлар” (1-Кор. 3:9). Ҳамкорлар сўзи биргалиқда ишлайдиган, ўзаро муносабатлари ўртоқлик ва ҳамкорлик бўлган одамларни англатади. Қирол Ёқубнинг таржимасида бу янада аниқроқ айтилган: “Зеро биз Худо билан бирга ишлаймиз”. Тасаввур қиляпсизми? Шу боис, мен яна илгариги саволни бераман: сиз биргалиқда ўзаро ҳаракат қилмайдиган ва ўзаро мулоқот қилмайдиган ҳамкорларни қаерда кўргансиз?

Муқаддас Рӯҳ сизнинг катта ўртоғингиз, катта ҳамкорингиз бўлишни исташи ҳақида бир дақиқа бўлса ҳам ўйлаб кўринг. Зеро Худонинг Сўзи шундай дейди: “Муқаддас Рӯҳнинг қўшма мулоқоти ва ҳамкорлиги сизларнинг барчангиз билан бўлсин”.

## ЎЗАРО ЯҚИН МУНОСАБАТЛАР

“Мулоқот” тушунчасининг навбатдаги таърифи – яқин муносабатлар. Бу мен кўп йиллар давомида сухбат қилган Худонинг эркаклари ва аёлларининг гувоҳликлари билан аъло даражада изоҳланади. Доктор Давид Чо билан биринчи

марта учрашган пайтимни эслайман, у дунёдаги энг йирик бўлган жамоатлардан бирининг чўпони. Жамоат Сеулда, Кореяда жойлашган. Ўшанда у бизнинг жамоатимизга биринчи марта ташриф буюрган эди. Ўша пайтда мен чўпоннинг ёрдамчиларидан бири эдим ва мен меҳмон шаҳаримизда турага вақтида кузатиб юришим керак эди. Мен бу вазифани кўп йиллар мобайнида бажариб келардим ва Доктор Чо келишидан аввал мен юзлаб турли хил хизматкорларни кузатганман, чунки бизнинг жамоатимизга меҳмонлар тез-тез келиб турагди. Бироқ бу сафар ҳаммаси бошқача бўлди, менинг машинам, шу заҳотиёқ Худонинг ҳузури билан тўлди. Мен ўша заҳотиёқ йиғлаб юбордим ва юзимдан ёмғирдек кўз ёшлари оқарди. Мен жим ўтирадим, чунки уни хизматдан аввал безовта қилишни истамас эдим. Сўнгра мен у киши билан гаплашишга қарор қилдим. Мен паст овозда ва мулойим оҳангда: “Доктор Чо, бизнинг машинамида Худо бор” дедим. У табассум қилиб бошини қимирандиди.

Сўнгра мен бу одам Муқаддас Рух билан эга бўлган мулоқоти ҳақида нақадар кўп ёзган ва воизлик қилгани ҳақида ўйладим. Шунда мен кўп йиллар мобайнида мен кузатган кўплаб бошқа одамларни эсладим. Улар ҳам Муқаддас Рух билан мулоқотга эга бўлишган ва бундай ўзаро муносабатларга эга бўлиш қанчалик муҳим экани ҳақида гапиришган. Гарчи мен юзлаб хизматкорларни кузатган бўлсам ҳам, уларнинг орасидан фақат бир нечтасини эслаб қолдим, чунки улар билан учрашганимнинг биринчи дақиқаларида Раббийнинг ҳузуруни ҳис қилганман. Бундай хизматкорларнинг бири Женни Уилкерсон эди, у кўп йилларини шафоат ибодатида ўтказган ва ҳозир у Раббий билан осмонда. У илк бора машинага ўтирганида, мен бутун йўл давомида тўлиқ муқаддас титровни бошимдан кечирдим. Мен Худони нафақат биладиган, балки Уни жуда яқиндан биладиган аёлнинг ҳузурида ўтирганимни тушундим. У Муқаддас Рух

## Худога яқинлашиш

хақида кўп гапиради ва мен у билан ҳар сафар учрашганимда Унинг ҳузури кўзга ташланиб туради.

Яқинда мен тўрт мингта аъзоси бор катта жамоатнинг аъзолари олдида сўз гапирдим. У АҚШнинг Ўрта ғарбида жойлашган. Мен якшанба куни эрталабки хизматда Муқаддас Рух ҳақида воизлик қилдим ва ўша кечқурун мен кечқуруниги йиғинда қирқ беш дақида мобайнида ваъз ўқишим керак эди. Қарабисизки, мен йиғин бошланганидан сўнг икки соат мобайнида сўз бошлий олмадим, чунки Муқаддас Рухнинг Ўзининг режалари бор эди. Ўша куни У кўплаб одамларга хизмат қилди ва бу жуда ғаройиб эди! Нихоят, мен саҳнага чиқишимдан аввал, на мулойим ва на раҳмдил деб атаб бўлмайдиган чўпон юзи кўз ёшига кўмилган ҳолда олдимга келиб: “Жон, мен бу жамоатда саккиз йилдан бери чўпонлик қилаётган бўлсан ҳали бирор марта Раббийнинг шунчалик кучли ҳузурини ҳис қилмаганман!” деди.

Мен унга жавобан дедим: “Бунинг сабабини тушунса бўлади. Чунки эрталаб Муқаддас Рух ҳақида гапирдик ва ҳар сафар сен У ҳақда гапирганингда, У Ўзини, албатта намоён қиласди”.

Бундай яқин мулоқотни никоҳ ришталарида кўрса бўлади. Айрим эркак хизматкорлар ўз хотинлари ҳақида тез-тез гапирадилар. Улар агар хотинлари ёнида бўлмаса ҳам улар ҳақида ваъзларида гапирадилар ёки суҳбат вақтида эсга оладилар. Улар хотини билан бир-бутунликни кўрсатадилар ва бу нафақат уларнинг ўзига балки бегоналарга ҳам кўриниб туради. Сиз хизматкор ҳақида ўйлаганингизда беихтиёр унинг турмуш ўртоғини эслайсиз. (Хотини жамоатда хизмат қиласди гапириб бераман ва ўз китобларимда у ҳақда ёзиб турман. Бироқ бошқа хизматкорлар ҳам бор, улар ўз хотинларини камдан-кам эслайдилар, улар ҳақида кам гапирадилар ва

## МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ЯҚИНЛИК

уларни камдан-кам бирга кўрасиз. Гап ыу хизматкорлар ҳақида кетгандা, сиз уларнинг хотинларини эсга ҳам олмаймиз.

Муқаддас Руҳ ҳақида ҳам шундай деса бўлади. Унинг У билан жуда яқин мuloқot қиладиган фарзандлари бор. Сиз улар ҳақида гапирганингизда бирдан Муқаддас Руҳни ҳам эслайсиз, чунки бу одамлар буни англаган ҳолда, Унинг кичик ҳамкорлари сифатида У билан биргаликда ҳаракат қиладилар ва ҳар доим Унга ҳурмат кўрсатадилар, шу боис, У Ўзини уларнинг хизматида намоён қилади. Натижада, Исо кўпроқ шуҳрат қозонади, зеро Худонинг Руҳи Исони улуғлайди.

Муқаддас Руҳ сиз билан яқин ўзаро муносабатларда бўлишни истайди. Агар сиз Уни ҳурмат қилсангиз, шунда У ҳам Ўзини намоён қилади, аks ҳолда сиз ўз хотини билан кўп йиллар мобайнида бирга яшаган-у, лекин яқин муносабатга эга бўлмаган ўша хизматкордан яхшироқ эмассиз. Бундай одамлар нафақат бир-бирларидан узоқлашган, балки улар одамларнинг кўзида ҳам бир бутун эмас. Шу боис, қўйи сўзлар устида ўйлаб кўринг: “Муқаддас Руҳнинг яқин ва чамбарчас ўзаро муносабати барчангиз билан бўлсин”.

## ЯҚИНЛИК, БИР-БИРИНИ ЯХШИ БИЛИШ

Бизнинг рўйхатимиздаги охирги таъриф яқинлик, ёки бир-бiriни яхши билиш. Бу сўз мuloқotни жуда яхши таърифлайди, зеро у биз муҳокама қилган олдинги тўртта таърифнинг ҳаммасига якуний хулоса ясайди. Вебстернинг луғатига кўра мuloқot бу яқин ўзаро муносабатлар ёки розилик дегани. Яқинлик фақат мuloқot орқали ривожланади, у эса ўз навбатида мустаҳкам дўстликни юзага келтиради. Бу оят таржималарнинг бирида шундай ёзилган: “Муқаддас Руҳнинг чамбарчас дўстлиги барчангиз билан бўлсин”.

Биз яна сиз билан дўстликка қайтиб келдик, зеро у

## Худога яқинлашиш

мулоқотнинг якуний мақсадидир. Худонинг Рұхи сизнинг дўстингиз бўлишни истайди. У сиз билан яқин мулокотда бўлишни завқ билан истайди. У сизни Ўзи билган нарсаларга ўргатмоқчи, Унинг билими эса чексиз! У Худо ва У учун яширин ёки пинҳон бўлган бирор нарса йўқ. У билмаган билимнинг ўзи йўқ. Ишаъё шундай деган:

Ким *Раббийнинг Рұхини* англабди ва Унинг маслаҳатчиси бўлиб, Унга насиҳат берибди? У ким билан маслаҳатлашади? Ким Унга ақл ўргатиб, адолат йўлини ўқтиради? Ким Унга билим ўргатиб, Унга донолик йўлини кўрсатади? (Ишаъё 40:13, 14, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

## ХУДОНИНГ РУҲИ ХУДО ҲИСОБЛАНАДИ

Қайтараман: У Худо! Унинг донолиги, билими ва тушунчasi чексизdir ва У сизни Ўзи билган нарсаларга ўргатмоқчи. Ўйлаб кўринг: сиз бирор бир қимматли маълумотга эга бўлсангиз, сиз буни сизга яқин бўлган ва сиз севган одам билан бўлишишини иштиёқ билан истайсиз. Рұх ҳақида ҳам шундай деса бўлади. У сиз билан билганини бўлишмоқчи! Сиз қанчалик теранлик муҳайё бўлишини тушуняпсизми? Сиз билан доим бўлган Илоҳиётнинг шахсини изламаганингиз сабабли ҳали бу нарса ҳаётингизда йўқдир? Сиз Муқаддас Рұхни четлаб ўтиб, Исо билан ўзаро муносабатни қуришга уринганмисиз?

Жамоатда кўпчилик одамлар Муқаддас Рұх билан яқин муносабатга эга бўлишдан қочиб Ислого яқинлашишга уринадилар. Мен яқинда бу ҳақида мулоҳаза қилдим ва Исонинг ердаги хизмати вақтида яҳудийлар Исо Масиҳни четлаб ўтиб, Худо билан ўзаро муносабатларга эга бўлишини истагани миямга келди. Улар шундай гапларни айтардилар: “Бизлар зинодан туғилган эмасмиз, бир Отага эгамиз – бу

## МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ЯҚИНЛИК

Худо, – дедилар” (Юҳанно 9:28, 29). Улар Худо билан ўзаро муносабатимиз бор деб қаттиқ ишонардилар. Аслида уларнинг юрагида Худо йўқ эди. Уларнинг ишончи Мусо уларга берган Сўзга (Ёзувга) асосланган эди. Аммо улар буни билар эдими? Улар танада келган ва уларнинг орасида юрган Сўзни қабул қилишдан бош тортишди.

Бугун ҳам кўплаб имонлилар Муқаддас Руҳни четлаб ўтиб, Исо билан муносабат қуришга уринадилар. Аммо айнан Муқаддас Руҳ ҳозир орамизда ва Муқаддас Руҳни рад қиласиган бирорта одам Исони яқиндан таниб-билолмайди. Худонинг Руҳини рад қилиш Исони рад қилишдан ҳам осонроқ, чунки Исодан фарқли ўлароқ Руҳнинг танаси ва қони йўқ.

Исо деди: “Агар сизлар Мени билганингизда эди, Менинг Отамни ҳам билар эдингизлар” (Юҳанно 14:7). Бошқача сўз билан айтганда, Исо бу билан шундай деяпти: “Отам бу ерда эмас, У осмонда, лекин агар сизлар Мени билсангизлар, сизлар Отани ҳам таниб-биласизлар, чунки У ва Мен биттамиз”. Муқаддас Руҳ ҳақида ҳам шундай деса бўлади. Исо энди ерда эмас, У осмонда, лекин агар сиз Муқаддас Руҳни таниб-биласангиз, сиз Исони ҳам таниб-биласиз, чунки Улар битта! Мана нима сабабдан “Масиҳнинг Руҳи” сифатида бизга маълум (1-Пет. 1:11; Рим. 8:9).

## БОШҚА, МЕНГА ЎХШАГАН

Исо кўтарилишидан аввал шогирдларига деди:

Агар Мени севсангизлар, Менинг амрларимга риоя қилинглар. Мен Отамдан илтижо қиласман ва У сизлар билан бирга абадий қоладиган бошқа Юпатувчини сизларга беради. Бу – ҳақиқат Руҳидир. Дунё Уни кўрмаслиги ва билмаслиги туфайли қабул қила олмайди, сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан бирга

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

бўлади ва сизларнинг ичингизда бўлади. Сизларни етим каби қолдирмайман, сизларнинг олдингизга келаман (Юҳанно 14:15-18).

Мазкур баёнотда кўп муҳим маълумотлар бор. Авваламбор, Исо яна итоат ҳақида айттаётганига эътибор беринг – “Менинг амрларимга риоя қилинг”. Ундан кейинги сўзлар эса: “Ва Мен Отамдан илтижо қилиб сўрайман ва сизга Муқаддас Рӯҳ билан яқин муносабатни беради”. У шогирдлар Муқаддас Рӯҳни олишини, Унинг Сўзига итоат қилиш билан бевосита боғлаяпти, бу эса Худонинг қўрқувини англатади. Петрус буни шундай дея тасдиқлади: “Бунга эса биз ҳамда Худо Унга *итоат қилганларга* берган Муқаддас Рӯҳ гувоҳдир” (Ҳав. 5:32). (Ва яна иккита гувоҳ сифатида эсгатилган Муқаддас Рӯҳнинг ва шогирдларнинг яқин муносабатларига эътибор беринг). Петрус Худо Муқаддас Рӯҳини Унга *бўйсунувчиларга* беришини айтяпти. Бу ерда биз яна қўряпмизки, яқинликнинг негизи Раббийнинг қўрқувиdir. Нима сабабдан бизнинг жамоатларимизда бу ҳақда жуда кам ваъз қиляпмиз?

Юҳанно Хушхабарига қайтсак, ўн тўртинчи бобда Исо Ота Унга *бўйсунганларга “бошқа Юпатувчини”* бериши ҳақида айтган сўзларини ўқишимиз мумкин. Юнон тилида Янги Аҳдда “бошқа” деб таржима қилинадиган иккита сўз бор. Ушбу иккита сўзларни ўрганиш орқали биз Муқаддас Рӯҳ ҳақида кўп нарсани билиб олсак бўлади. Юнонча сўзларнинг бири – бу *allos* бўлиб “шу тоифадан бўлган бошқаси” деган маънони билдиради. Кейинги сўз эса *beteros* ва у “бошқа, бошқа тоифадаги” деган маънони билдиради.

Ушбу сўзларнинг фарқини изоҳлайдиган мисолни келтирса бўлади. Фараз қилайлик, сиз мендан мевалар сўрадингиз ва мен сизга нок бердим. Уни еб бўлиб, мендан яна мева сўрайсиз ва мен сизга бу гал олма бераман. Мен чиндан ҳам сизга мева бердим, фақат бошқа турдаги мевани бердим. Агар мен сизга

яна нок берганимда эди, мен сизга бошқа мевани, аммо ўша турда бўлган мевани берган бўлар эдим, яъни бу худди ўша нок бўлар эди. “Ўша турда бўлган бошқа” (*allos*) билан “умуман бошқа турдаги” (*beteros*)нинг ўртасидаги фарқ мана шундан иборат.

Исо ушбу оятда *allos* ўша турдаги бошқаси сўзини ишлатмоқда. Исо: “Отам худди Менга ўхшаган бошқа Юпатувчини” беради деяпти. Юпатувчи сифатида бу ерда – *parakletos* сўзи ишлатилган. Бу сўз иккита турли хил сўзлардан келиб чиқади: *para*, “бошқа томонга” ва *kaleoo* “чақирмоқ” дегани. *Parakletos* – инсонга ёрдам бериш учун бошқа томонга қараб чақириш дегани. Бу бошида юрист учун, айбланувчининг ҳимоячисини ёки адвокатни ифодаловчи сўз сифатида ишлатилган. Демак, бу кимнингдир иши учун шафоат қиласиган, шафоатчи ёки адвокатdir. Қизиғи шундаки, бу сўз бир марта Мактубларда Исони ифодалаш учун ишлатилган (1-Юҳ. 2:1). Исо доим бизнинг шафоатчимиз вазифасини ўтаётганидек, Муқаддас Руҳ ҳам – бизнинг адвокатимиздир. У бизга ёрдам берishi учун биз томонга чақирилган.

Исо шогирдларига деди: “Мен сизлар билан бирга бўлганимдек, У ҳам сизлар билан бирга бўлади”. Мен одамларнинг қўйидаги гапини тез-тез эшлишиб тураман: “Эҳ, агар мен Исо билан учрашганимда эди, мен Унга шунчалик кўп саволлар берган бўлар эдим”. Йўғ-э? Уларнинг бундай гапи улар Муқаддас Руҳ билан яқин эмаслигидан далолат беради. Агар улар Муқаддас Руҳ билан суҳбат қилишмаётган бўлса, нега улар Исо билан бошқача йўл тутган бўлардик деб ўйлайди? Ахир, Исонинг Ўзи бир ҳайратомуз гапни айтди-ку:

Лекин Мен сизга ҳақиқатни айтаяпман (Юҳанно 16:7).

Мен Унинг гапини тугаллашимдан аввал, ҳар доим гапнинг ичидағи манашу иборадан ҳайратга тушардим. У шогирдлари билан уч ярим йил мобайнида юрди. У бирор марта ҳам уларнинг ҳеч бирига ёлғон гапирмади ва алдамади. У уларга

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

ўша йилларда айтган ҳамма гаплари доим амалга ошди. Аммо У улар билан бўлишмоқчи бўлган нарса шуқадар эсанкиратадики, У Ўзининг гапидан олдин огоҳлантирувчи иборани айтиш жоиз деб ҳисоблади: “Дўстлар, Мен сизга мутлақо ҳақ гапни айтаяпман, Мен ёлғон гапирмаяпман!” Хўш, қани ушбу эсанкиратадиган баёнот нима экан?

Аммо Мен сизларга ҳақиқатни айтаман: Менинг кетганим сизлар учун яхшидир, чунки агар Мен кетмасам, Юпатувчи сизларга келмайди. Агарда Мен кетсам, Уни сизларга юбораман (Юханно 16:7).

Тушуняпсизми? Бир дақиқага тўхтаб, бу сўзлар устида фикр юритинг. У агар Мен кетсам, сизлар учун яхшироқ бўлади деяпти. У нима сабабдан айтмоқчи бўлган сўзлари ўта муҳим экани ҳақида огоҳлантирганининг сабабини энди тушуняпсизми? У улар бўлган бутун вақт давомида, Шоҳлик борасида бўлган муҳим ва теран нарсаларни уларга ўргатди. У касалларни шифолади, ўликларни тирилтириди, инсонларга азоб берадиган ёвуз руҳларни қувди, шогирдлари учун солиқ тўлади ва ҳисоб варақаларини тўлади, бу фақат ҳали бошланиши эди! Аммо қандай қилиб, У Мен кетсам бу сизларга яхшироқ бўлади дейиши мумкин? Нега? У кетса, Ўзининг ўрнига бошқа Юпатувчини юборишини тушунтираяпти.

Ўйлаб кўринг, агар Исо Ерда қолганида эди ва биз У билан мuloқot қилишни истаганимизда эди, ёки Унга савол бермоқчи бўлсак эдик, биз Тель-Авивга учадиган самолётга ўтиришимиз, аэропортда таксига минишимиш, Галилияга бориб, Уни топишимиш керак бўлган бўлар эди. Уни топиш қийин бўлмасди, чунки Уни ҳар доим минглаб одамлар ўраб туради. Аммо сиз олдингизда турган бу минглаб одамлар кетмагунига қадар кутишингизга тўғри келарди ва шундан сўнг, Унга яқинроқ тиқилиб борсангиз бўларди. Лекин шундан сўнг ҳам, сиз кўп

## МУҚАДДАС РУХ БИЛАН ЯҚИНЛИК

вақт кутишингизга тұғри келарди, чунки Петрус күп гапиради, шунинг үчүн у сұхбатда устүнлик қиласы. Ундан ташқары у ерда яна Забадий ўғиллари Юханно ва Ѓекуб туришибди. Улар ҳам жим туралын одамлар әмас, у ерда яна үзларини саволларини беришни истайдиган бошқа шогирдлар ҳам бор. Улар ҳам юрагидаги саволларига жавоб қидирайптилар. Бундан тақшари Исо бир суткада олти соатдан саккиз соатгача үхлаб олиши керак, Үзини тартибга келтириши керак ва вақти-вақти билан нимадир ейиши керак.

Аммо Мұқаддас Рух ичимизда яшаётганининг күрки шундаки, У үйқуга мұхтож әмас. Сиз у билан истаган вақтингизда, күндүзги ёки кечги пайтда гаплашиб олсанғиз бўлади. Сиз У бошқалар билан сұхбатини тугатишини кутиб ўтиришингизга ҳожат йўқ. Унинг бутун диққати үзлуксиз шабонарўз давомида фақат сизга тегишли. Худди шундай: ўн минглаб одамлар бир вақтнинг ўзида У билан яқин, ички мулоқотга эга бўлиши мумкин! Исо У билан яқин бўлишга чанқоқ бўлган барча одамлар билан шахсан мулоқот қилиш маҳоратига эга. Лекин бу ҳали ҳаммаси әмас. Бизга яна бир нарса тайёрлаб қўйилган:

Сизларга күп нарсаларни айтишим керак, лекин ҳозир буларни сиғдира олмайсизлар. Ҳақиқат Рухи келганида эса, У сизларни бор ҳақиқатга етаклайди. Чунки У Ўзидан гапирмайди, лекин нимани әшитса, үшани гапиради ва сизларга келажакни маълум қиласы. У Мени улуғлайди, чунки Мендан олиб сизларга маълум қиласы. Отамга тегишли бўлган ҳамма нарса Меникидир. Шунинг үчүн Мен, У Мендан олиб, сизларга маълум қиласы, дедим (Юханно 16:12-15).

Мұқаддас Рух биз билан гаплашганида, моҳияттан биз билан, Отанинг биз үчүн берилган Сўзи бўлмиш Исо гапиради. Ҳа, гарчи

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

бу учта ҳар хил шахслар бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири Ўз онги, иродаси ва ҳиссиётларига эга, аммо уларнинг уччаласи ҳам тўлиқ ва үзлуксиз бир бутунликдир. Уларнинг нуқтаи назари ёки фиклари ҳеч қачон ҳар хил бўлмайди ва доим битта умумий мақсадга, режа ва ижро этиладиган иродага эга. Ёзувда айтилган аниқ баёнотни эсланг: “Эшит, эй, Исройл! Бизнинг Раббий Худойимиз —ягона Раббийдир!” (Қон. так. 6:4)

## ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ УЧТА ПОГОНАСИ

Юқорида келтирилган Ёзувнинг парчаларида Исо шогирдларига У кўп нарсани аён қилмоқчи эканини, лекин улар ҳали буни сиғдира олмаслигини айтди. Улар Худонинг теран тушунчаларини ўзининг табиий ақли билан тушунишга ва ўзлаширишга қодир эмасдилар.

Исо ўликлардан тирилганидан сўнг Уни ўнта шогирдига зоҳир бўлганини эсланг, шу пайта Томас уларнинг ўртасида йўқ эди. Томас Исони тирик ҳолда зоҳир бўлганилиги ҳақидаги бошқаларнинг гувоҳлигини эшилди. “Шунинг учун бошқа шогирдлар унга: —Биз Раббийни кўрдик, — дедилар. Лекин Томас уларга: —Мен Унинг қўлларида михларнинг чандиғини кўрмагунимча, бармоғимни михларнинг чандиғига теккизмагунимча ва қўлимни Унинг биқинига қўймагунимча ишонмайман” — деди (Юҳанно 20:25).

Сўнгра Исо уларнинг барчасига намоён бўлди. У ўша заҳотиёқ Томасдан бармоқларини Унинг қўлига ва қўлларини Унинг қовурғасига солиб текшириб кўришини сўради. Шунда Томас ҳайқириб, “Ё, менинг Раббим ва менинг Худойим! — деди. Шунда Исо Томасга мен узоқ вақтдан буён тушуна олмаган нарсани айтди:

Исо унга: —Томас, сен Мени кўрганинг учун ишондинг, Мени кўрмасдан туриб ишонганлар баҳтлидирлар (Юҳанно 20:29).

## МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ЯҚИНЛИК

Мен Исо Томасга жуда қаттиқ гапирди ва Томас: “Ё, менинг Раббим ва менинг Худойим! деганидан сўнг ҳам, Исо унга ҳеч қанақа умид қолдирмади деб ўйлардим. Бироқ мен ўзимнинг билимсизлигим ва хато фикрларим туфайли нотўғри мулоҳаза қилган эканман. Сал ўтиб, Муқаддас Рух Исонинг сўзларига аниқлик киритди. У Томасга қаттиққўллик қилмади, ҳойнаҳой У айрим фактларни санаб ўтди. Исо Унинг фақат жисмонан ҳис қилган одамлар Уни ҳеч қачон чуқур таниб-билолмайдилар деди. Исони руҳи билан таниб-билган одамлар Уни чуқур билади. Айнан шунинг учун У руҳда таниб-билиувчиларни баҳтли деб атади.

Ҳаворий Павлусга қаранг. У Петрус ва бошқа шогирдлар сингари ҳеч ҳам Исо билан юрмаган. У Исони Муқаддас Руҳнинг ваҳийи орқали таниб-билди. У шундай деб ёзди:

Биродарлар, сизларга шуни билдираяпманки, мен сизларга воизлик қилган Хушхабар инсондан эмасдир. Чунки мен ҳам уни инсондан қабул қилганим ёки ўрганганим йўқ, балки Исо Масиҳнинг ваҳийи орқали олганман. Менинг яҳудийликда бўлган илгариги ҳаёт тарзим ҳақида эшитгансизлар: мен Худонинг жамоатини ҳаддан ташқари қувғин қилиб, уни қирғин қилар эдим. Ўз наслимдаги тенгдошларимга қараганда, мен яҳудийликда муваффақият қозониб, оталаримнинг урф-одатларига ҳаддан зиёд рашкчи эдим. Лекин Худо мени онамнинг қорнидаёқ танлаб, Ўз инояти билан мени даъват этиб, мажусийлар орасида Унинг Хушхабарини воизлик қилишим учун Ўз Ўғлини менга зоҳир қилишни маъқул кўрганида, мен шу заҳотиёқ тана-ю қон билан маслаҳатлашмадим ва Йерусалимга мендан олдин ҳаворий бўлганларнинг ёнига ҳам бормадим, лекин Арабистонга кетиб, яна Дамашққа қайтдим (Гал. 1:11-17).

Вақт ўтиб, Павлус Раббий билан шунақанги чуқур ўзаро

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

муносабатларга эришдики, бунга бошқа ҳаворийлар эришмади. Петрус ўз мактубларида шундай фактни келтиради:

Севикли биродаримиз Павлус ҳам, унга берилган донолик бўйича сизларга қандай ёзган бўлса, худди шундай, Раббимизнинг узоқ сабр-тоқатини нажот деб ҳисобланглар. Павлус бу ҳақида ҳамма мактубларида гапиради. Бу мактубларда тушуниш қийин бўлган нарсалар бор, шунинг учун жоҳил ва бекарор кишилар бошқа Ёзувларга ўхшатиб, бу мактубларни ҳам бузаяптилар. Бу эса уларни ҳалокатга олиб боради (2-Пет. 3:15, 16, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ажойиб! Петрус Устоз билан уч ярим йил давомида юрган, Павлус эса Уни ердаги хизмати вақтида билмаган, шундай бўлса ҳам, Павлус Масиҳ табииатининг ва Унинг йўлларининг шунчалик чуқур тушунчалари билан бўлишдики, ҳатто Петрус учун бунинг бари тушуниш учун мураккаб бўлиб туюлди. Нега? Чунки Петрус Исо қилган ва айтган нарсаларни эслаб, озиқланиб юрган ва бу унга Исо билан янада яқинроқ яқин муносабат даражасига ўтишга ҳалақит берган. Исо мана нима сабабдан шундай деган: «Сизларга кўп нарсаларни айтишим керак, лекин ҳозир буларни сиғдира олмайсизлар. Ҳақиқат Рухи келганида эса, У сизларни бор ҳақиқатга етаклайди. Чунки У ўзидан гапирмайди, лекин нимани эшитса, ўшани гапиради ва сизларга келажакни маълум қиласди».

Ушбу масалага қандайдир даражада ойдинлик киритадиган яна бир мисол. Илтимос, мени тўғри тушунинг, бу мисолни асос қилиб олиш мумкин эмас, биз уни фақат тушунтириш учун ишлатамиз. Интернет орқали танишиб, бир-бирини севиб қолган одамларни тасаввур қилинг, улар ҳали бирор марта ҳам кўришишмаган. Бунақаси тез-тез бўлиб туради ва бу ўзаро қизиқиш анъанавий услугуда танишган одамларнинг ўзаро муносабатидан ҳам кучлироқ бўлган муҳаббат даражасига ўсиб бориши мумкин.

## МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ЯҚИНЛИК

Бу тармоқ орқали бўлган севги шунчалик кучли бўлиши мумкинки, у ҳатто, никоҳни ҳам синдириши мумкин. Мен илоҳий йиғиндан сўнг бир ёш инсонни иккита кичик боласи билан кўрган бир кечани эслайман. Мен унинг кўзида маюсликни кўрдим.

У: “Йўқ, менинг турмуш ўртоғим бизни қолдириб, Интернет орқали танишиб қолган бошқа бир одамнинг олдига кетди” деди.

У кўзи билан кўрмаган одам учун нафақат унинг бир ўзини, балки уларнинг никоҳида туғилган олтита фарзандини ҳам ташлаб кетганини айтиб берди. Улар Интернет орқали суҳбатлашиб, бир-бирини севиб қолишган ва эҳтирослари шунчалик кучли бўлганки у ҳатто, ўз фарзандларини ҳам ташлаб кетган.

Аммо ижобий нарсага қайтаман. Узоқ вақт назорат қилганимдан сўнг шуни билдимки, мактуб ёзиш орқали ёки узоқдан бўлган одамлар шахсан учрашган одамлардан кўра кўпроқ чукур дараҷадаги яқин муносабатга эришишади. Бунинг сабаби шундаки, улар жисмоний чегарадан ошиб ўтиб, бир-бирининг қалбига тегиниш имкониятига эга бўладилар. Одамлар шахсан учрашмаганда кўпинча ташқи омиллар ва чирой ёки бошқа ташқи кўринишлар уларни кўр қиласи ва бошқа инсоннинг ҳақиқий табиатини кўришга имкон бермайди.

Мен олдинги бобда айтганимдек, мулоқот учта дараҷада бўлади – оғзаки суҳбат, қўшма фаолият орқали суҳбат ва руҳий мулоқот. Ўзар муносабатларда ёки бир-бирини таниб-билишда ҳам учта поғона мавжуд. Энг пастки поғона – бу жисмоний ёки табиий. Афсуски, айнан манашу поғона кўпларни никоҳ тузишга ундейди ва жисмоний соҳа ўз жозибадорлигини йўқотганидан сўнг одамларни энди ҳеч нима боғлаб турмайди. Эркак киши кўпинча ўз завқига берилади, масалан спорт, хизмат ва ҳоказоларга, аёл киши эса дўконларга боради, дўстлари билан мулоқот қиласи, хизматда юради ва ҳоказо. Бунинг бари қайғули.

Сўнгра жоний ёки шахсий поғона келади. Бу Довуд билан

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Йонатанни чамбарчас боғлаган поғона ҳисобланади. Биз қүйидагича ўқиймиз: “Довуд Шоул билан сұхбатлашиб бўлгач, Йонатаннинг қалби Довуднинг қалбига ёпишди ва Йонатан уни ўз қалби каби севиб қолди” (1-Шоҳ. 18:1). Довуд ўз дўсти устида мотам тутиб деди: “Менинг биродарим Йонафан, сен ҳақингда мотам тутаман, сен мен учун жуда қадрли эдинг, сенинг севгинг мен учун аёлнинг севгисидан ҳам устунроқ эди” (2-Шоҳ. 1:26). Йонатан билан Довуднинг ўртасида ҳеч қанақа бузук муносабат бўлмаган, улар ўртасида ҳеч қанақа жисмоний қизиқиш бўлмаган, лекин уларнинг жоний боғлиқлиги энг чуқур даражага етди, бу эса жисмоний боғлиқликдан ҳам кучлироқ. Довуд Йонатаннинг севгиси у учун аёл кишининг севгисидан ҳам кўпроқ аҳамиятга эга эканини тасдиқлади. Уларнинг дўстлик муносабати юқори даражада, жоний даражада бўлган. Бу жоний муносабатнинг даражаси жисмоний муносабатдан ҳам юқори эканини тушуниш, одамлар нима сабабдан телефон орқали, мактуб ёзиш орқали ёки Интернет орқали танишган одамлар ҳақи, ўз оиласини ташлаб кетиши мумкинлигини тушунтиради.

Бироқ бир-бирини таниб-билишнинг энг олий даражаси руҳий поғонадир. Павлус бу ҳақда шундай дейди:

Зеро инсоннинг ичидаги муносабати үнинг ичидаги бўлган инсоннинг руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай, Худоникини ҳам Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким билмайди. Биз эса бу дунёнинг руҳини олмадик, балки Худо бизга ато қилғанларини билишимиз учун Худодан бўлган Руҳни қабул қилдик (1-Кор. 2:11, 12).

Павлус Исони айнан манашу даражада таниб-билди. Гарчи Петрус ҳам Уни шундай даражада билган бўлса ҳам, ҳойнаҳой, у ортга қайтган, улар Исо танада юрган даврларни тез-тез эслаб орқага қайтган. Шу боис, Павлус жуда аниқ баёнот бераяпти:

## МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ЯҚИНЛИК

Шунинг учун энди биз тана изми бўйича ҳеч кимни билмаймиз. Агарда аввал Масихни тана изми бўйича билган бўлсак ҳам, энди билмаймиз (2-Кор. 5:16).

Агар биз Худони яқиндан ва чиндан таниб-билишни истасак, У бизга улуғвор барака берганини тушунишимиз керак. Бу барака Унинг ваҳийи бўлиб, бизга тана бўйича эмас, балки Руҳ бўйича берилади.

Бу шундай! Сиз ҳам мен ҳис қилаётган ҳаяжонни ҳис қиляпсиз деб умид қиласман. Биз нақадар ҳайратомуз Раббийга хизмат қиляпмиз! У бизга энг чўқур тарзда очилишни завқ билан истайди. Айнан У биринчи бўлиб биз билан шундай яқинликни истади. Сизнинг юрагингиз энди, Раббийни таниб-билишга ғайрат қиляптими?

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Сиз қачандир Худодан сизни осмонга олиб кетиши ҳақида ибодат қилганимисиз? Бунга сизни қандай вазиятлар мабжур қилган?
2. Жамоатда кўпгина имонлилар Муқаддас Руҳ билан яқин муносабатни четлаб ўтиб, Исога яқинлашишга уринадилар, гарчи Муқаддас Руҳнинг ёрдамисиз ҳеч ким Исони таниб-билимаслигини ҳамма билади. Бу нима сабабдан содир бўлади? Ўз тажрибангиздан келиб чиқсан ҳолда, ушбу баёнотнинг ҳақиқий эканини тасдиқлай оласизми?
3. Биз билан Муқаддас Руҳнинг ўртасида яқин муносабатлар ҳақида мулоҳаза қилиб, Унинг ҳузури ўз юрагингизни Худонинг олдида тўкиш маҳоратингизга қандай таъсир қилишини айтинг. Ҳаётингизда Худодан яширмоқчи бўлган бирор нарса борми?



# ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН



Сиз ишонмаган нарсадан барака ололмаймиз.

Мен Purdue масиҳий университетидаги курсдошим морқали Исо Масиҳни Нажоткор сифатида 1979-йили таниб-билдим. Мен бошқа йўлга бурилиб, Исо Масиҳни ўзимнинг Раббим деб эътироф этганимда, Худонинг Шоҳлигида юқоридан туғилдим. Ёзувда шундай дейилган: “Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади. Зеро Ёзув шундай демоқда: “Унга имон келтирган ҳар бир киши уятда қолмайди” (Рим. 10:9-11).

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Менинг нажот топғанимда шубҳам йўқ эди. Бу ҳақда менинг юрагим гувоҳлик берарди. Ёзув эса бу фактни тасдиқларди. Шундай бўлса ҳам ҳаётимда нимадир етишмай эди ва бир неча ой давомида гап нимада эканини тушуна олмас эди. Мен Унинг фарзанди эканимга амин бўлсам-да, Раббий гўёки узоқда тургандек эди. Мен Муқаддас Китобни ўқиганимда, худди туман қатламига тушиб қолгандек бўлардим ва мен кўп нарсани тушунмас эдим, гарчи тиришқоқлик билан ўқирдим. Шунингдек, ҳаётий ноёнғай вазиятларни енгишга маҳоратим етишмас эди. Менда тенгдошларим, университетдаги курсдошларим менга ўтказётган қаттиқ босимга ҳеч ҳам қаршилик кўрсата олмайман ва мен оқимга қарши суза олмайман деган таассурот пайдо бўлди.

Вақт ўтиб, Раббийга мендан ҳам яқинроқ бўлган одамларни учратдим. Улар У ҳақда ажойиб нарсаларни айтарди, гўё Уни анча яқин биладигандек. Мен талмовсиардим. Нима сабабдан уларда бор нарса менда йўқ? Нима сабабдан мен топа олмаган яқинликни Худо уларга берган? Гўёки улар мен ололмаган Раббийнинг кучига ва чуқур тушунчага эга экандек туюларди. Сўнгра Муқаддас Китобни ўрганиш жараёнида Раббий билан ҳали илгари бошимдан кечирмаган яна битта учрашувга эга бўлишим кераклигини тушундим.

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Келинг, Ёзувни ўқиш жараёнида менга очилган нарсага қараймиз:

Сўнгра уларни йигиб, уларга буюрди: – Йерусалимдан кетиб қолманглар, лекин Мендан эшитганларинг, Отам ваъда қилганни кутиб туринглар. Зеро Яҳё сувга чўмдирган эди, аммо сизлар бир неча кундан кейин Муқаддас Рухга чўмдириласизлар. Шунинг учун, улар йиғилгач, Ундан сўрадилар: – Раббий! Исройлнинг

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Шоҳлигини шу вақтда тиклайсанми? (Ҳав. 1:4-6, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Исо имонга келганларга «Ота ваъда қилганни» олмагунча ҳеч қаерга бормасликни, ваъз қилмасликни, жамоатларга асос солмасликни ва ўз даъватини амалга оширмасликни айтди. Ушбу ваъда остида, улар Муқаддас Рӯҳга чўмишни назарда тутишган. Исо бу оятда ишлатган чўмиш сўзи юнон тилидаги baptize сўзидан таржима қилинганд бўлиб, “ботинтириш, шўнғитиш, сув билан тўлдириш” дегани. Исо шу йўсинда, улар ҳали эга бўлмаган Муқаддас Рӯҳга ботиниш содир бўлишини тушунтирган, гарчи улар Исонинг тирилганига ишонишган, Унинг ҳукронлигини тан олишган ва Унинг содик издошлари бўлишган.

Мен биринчи навбатда шундай фактга эътибор бердим, Муқаддас Рӯҳ билан тўлишиш таклиф, иккинчи вариант ёки тавсия бўлмаган – бу буйруқ бўлган! Буйруқлар бизнинг эзгулигимиз, ҳимоямиз учун ва бутун Шоҳликка фойда бўлиши учун берилади. Раббийнинг буйруқларига енгилтаклик билан муносабат билдириш мумкин эмас, зеро улар ҳам бизнинг, ҳам Шоҳликнинг фойдаси учун ўйлаб чиқилган.

Агар улар Унинг буйруғини бажарсалар, Ота уларга нима беришини билмаган. Бу Исо осмонга кўтарилиб кетгач, ўн кундан сўнг содир бўлди. Қизифи шундаки, Исо Ўзининг Тирилишидан сўнг беш юзта имонлига зоҳир бўлди (1-Кор. 15:6), лекин Унинг Кўтарилишидан ўн кундан сўнг болохонада фақат бир юз йигирма киши қолди. Мен беш юз кишининг ҳаммаси Ота ваъда қилганини амалга ошишини кутишганига ишончим комил, аммо вақт ўтиб одамлар сабрсизлик, шубҳа, имонсизлик қилишни бошладилар ва бошқа ҳар хил сабабларга кўра илгариги оломондан фақат бир қисми қолди. Афсуски, қарийб беш кишидан тўрттаси Исонинг буйруғини бажармадилар.

## Худога яқынлашиш

Бирок үйілиб ўтирганлар эса бирликда бўлишган, улар шахсий режалари учун ўлдилар. Улар Исонинг сўзларига енгилтаклик билан қарашга ўзларига эрк бермадилар ва Унинг амрини бошқача қилиб тушуниришига ҳаракат қилмадилар. Мен улар Устоз буюргани учун охиригача кутишга қарор қилишганига ишончим комил. Шундай қилиб, Худода Исонинг бўйруғини фақат жиддий қабул қилганлар қолди. Сўнгида шундай ўқиймиз:

“Элликлик” куни келганида, уларнинг ҳаммалари яқдиллик билан бирга эдилар. Тўсатдан осмондан худди кучли шамол бўлгандек шовқин келди ва улар ўтирган ййни бутунлай тўлдирди. Уларга олов каби бўлинаётган тиллар зоҳир бўлиб, уларнинг ҳар бирининг устига биттадан қўнди. Шунда уларнинг ҳаммалари Муқаддас Рӯҳга тўлдилар ва Рӯҳ уларга бераётган иборалар билан бошқа тилларда гапира бошладилар (Ҳав. 2:1-4).

Бу кун Элликлик куни деб аталган ва бу атама Янги Аҳдда пайдо бўлмади, чунки Истроилнинг катта байрамларининг бири шундай деб аталган. Эътибор беринг, улар чиндан ҳам Исо айтганидек Муқаддас Рӯҳ билан тўлдилар ёки Унга чўмдилар. Бу Ота томонидан ваъда қилинган Зот эди, бунга *ноъмалум тилларда* гапириш ҳамроҳлик қилди. Баъзи одамлар учун бугун тиллар атамаси тушунарсиз ёки билимсизлик туфайли ўта сирли бўлиб туюлади. Ёзув тилларда гапириш ҳақида айтганда, сиз сиз учун тушунарсиз бўлган тилда гапириш ҳақида кетади. Биз бу иборани Ёзувдаги фикр доирасидан ташқарида ҳам ишлатамиз. Сиз чет эллик билан инглиз тилида гаплашганингизда, сиз ундан унинг *она-тили* қанақалигини сўрайсиз. Яъни сиз у болалигидан биринчи марта қайси тилда гапиришни бошлаганини қизиқиб сўрайсиз.

У ҳар доим яшашни истаган маъбадда Муқаддас Рӯҳ илк бора тушганида ва қуйилганида, ҳудди кучли эсаётган

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

шамолнинг шовқини бўлди. Шундай бўлса ҳам, Ёзувда Руҳ бу шамол дейилмаган, ҳойнаҳой шовқин Унинг тушишининг кўриниши бўлган.

## ҚАРАМА-ҚАРШИ ЙЎЛЛАР

Ушбу жойда қизиқ назоратим билан бўлишишимга ижозат беринг. Шайтон ва унинг ёвуз қўшини доим Худонинг йўлларини бузиш учун Худонинг ҳаракатларига қарши иш қиласди. Муқаддас Руҳ инсон устига тушганида, У буни шундай қиласдики, адашишнинг имкони йўқ. У йози билан тўлдирганида, одамлар Унинг намоён бўлишини кўрадилар ёки эшиштадилар. Биз бунинг тасдиғини Ҳаворийлар Китобидаги бошқа ҳикояларда ҳам кўрамиз. Аммо Муқаддас Руҳ кетаётганда У буни жуда жим ва сезиларсиз қиласди. Эсингиждами, Далида Шамшонга филистинликлар келди деганида, у сакраб туриб деди:

«Олдингидек кетаман ва қутилиб қоламан». Лекин Раббий уни тарк этганини билмас эди» (Суд. 16:20, ёзма ҳарфлар мұаллифга тегишли).

Самсон Раббий уни тарк этганини билмас эди, чунки Худонинг Руҳи жуда оҳиста кетади. Ва аксинча, жинлар инсонга кираётганда жуда оҳиста ва сездирмай киради, улар кетишига тўғри келганда эса улар жуда шовқин қилишади (бунинг тасдиғини барча Ҳушхабарларда кўрса бўлади).

## ВАЪДА БАРЧА УЧУН БЕЛГИЛАНГАН

Энди, келинг, Элликлик кунига қайтамиз. Ўшандаги Йерусалимга дунёнинг барча четидан яҳудийлар байрамга йиғилдилар. Одамлар шогирдлар йиғилган жойдаги шамол шовқинини эшиштанларида жуда катта оломон тўпланди. Одамлар маълумотсиз шогирдлар уларнинг

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

она-тилида ва шеваларида Худонинг мўъжизавий ишлари ҳақида гапираётганидан ҳайратланишган. Ҳайратга тушган тингловчилар ҳайқирдилар: “Бу нимани англатади?”

Петрус уларнинг қизиқувчанлигидан фойдаланиб, барчага Исони воизлик қилиш учун завқ билан ўрнидан турди. Ўзининг нутқининг якунида у шундай деди:

Ушбу Исони Худо тирилтириди, бунга эса биз ҳаммамиз гувоҳмиз. Шундай қилиб, У Худонинг ўнг қўли билан юксалтирилиб ва Отадан Муқаддас Рух ваъдасини олиб, энди сизлар кўраётган ҳамда эшиитаётган нарсаларни ёғдирди (Ҳав. 2:32, 33, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Эътибор беринг, у Муқаддас Рухнинг ваъдасини кўриш ва эшитиш мумкин деди. Ўз-ўзингизга айтинг: “кўриш ва эшитиш”. Биз кейинги оятларни тушунишимиз учун буни ёдда саклашнимиз жуда мұхим.

Петрус айтган нарсалар уни эшиتاётган одамларнинг юрагига кирди ва улар нима қилайлик деб сўрадилар.

Петрус эса уларга деди: –Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номига чўмдирилинглар ва Муқаддас Рух инъомини оласизлар. Чунки бу ваъда сизларга, фарзандларингизга ва бизнинг Раббий Худойимиз даъват этган барча узоқдагиларга тегишилидир (Ҳав. 2:38, 39, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Диққат қилиб тингланг, улар кўрган ва эшишган ваъда Раббий Худойимиз даъват этган барча узоқдагиларга тегишилидир. Яъни, шогирдлар болохонада олган Зот, Раббий даъват этган барчага тегишилидир ҳамда булар қаторига сиз ва мен ҳам кирамиз!

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Энди, мен Янги Аҳдда Муқаддас Рӯҳни қабул қилган одамлар ҳақида ҳикоя қиласиган барча оятларни зудлик билан айтиб ўтмоқчиман. Бизда яна тўртта ҳикоя бор. Лекин икки нарсага эътибор беринг. Биринчидан, битта ҳикоядан ташқари, қолган ҳамма ҳикояда, Исо Масиҳни Раббий сифатида қабул қилишдан алоҳида бўлган ҳодиса бўлган. Иккинчидан, ҳар бир ҳолатда ёнда турган гувоҳлар, одамлар Муқаддас Рӯҳни қабул қилганининг ва Унга тўлганининг ташқи кўринишларини кўра ва эшига олган.

## САМАРИЯ

Филипп Самария шаҳрига бориб, Исони ваъз қилди. Уни эшитиш учун кўп одам келди. Одамлар ғаройиб мўъжизаларнинг гувоҳи бўлишди: “Зеро нопок руҳларга чалинган кўп кишилардан нопок руҳлар баланд овоз билан бақириб чиқар эди ва кўп шолу чўлоқлар шифоланар эдилар” (Ҳав. 8:7). Ваъз жуда қаттиқ таъсир ўтказди ва шаҳарда қувонч ҳукм сурарди, биз шундай деб ўқиймиз:

Лекин Худонинг Шоҳлиги ва Исо Масиҳнинг номи ҳақида воизлик қилаётган Филиппга ишонгандарнида, кўп эркак ва аёллар сувга чўмдирилдилар. Шунда Шимоннинг ўзи ҳам имон келтириб чўмдирилди ва Филиппдан ажралмайдиган бўлиб қолди; у содир бўлаётган ажойиб мўъжизалар ва аломатларни кўриб, ҳайратланар эди (Ҳав. 8:12, 13).

Одамлар Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарга ишондилар ва сувга чўмдилар. Ёзувга мувофиқ, улар Худонинг Шоҳлигидаги юкоридан туғилдилар. Лекин сўнгида биз шундай сўзларни ўқиймиз:

Йерусалимда бўлган ҳаворийлар эса, самарияликлар Худонинг Сўзини қабул қилганларини эшитгандарнида, уларнинг олдиларига Петрус билан Юҳаннони юбордилар.

## Худога яқинлашиш

Улар келиб, самарияликлар Мұқаддас Рұхни қабул қилишлари үчүн ибодат қылдилар, чунки У ҳали уларнинг ҳеч бирига тушмаган эди, үлар фақатгина Раббий Исонинг номига чўмдирилган эдилар (Ҳав. 8:14-16).

Бу ерда биз үлар Худонинг Шоҳлигида туғилгани фактининг яна бир тасдиғини кўряпмиз. Бу үлар “Раббий Исонинг номи билан чўмдирилгани” билан тасдиқланади. Улар зулмат шоҳлигидан халос қилинганига ва энди Худонинг оиласига қўшилганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бироқ үлар юқоридан туғилган имонлилар бўлишидан қатъий назар, үлар ҳали Мұқаддас Рұхга чўммаган эдилар.

Сиз үлар қандай қилиб нажот топган бўлиши мумкин деб сўрашингиз мумкин, зеро Ёзув аниқ айтади: “Шунинг учун сизларга шундай тушунча бераман: Худонинг Рұхи билан гапираётган ҳеч ким Исога лаънат айтмайди ва ҳеч ким Мұқаддас Рұхсиз Исони Раббим деб атай олмайди” (1-Кор. 12:3). Ҳа бу тўғри, биз Исонинг ҳукмдорлигини Мұқаддас Рұхнинг ёрдамисиз эътироф этолмаймиз, бироқ бу Рұхга тўлишдан тубдан фарқ қиласди. Биз тавба қилган вақтимизда Мұқаддас Рұх бизни муқаддаслайди, муҳрлайди ва ичимиизда яшашни бошлайди (1-Пет. 1:2; Эфес. 1:13; Рим. 8:9-11), лекин биз Отадан Исо номи билан сўрамагунимизча Унинг ҳузури билан тўлмаймиз. Зеро Ёзув шундай дейди:

Шундай қилиб, агар сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангизлар, боз устига, осмондаги Ота Ундан сўраганларга Мұқаддас Рұхни беради (Луқо 11:13).

Бу оятга кўра, бу ваъда Самовий Отанинг фарзанди бўлган одамларга тайинланган. Исо сал ўтиб, шундай дейди: “дунё ҳақиқат Рұхини қабул қилолмайди” (Юҳанно 14:17). Исонинг

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

сўзларидан кўринадики, бу ҳодиса Шоҳликда янгидан туғилиш тушунчасидан ажратилган.

Келинг, Самариядаги одамларга қайтамиз.

Шунда ҳаворийлар уларга қўлларини қўйишиди ва улар Муқаддас Рұхни қабул қилдилар. Шимон эса ҳаворийларнинг қўлларини қўйишилари орқали Муқаддас Рұх берилаётганини кўриб, уларга пул олиб келди ва деди: –Менга ҳам шу ҳокимиятни беринглар, токи мен кимга қўлларимни қўйсан, у Муқаддас Рұхни қабул қиласиган бўлсин! (Ҳав. 8:17-13, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу имонлилар нажот топгандан сўнг Муқаддас Рұхни қабул қилдилар. Бизга одамлар тилларда гапиришни бошлагани ҳақида аниқ айтилди. Бироқ нима сабабдан Шимон ҳаворийларга пул таклиф қилди? Ёзув Шимон одамлар Муқаддас Рұхни қабул қилганини кўрди дейди. Бу кўзга кўринарли ва яққол далиллар бўлган, бу тилларда гапиришдан бошқа нарса бўлмаган, Янги Аҳдда имонлилар, Рұх билан тўлгани ҳақида ёзилган бошқа ҳолларда ҳам ҳудди шундай содир бўлган.

Ёзувда Самариядаги ҳодисалар ҳақида ёзилган ҳикояларни ўрганиб, биз биринчидан, Муқаддас Рұхга тўлиш маҳсус ҳодиса экани, у тавба қилишдан фарқ қилишини ва иккинчидан, ёнда турган одамлар бу ҳодисанинг ташқи тасдиғини кўришининг гувоҳи бўламиз.

## ЭФЕС

Ҳаворий Павлус ва унинг хизматдошлари Эфесга келишиди ва у ерда бир нечта шогирдларни топишиди. Биринчи бўлиб уларга шундай савол беришди:

## Худога яқинлашиш

Сизлар имон келтириб Мұқаддас Рұхни қабул қылдингизларми? (Ҳав. 19:2).

Бу саволни биз энди тавба қилған одамларга ҳам беришимиз керак. Одамларға Раббий билан, бир соатта ҳам яқинликсиз ва Исо ҳақида гувохлик беришимиз учун бизга қобилият берадиган күчсиз яшашга йўл қўймаслигимиз керак (Ҳав. 1:8).

Эфесдаги бу шогирдлар Мұқаддас Рұх ҳақида эшитишмаган, улар фақат Яхё Чўмдирувчи томонидан сувга чўмдирилган әдилар. Шу боис, Павлус ва унинг шериклари уларга Исо Масих орқали келадиган нажот ҳақида айтиб бердилар. Сўнгида биз ўқиймиз:

Улар буни эшитгач, Раббий Исо номига сувга чўмдирилдилар (Ҳав. 19:5).

Энди Ёзувга биноан, улар Шоҳлиқда юқоридан туғилдилар, чунки улар Исони эътироф этдилар ва сувга чўмдирилдилар. Сўнгра шундай деб ёзилган:

Павлус уларга қўлинини қўйганида, Мұқаддас Рұх уларнинг устиларига тушиб келди ва улар ўзга тилларда гапириб, башорат қила бошладилар (Ҳав. 19:6).

Шу ерда, улар Мұқаддас Рұхга тўлгандан сўнг ўзга тилларда гапиришни ва башорат қилишни бошладилар ва яна ёнда турган одамлар Ота ваъда қилғанни, бу чўмишни қабул қилған одамларда намоён бўлганини кўрдилар ва эшитдилар.

Башорат қилиш “Илоҳий рухланиш билан гапириш” ни англатади. Петрус Элликлик кунида ёрқин нутқ билан гапирганида башорат қилған эди, бунинг натижасида, минглаб одамлар Худонинг Шоҳлигига қўшилдилар. У Худонинг Сўзини бирор-бир тайёргарликсиз ёки дастлабки машғулотларсиз

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

воизлик қилди. Воизлик руҳланиш ёрдамида эълон қилинди. Эфесдаги бу одамлар Руҳга тўлгунга қадар Худонинг йўллари ҳақида оз билардилар, энди эса, Руҳ билан тўлгандан сўнг Худонинг Сўзини руҳланиб гапирдилар.

Худонинг Руҳига тўлган ҳар бир киши билан ҳудди шу нарса содир бўлади. Устознинг Ўзи бизда яшашни бошлайди ва Худонинг барча фикрлари биз учун аниқроқ бўлади. Руҳга чўмишимдан аввал, Худонинг Сўзи ва Унинг йўли мен учун хира эди. Аммо чўмганимдан сўнг ҳаммаси ўзгарди. Муқаддас Китоб менга шахсий даражада очилди. Мен бир неча йиллар давомида имонли бўлган, лекин Руҳга чўммаган эдим, Руҳ билан чўмгандан сўнг: “Сон-саноқсиз саволларимга ҳамма жавобларни олдим” деб айтган кўп одамларни кўрганман. Улар шунингдек, “Муқаддас Китоб мен учун тушунарли китобга айланди” дейишади.

Ушбу гувоҳликлар билан бир қаторда, шунингдек, юқоридан туғилган, лекин Руҳ билан тўлмаган Ёзувнинг жиддий тадқиқотчилари Руҳга тўлган одамларнинг Муқаддас Китобдан олган билимини шарҳлашганини эшитганман. Улар уч карра кўпроқ ўқишли мумкин-у, лекин Муқаддас Руҳга тўлган имонлиларнинг тушунчасидан ҳайратланишади. Бундай баёнотларни эшитаман: “Ҳаммаси жуда оддий, Руҳга тўлмаган имонлиларда Муқаддас Руҳ тўлиқ барқ урмайди”. Лекин Худонинг ҳар бир фарзанди Руҳга чўмиши мумкин, чунки Худо Исонинг номини чақирган барчага Руҳи билан тўлдиришни ваъда қилган! Худо бизга нисбатан шуқадар меҳрибон!

Шундай қилиб, Эфесдаги имонлилар Худонинг Руҳини қабул қилиши, Самарияда одамлар билан содир бўлгандек, маҳсус ҳодиса эди, бу тавба қилишдан фарқ қиласарди ва бундай ҳолда ёнда турган одамлар ушбу ҳодисанинг ташқи гуваҳлигини кўришган.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ҲАВОРИЙ ПАВЛУС

Ҳаворийлар Китобининг тўққизинчи бобида, биз Павлус номи остида билган Шоул имонлиларни таъқиб қилиш мақсадида Дамашққа қараб отланган эди. Қўққисдан у осмондан кўзни кўр қиласидиган нурни кўрди ва унга савол берган Раббийнинг овозини эшилди:

Шоул, Шоул! Нега Мени қувғин қиласапсан? – деган овозни эшилди. У: – Сен кимсан, ё, Раббий? – деди. Раббий эса: – Мен – сен қувғин қиласидиган Иноман. Нишга қарши тепишинг қийин, – деди. Шунда Шоул даҳшатга тушиб ва титраб: – Ё, Раббий, нима қилишимни буюрасан? – деди. Раббий унга: – Ўрнингдан туриб, шаҳарга бор ва сенга нима қилишинг кераклиги айтилади, – деди (Ҳав. 9:4-6).

Шоул шу пайтда юқоридан туғилганига ишонаман. Менинг ишончим иккита фикрга асосланган. Биринчидан, Раббий Ўзини Исо деб таништирганидан сўнг, Шоул Уни “Раббий” деб эътироф этди. Иккинчидан, Шоул уч кун ибодат қилди, шундан сўнг Ҳананияҳ унинг олдига келиб деди:

“Биродарим Шоул! Сен келаётган йўлда сенга зоҳир бўлган Раббий Исо, кўзларинг яна кўриши ва Муқаддас Руҳга тўлишинг учун мени юборди” (Ҳав. 9:17).

*Биродар* сўзига эътибор беринг. Шоул Исо Масиҳга имон келтириди ва Уни Раббий сифатида эътироф этди, шундан сўнг у уч кун ибодат қилди. Шоул юқоридан туғилганилиги сабабли, Ҳананияҳ у Муқаддас Руҳга тўлиши учун ибодат қилди. Бу ерда Шоул ўзга тилларда гапирди дейилмаган. Бироқ унинг ўзи бу ҳақда Коринфликларга ёзган Биринчи мактубида аниқ ва рашван айтиди: “Худойимдан миннатдорман, мен номаълум тилларда ҳаммаларингиздан кўра кўпроқ гапираман” (1-Кор.

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

14:18). У тилларда қачон гапирди? Ҳананияҳ унга қўйини қўйиб у учун ибодат қилганида (Ҳав. 9:17).

## КОРНИЛИЙ ВА УНИНГ ҚУЛЛАРИ

Ўша замонда рим зобити Корнилий исмли киши яшар эди. У ўзининг қуллари ва дўстлари билан мажусийлар орасида биринчи бўлиб юқоридан туғилди. Корнилий тез-тез рўза тутарди ва ибодат қиласади. Бир куни унга фаришта зоҳир бўлди ва Петрус ортидан одам юборишни буюрди.

Петрус бир неча кун ўтиб унинг олдига келганида Корнилий ўзига қадрдан бўлган барча одамларни йиғди ва улар Петрусни тинглашга шайландилар. Петрус Исони воизлик қилишни бошлади.

Петрус булаарни ҳали айтиб турганида, Муқаддас Рух сўзни эшиштаётганларнинг ҳаммасининг устига тушди. Петрус билан бирга келган, хатна қилинганлардан бўлган имонлилар Муқаддас Рухнинг инъоми мажусийларга ҳам қўйилганини кўриб, ҳайратда қолдилар, чунки уларнинг янги тилларда гапираётганларини ва Худони улуғлаётганларини эшитар эдилар (Ҳав. 10:44-46).

Яҳудийлар мажусийлар билан диний ва ҳатто, ижтимоий масалалар бўйича ҳам сухбат қилишмасди. Улар ваъдалар аҳдидан маҳрум қилинган эди, уларда на умид ва на Худо бор эди (Эф. 2:12). Шундай экан Корнилийнинг уйида содир бўлган ҳамма нарса, Петрус билан бирга келган яҳудийларни саросимага солиб қўйди. Улар мажусийлар нажотни ва Муқаддас Рухни қабул қилганидан ҳайратга тушдилар.

Бу Муқаддас Китобда инсонлар бир вақтнинг ўзида ҳам нажот топгани ва Рух билан чўмгани ҳақида ҳикоя қилиб берадиган ягона ҳодисадир. Мен Худо яҳудийлар Корнилий ва унинг қариндошлари

## Худога яқынлашиш

билин дўстлари, Исо Масиҳни ва Муқаддас Рӯҳни қабул қилишлари учун ибодат қиласлигини билгани учун шу нарсани атайнин кўрсатганига ишонаман, чунки улар мажусийлар нажот топишига шубҳаланишган, сиз бу билан рози бўлмаслигингиз мумкинлигини тушунаман. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ахир юқоридан түғилиш пайтида буни билдирадиган ташқи белгилар йўқ-ку. Агар бу одамлар Петрус воизлик қилаётдган пайтда Сўзни қабул қиссалар эди, Исони, Раббий деб эътироф этсалар эди, яхудийлар барибир мажусийларнинг тавба қилиши экътимолига ишонган бўлар эдилар.

Бироқ Худо уларни Муқаддас Рӯҳ билан тўлдириди ва худди яхудийлар Рӯҳга чўмгани сингари, улар ҳам тилларда гапиришни бошладилар, яхудийлар энди, Худо мажусийларга нажот берганини инкор эта олмасдилар.

Бу ҳолат, шубҳасиз Муқаддас Рӯҳга тўлишнинг ташқи далили сифатида ўзга тилларда гапириш эканини кўрсатяпти. Бу парчанинг бошқа таржимасида, “Муқаддас Рӯҳнинг инъоми мажусийларга ҳам қўйилди” дейилган. Ва бунга шубҳа йўқ, зеро уларни тилларда гапираётганини ва Худони улуғлашаётганини эшилдилар” (Ҳав. 10:45 46). Атрофдагилар қандай қилиб бунга ишонч ҳосил қилдилар? “Зеро уларни гапираётганини эшилдилар...” Улар Ота ваъда қилганини кўрди ва эшилди!

## ТИЛЛАР ТАМОМ БЎЛАДИ

Сиз: “Ҳа, бу илк шогирдлар даврида чиндан ҳам содир бўлган, лекин ахир, Муқаддас Китобда мукаммаллик келганида тиллар тамом бўлади дейилмаганими?”, дейишингиз мумкин. Ҳа, шундай дейилган. Лекин мукаммаллик етиб келдими? Баъзилар эътиroz билдириб: “Ҳа, Муқаддас Китоб бу ўша айтилган мукаммаллик ва энди, Муқаддас Китобга эга бўлганимиздан сўнг тиллар керак эмас” дейиши мумкин. Ҳўш майли, келинг, Ёзувга назар соламиз, қани бундай изоҳ тўғримикан. Павлус шундай ёзади:

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Пайғамбарчиликлар тугайди, тиллар тамом бўлади, билим ҳам бекор бўлади, аммо севги ҳеч қачон тугамайди. Чунки биз қисман биламиз ва қисман пайғамбарчилик қиламиз. Лекин мукаммаллик келганида, қисман бўлган нарсалар тугайди (1-Кор. 13:8-10).

Авваламбор, бизга мукаммаллик келганда нафақат тиллар, балки билим ҳам (аникроғи зоҳир бўлган билим) ҳам тамом бўлади дейилган. Лекин биз ўша вақт ҳали келмаганини биламиз. Шундай экан “мукаммаллик келганида” дейилган вақт қачонлигини аниқлаб олайлик.

Ҳозир биз гўё хира ойна орқали тахминан кўраяпмиз, ўша кунда эса юзма-юз кўрамиз. Ҳозир мен қисман билмоқдаман, аммо ўша кунда мен ўзим таниб-билингандек таниб-биламан (1-Кор. 13:12, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Муаллиф икки марта ўша қуни деганига эътибор беринг. Бу мукаммаллик келадиган даврга тааллуқли. Бу вақт иккита ўлчам билан аниқланади. Биринчидан, биз Раббийни юзма-юз кўрамиз. Сиз ҳозир Уни юзма-юз кўраяпсизми? Сиз Унинг тирилган Танасини, Унинг алангали оловдек кўзларини ва Унинг оқ жундек оппоқ соchlарини кўраяпсизми? Унинг ўз кучида порлаётган қўёшдек юзини кўряпсизми? Иккинчи кўрсатгич – “мен ўзим таниб-билингандек таниб-биламан”. Сиз Уни У сизни билгандек яхши биласизми? Бу саволларнинг жавоби салбий экани кўзга ташланиб турибди. Павлус биз улуғланган танада Раббий билан бирга бўлишимиз вақти ҳақида айтаяпти. Ўшанда айнан манашу мукаммаллик келади.

Шундай экан, ҳали ўша кун келмагунича тиллар ҳам тамом бўлмайди. Кейинги бобларда мен тиллар борлигининг мақсадларидан бири Ерда Худо билан кўпроқ яқинликка эришишимиз эканини кўрсатаман!

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ҲАММА ҲАМ ТИЛЛАРДА ГАПИРАДИМИ?

Бизга шундай савол берилиши мүмкін: “Мен тилларга ишонаман, аммо ҳар қайси имонли ҳам үнгә эришишга қодир әмас, зеро Ёзувда шундай савол мавжуд: “Ҳамма ҳам тилларда гапирадими?” Бу саволга ҳам жавоб салбий бўлади. Лекин бу ерда Павлус берган саволни ҳам жиддий тушунмаслик мүмкинлиги ҳақида гапириш мүмкін. Отанинг ваъдасидан кўпгина масиҳийларни маҳрум қилган шубҳаларни ҳал қилиш учун, биз Янги Аҳдда гап асосан тўрт хил тиллар ҳақида кетаётганини аниқлаб олишимиз керак. Иккита тил омма олдида гапириш учун тайинланган, яна иккитаси эса Худо билан шахсан мулоқотда ишлатиш учун берилган. Биз “Худо Ўз фарзандларини тилларда гапиришларини истайдими?” деган саволга оқилона жавоб беришимиз учун уларнинг ҳар бирини қисқача ўрганиб чиқишимиз керак.

### ТИЛЛАР ИМОНСИЗЛАР УЧУН АЛОМАТ СИФАТИДА БЕРИЛГАН

Тилларнинг биринчи тоифаси *омма олдида ишлатиш* учун берилган. Мен *омма* атамасини ишлатганда, бошқа инсонга ёки бир гурӯҳ одамларга хизмат қилишни назарда тутаяпман. Павлус бу ҳақда шундай ёзади:

Шундай қилиб, номаълум тиллар имонлилар учун эмас, балки имонсизлар учун аломатdir. Пайғамбарчилик эса имонсизлар учун эмас, имонлилар учунdir (1-Кор. 14:22).

Бу тиллар Муқаддас Рӯҳ бизнинг тушунчамизнинг ва онгимизнинг сарҳадларидан юқори турганда ишлатилади ва бизга Еримизда мавжуд бўлган, биз илгари ўрганмаган ва билмаган бошқа тилда гапириш қобилияти берилади. Бу тил Муқаддас Рӯҳнинг иродаси бўйича берилади, биз ўзимиз

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

бундай тилда гапиришни қарор қилолмаймиз. Кўпинча биз ўша тилда гапираётганимизни ўзимиз тушунмаймиз. Биз шунчаки ноъмалум тилларда гапираётганимизни тушунамиз, аммо мавжуд бўлган реал тилда гапираётганимизни тушунмаймиз.

Шундай бир савол беришимга ижозат беринг. Яқинда мен Колорадо штатидаги катта жамоатда воизлик қилдим. Бизнинг жамоатимизнинг ишчиси ҳам шу йиғинда эди, у орқа ўриндиқда ўтирган эди. Бу аёл ибодат қилишга, шафоат қилишга кўп вақтини сарфлайди ва у қўйқисдан, воизлик вақтида Раббий уни мен учун ибодат қилишга ундаётганини ҳис қилди. Шу боис, бутун хизмат давомида у паст овозда инсоний бўлмаган тилда ибодат қилди. У инсоний бўлмаган тилда ибодат қиляпман деб ўйлади. Хизматдан сўнг унинг олдида ўтирган бир жентлмен унга қайрилиб қараб: “Сиз француз тилида жуда яхши гапирав экансиз, боз устига, сизнинг талаффузингиз басавлат экан” деди.

У унга француз тилини билмаслигини айтди.

Шунда бу одам унга: “Мен француз тили ўқитувчисиман ва сиз воиз учун жозибали француз тилида бутун хизмат мобайнида ибодат қилдингиз! Сиз ибодат вақтида Ёзувдан оятлар айтдингиз ва сиз Муқаддас Китобдан тилга олган оятларни, воиз ҳам одамлардан очиб ўқишини илтимос қилди!” деди.

Бу одам қанчалик ҳайратга тушгани, бизнинг ходимамиз эса ҳаяжонлангани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бу ўша одамга мен воизлик қилаётган ваъзим чиндан ҳам Худонинг Сўзи эканига ишонч ҳосил қилиши учун аломат эди.

Элликлик кунида Йерусалим аҳолиси ва меҳмонлари шунга ўхшаш тилларни эшитганлар. Ёзув шундай дейди:

Шу пайтда, Йерусалимда осмон остидаги барча халқлардан бўлган художўй яҳудийлар бор эдилар. Бу шовқин содир бўлганида, кўпчилик одамлар тўпланиб, саросимага тушдилар, чунки улардан ҳар

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

бири ҳаворийларнинг уларнинг маҳаллий шевасида гапираётганини эшилдилар. Шунда ҳаммалари ажабланиб ва ҳайрон бўлиб ўзаро дер эдилар: “Бу гапираётганларнинг ҳаммаси галилиялик эмасми? Қандай қилиб, ҳар биримиз ўзимизнинг туғилган маҳаллий шевамизни эшитаяпмиз? Парфияликлар, мидияликлар, эламликлар; Месопотамия, Яхудия, Каппадокия, Понт ва Асия ўлкасида яшовчилар, Фригия, Памфилия, Миср ва Ливиянинг Киринеяга туташ қисмидагилар ҳамда Римдаги мусофиirlар, яхудийлар ва прозелитлар, критликлар ва араблар ҳам уларнинг бизнинг тилларимизда Худонинг буюк ишлари ҳақида гапираётганларини эшитаяпмиз” (Ҳав. 2:5-11).

Биз яна бир бор ишонч ҳосил қиляпмиз, ноъмалум тилларнинг бундай тоифаси имонсизлар учун аломатдир. Бундай тилда сўзлаш юқорида келтирилган мисолдаги француз тили ўқитувчи учун аломат эди, Ёзуудан келтирилган парчадаги тиллар эса Йерусалимга бутун дунёдан келган кўплаб маълумотли инсонлар учун аломат эди. Бу аломат уларнинг диққатини тортди ва уларнинг юрагини Худонинг Сўзи учун очди.

Мен Худонинг Сўзини бошқа халқларнинг маҳаллий тилида гапирган кўплаб имонлиларнинг ҳикоясини эшилганман, улар ўзи бу тилларни ҳеч қачон ўрганишмаган ва билишмаган. Бундай аломат Худонинг севгисининг мактубини тасдиқлади. Ҳар битта бундай ҳодисани ҳайратомуз хизмат деб атаса бўлади, бу ғаройиб аломатнинг маҳсулидир.

## ТАЛҚИН ҚИЛИШ УЧУН АТАЛГАН ТИЛЛАР

Тилларнинг иккинчи тоифаси оммавий хизмат учун белгиланган. Бу самовий тиллардир ва Ерда бунга ўхшаш тиллар мавжуд эмас. Бошқа барча тиллар тоифасига бундай тавсиф хосдир.

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Сиз осмонда биттадан ортиқ бўлган тиллар ёки шевалар борлигига шубҳаланишингиз мумкин. Қўйидаги эҳтимол устида ўйлаб кўринг: Ваҳий Китоби бизга Исо ғолиб келадиганга оқ тош беради дейди. “Бу тошда янги исм ёзилганки, уни олган одамдан бошқа ҳеч ким билмайди” (Ваҳий 2:17). Бундан ташқари Исо Ўзи ҳақида “Унинг кўзлари олов алангасидайдир. Унинг бошида кўп тожлар бор. Унинг пешанасига Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган бир исм ёзилган эди” (Ваҳий 19:12) дейилган. Шундай экан агар бу исмларни ҳеч ким билмас экан, демак, осмонда ҳар хил тиллар мавжуд.

Иккинчи тоифадига тиллар (осмон тиллари) Муқаддас Рұхнинг тўққизта инъомлари гуруҳининг биттасига киради. Бу Коринфликларга Биринчи мактубининг ўн иккинчи бобида санаб ўтилган. У ерда қўйидагича ёзилган:

... бошқага ҳар хил тиллар, яна бошқага тилларни талқин қилиш инъомлари берилади (1-Кор. 12:10).

Бу тиллар таржима учун эмас, балки талқин қилиш учун кераклилига эътибор беринг. Нега? Чунки бу самовий тиллар, бу тилни бизнинг еримизда ҳеч ким билмайди.

Мен Сингапурдаги бир йиғинни эслайман. Мендан ўша давлатдаги йирик жамоатларнинг бирида хизмат қилишимни сўрашди ва бу менинг Сингапурга бўлган илк ташрифим эди. Ваъз ўқиш учун саҳнага чиқишимдан аввал улкан залда ажойиб мақтов қўшиқларидан сўнг тўлиқ суканат бўлди. Қўққисдан, бир одам самовий тилда гапиришни бошлади. У шуқадар баланд ва соғ гапирадики, микрофонга умуман ҳожат йўқ эди. У манашу йирик йиғинда қайсиdir балконда эди ва барибир ҳар бир киши унинг овозида ҳайратомуз аниқлик ва ҳокимиятни эштирди. Гўё осмон унинг овозини кучайтиргандек эди.

У гапирганида менинг ички инсоним қувончдан сакради,

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

шу пайтнинг ўзида ташқи инсоним ҳам чуқур ҳурматда қотиб қолди. Ҳудди қўлимдаги ва оёғимдаги ҳар бир соч толаси ҳурмат-эҳтиром билан қотиб қолгандек, юрагим эса мұқаддас кайфиятдан дук-дук урарди.

У гапиришни тутатганида шу тил орқали бунинг талқини ва Раббийдан сўз келди ва унинг талқини мен гапирмоқчи бўлган нарсанинг аниқ ўзгинаси эди. Мен қотиб қолдим. Ҳудо нафақат менга, балки бутун йиғинга ҳам ўша кечқурун мен ваъз қилмоқчи бўлган ваъзим, тўлиқ Унинг иродасига мувофиқ эканини тасдиқлади.

Бу талқин билан бўлган тиллар башоратга жуда ўхшайди. Шу боис, Павлус дейди: “Сизларнинг ҳаммангиз номаълум тилларда гапиришингизни хоҳлайман, лекин пайғамбарчилик қилганингиз афзалроқдир. Агар тилларда гапиравчи жамоатни барпо қилиши учун ўша тилларни талқин қилмаса, унда пайғамбарчилик қилувчи номаълум тилларда гапиравчидан буюкроқдир” (1-Кор. 14:5). Шу оятда кўряпсизки, бу тиллар жамоатда оммага хизмат қилиш учун берилган. Бу Павлус: “Ҳамма ҳам тилларда гапирадими?” деган масалада эсга олган тиллар тоифасига киради. Келинг, энди бу парчани фикр доирасида ўқиб чиқамиз:

Ҳудо эса баъзиларни жамоатда биринчидан ҳаворийлар, иккинчидан пайғамбарлар, учинчидан муаллимлар қилиб қўйди. Яна баъзиларга мўъжизакорликни, бошқаларга эса шифокорлик, ёрдам бериш, бошқариш, турли тиллар инъомларини берди. Ҳамма ҳам ҳаворийми? Ҳамма ҳам пайғамбарми? Ҳамма ҳам ўқитувчими? Ҳамма ҳам мўъжизакорми? Ҳамма ҳам шифокорлик инъомларига эгами? Ҳамма ҳам номаълум тилларда гапирадими? Ҳамма ҳам талқин қиласидими? (1-Кор. 12:28-30).

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Сиз Павлус Худо Жамоатга берган хизмат инъомлари ҳақида гапираётганига эътибор бердингизми? Табиийки, ҳамма ҳам ҳаворий ёки пайғамбар ёки ўқитувчи эмас. Ҳамма чўпон ҳам ва ҳамма ҳам мўъжиза яратиш ва шифолаш инъомига эга эмас. Ҳамма ҳам тилларда гапириш ва самовий тилларни талқин қилишнинг хизмат инъомига эга эмас. Нега? Бунинг жавобини навбатдаги парчадан топамиз:

Шундай қилиб, [номаълум тиллар] имонлилар учун эмас, балки имонсизлар учун аломатdir. Пайғамбарчилик эса имонсизлар учун эмас, имонлилар учундир. Агар бутун жамоат бир ерда тўпланиб, ҳамма [номаълум тилларда гапира] бошласа ва оддий одамлар ёки имонсизлар у ерга кирса, унда “сизлар ақлдан озибсизлар”, – деб айтмайдиларми? (1-Кор. 14:22, 23, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу саволга жавоб беришимдан аввал, бу иккита оят оммага хизмат қилиш учун ушбу иккита тилнинг ўртасидаги фарқни кўрсатяпти.

Аввалига, Павлус тиллар имонсизлар учун аломатdir деб ёзган. У Ердаги мавжуд бўлган, биз ҳеч қачон ўрганмаган ва шу боис, билмаган тилларни назарда тутган. Бундай тилни билган имонсиз одам тушунадики, имонли одам ўзи билмаган тилда фақат Раббийнинг аралашуви ёрдамида гапира олади. Шунинг учун тил имонсиз учун аломатdir.

Сўнгра Павлус бир вақтнинг ўзида биргаллашиб йиғиладиган ва тилларда гапирадиган бутун жамоат ҳақида айтган. Бу сафар гап самовий тиллар ҳақида кетаётганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Мен буни биламан, чунки Элликлик кунида барча шогирдлар ердаги тилларда Худонинг буюк ишлари ҳақида гапиришган. Бу тилларни талқин қилиш керак эмас эди, чунки бу тилларни билган имонсизлар, шогирдлар нима ҳақида айтаётганини

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

тушунишган. Бироқ, бу оядда Павлус жамоатда айтилаётган самовий тилларни талқин қилиниши ҳақида гапирган. Акс ҳолда ҳеч ким, ҳеч нарсаны тушунмайди. Күриб турганингиздек, барча бир вақтнинг ўзида тилларда гапиришининг ҳожати йўқ, акс ҳолда нима содир бўлаётганини тушумайдиган барча имонсиз одамлар бизни ақлдан озган деб ўйлади.

Шундай қилиб, кўплар нотўғри тушунган “Ҳамма ҳам тилларда гапирадими?” деган саволга жавоб бериш жуда осон. Худо Жамоатга берадиган хизмат инъомлари масаласига алоҳида ёндашади. Чунки ҳамма ҳам бу инъомларда ҳаракат қилиши керак эмас. Бироқ У хато фикр билан ҳаракат қилмайди ва қайтараман, биз У билан шахсан юришимиз учун ҳар биримизга сахийлик билан беради. Навбатдаги иккита тиллар тоифаси тиллар инъомига киради, улар бизга У билан шахсий ўзаро муносабатимиз учун керак.

## ШАХСИЙ ИБОДАТ УЧУН БЕРИЛАДИГАН ТИЛЛАР

Навбатдаги иккита тиллар тоифаси шахсий ибодат учун берилган ва Ота шундай имкониятга ишонган ҳар бир имонлини бу тиллар билан таъминлайди. Биз бунинг тасдиғини қўйидаги оятларда кўрсак бўлади:

Агар мен номаълум тилда ибодат қилсам, руҳим ибодат қиласди, онгим эса ҳосилсиз қолади. Унда нима қилсам экан? Руҳим билан ибодат қиласман, онгим билан ҳам ибодат қиласман. Руҳим билан қўшиқ айтаман, онгим билан ҳам қўшиқ айтаман (1-Кор. 14:14, 15).

Эътибор беринг, Павлус бу тилларни жамоат йиғинида эмас, балки ибодатда қўллаш ҳақида аниқ гапирган. Шу бобнинг ўзида бизга тушунирилган: “Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

тушунмайди. У Рұх билан сирларни гапиради” (1-Кор. 14:2). Биз оммавий хизмат учун белгиланган иккита тилларнинг бирида гапирганимизда, бу ёки имонсизлар учун (аломат қилиб берилган тиллар), ёки жамоат учун (талқын учун бўлган тиллар) деб айтамиз. Аммо биз ўзимиз тилларда ибодат қилганимизда, биз инсонларга эмас, балки Худога мурожаат қиласиз. Фарқини кўряпсизми?

Юқорида келтирилган оятда Павлус шахсий ибодат учун берилган иккита ҳар хил ибодат ҳақида гапиряпти. Биринчи тури – шахсий тушунчам учун ва мен учун бу инглиз тиладаги ибодат. Иккинчи тури – бу тиллар билан ибодат қилиш, яъни менинг рұхим Муқаддас Рұх томонидан бошқарилган ҳолда ибодат қиласи. Улуғлов қўшиқлари ҳақида ҳам шундай деса бўлади: “Рұхим билан қўшиқ айтаман, онгим билан ҳам қўшиқ айтаман”.

Яҳудо ҳам шахсий ибодатда тиллар билан ибодат қилиш мумкинлигини тасдиқлаяпти:

Сизлар эса, эй, севганларим, Муқаддас Рұхда ибодат қилиб, ўзингизни энг мүқаддас имонингизда барпо қилинглар. Абадий ҳаёт учун Раббимиз Исо Масиҳнинг раҳм-шафқатига кўз тутиб, ўзингизни Худонинг севгисида сақланглар (Яҳудо 20, 21).

Эътибор беринг, биз тилларда ибодат қилганимизда ўзимизни барпо этамиш, агар биз жамоатда тилларни талқин қилсанқ, жамоатни барпо этамиш (1-Кор. 14:5). Худо бизни унисини ҳам, бунисини ҳам қилишимизни истайди, чунки иккала тури ҳам ибодат учун жуда муҳим.

Кейинги бобда биз шахсий ибодат учун мўлжалланган тилларни батафсил муҳокама қиласиз. Бу Раббий билан яқин муносабат қилиш учун ўта муҳим эканини кўрасиз. Мен бу тоифани “яқинлик тили” деб атайман.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ШАФОАТ УЧУН БЕРИЛАДИГАН ТИЛЛАР

Тұртта тоифадаги тилларнинг охиргиси шафоат учун мүлжалланған, яъни айни пайтда биз ким учундир шафоат қилиб, Худодан ёрдам сұраб илтиж қиласыз.

Шунингдек, Рұх ҳам заифликларимизда бизга ёрдам бермоқда; чунки биз қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз, аммо Рұхнинг Ўзи сүз билан ифодаланмайдиган ох-нолалар билан биз учун шафоат қилаяпты. Юраларни синайдиган Худо эса Рұхнинг фикрини билади, чунки Рұх муқаддаслар учун Худонинг иродаси бүйіча шафоат қиласы (Рим. 8:26, 27).

Биз әсанкираб юрадиган ва нима учун ибодат қилишни билмайдиган пайтлармиз бўлади.

Мен севган одамлар билан ва фалокатга йўлиққан бошқа одамлар билан нима содир бўлаётганини билмаслигим мумкин, лекин Худонинг Рұхи ҳаммасини билади. Менинг онам Флоридада яшайди, мен эса Колорадода. Фараз қилайлик, онам Худонинг ёрдами керак бўлган вазиятга тушиб қолди, лекин у буни англамаслиги мумкин, ёки ҳатто, англаса ҳам, мен ибодат қилишим учун алоқага чиқа олмайди. Мен у учун ибодат қилишим кераклигини қаердан билибман ва ҳаттоки, хавотирли вазият ҳақида билиб олган бўлсам ҳам, мен Худодан аниқ нимани сўраш кераклигини билмайман.

Бу оят мен университетда ўқиганимда мен учун илк бора реал бўлди. Мен бундан икки йил бурун имонга келган эдим ва менда бошқаларга Исо ҳақида айтиш истаги оташин эди. Шу боис, мен талабалар шаҳарчасида Муқаддас Китобни ўрганиш машғулотларини ташкил қилдим. Бу машғулотларга университетнинг ўюшмаларидан талабалар қатнашарди. Машғулотда тахминан олтмиш киши йиғилар эди. Бир куни

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

кечқурун мен Муқаддас Рұх ҳақида таълим бердим. Мен Ёзувдан ўқиб бердим ва ҳозир бўлганларга Худонинг иродасини кўрсатдим. Йиғинда бир қиз бор эди. Кимdir унга юқоридан туғилганингда Муқаддас Рұхни автоматик равишда қабул қиласан, тиллар илгари бўлган, ҳозир эса йўқ деб тушунтирган экан. Уларнинг ўқитувчилари Ёзувга ишонмаслиги қанчалик аянчли, бу масалада кўр бўлганлар ҳам, ўз ўқитувчиларига ишонар эдилар. Аммо ўша куни кечқурун бу қиз Муқаддас Китобда бу ҳақда нима дейилганини кўрди, ишонди ва бир зумда бошқа бир неча талабалар билан Муқаддас Рұхга тўлди.

Кейинги куни эрта тонгда мени қўнғироқнинг жиринглаши уйғотди. Муқаддас Китобни ўрганиш машғулотларига қатнайдиган бир биродар қўнғироқ қилган эди. У менинг олдимга одам келганини айтди. Мен тез кийиниб меҳмонни кутиб олиш учун корпусимизнинг вестибюлига чиқдим. Бу кечаги қиз эди, у йўлнинг нариги томониданиги ётоқхонада яшарди. Унинг юзи табассумдан ярқирар эди. У: “Жон, сени уйғотганимдан узр сўрайман, лекин бутун эрталаб мен билан содир бўлган нарсани сенга айтишга сабрим чидамади!” деди.

Муқаддас Рұх уни эрталаб соат бешда уйғотганини ва тезда ибодат қилишни юрагига соганини айтди. У қандайdir аҳамиятли нарса содир бўлганини тушунган, шу боис, хилват жойга бориб, тилларда ибодат қилишни бошлаган. Ибодат тобора таранглашиб борган ва у руҳий жанг қилишни бошлаганини тушунган. Шунинг учун ибодат вақтида у Раббийдан, ким учун шафоат қилаётганини кўрсатишини сўраган. Ўз юрагида у бу қария эканини ва унинг ҳаёти хавф остида эканини эшитган. Қиз у учун бир соат ибодат қилган, сўнгра унинг юрагига тинчлик келган.

Саноқли дақиқалардан сўнг унинг имонли бўлган хонадошига уйидан қўнғироқ қилишди. Унга севимли буваси эрталаб соат бешта юрак хуружини бошидан кечирганини, бироқ

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

мүйъжизавий тарзда у тирик қолганини айтишди. Шифокорлар унинг набирасига бу қўнғироқ бўлишидан атиги бир неча дақиқа аввал уни мувозанатга қайтаришган ва айнан шу вақти унинг таниши тинчликни ҳис қилиб ибодат қилишни тўхтатган.

Қиз чараклар эди. Унинг бутун масиҳийлик ҳаёти давомида, тиллар энди мавжуд эмас, чунки бунинг эҳтиёжи йўқолган деб келишган. Шунчаки кимдир Ёзувга ишонмагани сабабли бу қиз нималарни қўлдан бой берганини тасаввур қила оласизми? Энди уни илгари ишонган нарсага яна ишонтиришнинг иложи йўқ. У энди замонавий имонлилар тилларда ибодат қилиши кераклигига тўлиқ ишонади.

Мен саноқсиз даражада бунга ишонч ҳосил қилганман. Бу ўзга тилларнинг қўлланилишининг ёрқин мисолларидан бири бизнинг австралиялик офис-менежеримиз Эстер билан содир бўлган ҳодиса бўлади. У жуда кучли ибодатчи ҳарбий ва хизматкордир. Тўқсонинчи йилларда у Муқаддас Китобни ўрганиш мактабида ўқиганида, бир куни эрталаб у қўлларини кўтариб, деди: “Раббий, менда бугун ибодат қиласиган мавзуум йўқ, шунинг учун, агар мен Сенга керак бўлсан, мен шу ердаман”.

У шу сўзларни айтиши биланоқ, ўзида оғир бўлган ибодат юки пайдо бўлганини ҳис қилган. У хонасида тиз чўккан ва оғзидан тилларда ибодат сўзлари оқиб чиққан. Ўз руҳида у расво бўлган полда тиз чўкиб турган хитойликни кўрган. У қўллари билан айлана ҳаракатларни қилиб турган, гўёки полни ювадигандек. Ибодат вақтида у қўққисдан унга: “Тур! Тур! Тур!” дегиси келган. Қанчадир вақт ибодат қилиб, ўз юрагида енгилликни ҳис қилган ва уй ишларига қайтган.

Бу ҳодисадан тахминан беш ойдан сўнг Хитойда хизмат қилган Янги Зеландиялик хизматкор уларнинг Муқаддас Китобни ўрганиш мактабига келган. У имон учун қаматилган бир хитойлик чўпон ҳақида айтиб берган. Хитойлик чўпонни бошқа бир чўпон билан бирга қамашган. Иккинчи чўпон бу биринчи чўпонга қараб,

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Худо уни тез орада озод қилишини айтган. Улар шу фикрлар билан хоналарни тозалаш бўйича одатий ишига боришган.

Тез орада назоратчи манашу чўпондан ташқари қолган барча маҳбусларни камераларига қайтариб олиб борган. Чўпон хонада бир ўзи қолган ва полларни ювишни давом эттирган ва қўққисдан унга буйруқ бериб: “Тур! Тур! Тур!” деган овозни эшигтан. Бу буйруққа бўйсуниб, у эшикни олдига борган. Таажжубки, эшик очиқ бўлган ва у қаттиқ қўриқланадиган турмадан ҳеч қийинчилексиз чиққан ва турма биноси олдида турган таксига ўтириб жўнаб кетган.

Эстер ҳаяжонланиб кетган, чунки у ўша чўпонни бир неча ой олдин ваҳийда кўриб, у учун ибодат қилган одам бўлса керак деб ўйлаган. У хизматкорнинг воизлигидан сўнг (уни илгари умуман учратмаган) олдига борган ва ҳодиса рўй бўлган сана, унинг ибодат кундалигида ёзилган сана билан тўғри келганини билиб олган.

Хизматкорнинг олдига Эстер билан Муқаддас Китобни ўрганиш мактабининг раҳбарларидан бири ҳам келган. У ҳам Муқаддас Рух унга бир неча ой муқаддам, мухтоҷлиқда бўлган одам учун ибодат юкини юклаганини эслаган. У тилларда ибодат қилганида, қамоқхонада бўлган хитойликни кўрган. Хизматкор хитой жамоатининг гурӯҳ суратини кўрсатган ва мактабнинг раҳбари тилларда ибодат қилган вақтида кўрган одамни таниган. Бу одам чиндан ҳам турмадан қочган катта чўпон бўлиб чиққан!

Сўнгра Эстер билан мактабнинг раҳбари ўзларининг ибодат журнallаридағи қайдни таққослаб кўришган ва бу бир куннинг ўзида содир бўлганини аниқлашган! Худо уларнинг ушбу ишдаги улкан ҳиссасини тасдиқлади, уларнинг итоати ва шафоатли ибодатининг натижасида, хитойлик хизматчи турмадан озод бўлганини кўрсатган.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### БИЗ ҚАНДАЙ ИШОНАМИЗ?

Агар Эстер ҳам Ёзув пайдо бўлганидан сўнг тиллар тамом бўлганига ишонганида нима бўлар эди? Агар у тиллар ҳамма учун эмас деган гапга ишонганида нима бўлар эди? Қанчалик кўп одамлар бугун Ёзувга эмас, балки ўқитувчиларнинг хато фикрига ишонгани учун ҳайратомуз имкониятларни қўлдан бой бермоқдалар.

Ўзимизнинг хизмат йилларим давомида мен қайд этган буюк фожиа шундан иборатки, кўплаб масиҳийлар Худонинг Сўзини ўзининг шахсий тажрибаси билан изоҳлайди ва Худонинг Сўзига уларнинг шахсий тажрибасини шакллантиришига йўл беришмайди. Бироқ Худо Ўзини бизнинг шахсий тажрибамизнинг қолипи билан чекламайди. У бундан ниҳоятда буюк ва чексиз!

Муқаддас Рұхга тўлиш жадалида мен тўғри ниятили кўпигина масиҳийларни учратганман, аммо улар мени ўзга тиллар инъомини олиш истагидан қайтармоқчи бўлишган. Исо Масиҳи Раббим деб қабул қилганимдан бир неча ойдан сўнг мени талабалар шаҳарчасидаги етакчилар йиғинига олиб келишибди. Бу хизмат менинг нажот топишимга олиб келган материалларни чоп этарди. Мен уларга бу учун доим миннатдорман.

Бироқ бу йиғинда мен енгил шокни бошдан кечирдим. Йиғин раиси ҳар бир етакчидан ўша семестр учун бўлган асосий ибодат муҳтоҷлиги билан бўлишишни сўради. Бир ёш йигит “яхши” ўртанчи бал учун ибодат қилаётганини айтди. Бошқаси эса хонадошининг нажот топиши учун ибодат қиласарди. Сўнгра улар менинг олдимга келишганда, мен: “Муқаддас Китобда айтилгани бўйича, улар ўзга тилларда гапиришни бошлаганидек, Муқаддас Рұхнинг инъомини олишни истайман” дедим.

Мен бу сўзларни айтишим биланоқ, катта етакчи тезлик билан ва асабийлашиб: “Жон, биз бу ҳақда йиғиндан кейин гаплашамиз” деди.

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Аммо биз бу ҳақда гаплашмадик. Мени Раббийга олиб келган курсдошим мени четга олиб: “Жон, улар ўзга тилларда гапиришга ишонмайдилар” деди.

Мен янги имонли бўлганим учун ҳайрон қолдим ва унга қараб: “Нима? Улар Муқаддас Китобда ёзилган нарсага ишонмайдими?” дедим.

Бу воқеа менга ўтмишни эслатди, чунки мен улғайган жамоатимизнинг йўналиши, Ёзувнинг таълимотига эмас, балки инсоний таълимотга асосланган эди. Очифини айтганда, улар бизга Муқаддас Китобни ўқиманглар, балки чўпон уни қандай шарҳлашига қулоқ солинглар деб маслаҳат беришарди. Мен ўн икки йил давомида жамоатга қатнадим ва жаннатга олиб борадиган йўлдан юрибман деб ўйлардим, аслида эса мен тўғри дўзахга кетаётган эдим. Шу боис, мен имондаги биродарим орқали Ёзувда келтирилган Худонинг нажот режаси ҳақида билиб олганимдан сўнг мен ўша заҳотиёқ Муқаддас Китобга сўзсиз ишонишга қарор қилдим, шу билан бирга, мен уни тушунаманми, йўқми, бу муҳим эмас эди!, Раббийнинг қўрқуви эса доноликнинг бошидир (Сано 110:10).

## МАРҲАМАТДА ЁКИ БИЛИМСИЗЛИКДА

Менда сиз учун яхши хабар бор! Сиз Худонинг иродаси бўйича Муқаддас Рӯҳга тўлишингиз ва самовий тилларда гапиришингиз мумкин! Аслида, сиз Худонинг юрагидан чиқаётган ва сизга қаратса айтилган мурожаатни эшитишни истасангиз, мана ўша мурожаат:

Сизларнинг ҳаммангиз номаълум тилларда гапиришингизни хоҳлайман, лекин пайғамбарчилик қилганингиз афзалроқдир. Агар тилларда гапирувчи жамоатни барпо қилиши учун ўша тилларни талқин қилмаса, унда пайғамбарчилик қилувчи номаълум тилларда гапирувчидан буюкроқдир (1-Кор. 14:5).

## Худога яқынлашиш

Сиз: “Павлус бу гапларни Коринфликларга қаратиб айтган” дейишиңгиз мүмкін.

Йүк, бизга барада айттылған: “Эң аввало, шуни билингларки, Ёзувдаги ҳеч бир пайғамбарчилік бирорнинг хұсусий таъбири эмасдир [бирорта пайғамбарчилік пайғамбарларнинг ўзидан келиб чиқмаган]” (2-Пет. 1:20) ва бошқа жойда: “Бутун Ёзув Худодан рухланған” дейилганды (2-Тим. 3:16). Бошқа сүзлар билан айтганда бу Павлуснинг коринфликларга эмас, балки Раббийнинг бизга бўлган сўзлари дир, зеро Худонинг сўзи “тирик ва абадий мавжуд” (1-Пет. 1:23). Худо Ўз фарзандларига дейди: “Мен барчангиз тилларда гапиришиңгизни хоҳлайман”.

Сиз ҳеч қачон сиз ишонмаган нарсада барака ололмайсиз. Мен бу сўзларни қайтармоқчиман. Худога мулоҳазалар, мұхтожлик ёки ҳиссиётлар билан таъсир қилиб бўлмайди. Аммо имон билан таъсир қиласа бўлади. Исонинг одамларга айтган гапини қайта ва қайта эшлиши мүмкін: “Сизларга имонингиз бўйича бўлсин”. Имон Худо айтганидек амалга ошишига шунчаки ишонади.

Биз ўз тажрибамизга эмас, балки ҳақиқатга ишонишимиш ва уни воизлик қилишимиз жуда мұхим. Тажрибанинг жозибаси шундаки, у ҳақиқатни тасдиқлаши мүмкін, лекин у ҳақиқатнинг устози бўлолмайди. Бизнинг Ўқитувчимиз – Муқаддас Руҳ ва У ҳеч қачон Худонинг Сўзида ёзилган ҳақиқатга зид таълим бермайди. Биз Худонинг Сўзига ишонганимизда, ҳам ваҳий, ҳам тажриба ортирамиз. Афсуски, жуда кўпчилик одамлар ҳаммасини тескари қилишади – улар аввал тажриба ортиришни, сўнгра ишонишни истайдилар. Бу Томаснинг Исога қаратиб айтган сўзларига ўхшайди. Биз барчамиз танлов олдида турибмиз: имонимизни бошқа одамларнинг тажрибасида қуришимиз ёки қуйидаги сўзларни айтган Зотнинг Сўзида қуришимиз мүмкін:

Худо одам эмаски, алдаса ва инсон ўғли эмаски, ўзгарса.

У гапириб, айтганини қилмайдими? Ёки сўзлаб, уни амалга оширмайдими? (Сонлар 23:19).

## ОТАДАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Якунида, Муқаддас Китоб тиллар ибодати ҳақидаги сўзларига урғу бермоқчиман: “Биродарларим, сизларни руҳий инъомлар ҳақида билимсиз қолишингизни хоҳламайман” (1-Кор. 12:1). Сўнгра У бу бобда нима ҳақида айтганимиз ҳақида ҳикоя қиласи ва боз устига, ушбу масалаларни мухокамасининг якунида У аниқ гапирмоқда:

Аммо ким буни англамаса, унда англамай қўя қолсин (1-Кор. 14:38).

Бошқача сўзлар билан айтганда Муқаддас Рӯҳ Павлус орқали шундай дейди: “Мен сизларга тиллар борасида аниқ тушунтиридим. Агар сизлар билимсиз қолишни истасангизлар, демак билимсиз қоласиз ва сиз Менинг инъомларим билан баракаланмайсизлар”. Мен Рӯҳ хафа бўлганига амин эдим. У Павлус орқали бу сатрларни юборганда, Унинг мактублари ёзилганидан кўп йиллар ўтганидан сўнг бу мавзуни қайноқ бахсга ва музокарага айлантирадиган одамлар бўлишини олдиндан кўрган (илк жамоат кунларида тилларга шубҳаланиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган).

Ва яна. Рӯҳ биз бу масала борасида билимсиз (англамай) қолишимиз мумкинлиги ҳақида ачиниб гапиряпти, бироқ бу масала бўйича Унинг якуний қарори қўйидаги бўлади:

Шундай қилиб, биродарларим, пайғамбарчилик қилиш учун рашк қилинглар, номаълум тилларда ҳам гапиришни тақиқламанглар (1-Кор. 14:39).

Бу огоҳлантириш, агар сиз кимнидир ўзга тилларни танқид қилаётганини эшитсангиз билингки, у Раббийга қулоқ солмаётганини билдиради. Худо охирги кунларда, ёки билимсизлиги сабабли, ёки қайсарлиги туфайли Унинг қўйларига тилларда гапириш керак эмас, ёки бу умуман Худодан эмас дейдиган одамлар бўлишини билар эди.

## Худога яқинлашиш

Мен кейинги бобга ўтиш чоғида, сиз Худонинг йўз фарзандларига инъом этган мўъжизавий таъминотини кўришингиз ва Муқаддас Рух барча имонлиларга берадиган яқинликнинг ғаройиб тилига эга бўлишингиз учун ибодат қиласман.

(Диққат: Агар сиз ҳали Муқаддас Рухга тўлган бўлмасангиз, Илова Б га мурожаат қилинг. Ушбу инъомни ибодатда сўрашингиз учун мен сизни бажонидил бошқараман.)

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Ушбу бобнинг бошида мувалиф ўзининг талабалик давридаги илк имон кунлари ҳақида фикр юритади. У янги ҳаётнинг бошланишини таърифлаб беради, бироқ у гарчи Ёзувни тиришқоқлик билан ўргангандай бўлса ҳам, унда нимадир етишмаётганини ҳис қилган. Сизда ҳам шундай ҳиссиёт бўлганми, балки сиз ҳанузгача бундай муаммоларни бошингиздан кечираётгандирсиз?
2. Тилларда гапириш масаласини ўргангандан сўнг сизнинг қарашларингизда нима ўзгарди? Худо сизни Унинг Рухи билан тўлишингизни ва самовий тилларда гапиришингизни исташи ҳақида янгиликка қандай қарайсиз?
3. Сиз бу китобни ўқишингизнинг сабаби бор, қандайдир ҳодиса ёки кечинмалар, Худога яқинлашиш нимани англатишини аниқлашга ундалган. Балки сиз ҳозир ўқиган таърифлар орқали Худо сизга мақсадингизга эришишингизга ёрдам берадиган янги воситани бераётгандир? Эҳтимол, шахсий ва шафоат ибодати учун мўлжалланган тиллар инъоми сизнинг Раббий билан юришингиздаги навбатдаги қадамингиз бўлади?

# ЯҚИНЛИК ТИЛИ



Худонинг донолиги – чукур сувлардир ва  
табиий ақл учун бу буюк сир.

**М**ен буни қайта ва қайта ёзган эдим ва менинг сўзларим юрагингизга чукур ўранишиши учун тақорламоқчиман, - *Худо сиз билан яқинлашишни иштиёқ билан истайди*. У сиз билан яқин муносабатда бўлишни жуда истайди. У сиз билан шунчаки суҳбатлашишни эмас, балки бу суҳбат ва ўзаро муносабат тўйимли, бой ва узлуксиз бўлишини истайди.

## ХУДО БИЛАН УНИНГ ДАРАЖАСИДА МУЛОҚОТ ҚИЛИШ

Бундай чукур ва ёрқин ўзаро муносабатлар реал бўлиши учун, Худо У билан Унинг даражасидаги мулоқот учун барча

## Худога яқынлашиш

шароитни яратди! Мен нимани назарда тутаётганимни тушунтиришимга ижозат беринг. Ёзув бизга шундай дейди:

Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Рух билан сирларни гапиради (1-Кор. 14:2).

Биз Павлус юқорида келтирилган иккита оммавий тоифали тиллар ҳақида ҳикоя қилмаётганини биламиз, чунки улар Худонинг Сўзини одамлар тушунадиган тилда тушунтириб беришини назарда тутади. Бу оятда Павлус биз ибодатда ёки Худо билан суҳбатдаги ҳолатимиз ҳақида айтаяпти. Биз тилларда *ибодат* қилганимизда инсонларга эмас, балки Худога қаратиб гапирамиз. Павлус яна шундай деган: “Шунингдек, Рух ҳам заифликларимизда бизга ёрдам бермоқда; чунки биз қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз, аммо Рухнинг йўзи сўз билан ифодаланмайдиган оҳ-нолалар билан биз учун шафоат қилаяпти” (Рим. 8:26). Айтганча, айнан манашу иккита нарса, кўпинча Худо билан суҳбат қилишимизга тўсиқлик қиласди. Биз нима ҳақида ибодат қилишни ёки қандай ибодат қилишни билмаймиз.

Бу навбатдаги мисолда яхши кўринади. Агар мен Қўшма Штатлар президентининг кабинетига киришимга тўғри келганида, мен у билан бир хил даражада гапира олармидим? Йўқ албатта, у менинг тушуниш даражамга тушишига тўғри келарди. У давлат ишларини ва мамлакатнинг муаммоларини, шу жумладан кенг жамиятга маълум бўлмаган давлат хавфсизлиги масалаларини мендан кўра яхшироқ тушунади. У режалар ва лойиҳалар ҳақида билади, у маҳфий атамаларни ва рақамларни билади, зеро борди-ю, улар хоин одамларнинг қўлига тушиб қолса, давлат жиддий хавф остига қолади.

Деярли шу тарзда, мен Коинот Подшоҳининг даргоҳига, Унинг тахтипойига кирганимда, агар мен онгим билан ибодат

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

қилсам бизнинг суҳбатимиз қисқа бўлади! Мен Раббий билан Унинг юқори даражасида гаплаша олмайман, чунки У мендан кўра анча кўпроқ билади. Юқорида келтирилган мисолдагидек, У Коинотдаги вазиятни мендан кўра бекиёс даражада кўпроқ билади, шу жумладан, турли сабабларга кўра ҳозирча биздан сир сақланётган нарсаларни ҳам. Хусусан, сир бўлган нарсалар, тасодифан бўлган шахслар қўлига тушмаслиги учун сир сақланади. Бу ҳақда Павлуснинг навбатдаги огоҳлантиришида айтилган:

Биз Худонинг сири ва яширин бўлган донолигини воизлик қилмоқдамиз. Худо бу донолигини асрлар бошланишидан аввал бизнинг шуҳратимиз учун тайин қилган. Шу доноликни бу дунё ҳокимларидан ҳеч ким англамади. Буни англаганларида эди, шуҳрат Раббийсини хочга михламас эдилар (1-Кор. 2:7, 8).

Бу оятда олий донолик ҳақида гапирилади, у Раббий Исонинг хочга михланишида, тирилишида ва унинг кетидан келган шуҳратда намоён бўлди. Бу Худо ушбу вазиятларни сир билан ўраганининг бир мисоли, токи У амалга ошиши учун тайин этган ҳодисаларга тўсиқ бўлмасин. (Матто 7:6). Ёзув биз уруш ҳолатида эканимизни таъкидлайди ва бизнинг душманимиз ва жангимиз – бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару ҳокимиятларга ва самовий оламдаги ёвузлик руҳларига қаршидир (Эф. 6:12). Жисмоний даражадиги урушда бир тарафда жанг қилаётган кучларнинг ўртасида маҳфий алоқа бўлиши муқаррар. Раббий қўшинларининг Кўмондони ва Унинг Шоҳлигининг жангчилари ҳақида ҳам худди шундай деса бўлади. Раббий Ўз Шоҳлигининг равнақи ва бизнинг ҳимоямиз учун Ўз фарзандларига ғаройиб маҳфий алоқани берди. Биз тилларда гапирганимизда душман ҳатто, биз Отадан нима ҳақида сўраётганимизни билмайди. Ёвуз кучлар биз севганларга

## Худога яқынлашиш

ҳужум қилишни режалартиради, фаришталар эса ёвуз руҳларни ишғол қолдириб қўққисдан тўсиқ девор билан ўрайди. Натижада, жинлар тўлиқ мағлубиятга учраб даҳшатда қочиб кетишади.

## БОШ МАҚСАД

Бизнинг тиллардаги ибодатимиз нафақат махфий маълумотни душманлардан сақлаш учун керак. Бу тилларнинг асосий мақсади – Раббий билан яқинлик. Мен турмуш ўртоғим билан узоқ вақт бирга яшаймиз ва шу вақт ичида биз бир-биrimizга шунчалик яқин бўлдикки, бизда бир-биrimizга маълумот етқазишнинг ноёб усули пайдо бўлди. У менга бошқа одамларнинг олдида туриб бўлса ҳам ўта сирли бўлган маълумотни етказа олади, унинг айтган сўзини ҳеч ким умуман тушунолмайди. Биз яқинликнинг шахсий тилини ишлаб чиқардик. Бундай тил нафақат эр ва хотинларга, балки бир-бири билан яқин мулоқотда бўлган барчага муҳайё. Яқин дўстлар, бир-бирини узоқдан бери билган, бир-бири билан йиллаб ишлаган, биргаликда жанг қилган одамлар ҳам бир-бирини ярим сўздан тушунади. Натижада, бундай одамларнинг мулоқотида дўстликнинг ноёб ва бетакрор тили пайдо бўлади.

Худди шундай, Худо бизга яқин мулоқот қилишнинг ва У билан чуқур даражада дўст бўлишнинг имкониятини берди. Бизнинг сотиб олинган, табиий онгимиз ҳеч қаҷон бу даражага эришолмайди. Саночи шунга ўхшаш нарсани олдиндан кўрган ва шу боис, шундай деб ёзган: “Сенинг шаршараларинг овози билан тубсизлик тубсизликни чақиради, Сенинг барча сув тўлқинларинг менинг устимдан ўтди” (Сано 41:8). Бизнинг мулоқотимиз тирик шаршараларни эслатади. Исо бизнинг бағримиздан ҳаётбахш сув дарёлари оқиб чиқади. У буни – имонлилар қабул қилиши лозим бўлган Руҳ ҳақида айтди (Юханно 7:38, 39). Бизнинг Раббий билан яқин муносабатимиз

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

тирик сувларнинг оқимиға ўхшайди. Муқаддас Рұх бизга нима берганини тасаввур қиласизми! У йуз фарзандларига қандай қобилиятни берганини күз олдингизга келтириб күринг! Бу ҳақда ўйлаганингда рұх ҳис-ҳаяжонга тұлади!

Олдинда бизни янада ғаройиб ишлар күтмоқда. Павлус тилларда ибодат қиладиган имонли ҳақида шундай дейди:

Уни ҳеч ким тушунмайды. У Рұх билан сирларни гапиради (1-Кор. 14:2).

Павлус “сирларни” дея нимани назарда тутган? Сирлар деб таржима қилингандардың өзінде “musterion”. У.И. Вайн өзінде тилининг мутахласиси бу сүз ҳақида шундай ёзади: “Янги Ахдда бу сүз (инсон тушунчасыда) сирли бўлган ёки маҳфийлаштирилган нарсани эмас, балки табиий ақлнинг одатий ўзлаштириши (идроқи) доирасидан ташқарида бўлган нарсани англатади ва бу фақатгина Худонинг ваҳийи орқали тушунилиши мумкин”. У фақатгина идроқи ёки ўзлаштириш қобилияти Муқаддас Рұх томонидан ёритилган одамларгагина маълум бўлади. Оддий бўлган “сир” сўзи яширин билимни назарда тутади, бу сўзниңг ёзувдаги мазмуни – “очиб берилган ҳақиқат”дир.

Шундай қилиб биз тиллардаги ибодатнинг яна битта имтиёзини қўлга киритамиз. Муқаддас Рұх Худо Масихнинг онгини ва Отанинг онгини билади, чунки Уларнинг бари – бир бутундир. У шунингдек, бизга нима етишмаётганини ҳам билади, чунки У биз билан мудом бирга бўлади. Шунинг учун У воситачининг ролини ўйнайди ва бизга самовий тилни, биз мукаммал даражада мулоқот қилишимиз учун сўзларни беради. Буни нақадар ажойиб эканини тасаввур қилинг! Балки сиз шундай фикр қиласиз: *аммо мен тилларда ибодат қилганимда нима деяётганимни тушунмайман*. Ҳа, чунки Павлус шундай деб ёзган:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Шунингдек, номаълум тилда гапиравчи талқин қилиш учун ибодат қилсин. Агар мен номаълум тилда ибодат қиласам, руҳим ибодат қилади, онгим эса ҳосилсиз қолади (1-Кор. 14:13, 14).

Шундай қилиб, бу Худо билан мулоқотми, илтижоми ёки шафоат бўладими, агар мен Ундан бу ҳақда сўрасам, Муқаддас Рух мен Унинг бошқаруви остида нима ҳақида ибодат қилаётганимнинг мазмунини очади. Шунда нафақат менинг руҳим, балки жоним ҳам бу мулоқотдан баҳра олади.

## ОЧИЛГАН СИРЛАРНИНГ ҚЎРИҚЧИСИ

Бундай мулоқотда Раббий кўпинча менга Ёзувда яширилган ҳақиқатни очади ва улар қўйқисдан тирилиб келади, мен хизматимнинг кўп йиллари мобайнида манашу ҳақиқатлар ҳақида ёзиб келдим ва таълим бердим. Бироқ мен ҳали гапирмаган жуда кўпгина ҳақиқатлар бор.

Сиз мендан нима учун бошқа ҳақиқатлар билан бўлишмаганим тўғрисида сўрашингиз мумкин. Гап шундаки ҳали бунинг вақти келган эмас, ёки Худо Ўз халқига ҳозир нимадир бошқа нарсани айтмоқчи. Биз Шоҳликнининг элчилари вазифасини ўтаганимизда, биз Худонинг номидан гапираётганимизни тушунишимиз керак ва У бизга гапиришни буюрган нарсалар бор, лекин яна шундай нарсалар борки, улар ҳақида ҳали гапириш керак эмас.

Мен бу ҳақиқатни ўзлаштиришим учун оғир дарсни бошимдан кечирганим ёдимда. Бир куни мен бизнинг мамлакатимизда барча яхши биладиган Худонинг одами билан учрашишим керак эди. Мен унинг хизмати ҳақида кўп нарсани эшигтанман, унга қойил қолардим, шу боис у билан учрашишни жуда кутган эдим. Бизни бошқа бир чўпон таништирди. Мен ҳаяжонда эдим. Шундай қилиб, бир куни кечқурун кечлиқ

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

устида биз – чўпон, Худонинг одами ва бизнинг рафиқаларимиз учрашдик. Кечлик устида мен уни ҳайратлантириш мақсадида Худонинг энг таъсирли ваҳийлари билан бўлишдим. (Ўша пайти мен тушунмас эдим, лекин сал ўтиб, менинг ваҳийларимнинг мақсади айнан шу эканини тушундим.)

Кечлиқдан сўнг чўпон бизни меҳмонхонага олиб борди. Мен рафиқам билан чарчаган эдик, чунки кун жуда мазмунга бой эди. Бироқ мен қанчалик чарчаган бўлмай, руҳимда ноқулайлик ҳисси ўсиб бораарди. Мен Раббий мени ибодат қилишимни истаётганини билардим, шунинг учун рафиқамга менсиз ётишини айтдим. У ухлашга кетди, мен эса меҳмонхонамиз номерининг балконига чиқдим. Мен хонадан чиққанимданоқ, Муқаддас Рух юрагимга қаттиқ гапирди: “Шундай қилиб, подшоҳ ўзининг барча хазиналарини кўрсатди”.

Менинг юрагим чўкиб қолди. Мен синиб кетдим ва уялдим. Мен Муқаддас Рух Ҳизқияҳнинг хатосини эслатганини билдим. Подшоҳ Ҳизқияҳнинг олдига меҳмонлар келган эди ва у уларни ҳайратлантирмоқчи бўлди:

Шунда Ҳизқияҳ юборилганлардан қувониб, уларга ўзининг хазиналарини, кумушларини ва олтинини, хушбўйликларини, қимматбаҳо мойларини, бутун қуроласлаҳалар ўйини ва унинг хазиналарида бўлган ҳамма нарсани кўрсатди. Ҳизқияҳ уларга ўз ўйида ва бор мулкида кўрсатмаган бирор нарса қолмади (Ишаъё 39:2).

Ишаъё пайғамбар Раббийнинг номидан подшоҳга ҳукм чиқарди. Мен ўзимни даҳшатда ҳис қилдим. Мен ўша кеча дастурхон бошида ўша инсонни ҳайратлантириш учун Худо менга очган ҳақиқатлар ёки хазиналар ҳақида айтганимни билардим.

Сўнгра Худо менга қатъият билан гапирди: “Ўғлим Мен сенга қимматли ҳақиқатларни сен истаган ерга бориб

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

ўзингга ёққандек тарқатиб юришинг учун очган эмасман. Бу ҳақиқатларни сенга бошқаларни ҳайратлантириш учун берган эмасман. Мен сенга берган ҳамма нарсани доно идорачиси сифатида бошқаришинг лозим ва Мен сенга буюрмагунимча, ҳеч кимга ҳеч нарса демаслигинг керак". Мен шу заҳотиёт тавба қилдим, Худодан кечирим сўрадим ва айборлик ҳисси мени бир зумда тарк этди, мен тинчликда ухлашга кетдим. Худо нақадар шафқатли!

Агар биз доно бўлсак, яқин дўстимиз сифатида ҳаммага барча сирларни ва бор маълумотни ўйламасдан атрофга сочмайдиган, биз ишонадиган одамларни танлаймиз. Яқин дўстлар донолик билан ва ақл билан бир-бири ҳақида биладиган ҳамма нарсани сир сақлайдилар. Агар дўст бу қоидани доим бузиб келса, биз у билан бўлишишни бас қиласиз, чунки у бизнинг ишончимизни қадрламаслигини биламиз. Раббийнинг сирлари билан ҳам худди шундай. Агар У биз билан йиғини бўлишишини истасак, биз У бизга бошқа одамларга қачон ва нима гапиришимизни буюрганида сезир бўлишимиз керак.

## ХУДОДАН МАСЛАҲАТ СЎРАШ

Мен ибодат қилганимда ёки Худо билан тилларда сухбат қилганимда, мен бошимга фикрлар оқими, ғоялар, ваҳийлар, донолик ёки таълимот оқиб келганини кўраман. Бу гўё денгизнинг тубида ҳаво тўла идишни очганга ўхшайди ва энди унга ҳеч нарса тўсиқ бўлмагани учун сувнинг қатламига шиддатли оқим билан чиқиб келади. Ғоялар ички инсондан келиб чиқади ва ақлимга келиб тушади. Ёзув бу ҳақида шундай дейди:

Инсоннинг руҳи – Раббийнинг чироғидир, у инсоннинг борлиғининг барча ички қисмларини текширади (Ҳик. 20:5).

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

Муқаддас Рұх бизнинг онгимизга әмас, балки рұхимизга гапиришини ёдда сақлашимиз керак. Вужудимизнинг айнан манашу қисми бизни ёритади. Биз рұхда ибодат қылганимизда ва Рұхдан талқын сұраганимизда, Худонинг донолиги ваҳий оқимлари билан юрагимиздан түшүниш қатламига ёки онгимизига күтарилади. Ёзувда бу ҳақда шундай дейилган:

Инсоннинг юрагидаги ниятлари – чүкүр сувлардир, аммо ақлли одам уларни сузиб олади (Хик. 20:5).

Худонинг маслаҳати нима? Бу аниқ вазиятда құлланиладиган донолиқдир. Одамлар нима сабабдан маслаҳатчининг олдига боришади? Уларнинг үзиге хос вазиятида мұхим доно маслаҳатни олиш учун боришади.

Әътибор беринг, Муқаддас Китобда Худонинг маслаҳати чүкүр сувлар билан қиёс қилинаяпты. Уни фақат Худонинг йүлларини биладиган, ақл-идрокли инсон олиши мүмкін. Муқаддас Рұх Шоҳликнинг барча сирларини (пинҳон ниятларини, барча билимини ва донолигини) билади. Исо нима деганини әслайлик:

Ким Менга имон келтирса, Ёзувда айтилганидек, үша одамнинг бағридан ҳаётбахш сув дарёлари оқиб чиқади. У буни – имонлilar қабул қилиши лозим бўлган Рұх ҳақида айтди, зеро ҳали уларда Муқаддас Рұх йўқ эди, чунки Исо ҳали улуғланган әмас эди (Юханно 7:38, 39).

Ҳикматлар китобига кўра инсон юрагининг фикрлари – бу Худонинг маслаҳати ёки донолигидир ва Исо бу доноликнинг манбаси Муқаддас Рұх эканини айтди. Айнан Утирик сувнинг булоғидир (Йер. 1:13). Энди, Павлус нима деганини диққат билан ўқинг:

Балки Худонинг сирли ва яширин бўлган донолигини воизлик

## Худога яқынлашиш

қилмоқдамиз. Худо бу донолигини асрлар бошланишидан аввал бизнинг шұхратимиз учун тайин қылған. Биз эса бу дүнёning руҳини олмадик, балки Худо бизга ато қилғанларини билишимиз учун Худодан бўлган Руҳни қабул қылдик. Биз буни инсоний доноликдан ўргангандан сўзлар билан эмас, балки Муқаддас Руҳ ўргатган сўзлар билан воизлик қилиб, руҳий нарсаларни руҳий нарсалар билан таққослаймиз (1-Кор. 2:7, 12, 13).

Шундай қилиб, Худонинг донолиги ёки Худонинг маслаҳати – бу чуқур фикрлардир ва кўпинча, бу бизнинг табиий ақлимиз учун буюк сир бўлган нарсадир. Лекин Исо Муқаддас Руҳ тирик сув дарёси бўлади деяпти. Қандай қилиб? Павлус буни аниқ айтган:

Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Руҳ билан сирларни гапиради (1-Кор. 14:2).

Манашунаقا! Айнан шу тарзда инсон ва ақл-идрокли инсон Худонинг маслаҳатини олади. Ёзувода менга тушунарсиз бўлган жойлар билан қанчалик кўп тўқнашганман. Миямда мен жавоб тополмаган саволлар туғиларди. Кўп нарсалар мен учун сир бўлиб қолди.

Кўпинча мен сўрардим: “Муқаддас Руҳ, мен буни тушунмайман, илтимос менга тушунтир...”. Сўнгра мен тилларда ибодат қиласардим ва тез орада ёки сал ўтиб, тилларда ибодат қилганимдан сўнг онгимга илгари пинҳон бўлган ҳақиқатнинг ваҳийи келарди. Бу нақадар ғаройиб!

Мен китоб устида ишлаш вақтида кўпинча гўёки боши берк кўчага кириб қолгандек бўлардим. Менинг давомдаги йўлим мажҳуллик зулмати билан қопланган эди. Шунда мен ўрнимдан туриб, тилларда ибодат қилишни бошлардим ва тез орада, одатда бир неча дақиқалардан сўнг мен доно жавоб олардим,

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

бамисли манашу доноликни тұсыб турған тұғон ёрилиб кетарди ва мен ишимни давом эттирадим.

Бүйдоқ бўлганимда кимга уйланишим мен учун сир бўлган. Бўйдоқ бўлган вақтимда мен ёқтирган учта таниш қиз бор эди. Лекин мен кўп вақт руҳда ибодат қилганим учун Худо менга улар уччаласи борасида ҳам “Йўқ” деяётганини тушундим. Сўнгра мен Лизани учратдим ва бир ой мобайнида ҳар куни ярим соат ибодат қилиб, ўзимни Рух билан ўзаро муносабатда бўлишга бағишиладим. Ибодат вақтида Худо менга танловимни маъқуллади, сўнгида бўнинг кўплаб тасдиғини олдим. Бироқ айтишим керакки, шубҳасиз бунинг тасдиғини олишдан аввал ҳам, Лиза менинг пешанамда борлигини билардим. Мен буни ичимда билардим, бу борада тилларда ибодат қилганимда ҳис қилган тинчликдан билардим.

Шундай пайтлар бўлганки, мен ҳаётимда ёки менга яқин бўлган одамларнинг ҳаётида нима содир бўлаётганини тушунмас эдим. Бу мен учун сир эди. Мен Муқаддас Рухдан менга Унинг донолигини, Унинг вазиятга бўлган назарини намоён қилишини сўрардим. Чиндан ҳам тилларда ибодат қилганимдан маълум бир вақтдан сўнг ҳамма нарса ойдинлашарди.

Шундай пайтлар бўлганки, менинг оила аъзоларим ибодатга муҳтоҷ бўлган, устига устак, мен ўзим буни тушунмаганман ва шунда Муқаддас Рух бирор одам учун тилларда ибодат қилишимга мени унdagан. Вақт ўтиб, мен бу одамдан, хавфдан қутулишга ёрдам берган Худонинг аралашуви ёки ҳимояси ҳақида эшитардим.

Сир – бу бизнинг табиий ақлимиздан яширин бўлган нарсадир. Мен қайси жамоаттга қатнашим кераклиги, қандай хизматда бўлишим кераклиги, қанақа уй харид қилишим кераклиги, президент ёки бошқа етакчилар учун қандай ибодат қилишим кераклиги ва чўпоним учун қандай қилиб самарали

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

ибодат қилишим зарурлиги мен учун сир билан яширинган бўлиши мумкин. Бу рўйхатнинг охири йўқлигини ўзингиз яхши биласиз.

### ХУДОНИНГ БОШҚАРУВИНИ ИЗЛАШДАГИ ТИНЧЛИК

Кўп имонлилар учун улар танлашлари керак бўлган йўналишининг сири энг оғир юк ҳисобланади. Шу сабадан одатда одамлар маслаҳатчининг олдига боришади. Аммо менда сиз учун ҳайратомуз янгилик бор! Сиз энди нима қилишингиз кераклиги борасида қайғуришингиз керак эмас. Худо ваъда берган: “Агар сизлардан бирортангизга донолик етишмаса [нима қилишни билмаса], ҳаммага самимият билан, таъна қилмасдан берувчи Худодан сўрасин ва унга берилади” (Ёқуб 1:5). Биз шунчаки сўрасак бўлди! Қандай қилиб? Ўз вазиятимиз учун тилларда ибодат қилиб. Илгари мен чорасиз ҳолатга тушиб қолганимда, нима қилишни билмасам тилларда ибодат қилишни бошлардим ва ҳар сафар фавворанинг оқимига ўхшаб донолик юрагимдан ақлимга шиддат билан оқиб чиқарди, бу менга шу вазият учун жуда керак эди.

Ўз хизматимизда биз кўп йиллар мобайнида айнан анашундай ҳаракат қилдик. Мен нима қилиш кераклигини билмаганимда, қанчадир вақт шунчаки тилларда ибодат қилардим ва қўққисдан Худонинг руҳланган ғоялари сербар оқиб келарди. Биз турмуш ўртоғим билан кўп йиллар аввал хизмат қилишни бошладик. Ҳар битта муҳим қарорни мен Рұҳда ибодат қилганимдан сўнг қабул қилганман. Бугунги кунда учта минтақада меҳнат қилаётган ўттиздан ортиқ хизматкорларимиз бор. Худо бизга Унинг Сўзи ва ҳузури билан миллионлаб одамларнинг ҳаётига таъсир қилиш имкониятини берди. Ўн тўрт йиллик хизмат мобайнида биз бирор марта ҳам қарзга тушмадик ва ҳозир бизнинг маблағ кўринишидаги дуруст сармоямиз ҳам бор ва Худога самарали хизмат қилишимизга

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

ёрдам бераётган ишчиларимиз ҳам бор. Бунинг барчаси имконли бўлишига Худонинг қуидаги сўзлари сабаб бўлди:

Раббий, сени қайта сотиб Олувчинг, Исройлнинг Муқаддаси шундай дейди: “Мен – сени фойдали нарсаларга ўргатувчи ва сени юришинг керак бўлган йўлдан етакловчи Раббий сенинг Худойингман. Кошки, сен Менинг амрларимга диққат қилганингда эди! Шунда сенинг тинчлигинг дарё каби ва сенинг ҳақлигинг денгиз тўлқинлари каби бўлар эди (Ишаъё 48:17, 18).

Сизга рўйирост айтаман, бизнинг тинчлигимиз дарё каби оқмоқда. Биз шундай пайтларни бошдан кечирдикки, худди бизни ўраб турган вазиятларга кўра бизни ваҳима босиши кераклигига ўхшарди. Аммо биз тилларда ибодат қилганимизда ва барча ишларимизни Унинг қўлларига топширганимизда, бизни Унинг тинчлиги қамрарди. Тилларда ибодат қилиш борасида биз шундай деб ўқиймиз:

Зеро бу халқقا мужмал гапирадиган забон ва бегона тилда гапиради. Уларга айтилган эди: “Мана – ором, ҳориганга дам беринглар. Мана – ором олиш” (Ишаъё 28:11, 12)

Тинчлиги йўқ одамда ором ҳам бўлмайди. Худо бу оятда айтаётган ором дарёдек оққан тинчликнинг самарасидир. Менда бу сўзларни тасдиқлайдиган, кўп йиллар мобайнида йиғилиб келган беҳисоб воқеалар бор, лекин битта маҳсус ҳодиса ёдимга келади. Ўшанда мен жуда осонлик билан тинчлигимни йўқотишм мумкин эди, чунки мен мутлақо ўзимни йўқотиб қўйган эдим ва нима қилиш кераклигини билмас эдим.

Бу менинг Мексикага қилган сафаримда содир бўлди, у ерда мен хуҳшабар айтиш йиғинида воизлик қилишим керак эди. Мен Монтеррейга фақат бир кечага борган эдим. Йиғин

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

шаҳар марказининг бир залида ўтиши керак эди. Мен бутун күн давомида тилларда ибодат қиласадим ва руҳимда ваҳий олдим. Ваҳийда ўша зал осмондан тирқираб оқаётган ёрқин нур билан ёритилган эди. Раббий юрагимга гапириб: “Бу бугун намоён бўладиган Менинг шуҳратимдир” деди.

Ўша куни кечқурун шу учрашувни ташкиллаштираётган чўпон билан залга жуда ҳаяжонда келдик. Бу тадбирни тайёрлаш учун унинг жамоати жуда кўп нарса қилди. Биз йиғин бошланишидан ўн беш дақиқа олдин етиб келдик ва мен чўпоннинг олдига дарғазаб одам иккита қўриқчи билан келганини кўрдим. У чўпон билан испан тилида гапириди ва унинг овози жуда қўпол ва ёқимсиз эди. Чўпон менинг олдига келиб: “Жон сиз бугун воизлик қилолмайсиз” деди.

Мен нима учун деб сўрадим.

У: “бу одам – ҳукуматимизнинг катта амалдори, бизнинг штатимизнинг қонунига кўра Мексиканинг фуқароси бўлмаган одам воизлик қилиши тақиқланган. Илгари ҳеч ким бу қонунга амал қилишни талаб қилмаган эди, лекин бу сафар бу амалдор бу қонунга амал қилишни талаб қиласяпти. Очиғини айтсам, унинг ўзи сиз билан гаплашиб олмоқчи” деди.

Мен шу заҳоти, Петрус билан Юҳаннога Исо ҳақида хушхабар айтишни тақиқлаган яхудий пешволарини эсладим. Бироқ ҳаворийлар уларга қулоқ солмадилар, чунки бу Ҳудонинг Сўзига зид бўлган бўларди. Шунинг учун мен чўпонга: “Бу одам Худо ибодатдан сўнг менга ваҳийда кўрсатган нарсани амалга оширишимга тўсқинлик қилолмайди. Менинг чиқишим сизнинг жамоатингизга зарар келтирадими? Агар зарар келтирмаса, у кетган заҳоти мен, албатта воизлик қиласман. Мен шундай узоқ йўлдан шунчаки ҳеч нима қилмай бир жойда ўтириш учун келмадим! Лекин агар менинг чиқишим сизга зарар келтирса, унда мен воизлик қилмайман” дедим.

У: “Жон бу одам бизинг жамоатимизга катта зарар

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

етқазиши мүмкін, шунинг үчүн үнга қулоқ солған яхши” деди. Мен чўпоннинг маслаҳатига ён бердим ва биз биргаликда амалдорнинг олдига бордик.

Амалдор аваллига менга бақрайиб қаради, сўнг ёқимсиз овозда: “Сиз испанчада гапирасизми?” деди.

Мен: “Йўқ, жаноб” дедим.

Сўнгра у: “Сизга шуни айтишим керак. Сиз бугун фақат туризмга оид нарсалар ҳақида гапиришингиз мүмкін” деди. Сўнгра у чўпонга қараб ўгирилдида у билан испан тилида жуда жиддий оҳангда гаплашди. Амалдор ўз огоҳлантиришларини айтганидан сўнг улар кетишли.

Чўпон руҳий изтиробга тушиб қолди ва мен уларга хизмат қила олмаслигим сабабли мендан узр сўрашни бошлади, сўнгра йиғиннинг охирги тайёргарлик ишларини қилиш учун залга кетди.

Шу пайти менинг кайфиятим тушган эди. Мен Худонинг донолигига муҳтож эканимни билардим, чунки мен нима қилишим кераклигини билмас эдим. Шу боис, мен кўчага чиқдим ва у ерда деярли хилват жойни топдимда, ўша ерда ибодат қилишни бошладим. Мен тилларда ибодат қилиш орқали Худодан донолик олишимни билардим. Шундай қилиб, мен тилларда дадиллик билан ибодат қилишни бошладим. Ёнимдан одамлар ўтарди, менимча улар мени ўз-ўзи билан гаплашишни истаётган чет эллик бўлса керак деб ўйлаган бўлса керак.

Тилларда бир неча дақиқа давомида ибодат қилганимдан сўнг юрагимни Худонинг тинчлиги тўлдиришни бошлади. Мен чамаси ўн беш дақиқа ибодат қилдим ва қўйқисдан фавворанинг равон ва тирқираган оқими каби онгимга фикр ёриб кирди. Мен: “Муқаддас Китобни четга суриб қўйда, одамларга Мексикага келган тарихдаги энг Буюк Сайёҳ ҳақида айтиб бер” деди.

Мен қувончдан қарийб сакрардим ва баланд овозда ҳайқирдим: “Худди шу керак эди. Айнан шу нарса керак эди.

## Худога яқынлашиш

У ахир менга туризм ҳақида гапиришга рухсат берди-ку! Мен уларга Исо ҳақида, Мексикага келган тарихдаги энг Буюк Сайёх ҳақида гапираман!” дедим.

Мен залга шошиб қайтдим. Бироқ хизмат аллақачон бошланған әди ва чүпон йиғилғанлар билан саломлашаёттан әди. Унинг ортида турған рафиқаси менга қараб: Жон, чүпон сизни олдинга чиқишингизни истаяпти” деди.

У менга қараб пичирлаб: “Худо менга У сизга қилишни буюрган нарсани қилишингизни айтди” деди.

Шунда мен залга мурожаат қилдим: “Дўстлар, ҳукумат амалдори мендан фақат сайдёнликка оид мавзуда гапиширимни айтди. Шу сабабли, мен сизларга Мексикага келган тарихдаги энг буюк Сайёх ҳақида гапираман. Мен сизга Исо ҳақида гапираман” дедим.

Оломон ичидаги имонлилар қувонч билан баланд овозда ҳайқирдилар. Сўнгра бир соат давомида мен Худонинг Сўзини воизлик қилдим. Мен ваъзни тутатганимдан сўнг ўз ҳаётини Исо Масиҳга беришни ва ўзини Унинг ҳукмронлигига бўйсундиришни истаган одамларни олдинга таклиф қилдим.

Олдинга жуда кўп одам чиқди ва шу пайти орқа ўриндиқлар томонидан саҳна томонга қараб келаётган полиция ходимини кўриб қолдим. Мен ичимда ўйладим: *мени ҳибсга олишларидан олдин бу одамларнинг нажот топиши учун ибодат қилишга улгуришим керак.* Мен Петрус билан Юҳанно Қизил дарвоза олдида туриб одамларга улар Исони қандай қабул қилишлари мумкинлиги ҳақида гапириб беришга улгурмасидан, уларни ҳибсга олишгани эсимга келди. Шунинг учун мен олдинга чиққан одамлар нажотни қабул қилишлари учун улар билан тезда ибодат қилдим. Шундан сўнг полиция ходими мени четлаб ўтиб, саҳна пардасининг ортига кириб кетди. Мен шу заҳотиёқ ўзимни енгил ҳис қилдим, чунки мен энди одамларга эркинликда хизмат қила олардим.

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

Сүнгра мен одамларга сүнгги ёрдамни күрсата оладиган маслаҳатчиларнинг олдига бориш кераклигини тушунтиридим. Улар саҳнанинг олдидан кетишганидан сүнг мен бир чўлоқ инсонни кўриб қолдим. Сүнгра Муқаддас Рӯҳ юрагимга: “Мен манашу одамни биринчи бўлиб шифоламоқчиман. Уни тўхтатиб у учун тезда ибодат қилишни бошла” деди.

У менга бунинг имкони йўқ демоқчи бўлгандек қаради, лекин мен қатъий турдим ва шундай қилдим. Сүнг мен унинг қўлидан ушладим ва биз биргалиқда юрдик. У бошида секин юрарди, кейин эса тезроқ ва яна тезроқ юриб кетди, охири биз югуришни бошладик.

Йиғилган одамлар кўз-ёш қилиб қувонар эдилар. Одамлар ҳар хил тарафдан гавжум бўлишни бошлади ва саҳнага чамаси юзга яқин одамлар йиғилди. Кўплар Рӯҳнинг қудрати билан шифо топди. Мен фақат бир нечтасини эслатиб ўтаман. Биз қулоғи кар аёл учун ибодат қилдик ва Раббий унинг қулоғини очди. У Раббийдан шуқадар миннатдор эдики, унинг кўз ёшлари дарёдек оққани учун унинг кўйлаги ҳўл бўлиб кетди. Худо бошқа аёлнинг кўзини шифолади ва учинчи одамни рақдан шифолади.

Сүнгра биз беш ёшли бола учун ибодат қилдик ва у шифо топди. Биз одамларга икки соатдан ошиқ хизмат қилдик. Бу ажойиб эди ва кўплар баҳтиёrlигидан йиғлар эдилар. Алламаҳал мен саҳна олдида фотоаппаратлар билан турган одамларни сезиб қолдим лекин уларга жиддий эътибор бермадим.

Кейинги куни мен Қўшма Штатларга қайтдим. Бир ҳафтадан сўнг Мексикалик чўпон мен билан учрашиш учун учиб келди. У: “Жон, мен сиз билан шахсан учрашиш учун келдим” деди. У ўша ҳукумат амалдори, агар мени воизлик қилсан, мени ҳибсга олиш учун иккита маҳфий агентларни юборганини айтиб берди.

Улар айни мен чўлоқ одам учун ибодат қилган пайтимда келишган экан. Улар унинг шифо топганини кўрганидан сўнг бири иккинчисидан: “Сен буни чин деб ўйлайсанми?” деб сўраган.

## Худога яқинлашиш

Унинг ўртоғи: “Билмадим, юр, яқинроқ бориб текширамиз” деган. Чўпон уларнинг гапини эшитган бир хизматкордан билиб олган.

Иккита зобит олдинга чиқиб бошқа мўъжизаларнинг гувоҳи бўлишди. Кар аёл эшитишни бошлади, уларнинг бири: “Менимча бу чин бўлса керак” деган. Сўнгра улар Худонинг қудрати билан беш ёшли боланинг шифо топганини кўргандан сўнг, бир-бирига қараб: “Бу рост!” дейишган.

Сўнгра чўпон менга: “Жон, сизни ҳибсга олишга келган бу иккита одам олдинга чиқишиди ва сиздан улар учун ибодат қилишингизни сўрашди ва улар ўша кечада тавба қилиб нажотга эришдилар” деди.

Ўша куни чўпон билан мен қанчалик қувонганимиз ҳақида гапириб беришнинг ҳожати йўқ. Сўнгра у шаҳар рўзномасини очдида йиғиндан кейин эртаси куни нашр қилинган мақолани кўрсатди. Мақолада мен ҳақда, бутун мамлакат бўйлаб ишонувчан одамалар пул йиғиб юрадиган фирибгар деб айтилган эди. Бироқ хизматда ҳозир бўлган репортерлар кўплаб одамларнинг реал шифо топганининг гувоҳи бўлишганини ва кимdir пул йиққанини кўришмаганини маълум қилишган. Қизиги шундаки, ўша куни мен юрагимда қурбонлик йиғмаслик учун кучли ҳис пайдо бўлган эди ва боз устига, менинг авиачиптамни бизнинг хизматимиз тўлаган эди. Биз Мексикадан бир сўм ҳам олиб чиқмадик.

Муқаддас Рух нақадар ғаройиб! Агар Унинг бошқаруви бўлмаса, ўзингни бундай вазиятда қандай тутасан? Агар ўша куни мен тилларда ибодат қилмаганимда эди ва агар кечқурун мен яна бир бора ибодат қилмаганимда эди, мен Мексикадан кайфиятсиз, Худонинг иродасини амалга оширмаган ҳолда чиқиб кетган бўлар эдим. Чўпон амалдорнинг пўписаси туфайли воизлик қилишимга йўл бермасди. Бироқ тилларда ибодат

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

қилганим учун, Худонинг иродаси ва донолиги туфайли биз учун сир бўлган нарса ҳаётда мужассамлашди. Мен Худонинг иродаси билан чўпон учун шафоат қилдим ва натижада, у Худонинг овозини эшитди ва Раббий менга ҳокимиятнинг қаршилигини енгиш борасида донолик берди. Раббийга бор шараф бўлсин!

Душман Жамоатдан бу инъомни ўғирлашга қанчалик ҳаракат қиласди. У ундан қўрқади, зеро бу Худо билан Унинг фарзандларининг ўртасидаги тўғри алоқа ҳисобланади ва тилларда ибодат қилган пайтимиизда шу алоқа воситасида, биз Худога нима етказаётганимизни жинлар ҳатто, ҳаёлига ҳам келтира олмайди. Биз ибодатда ўз сўзимиз билан ифодалай оладиган вазиятлар ёки юрагимизга истаклар келади, аммо кўпинча биз ўзимизни ифодалай олмаган вазиятлар билан дуч келамиз ва ўшанда бизга Муқаддас Рухнинг ёрдами керак. Шу сабабли, Павлус шундай деган: “Унда нима қилсан экан? Рухим билан ибодат қиласман, онгим билан ҳам ибодат қиласман. Рухим билан қўшиқ айтаман, онгим билан ҳам қўшиқ айтаман (1-Кор. 14:15).

## ИЧКИ ИНСОННИ БАРПО ҚИЛИШ

Охириги пайтларда менинг юрагим Худонинг халқини Муқаддас Рух билан яқинликда чамбарчас бўлишга ундаяпти. Биз Унинг Унга яқин бўлишимиз ҳақида чорловига жавоб беришимиз янада кўпроқ аҳамиятга эга бўлдаяпти. Вақт ўтиб, бизга фақат Ёзувни тушунишимиз мутлақо кам бўлади, зеро фарзийлар шундай бўлишган. Биз Муқаддас Рух нафақат айтган, балки У айттаётган нарсаларга ҳам сезгириликни ривожлантиришимиз керак. Исо айнан шундай яшаган. У “Мен Ўз Ўзимдан ҳеч нима қила олмайман. Қандай эшитсам, шундай ҳукм қиласман [қарор қабул қиласман]” деган (Юханно 5:30). Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимаси бу парчани манашундай талқин қиласди:

## Худога яқынлашиш

“Мен йүз йүзимидан [яъни мустақил равишка йүз иродам бүйича] ҳеч нима қила олмайман [балки Отам Менга ўргатгандек ва Мен ундан олган буйруқларига кўра қиласман]... [Мен қандай қилиниши шарт бўлса шундай қиласман. Унинг овозини эшитганимдан сўнг Мен қарор қабул қиласман]” (Юханно 5:30).

Исо Муқаддас Рұхнинг бошқарувига шуқадар сезгир бўлганки, У Отасига бўлган боғлиқлигини доим тан олган. “Ўғил Отасининг нима қилаётганини кўрмаса, йўз йўзидан ҳеч нарса қила олмайди (Юх. 5:19). Ва яна: “Мен сизларга айтиётган сўзларни йўзимдан сўзламаяпман, дейди (Юханно 14:10). Биз Унинг издошлари сифатида сўзсиз “Масиҳ қандай юрган бўлса, биз ҳам шундай юришимиз керак” (1-Юх. 2:6).

Биз Муқаддас Рұхга худди Исодек сезгир бўлишимиз керак. Очиғини айтсам, шахсан мен Худонинг иродасига мувофиқ равишка бизни ўраб турган табиий дунёдан кўра Илоҳий соҳаларга кўпроқ сезгир бўлган ҳода муносабат билдиришимиз шартлигига ишонаман. Тиллардаги ибодат бизнинг ички инсонимизни барпо этади, токи бизлар Муқаддас Рұхга янада кўпроқ сезгир бўла олайлик. Шундай бўлса ҳам бизга шундай дейилган:

Номаълум тилда гапиравчи ўзини *барпо* қиласди (1-Кор. 14:4).

Юнонча oikodomeo сўзи “уй қуриш”ни англатади. Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг танамиз Муқаддас Рұхнинг маъбадидир. Павлус бизга “биз Худонинг иморатимиз” дея эслатади (1-Кор. 3:9). Биз Унинг уйимиз. Шунинг учун биз тилларда ибодат қилганимизда, Муқаддас Рұхнинг яшашгоҳини кенгайтирган бўламиз. У бизда яшаши учун кўпроқ жой берамиз. Албатта, мен бу тушунчанинг жисмоний томонини

назарда тутмаяпман, балки қиёс қилиб гапиряпман. У.Е. Вайн “бу сўз ҳам тўғри ва ҳам кўчма маънода “қурилиш”ни англатади” дейди.

Шундай қилиб, биз тилларда ибодат қилганимизда, ўзимизда Унинг ҳузурига ва қучига эга бўлиш қобилиятини кенгайтирамиз. Биз ички инсонимизни мустаҳкамлаймиз, шу йўсинда, биз табиий онгимиз билан эмас, балки Муқаддас Рӯҳ томонидан бошқарилишимиз осонлашади.

Вайн “барпо қилиш” сўзи “руҳий ўсишда ва имонлиларнинг характерини ривожлантиришда кўмаклашиш” кўчма маъносида ишлатилади дейди. Бундай фикр ҳаворий Яҳудонинг мактубида ифода этилган ва имонли кишининг руҳий ўсишига таалуқли бўлган фикрига мос келади:

Сизлар эса, эй, севганларим, Муқаддас Рӯҳда ибодат қилиб, ўзингизни энг муқаддас имонингизда барпо қилинглар (Яҳудо 20).

Мазкур гапда барпо этиш (қуриш) ёки қурилиш маъносида юононча ероikodomeo сўзи қўлланилган. Унинг асосий маъноси – “асос сифатида қўллаш ёки нимагадир суюниш”. Бу ерда ҳам руҳимизнинг доимий қурилиши назарда тутилган. Павлус имонлиларга, сизлар Худонинг иморатисизлар ва Худо Ўзининг шафқати билан уларни Масиҳга олиб келиш орқали пойдевор ўрнатди, дейди. Шундан сўнг у шундай баён қилади: “Лекин ҳар ким қандай қураётганига эътибор берсин (1-Кор. 3:10).

Бугун кўп имонлиларнинг руҳи заиф, зеро улар ўзининг ички инсонини қурмаяпти. Улар ҳойнаҳоӣ, атрофга юрагининг кўзлари билан эмас, балки жисмоний кўзлари билан қарайтилар. Худонинг Руҳи уларнинг юрагига гапираётган нарсадан кўра жисмоний қулоқлари эшитаётган нарсаларга кўпроқ ишонади. Уларнинг ҳаётида ташқи инсон үстун келади. Бундай инсонларнинг ички инсонини кун давомида диванда

## Худога яқинлашиш

ўтириб, картошка чипсиларини еб, телевизор кўраётган одам билан қиёсласа бўлади. Улар ўз хизматида тиришқоқлик билан меҳнат қилаётган бўлиши мумкин, лекин уларнинг ички инсони камситилмоқда. Бундай имонлилар менга кўпинча: “Нега мен Худонинг овозини ҳеч ҳам эшитмайман?” дейишади. Бунинг сабаби жуда оддий. Ахир, Худо бизнинг онгимизга эмас, балки руҳимизга мурожаат этадику. “Инсоннинг руҳи – Раббийнинг чироғидир” (Ҳик. 20:27). Агар биз ички инсонимизни барпо этмасак, биз Худони аниқ эшитишига қодир эмасмиз.

Павлус яхудий имонлиларга айтадиган гапи борлигини айтган, лекин уларни “қулоғи оғир бўлиб” қолган (Ибр. 5:11). Бу одамларга эшитиш аппарати керак эмас, шунчаки уларнинг ички инсони йўналишдан шуқадар оғиб кетганки, улар руҳий нарсаларни сезиш қобилиятини йўқотган. Шундай экан, бундай одамлар қурилишга ёки барпо қилишга зид бўлган ҳаракатларни амалга оширадилар. Улар Худонинг Сўзини эшитиш қобилиятини йўқотдилар. Бу қоидалар ўзининг ички инсонини барпо этишда лоқайд бўлган одамларга тааллуқли. Ичимиизда кучли инсон бўлмасак, биз Худога яқинлаша олмаймиз! Шу боис, Павлус дадиллик билан баён қиласди: “Худойимдан миннатдорманки, мен номаълум тилларда ҳаммаларингиздан кўпроқ гапираман” (1-Кор. 14:18). Сўнгра у ибронийларга мурожаат қиляпти:

Қаттиқ озиқ эса ҳис-туйғулари одат орқали [доимий амалиёт] яхши ва ёмонни фарқлашга ўргатилган баркамолларга [руҳан етукларга] хосдир (Ибр. 5:14, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Эътибор беринг, Павлус уларнинг ташқи эмас, балки ишчи ҳиссиётини назарда тутяпти. Яна шунга эътибор берингки, унинг айтишича биз одат орқали, яъни доимий амалий машқларимиз орқали, нима Худодан ва нима шайтондан эканини фарқлашни

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

үрганишимиз үчүн ички ҳис-түйғуларимизни ривожлантирамиз.

Бизнинг бешта сезиш органларимиз бор ва бизнинг худди шундай бешта руҳий сезги органларимиз мавжуд. Ёзув бизга бу мисолларни келтиради. Қыйидаги матнин үқиб, ўзингизга савол беринг, санаб ўтилган ҳаракатларни жисмоний сезги органларимиз ёрдамида бажариб бўладими? Бу сизга матнларнинг муаллифлари табиий эмас, балки айнан руҳий ҳис-түйғуларни назарда тутганини англашингизга ёрдам беради:

### ТАЪМ БИЛИШ

*Татиб кўринглар ва Раббийнинг нақадар эзгу эканлигини кўринглар* (Сано 33:9, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

*Сўзларинг мен учун нақадар мазалидир.* Асалдан ҳам ширин туюлар оғзимга (Сано 118:103, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

*Сенинг сўзларинг қўлга киритилди ва мен уларни едим.* Сенинг сўзларинг менинг юрагимга қувонч ва хурсандчилик бўлди (Йер. 15:16, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

### ТЕГИШ

Шунинг учун уларнинг орасидан чиқинглар ва улардан ажралинглар, — дейди Раббий, — нопокка қўл теккизманглар, шунда Мен сизларни қабул қиласман (2-Кор. 6:17).

Чиқинглар, чиқинглар, у ердан чиқиб кетинглар. Нопок нарсаларга тегманглар, унинг орасидан чиқиб кетинглар, ўзингизни покланглар, эй, Раббийнинг идишларини кўтариб юрувчилар! (Ишаъё 52:11, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ҲИД БИЛИШ

Лекин Худога шукроналар бўлсинки, У бизни Масиҳда ҳамиша зафарона тантанада олиб юрмоқда ва ҳар жойда йизи ҳақидаги билимнинг хушбўй ҳидуни биз орқали тарқатмоқда. Зеро нажот топаётганлар учун ҳам, ҳалок бўлаётганлар учун ҳам биз Худога Масиҳнинг хушбўй ҳидомиз: бу баъзиларга ўлим учун ўлим ҳидидир, бошқаларга эса ҳаёт учун ҳаёт ҳидидир. Ким ҳам бунга қодир бўла олар экан? (2-Кор. 2:14-16, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Масиҳ бизлар учун йизини Худога хушбўй ифор каби бағишилов ҳамда қурбонлик қилиб топширгани каби ва бизларни севгани каби – сизлар ҳам севгида юринглар (Эфес. 5:2, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Мен ҳамма нарсага эгаман ва мўлчиликда яшамоқдаман. Сизларнинг хушбўй тутатқингизни, яъни Эпафрордит орқали юборган Худога маъқул бўлган ёқимли қурбонлигинизни олиб, мен тўқ бўлиб юрибман (Флп. 4:18, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

### КЎРИШ

Чунки ҳаёт манбаи – Сендадир! Сенинг нурингда биз нур кўрамиз (Сано 35:10, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ва фаҳмлашингизнинг кўзларини ёритсин, токи сизлар Унинг даъватининг умиди нимадан иборат эканлигини ва муқаддаслар учун бўлган Унинг мероси шуҳратининг бойлиги қандай эканлигини билиб олинглар ҳамда Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюклигини пайқаб олинглар (Эфес. 1:18, 19, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

“Ҳамма нарсани унинг оёқлари остига бўйсундирдинг”. Ҳудо ҳамма нарсани одамнинг оёқлари остига бўйсундирган бўлса, демак, унга тобе бўлмаган бирор нарсани қолдирмади. Лекин ҳозир унга ҳамма нарсанинг бўйсунганини ҳали кўрмаяпмиз. Бироқ кўрмоқдамизки, Исо фаришталардан бироз паст қўйилган бўлиб, ўлим азобини тортгани учун шуҳрат ва шараф тожини кийди, токи У Ҳудонинг инояти бўйича ҳамма инсонлар учун ўлимни татиб қўрсин (Ибр. 2:8-9, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Агар кўзинг тоза бўлса, бутун тананг ёруғ бўлади. Агар кўзинг ёмон бўлса, бутун тананг қоронғиликка тўлади. Шунинг учун сенинг ичингдаги нур қоронғи бўлса, қоронғилик нақадар буюқdir (Матто 6:22, 23, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

## ЭШИТИШ

Элияҳ Аҳабга: “Боргин ва еб-ичгин, зеро ёмғирнинг шовқини эшитилмоқда”, – деди (3-Шоҳ. 18:41, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ерга ҳам, гўнгга ҳам ярамайди. Уни ахлатга ташлаб юборадилар. Кимнинг эшитишга қулоғи бўлса, эшиитсин!” (Луқо 14:35, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Рұҳ жамоатларга нима деяётганини қулоғи бор эшиитсин: ғолиб келадиганга Ҳудонинг жаннати ўртасидаги ҳаёт дарахти мевасидан ейишни ато қиласман (Вахий 2:7, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ҳудонинг Рұҳига бепарво ва уқувсиз бўлган ички инсонга нисбатан Исо қуйидаги сўзларни мутлақо яққол айтди:

## Худога яқинлашиш

Шунинг учун уларга масаллар билан гапирияпман, чунки улар кўра туриб [ташқи инсон] кўрмайдилар [ички инсон], эшитиб туриб [ташқи инсон] эшитмайдилар ва англамайдилар. Шундай қилиб, Ишаъёning қилган башорати уларда амалга ошмоқда: “Эшитиб [ташқи инсон] эшитасизлар [ташқи инсон], аммо англамайсизлар [ички инсон]; кўриб кўрасизлар [ташқи инсон], аммо фаҳмламайсизлар [ички инсон], чунки бу халқнинг юрагини ёғ босган [ташқи инсон], қулоқлари оғирлашган [ташқи инсон] ва кўзлари юмилган [ички инсон], токи улар ўз кўзлари билан кўрмасинлар [ички инсон], қулоқлари билан эшитмасинлар [ички инсон], юраклари билан англамасинлар [ички инсон]” (Матто 13:13-15, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Рұхий табиат рұхий дүнёда, нима Худодан ва нима Ундан әмаслигини фарқлашни ўрганиш учун ўзининг ички ҳис-түйғуларини ривожлантиради. Бундай ривожланиш имонли ҳис-түйғуларини ишлатишига ёки машқ қилишига боғлиқ. Барчамизнинг табиий ҳис-түйғуларимиз бор ва машқ қилганларнинг ҳис-түйғуси бошқаларникига нисбатан кўпроқ ривожланган. Масалан, ўзининг таъмни сезиш органларини шуқадар ривожлантирганки, улар түрли хил шаробнинг навини, сифатини фарқлай олади. Ўзининг амалиёти туфайли улар шаробнинг таъмини ва ишланган йилини аниқлай оладилар, бу янги узумнинг ҳосилидан ясалганми ёки эскисидан ясалганми, ўша йили чўқиндиси қанча бўлганини айта олади.

Бошқа одамлар ўзининг кўриш қобилиятини шуқадар ривожлантирганки, улар қимматбаҳо тошларнинг сифатини аниқлай оладилар. Ўргатилмаган кўз учун барча тошлар буқусур бўлиб туолади, лекин пишиқ кўз тошнинг ишловининг ва рангининг сифатини, жиддий ёки аҳамиятли бўлмаган камчиликларининг сонини ва соғлигини бирдан кўради.

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

Товушларни ва оҳангларни эшитиб, ўз қулоғини машқ қилдирган товуш техниклари, мусиқачилар, дирижерлар ва ҳоказолар бор. Улар бутун оркестр ичида хато чалаётган асбобни ажратади. Улар эшитиш қобилиятынин шуқадар машқ қилдирганки, уларнинг қулоғи мусиқачилар чалаётган пайтда ҳамоҳанглик борлигини ёки йўқлигини тез аниқлай оладилар.

Ҳид сезиш ҳис-туйғусини ривожлантирган одамлар бор. Улар атирларнинг юқори ва асосий ноталарини эшита оладилар, шунингдек, ҳидли зираворлар, гуллар ва цитрусларнинг тўлиқ тўпламини фарқлай оладилар.

Бундай одамлар ўз ихтиёри билан ўзларининг табиий ҳис-туйғуларини ривожлантирудилар. Бу уларнинг маҳорати кўпроқ дегани эмас. Улар аллақачон эга бўлган ҳис-туйғуларини шунчаки ривожлантиришга қарор қилишган. Бу ўз-ўзидан содир бўлмайди, одамлар шунчаки ўзининг тиришқоқлигини шу йўналишган қаратади.

Шу вақт ичида сиз бизнинг ташқи ҳис-туйғуларимизни қандай қилиб мақш қилдиришимиз мумкинлиги ҳақида кўпгина бошқа мисоллар ҳақида ўйлаган бўлишингиз мумкин. Аммо ўша қоидалар руҳий соҳада қўлланилади. Сиз кўп йиллар мобайнида имонли бўлишингиз, лекин руҳингизни ривожлантирмаслигингиз мумкин. Ёзув бизга Яхё Чўмдирувчи ҳақида “Чақалоқ эса улғайиб ва руҳан қувватланиб” ўсди дейди (Луқо 1:80). Павлус Тимотийга ўзини руҳий ривожлантиришга тўлиқ бағишлишини буюрган “токи сенинг муваффақиятинг ҳаммага ошкор бўлсин” (1-Тим. 4:15). Аммо биз ўз ички инсонимизни қандай қилиб ривожлантирсак бўлади? Ёзув бу борада жуда аниқ гапиради: Худонинг ёзилган Сўзи орқали (1-Петр. 2:2; Ҳав. 20:32), Унинг Сўзига итоат қилиш орқали (Ибр. 5:9) ва тилларда ибодат қилиш орқали (1-Кор. 14:4; Яҳуд. 20).

## РУҲНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУР

Ички ҳис-түйғуларни ривожлантириш нега мұхим? Агар бизнинг руҳий ҳиссиётларимиз етарли даражада ривожланган бўлса, биз Муқаддас Руҳ билан анча эркинроқ сұхбат қиласмиз. Руҳ биз билан янада яқинроқ даражада мулоқотда бўлади. Бу тушунарлироқ бўлиши учун келинг, яна табиий ҳодисаларга назар соламиз. Агар бизнинг барча бешта ҳис-түйғу органларимиз ишламаганида эди, мен сиз билан мулоқот қила олмасдим. Мен бақирсам ҳам, сиз мени эшитмас эдингиз. Мен елкангизни қоқсам ҳам, сиз мени ҳис қилмас эдингиз. Мен сизга имоишоралар қилсан, сиз мени кўрмаган бўлар эдингиз ва ҳоказо.

Яқинди менинг саксон ёшга кирган отамга эшитиш аппарати керак бўлди, лекин у ундан фойдаланишни истамади. Биз дастурхон бошида ўтириб сұхбат қиласр эдик, бир куни қарасам, отам мен билан бирга ўтирганда туюлди. “Ота тушундингизми? деб баландроқ овозда сўрадим. У ўзини йўқотиб қўйгандек кўринарди ва унинг қулоғи оғирлашгани сабабли гапимиздан кўп нарсани тушунмагинини тушундим. (Сизга шошилиб қувонч билан айтаман, отам ҳозир эшитиш аппаратидан фойдаланаяпти!) Бизнинг руҳимиз ҳақида ҳам шундай деса бўлади. Агар сизнинг ҳис-түйғуларингиз қаттиқлашган бўлса, унда Руҳ билан бўлган сұхбатдан кўп нарсани тушунмайсиз!

Мен кўпинча одамлар: “Худо мен билан яқин дўстдек гаплашмаяпти” деганини эшитаман. Нима дейман, бу одамларнинг ички ҳис-түйғулари ривожланмаган. Биз асосий нарсани тушунишимиз керак: Худо биз Уни эшитишни исташимиздан кўра, У бизга гапиришни кўпроқ истайди. Биз одамлар кўпинча яҳудий имонлиларга ўхшаб қоламиз, чунки бизлар “қулоғи оғир бўлиб” қолганмиз (Ибр. 5:11).

Одатда сиз фойдаланадиган нарсанни ривожлантирасиз ва фойдаланмаган нарсангизни заифлаштирасиз. Рұх билан ибодат қилиш пайтида сизнинг ички инсонингиз ибодат қилади, табиий инсон эса, ёки башар рад қилинади. Бу Худо билан түсиқсиз мұлоқотта кириш учун табиий қобиляятлар учун үзига хос бүлған рўзадир. Мен сизни нафақат Рұх билан ибодат қилишга үндайман, балки Худо сизга тилларда ибодатни талқын қилишда машқ қилишингизга ёрдам беришига ишонишга ҳам чорлайман.

Кўпинча эрталаблари мен бир соат тилларда ибодат қиласман. Менинг онгим чалғышдан тўхтаганида, бу мен аввалига улуғлов қўшиқларни қўйласам ёки Унинг олдида юрагимни тўқиб-солганимда тез содир бўлади, мен руҳий нарсаларга диққат қилишим осон бўлади. Одатда Раббийни яқиндан ҳис қилиш барча кундалик ишларни ва ниятларни орқага ташлашга мажбурлайди. Шунда мен онгимга оқим бўлиб қўтарилаётган ғояларни, ваҳийлар ва доноликни олишни бошлайман. Мен тилларда ибодат қилиш вақтида олган ҳамма нарсанни ёзиб қўйишим кераклигини тушундим, сўнгра Муқаддас Рұх мени бошқа нарсаларга етаклайди.

Аввалги йиллари Рұх билан ибодат қилиш вақтида дунёвий нарсалар ҳақида ўйлаганимдан жуда хафа бўлардим. Масалан, мен ҳали ибодат қилаётганимда менинг миямга янги китобларга ном бериш фикрлари, мен қанчадир вақт кўрмаган одамлар билан алоқага чиқиш истаги, кимгадир совға бериш, хизматга ажратилган маблағни қандай қилиб ишлатиш ҳақидаги фикрлар ва ҳоказолар келарди. Лекин вақт сайин, мен бу фикрларнинг аксариятини Муқаддас Рұх илҳомлаб, менинг онгимиға жойлаштирганини тушундим. Тез орада мен бу ғояларни ёзишни бошладим ва улар онгимни тарк этканини ва миямга навбатдаги фикрлар келганини сездим. Сўнгра мен ушбу ғояларни амалга оширадим ва уларда Худонинг баракасини кўрардим. Мен тилларда ибодат қилган пайтимда Муқаддас Рұх менга нафақат

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

одамлар ёки халқлар ҳақида әслатишини, балки Унинг иродаси бўйича ҳаракат қилишим керак бўлган нарсаларга оид йўналиш ҳам беришини тушундим. Мен яна таъкидлайман, Худо билан айнан шундай даражадаги мулоқот мухим ҳисобланади.

## РУҲИЙ СОҲАДАГИ ҲАЁТ

Шахсан мен Павлус ўз асарларининг аксариятини айнан шу тарзда ёзган деб ўйлайман. У шундай фикрларни айтган: “Зоро мен жисман сизларнинг орангизда бўлмасам ҳам, руҳан орангиздаман; сизларнинг тартиб-интизомингизни ва Масиҳга бўлган имонингизнинг мустаҳкамлигини кўриб қувонмоқдаман” (Кол. 2:5). У колосаликларни жисмоний кўзлари билан кўрмаган, чунки у колосаликлар билан бирга жисман бўлмагинини яққол айтган. У коринфликларга ёзган мактубида таъкидлайди: “Зоро мен жисман сизларнинг орангизда бўлмасам ҳам, руҳан орангиздаман; сизларнинг тартиб-интизомингизни ва Масиҳга бўлган имонингизнинг мустаҳкамлигини кўриб қувонмоқдаман, худди сизларнинг ёнингизда тургандек, аллақачон Раббимиз Исо Масиҳ номидан ҳукм чиқардим” (1-Кор. 5:3). Аммо агар Павлус у ерда жисмонан бўлмаган бўлса, қандай қилиб колосаликлар ва коринфликлар билан бирга бўлиши ва улар нима қилаётганини ва нима дейишаётганини кўра олиши мумкин? Биз руҳий мавжудот эканимизни ёдда тутишимиз керак, Худо Рухининг Шоҳлигига на чегара ва на масофа бор. Раббийда руҳи барпо бўладиган одамлар руҳий дунёдаги ҳодисаларни тобора кўпроқ англайдилар, шу боис, улар муҳтожликка тушиб қолган одамларга самарали хизмат ва ибодат қила оладилар. Олдинги бобда бизнинг австралиялик оғимиздаги хизматкоримиз, суратдаги кўплаб бошқа чеҳраларнинг ичидаги хитойлик чўпонни бир зумда таниб олганини эсланг, гарчи у илгари уни билмаган!

Павлус руҳий дунёдаги нарсаларни кўрган ва тилларда ибодат қилиш вақтида турли жамоатларда нималар содир бўлаётганини

## ЯҚИНЛИК ТИЛИ

билган. Бундай ваҳийлардан сўнг у бу барча нарса ҳақида ўзининг мактубларида ёзган ва мактубларини одамларга йўллаган.

Мен саёҳатларим ва тилларда ибодат қилиш вақтида, оиласида ва тўлиқ вақт ишлайдиган хизматчиларимизнинг ҳаётидаги нималар содир бўлаётганини кўрганман. Сўнгра мен телефоннинг гўшагини кўтарардим ва улар менга айтиб бераётган янгиликларни олдиндан билардим. Руҳда ибодат қилганимдан сўнг мен тайёр эдим ва юзага келган вазиятдан қандай чиқиш кераклигини билардим.

Мен Африкада бўлганимда илгари Кениядаги қабиланинг жангчиси бўлган инсонни учратдим. У бизнинг учрашувимиздан анча йил муқаддам, Исони таниб-билган, лекин ўз халқига хизмат қилиш учун ўша ерда қолган. Унинг масиҳийча номи – Юҳанно ва у вақти-вақти билан Африкани тарк этиб, хизмат сафарларида бўлади. Яқинда у АҚШга келган эди ва у мен яхши биладиган оиласинида тўхтади. У Америкада уч ҳафта яшашининг мобайнида бир вақтнинг ўзида Африкада қолган унинг оиласида содир бўлаётган воқеаларни айтиб берарди. Бироз боши қотган дўстларим, ундан бу маълумотларни қаердан оласиз, ахир сизнинг Африкадаги уйингизда телефон йўқку деб сўрашган. У яшайдиган бутун қишлоқда ҳам телефон йўқ эди. Шунда у шундай деган: “Павлус билан Осиёдаги жамоатлар ўртасида, айнан шу нарса содир бўлган . Улар унинг Раббийдаги оиласи бўлган, чунки у уларни руҳда туқкан эди. У улар билан жудо бўлганида ва ибодат қилганида, улар билан руҳда бирга бўлган ва уларнинг бутун ҳаётини кўрган. Шунда Павлус уларнинг ишлари ҳақида ёзган. Мен эса Худо Муқаддас Руҳнинг кучи орқали ҳар бир имонлига берган имкониятдан фойдаланяпман, холос. Мен оиласининг ҳаёти билан шундай йўсуинда алоқада бўлиб тураман ва ҳар сафар уларни тарк этганимга тўғри келганда шундай қиласман”.

Мен сизга Юҳанно гувоҳлигини Худонинг Сўзига тўлиқ

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

мувофиқ бўлгани учун айтиб беряпман. Биз бундай нарсаларга нега ҳайрон бўлишимиз керак? Павлус бу ҳақда Янги Аҳдда кўп марта гапирган. Африкалик бу биродарга ҳеч ким Ёзув нотўри ёки бу нарса Африкадаги кўплар айтаётгандек ишламайди дегани йўқ. Нега биз Исо нархини тўлаган нарсадан анча орқага чекиндик? Нега биз янада кўпроқ самараали хизматкорлар ва азиз Раббимизнинг ва Нажоткоримизнинг фарзанди бўлишимиз учун ички инсонимизни барпо қилмаяпмиз?

Аммо ҳали кеч эмас! Сиз ўн ёшга кирдингизми ёки саксон беш ёшгами фарқи йўқ. Сиз яқинда юқоридан туғилдингизми ёки ўнлаб йиллар аввалми, бунинг аҳамияти йўқ, сиз тилларда ибодат қилиб, ички инсонингизни барпо қила оласиз, уни тушуниш учун ибодатнинг талқинини сўрашингиз мумкин, токи Муқаддас Рӯҳ билан ажойиб мулоқотингиз ривожлансин. У сизга шунчалик кўп нарсани очиб бермоқчи! Сизга фақат ташки инсонингизни тинчлантиришингиз ва юрагингиздаги ҳамма нарсани биладиган Зотга яқинлаштиришингиз керак. Нақадар ҳайратомуз таклиф! Бу имкониятни қўлдан бой берманг!

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Сизда тилларда гапирганингизда Худо ҳаётингизда ишлаётганини яхшироқ тушунишингизга ёрдам берган вазиятлар бўлганми? Шу орқали сиз қанақа тушунча, тинчлик ёки ёрдам олдингиз?
2. Бу бобда Худо очадиган сирлардан, қандай қилиб тўғри фойдаланиш мумкинлиги ва Езекия (Иш. 39:2) ҳамда чўпон билан бўлган мисоллар ҳақида айтилади. Худо сизга очган нарсани бошқа одамларга очиш учун Худо тайинлаган вақтни кутиш сиз учун мухимми? Сизда бошқа одамларни ҳайратга солиш истагини назорат қилиш эҳтиёжи пайдо бўлмайдими?

# ИМОНДАГИ МУСТАҲКАМ АМИНЛИК



Худо бизнинг муҳтожликларимизга жавоб бермайди.

У бизнинг имонимизга жавоб беради!

Кўп йиллар давомида мен Муқаддас Рухга тўла, Худони севадиган ва Ундан қўрқадиган, гуноҳдан тийиладиган кўп самимий имонликларни учратдим. Шундай бўлса-да, бу одамлар: “Мен нима сабабдан Худони эшитмаяпман ва Унинг ҳузурини ҳис қилмайяпман?” дейишади. Бу азизлар ўз бурчини бажариб, уларнинг фикрича бажариши шарт бўлган нарсаларни бажарадилар-у, лекин Раббий билан ибодатда бирлаша олмагани учун, уларнинг умидсизлигини ҳис қиласман. Улар билан бир неча дақиқа гаплашганимизда, одатда биз бу муаммонинг сабабини аниқлаймиз. Кўпинча бу саволга битта жавоб бор ва уни қўйидаги оятда кўрса бўлади:

## Худога яқинлашиш

Шундай экан, эй биродарлар, Исо Масихнинг қони туфайли Муқаддас Маконга киришимиз учун жасоратга эга бўлиб, – чунки Масиҳ маъбаддаги парда орқали, яъни йўз танаси орқали бизга янги ва тирик йўлни очиб берди, – ҳамда Худонинг уйи устидан улуғ Рӯҳонийга эга бўлиб, *тўлиқ имон билан*, чин юрақдан Худога яқинлашайлик. Юракларимизни ёмон виждондан поклаб, танамизни тоза сув билан ювиб, ишончимиз эътирофини иккиланмай маҳкам тутайлик, чунки ваъда берган Худо содикдир (Ибр. 10:19-23, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Биринчидан, муаллиф бизга, Раббий истиқомат қиладиган муқаддаслар муқаддасига киришимиз мумкинлигини айтмоқда. Раббий хочда жон берганини эсланг, ўшанда маъбаддаги парда юқоридан пастга иккига бўлинниб йиртилди. Худо маъбаддан чиқди ва Ўзининг янги маъбадига, юқоридан туғилган инсонга киришга тайёрланди. Шу сабаб, энди биз Унга яқинлаганимизда Уни ичимизда қидирамиз, биздан миллионлаб километрлар узоқ бўлган таҳт саройига киришга уринмаймиз, зеро ичимиздаги Худонинг Рӯҳи билан бирлашиш, Исо Отаси билан бўлган таҳт саройида бўлишимизни англатади.

Эътибор беринг, муаллиф бизга Худога жасорат билан келишимиз кераклигини айтди. Аммо Унинг олдига, қандай қилиб бундай жасорат билан келиш мумкин? Биз Унинг ҳузурига У Голготада тўккан қони орқали кира олишимиз учун, бизга йўл тайёрлаб қўйибди. Биз гуноҳ туфайли виждонимизни қийнаган ҳукм ҳиссидан тозаландик ва энди мустаҳкам ишонч билан Унинг ҳузурига кира оламиз.

Бундан-да ишончлироқ йўл йўқ. Бу факт мувакқат эмас. Худо агар биз Унга яқинлашсак, У ҳам бизга яқинлашишини айтди! Бироқ аксарият одамларнинг асосий муаммоси *тўлиқ имон* ҳақида таъкидлов ҳисобланади. Биз Унга тўлиқ имон билан

келишимиз шарт! Зеро Ёзув бизга шундай дейди:

Имонга эга бўлмасдан эса Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқ. Чунки *Худонинг олдига келадиган одам Унинг борлигига ва Уни изловчиларни У тақдирлашига ишониши керак [шарт]* (Ибр. 11:6, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу сўзларга қулоқ солинг. “Имонга эга бўлмасдан эса Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқ”. Бу сўзлар устида ўйлаб кўринг ва улар сизнинг юрагингизда чуқур ўрнашсин.

### “МЕН ШУНЧАКИ ИШОНАДИГАН КИШИНИ ИЗЛАЯПМАН”

Мен Раббийда ҳали бор-йўғу бир неча йиллик имонли бўлган йилларим ёдимдан чиқмайди, мен ёлғиз инсон эдим ва Шимолий Каролинада квартирада ижарага туардим. Бир куни эрталаб қаттиқ ухлаётганимда, қўққисдан ўрнимдан туриб кетдим ва оғзимдан: “Мен шунчаки ишонадиганни излаяпман!” деган сўзлар отилиб чиқди.

Мен уйғотадиган соатга қарасам соат ҳали тонгги тўрт эди. Мен ҳали бутунлай уйғонган эмасдим, шу боис, мен қаердалигимни ва нима содир бўлганини тушунишим учун озгина вақт керак бўлди. Мен тўшак ёнидаги чироқни ёқдим ва чойшаб тердан ҳўл бўлиб кетганини кўрдим, гарчи мен бетоб эмас эди ва иситмам ҳам йўқ эди. Мен гангиг қолган эдим ва шу вақтинг ўзида эҳтиромда эдим, зеро Худо менинг оғзим билан гапирганини эндиGINA тушунган эдим. Шунда мен ўйладим: *Бу сўзларнинг қандай аҳамияти бор? Мен У ишонадиганларни излаётганини биламан.* Мен ўзимни чарчаган ҳис қилдим ва шунинг учун яна ётиб ухладим.

Эртаси куни уйғонганимда миямда худди шу фикр куни бўйи

## Худога яқинлашиш

айланғандек бўлди: *Мен шунчаки ишонадиганни изляяпман...* *Мен шунчаки ишонадиганни изляяпман...* *Мен шунчаки ишонадиганни изляяпман...* Куннинг ярмида мен қўққисдан тушундим. Мен ўзимга овозда: “Воажаб!” дедим.

Ўша вақтдан бошлаб мен иккита савол устида ўйлашни бошладим: Исони нима кўпроқ ранжитган? (Унинг ғазабини кўпроқ чиқарадиган нарса эмас, зеро У энг кўп фарзийларга жаҳл қиларди). Шунингдек, Уни нима кўпроқ қувонтирган? Биринчидан, У кўпроқ Ўзининг ваъдаларини амалга оширишига одамлар ишонмаслигидан ранжирди! Оддий қилиб айтганда, У имоннинг етишмаслиги туфайли, ёки унинг камлиги туфайли ранжиган. Аслида имон қўйидагидан ибоарт: биз ишонганимизда Худо ваъда қилган ишни амалга оширишига шубҳаланмаймиз. Худо инсонга ўхшаб алдамайди, У Ўзининг Сўзини йўз номининг шаъни билан кафолатлайди ва тасдиқлайди. У йўзи билан қасам ичади, чунки Унинг номидан юқори бўлган ҳеч нарса йўқ. Шунинг учун биз шубҳаланганимизда Унинг шаънини ҳақорат қилган бўламиз.

Келинг, бу муаммога қўйидагича қараймиз. Исо одамларнинг имонсизлиги туфайли ранжиган ҳолатларни ўқиб чиқинг. Матто Хушхабарида бунинг бир неча ҳолатлари бор:

Эй имони камлар?! (Матто 6:30).

Унинг шогирдлари яқинлашди-да, Уни турғизиб: – Ҳазрат, бизни қутқар, ҳалок бўляпмиз, – дедилар. У үларга: – Эй, имони камлар, нега бундай қўрқоқсизлар? – деди (Матто 8:25, 26).

Исо шу лаҳзада қўлини узатиб, уни ушлади-да, унга: – Эй, имони кам, нима учун шубҳаландинг? – деди (Матто 14:31).

Исо буни англаб, үларга деди: – Эй, имони камлар, нима учун ўзингизча нон олмадик, деб ўйлаяпсизлар? (Матто 16:8).

## ИМОНДАГИ МУСТАЖКАМ АМИНЛИК

Сиз Унинг овозидаги кўнгил совушни ва ғамни эшитяпсизми? Бироқ бизни кўпроқ Унинг шогирдлари билан бўлган ҳолат лазрага солади, улар тутқаноғи бор боладан жинни қува олмадилар. Исо шогирдларига мана нима деди:

Шунда Исо жавоб бериб: «Эҳ, имонсиз ва бузук авлод, қачонгача Мен сизлар билан бирга бўламан? Қачонгача сизларга чидайман? Уни Менинг олдимга, бу ерга олиб келинглар», – деди. Исо ёвуз руҳга тақиқлади ва ёвуз руҳ ундан чиқиб кетди. Ўсмир ўша вақтда шифо топди (Матто 17:17, 18).

Кўриб турганингиздек, У Ўз ҳиссиётларини ушлаб турган эмас. Унинг овозида нафақат кўнгил совиш, балки ҳатто, одил ғазабга ўхшаш бўлган алам-у ғам сезиляпти!

Шундан сўнг шогирдлар Ундан нима сабабдан улар жинни қува олишмаганини сўрадилар. Исо оддий жавоб берди:

Имонсизлигинги учун (Матто 17:20).

## ХУДО БИЗНИНГ ИМОНИМИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Биз Раббийдан ҳамма нарсани имон орқали оламиз. Мен бир ҳақиқатни тушундим. Бу ҳақиқатга кўра Масиҳ Танасидаги кўплар Худо инсоннинг муҳтожлигига эмас, балки унинг имонига жавоб беришини билмайди! Тўхтанг ва бу баён устида фикр қилинг! Мен Ёзувдан бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган беҳисоб мисолларни келтиришим мумкин, лекин уларнинг фақат иккитаси ҳақида айтиб беришимга ижозат беринг. Биринчидан, Исо бир куни бир ўйда кўп одамларга фарзийлар ва қонун үламолар ҳузурида таълим берди ва биз қўйидагиларни ўқиймиз:

## Худога яқинлашиш

Раббийнинг куч-құдрати эса касалларни шифолашда намоён бўлаётган эди (Луқо 5:17).

Менга Ёзув Худонинг куч-құдрати эса касалларни шифолашда намоён бўлаётган эди, деб ёзилгани ёқади. Балки ҳеч құрса, битта қонун ўқитувчиси ёки афтидан уларнинг бир нечтаси шифога мұхтож бўлишган, бироқ бирортаси ҳам шифо топмади! Нега? Уларнинг биттасида ҳам бу учун имон йўқ эди.

Бироқ у ерда замбилда ногирон инсонни құтариб келган бир гурӯҳ одамлар бор эдику, улар катта оломон туфайли касал одамни уйға олиб киролмадилар. Шунинг учун улар том устига чиқиб, томни ечиб олиб, беморни тўғри Исонинг оёклари остида туширдилар. Сўнгидай деб ўқиймиз:

*Исо уларнинг имонини кўриб, шолга: “Эй, одам, сенинг гуноҳларинг кечирилди. Сенга айтаман: ўрнингдан тур, тўшагингни ол ва уйингга бор!” – деди. У эса ўша заҳоти уларнинг олдида ўрнидан турди, ўзи ётган тўшагини олди ва Худони улуғлаб уйига кетди. Шунда уларнинг ҳаммаси ҳайратланиб, Худони улуғладилар ва қўрқувга тўлиб: “Бугун биз ажойиб ишларни кўрдик”, – дер эдилар (Луқо 5:20-26, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).*

Исо уларнинг имонини кўрди. Шол одам Раббий Ўз Сўзида туришига ишонар эди. Ҳойнаҳой улар Раббий Ўзининг халқига айтган сўзларини билишган: “Эй жоним Раббийни дуо қил ва Унинг барча эзгу ишларини үнутмагин. У сенинг барча қонунбузарликларингни кечиради, барча касалликларингни шифолайди” (Сано 102:2, 3). Қонун ўқитувчилари эса шол одам шифо топганини кўриб, ҳайратга тушдилар ва Худони улуғладилар. Бироқ уларнинг биттаси ҳам шифо топмади. Нега? Чунки агар биз имон билан ҳаракат қилмасак, ҳатто буни Худо хоҳласа ҳам, биз ҳеч нима олмаймиз! Худо фарзийларни

## ИМОНДАГИ МУСТАЖКАМ АМИНЛИК

ҳам шифо топишини истаган, бироқ улар шифо топмадилар! Худо биз ишончимизга жавоб беради ва бу биз Унинг Сўзига асосланиб ҳаракат қилганимизда содир бўлади.

Иккинчи ҳолатда Исонинг олдига мажусий аёл келди. У Исодан унинг жинга чалинган қизини шифолашини ўтиниб сўради. Исо унга деди:

Аввал болалар тўйишишин, чунки нонни болалардан олиб, итларга ташлаш яхши эмас (Марк 7:27).

Исо бу аёлни ит деб атади. У хафа бўлиб, аччиқ қилиб, нари кетиши мумкин эдим. Аммо у қандайдир йўсинда Унинг феълини билар эди. Шунинг учун у шу заҳоти жавоб топди:

Худди шундай, Ҳазратим, бироқ итлар ҳам хонтахтанинг тагида болалардан тушган ушоқлардан ейишади (Марк 7:28).

У Худо Ўғлининг ҳузурида турганини билар эди ва У эзгу Худо ҳамда Унинг кучи чексиз эканига ишонарди. Унинг қарори қатъий эди, чунки у ўз сўровида қаттиқ туриб, сўрашда давом этиш кераклигини, шунда уни рад қилмасликларини тушунар эди. У имонда турарди, шу боис, Исо унга деди:

Шу сўзинг учун бор, жин сенинг қизингдан чиқиб кетди (Марк 7:29).

У уйига қайтганида, қизини бутунлай соғлом топди. Бу ҳолатда Исо унинг муҳтоҷлигига эмас, балки унинг имонига жавоб берди, зеро аввалига унинг илтимоси муҳтоҷликка асосланган эди, лекин унинг Исонинг жавобига нисбатан бўлган муносабати имон билан ёниб турган эди.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

### ИМОН – БУ ОЛИНАДИГАН ҲАММА НАРСАНИНГ КАЛИТИ

Бу қоида бутун Шоҳликка нисбатан қўлланилади. Ёқуб жасорат билан таъкидлайди, биз Худонинг олдига ибодатда келганимизда:

Ҳеч шубҳа қилмасдан, имон билан сўрасин, чунки шубҳа қилювчи киши шамол кўтараётган ва тўзитиб юбораётган денгиз тўлқинига ўхшайди. Бундай одам Раббийдан бирон нарса олишни умид ҳам қилмасин (Ёқуб 1:6-7).

Худди шундай. Бу сўзларга яна бир бора қулоқ тутинг: “Бундай одам Раббийдан бирон нарса олишни умид ҳам қилмасин”. Бу ҳақида ҳеч қурса, бир дақиқи ўйлаб кўринг! “Бирон нарса олишни” ибораси устида ўйлаб кўринг. Бу кескин таъкидлов, бу ерда бирорта истиснога ўрин йўқ! Худо бу ҳақда қаттиқ ва аниқ гапирди. У фақат имонга жавоб беради, бошқа нарсага эмас! Мана шу сабабдан, кўпчилик Муқаддас Рӯҳни олмайди. Улар имон билан сўрамайдилар. Ёзув биздан сўрайди:

Сизлардан фақат шуни билмоқчиман: сизлар Муқаддас Рӯҳни Қонун ишлари орқали қабул қилдингизми ёки имон воизлиги орқалими? (Гал. 3:2, ёзма ҳарфлар музаллифга тегишли).

Бу Ёқуб айтаБтган сўзларга тўлиқ мувофиқ. Агар сиз Унга имон билан яқинлашмасангиз Раббийдан ҳеч нима ололмайсиз ва шу ерда, сиз Муқаддас Рӯҳга ҳам ишонишингиз керак бўлади. Мен чанқоқ бўлган, аммо тилларда гапирмайдиган қанчалик кўп имонлиларни учратганман. Улар олаётган нарсалардан кўра имонда кўпроқ барака борлигини биладилар, улар изланадилар, бироқ Муқаддас Рӯҳга тўлишиш ҳақида Худонинг Сўзини эшигтганда, улар менга: “Мен бир марта ибодат қилган эдим,

## ИМОНДАГИ МУСТАҲКАМ АМИНЛИК

лекин ҳеч нарса содир бўлмади” дейишади. Ёки улар Муқаддас Рухни олишни истайдилар, лекин улар бу инъомга ишончсизлик билан муносабат қиласидилар. Уларда Исонинг олдига ўз қизи учун сўрашга келган мажусий аёлнинг қатъиyllиги йўқ. Бундай одамлар Худога тўлиқ имон билан келмайдилар! Улар Унинг олдига жасорат билан келмайдилар! Худо биз Унинг иродасини билишимизни истайди, зеро бизга шундай дейилган: “Шунинг учун ақлсиз бўлманглар, аммо Раббийнинг иродаси нима эканини англаб олинглар” (Эфес. 5:17). Ва биз бу билимни олганимизда, биз тўлиқ имон ва тўлиқ эътиқод билан сўраймиз.

Худога яқинлашиш масаласида ҳам худди шу қоида қўлланилади. Кўпинча имонлилар Худонинг олдига У билан бирлашиш умиди билан яқинлашишади. Мен Ёзувдаги умид ҳақида айтмаяпман, зеро Ёзувдаги умид – бу тўлиқ аминлиқдир. Мен “балким” дея шубҳа билан гапирадиган умидни назарда тутаяпман. Имонлилар кўпинча, уларнинг сўзлари эштилади деган умид сўзларини шамолга учирашади. Бундай муносабат – имон эмас, у сизни Худонинг ҳузурига олиб келмайди. Муқаддас Китобдаги қўйидаги оятни қайтадан ўқиймиз: “Имонга эга бўлмасдан эса Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқ. Чунки Худонинг олдига келадиган одам Унинг борлигига ва Уни изловчиларни У тақдирлашига ишониши керак” (Ибр. 11:6, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли). Сиз Худога яқинлашганингизда, сиз Унинг борлигига ишонишингиз керак. Бошқа сўзлар билан айтганда, бу У сизга намоён бўлишига, У сизни эшитишига ва жавоб беришига ишонишдир!

Ёқуб ёзади: “Бундай одам Раббийдан бирон нарса олишни умид ҳам қиласин. Фикрида иккиланаётган одам ўзининг ҳамма йўлларида беқарордир (Ёқуб 1:7, 8). Фикрида иккиланаётган одам Худога яқинлашади, лекин Унинг ҳузурида бўла олишига шубҳаланади. У Худо ҳатто, унинг яқинлашаётганини кўраётганига шубҳаланади.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Иккиланаётган фикрларнинг аломатларидан бири – дарбадар фикрлардир. Мен нимани назарда тутаётганимни тушунтиришимга ижозат беринг. Кўпинча илоҳий йиғинларда воизлиқдан сўнг одамлар ибодат учун олдинга чиқишиади, мен мусиқачилардан чалишни тўхтатишини сўрайман. Гап шундаки мусиқа асбобларнинг бор-йўғи товуши бўлса ҳам, кўпчилик таниш бўлган қўшиқларнинг сўзларини кўйлашади ва шунинг учун улар дикқатини Раббийга қаратади олмайди. Ёқуб шундай дейди: “Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади” (Ёқуб 4:8). Агар бизнинг фикрларимиз дарбадар бўлиб юрса, биз қанақасига Худони излай оламиз? Биз дикқатимизни Унга жамлай олмаймиз. Сиз шундай кайфият билан дўстингизнинг олдига боришни тасаввур қила оласизми?

Одамлар ташқи нарсаларга осонликча чалғишиади, чунки улар яқинроқ борса, У билан бирлашаман деб ўйлашади. Йўқ, аввалига Унинг борлигига ишониш керак, У шу ерда эканига ишонишингиз керак. У сизни эшиштаётганига ва сизга жавоб беришига ишонишингиз керак. У сизнинг ажралмас дикқатингизга арзиди. Имон У сизни дикқат билан эшиштаётганига аминлик беради, чунки У буни ваъда қилган, сиз биласизки, У ёлғон гапира олмайди. Агар сиз Унга яқинлашсангиз, У ҳам Ўз навбатида сизга яқинлашади. Шу пайт юракнинг ҳаяжонини умуман жиловлаб бўлмайди! Биз қандай ғаройиб Худога хизмат қиляпмиз! Агар Унга имон билан яқинлашсак, У бизга жавоб беради!

## ҚАЙ ТАРЗДА ИМОНГА ЭРИШИШ МУМКИН?

Энди биз кўплаб имонлиларни энг кўп нима қизиқтириши ҳақида гаплашиб олишимиз керак. Қандай қилиб имонимизни кўпайтирсак бўлади. Имонлилар бунга ўхшаш саволларни доим беришиади ва аслида, анашундай саволларни ҳаворийлар даврида ҳам беришган:

## ИМОНДАГИ МУСТАЖКАМ АМИНЛИК

Хаворийлар эса Раббийга: – Бизнинг имонимизни кўпайтири, – дедилар. Аммо Раббий жавобан деди: – Агар хантал уруғидай имонингиз бўлиб, шу анжир дараҳтига: “Илдизинг билан қўпорилиб, денгизга кўчиб ўтқазил”, – десангиз, у сизларга бўйсунар эди (Луқо 17:5-6).

Энг аввало, Исонинг қўйидаги сўзларига эътибор беринг: “Агар хантал уруғидек имонингизда бўлса эди”. Уруғ бу жуда кичик нарса, лекин унинг ичида катта дараҳт бўлиб ўсиш қуввати бор. Шу боис, имон уруғининг ўсиши мавзусига ўтишдан аввал, ҳеч бўлмаса бу имон уруғчасини қаердан олиш мумкинлигини сўраш керак? Бу саволнинг жавобини биз қўйидаги оятдан оламиз:

Шундай экан, имон – эшитишдан, эшитиш эса – Масихнинг сўзи орқалидир (Рим. 10:17, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу жуда осон. Имон уруғи Худонинг Сўзини эшитишдан келади. Исонинг сўзларига эътибор беринг - “эшитишдан”. Баъзида уруғ Сўзни фақат бир марта эшитганингиздан сўнг келади, лекин кўпинча уруғ юрагимизга қайта-қайта эшитганимизнинг натижасида тушади. Ана шу сабабдан, Раббийга чанқоқ бўлган кўплаб имонлилар Худонинг Сўзини ва ундаги мактубларни доим эшитадилар ёки ўқийдилар. Кўпинча одамлар менинг олдимга келиб, менинг китобларимни кўп маротаба ўқиганини ёки видеокассеталарни бир неча марта кўришларини ва шундагина, улар ниманидир тушунишни бошлаганини айтадилар. Айнан шундай пайтларда уруғ уларнинг юрагига тушади ва мустаҳкам илдиз отади!

Бу шуқадар осонки, агар буни мураккаблаштирилса ҳаммасини бузиб қўйиш мумкин. Имон уруғи фақатгина Муқаддас Рӯҳ руҳлантирган, овозда чиқарилган ёки ёзилган

## Худога яқинлашиш

Худонинг Сўзидан келади. Бугун шунчалик кўп воизлик қилиниши, кўп ёзилаётгани, аммо Худонинг Сўзи шунчалик кам жаранглаши қанчалик қайғули. Нашриётчилар менинг биринчи китобимни чоп этишдан бош тортдилар, улар унда ҳаддан зиёд “воизлик материаллари” бор дедилар. Ҳаддан зиёд Ёзувдан оятлар бор, Худо ҳаддан зиёд гапирияпти! Ўйлайманки, улар инсоний иззатталаблигини ёки ҳатто, башарини қаноатлантирадиган нарсани олишни истайди.

Бунинг ҳаммаси жуда қайғули, лекин кўп хизматкорлар бугун шунга ўхшаш талабларга ён беришади. Энди бизда Худони излаш жараёни осонлаштирилган жамоатлар бор. Бундай жамоатларда одамлар ўзлари билан Муқаддас Китоб олиб юрмайдилар, чунки у уларга керак эмас. Улар ноталабчан ёки завқлантирадиган “чиқишлиарни” тинглайдилар. Бу уларнинг лаззатни ва ёқимли бўлган нарсаларни излашдаги оғир меҳнатини енгил қилиб беради. Мен ғарбий жамоатларнинг аҳволи ҳақида ўйлаганимда, бунинг барчаси, масалан Хитойда содир бўлаётган нарсалар билан солиштирганда жуда ғалати бўлиб кўринади. Бизнинг хизматимиз охирги икки йил ичида, Хитойдаги яширин жамоатларнинг раҳбарларига эллик мингта Муқаддас Китоб жўнатди, чунки улар Худонинг Сўзига жуда чанқоқ. Хитойда Муқаддас Китоб шунчалик камки, жамоат бошчилари Янги Аҳднинг алоҳида бетларини оқсоқолларга тарқатиб беришади. Агар ҳокимият бу бетларни мусодара қиласиган тақдирда ҳам, оқсоқоллар ҳар доим Худонинг Сўзини воизлик қилишга имконияти бўлиши учун бу бетларни ёдлашлари керак. Бу одамлар ёзилган Худонинг Сўзини қадрини биладилар.

Бироқ ғарбий жамоатларда биз одамларга жонни ўзгартирадиган ва тананинг ўлишига олиб келадиган Худонинг Сўзини айтишнинг ўрнига, жонга ёқадиган ва тана учун қулай бўлган воизликлар билан завқлантиришга уринамиз. Жонга ёқимли нутқларни эшитиб, биз кулишимиз мумкин ва ҳатто,

таъсирили воқеаларни эшитиб, кўз ёш тўкишимиз ҳам мумкин, лекин Худони бундай тарзда излайдиганларнинг эшигини гуноҳ тақиллатса нима содир бўлади? Улар гуноҳга қарши туриш учун ўзида куч топа оладиларми? Бундай одамлар Худонинг иродасини у ёки бу ҳаётий вазиятда таниб-билиши керак бўлса – улар қандай ибодат қилиш кераклигини ва нима ҳақида сўраш кераклигини биладиларми? Улар ўзларида Инжилда сўраган нарсани олган одамларнинг имонини топа оладиларми? Бу каби саволлар мўл.

Мен ўша ношириётчи менинг биринчи китобимни олмаганидан хурсандман. Акс ҳолда у муҳаррирлардан, менинг мактубимни юмшатишни сўраган бўлар эди ва кўп одамлар у орқали олиши мумкин бўлган кучдан маҳрум бўлган бўлар эдилар. (Айтгандай, вақт ўтиб, китоб чоп этилди.) Қизик, нашриёт уйининг соҳиби, менинг китобимни олмаган ўзининг ширкатининг раҳбарини ишдан бўшатди ва юраги Худога тўлиқ бағишлиланган одамни ишга олди. Янги раҳбар атрофига, Худонинг Ўз ҳалқига қаратиб айтган мактубларига рашк билан муносабат қиласиган ишчиларни йиғди. Бу нашриёт уйининг янги раҳбари мен билан уланди ва менинг навбатдаги китобимни нашр этиш учун рухсат сўради. Натижада, мен бу нашриёт учун бешта китоб ёздим ва уларнинг тўрттаси бозоргир бўлиб чиқди. Лекин энг муҳими шундан иборатки, биз инсонларнинг, оиласаларнинг ва бутун бошли жамоатларнинг ҳаётида ўзгаришлар ҳақида сон-саноқсиз гувоҳликлар олишда давом этаяпмиз. Бор шараф Худога бўлсин!

Мен ерда: “шундай кунлар келмоқдаки, – нонга очликни эмас, сувга ташналикини эмас, лекин Раббийнинг сўзини эшитишга очликни” (Ам. 8:11) юбораман деган сўз амалга ошди. Америка жамоатида, одатга кўра Худонинг Сўзидан кам воизлик қилинади. Мен у умуман айтилмаяпти демаяпман, шунчаки кўплаб мактублар, китоблар, видео ва аудиокассеталар

## Худога яқынлашиш

садосида айнан Худонинг Сўзи етишмаяпти. Нега Африка ва Осиёдаги одамлар америкаликларга нисбатан камроқ имкониятга эга бўла туриб, Раббий уларни анча осонликча олади ва улар кўпроқ имонга ва ҳаётида ҳосилларга эга? Аслида ҳаммаси жуда оддий. Улар жонга ва танага ёқадиган мактубларни ва имонлининг ҳаётига қадимги аҳднинг қонунларига мувофиқ тузилган талабларни эмас, балки Раббийнинг Сўзини эшитадилар!

Мен Худога ҳеч қачон четдан бўлган босимга бўйсунмасликни ваъда берганман ва одамларга уларнинг қулоғига ёқимли бўлган сўзларни айтмайман. У менга айтишни буюрган нарсаларни айтаман. Павлус шундай деган:

“Энди мен инсонларнинг маъқуллашини излайпманми ёки Худонингми? Одамларга ёқишга интилаяпманми? Агар мен ҳали ҳам одамларга ёқишга ҳаракат қилганимда эди, унда Масиҳнинг қули бўла олмас эдим” (Гал. 1:10). Қанчалик кўп одамлар Масиҳнинг қули бўлиб бошлаб, жамоатининг ёки тингловчиларнинг қулига айланиб тугатиши. Энди уларнинг ортидан етаклаётган издошларининг истакларини қаноатлантиришга ўзларини мажбур ҳис қиласидилар.

Имон эшитишдан келади, Худонинг Сўзини эшитишдан. Айнан Худонинг Сўзи юрагингизнинг экинзорига уруғларни ёки донларни ташлайди. Биз руҳий етакчилар сифатида Раббийнинг халқига у ўйладиган, унинг фикрига кўра керак бўлган нарсани эмас, балки халқ чиндан ҳам муҳтож бўлган нарсани беришимииз шарт. Биз одамларни барпо этадиган ва уларнинг барча муқаддасланганларга мерос беришга қодир бўлган Худо Сўзининг абадий ҳақиқати билан боқишимиз шарт (Ҳав. 20:32).

Ҳозирги замонда соф ва ўзгармас Худонинг Сўзини яна воизлик қилаётган кўп етакчилар пайдо бўлди. Уларнинг айримлари одамларнинг қулоғига манзур бўлиш тузоғига қачонлардир тушиб қолган эдилар ва энди, бу ёлғондан

озод бўлаяптилар, бошқалари эса хизматни энди-энди бошлаяптилар. Улар Худонинг халқини Унга қайтишга ундаяптилар! Худо нега Ўзи билан яқинликни шунчалик қатъият билан таъкидлаяпти? Жавоби оддий. У сизда У билан ширин мулоқот ва бирлашиш ҳаёти билан яшай олишингиз учун имонингиз бўлишини истайди. У Ўзинининг одамларига Ўз Сўзи билан имон экаяпти, токи уларни Ўзига тортиш учун. Бу нақадар ғаройиб!

### ИМОННИ ҚАНДАЙ КЎПАЙТИРИШ МУМКИН?

Энди биз имонни қандай кўпайтириш масаласига етиб келдик. Исо Ўз шогирдларига шундай деди:

Агар хантал үруғидай имонингиз бўлиб, шу анжир дараҳтига: “Илдизинг билан қўпорилиб, денгизга кўчиб ўтқазил”, –дессангиз, у сизларга бўйсунар эди. Сизлардан ким қўш ҳайдовчи ёки подачи қулга эга бўлиб, у даладан қайтганида, унга: “Тез келиб, дастурхонга ўтири”, – дейди? Аксинча: “Кечки овқатимни тайёрла, овқатланиб бўлганимча бел боғлаб, менга хизмат қилиб тур, ундан кейин ўзинг еб-ичасан”, – демайдими? Буюрган ишларни бажаргани учун у қулига ташаккур билдирадими? Ўйлайманки, йўқ. Шундай қилиб, сизлар ҳам буюрилган ҳамма ишни бажарганингиздан кейин: “Бизлар арзимайдиган қуллармиз, чунки қилишимиз керак бўлган ишни қилдик”, –денглар (Луқо 17:6-10).

Менга ҳар доим Исо нима сабабдан имон ҳақида гапирганда үруғдан, бирдан қул ва унинг хўжайини ўртасидаги ўзаро муносабатларга ўтгани тушунарсиз бўлган. Бир қарашда, Исо мантиқ билан гапирмагандек туюлади, лекин мен бундай эмаслигини билардим. Сўнгра бир куни Муқаддас Рух менга бу парчани кўришим учун кўзимни очди.

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

Биринчидан, У имон бизга кичкина уруғ кўринишида келишини айтмоқда. Уруғларнинг ҳажми одатда кичкина бўлади, лекин уларнинг ичидаги қувват, улар улкан дарахт бўлиб ўсишига имконият беради. Шу боис, уруғ ўз васифасини бажариши учун уни экиш ва унга қараш кифоя. Унинг жавобининг иккинчи қисмida, уруғ йирик ҳосилдор имон дарахти бўлиб ўсишининг калити бор. Бошқа сўзлар билан айтганда, у дарахтни томири билан суғуриб, денгизга ғарқ қиласидиган, агар керак бўлса, тоғларни кўчирадиган ва бизни Худонинг ҳузурига олиб келадиган имон бор!

Хизматкор нега ер ҳайдайди ёки хўжайинининг чорвасини боқади? Унинг хизматининг мақсади, жанобини озуқа билан таъминлашдан иборат. Исо мана нима ҳақида сўрамоқда: ер ҳайдаётган ёки пода боқувчи қул ишини якунламасдан жанобининг олдига қайтиб, унинг дастурхонига озуқа қўя оладими? У ўз меҳнатида муваффақият қозониши учун қилиши шарт бўлган ҳамма ишни якунлаши керак. Якунланмаган ишни, ерга уруғ экиш, уни суғориш ва нурилаш билан ҳамда у пишган вақтида эътиборсизлик ва маъсулиятсизлик туфайли нобуд қилиш билан таққослаш мумкин.

Исо бизнинг Унга бўлган итоатимиз ҳақида гапирмоқда. У бизнинг Раббимиз, биз эса далада ишлаётган Унинг хизматкорларимиз. Агар биз имон уруғлари ҳосил келтиришини кўришни истасак, биз қилишимиз учун топширилган ҳамма нарсада итоатли қул бўлишимиз керак. Унинг қўйидаги сўзларига эътибор беринг: “Шундай қилиб, сизлар ҳам буюрилган ҳамма ишни бажаринглар”. Бу сўзлар У бизнинг итоатимиз ҳақида айтаётганини тасдиқлади ва имонимизнинг кўпайиши, айнан манашу нарсадан иборат.

## ТҮЛИҚ БҮЛМАГАН ИТОАТ, ИТОАТСИЗЛИККА ТЕНГ

Қисман қулоқ солиши ёки бўйсуннишни бошлаб, сўнгидаги чекиниш етарли эмас. Ёзувдаги кўп шахслар шу хатога йўл қўйишиган. Бунинг аниқ мисолларидан бири – шоҳ Шоул. Худо унга бориб, амалеқликларни қирғин қилишни аниқ қилиб айтди. У барча эркакларни, аёлларни ва болаларни, сўнгра барча ҳайвонларни қириши керак эди. Нафас оладиган бирор зот тирик қолмаслиги керак эди.

Шоул буюрилган ишни бажаришдан бош тортмади. Кўпинча биз фақат кўзга ташланган ошкора исённи итоатсизлик деб атаемиз. Бироқ бу бундай эмас. Шоул ўзини, бир нарсанни ваъда бериб, кейин фикрини ўзгартириб, ваъдасини бузган одамдек кўрсатмади. Кўпчилигимиз итоатсизлик деганда, айнан манашундай хулқни назарда тутамиз. Шоул шунингдек, бу буйруқнинг муҳимлигини тан олиб, кейин уни унутиб қўйгани ёки уни менсимагани ҳам йўқ. Бизнинг кўпчилигимиз бундай ҳаракатни итоатсизлик деб тан олган бўлардиг-у, лекин уни бузғинчининг эзгу ниятлари билан оқлаган бўлардик. Ҳойнаҳой, биз келтирган хулқларнинг ҳамма турини итоатсизлик деб аташга рози ҳам бўлар эдик, аммо келинг, Шоулга қайтамиз.

У тезда барча жангчиларни йиғиб, амалеқликларга ҳужум қилди. У барча эркакларни, аёлларни ва болаларни ўлдирди. Шоул ва унинг жангчилари қиличлари билан минглаб одамларни ўлдирдилар. Аммо Шоул амалеқликларнинг подшоҳини аяди. Нега? У ўз замонининг талабларига бўйсунган деб ўйлайман. Агар сиз халқни бўйсундирган ва шоҳни тириклайн қўлга олган бўлсангиз, сиз уни ўз саройингизда қўл қилишингиз ва шу йўсинда, тирик ўлжага эга бўлишингиз мумкин.

Шоул шунингдек, минглаб ҳайвонларни қирғин қилди. Бироқ энг аъло буқаларни ва бошқа ҳайвонларни сақлаб қолди ва

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

ҳайвонларни халқ Худога қурбонликлар келтириши учун ва қонунда ёзилғанларни амалга ошириши учун халққа берди. Бунинг барчаси халқинг кўзида қандай кўринганини тасаввур қилинг. Улар бу ҳайвонларни, Яхвех Худога қурбонликка келтирғанларида, улар: “Бизнинг шоҳимиз қанақанги диёнатли инсон, у доим Раббийни биринчи ўринга қўяди” деб ўйлашган.

Аммо Худо бунга бошқача муносабат билдириди. У Шомуилга: “Шоулни подшоҳ қилиб тайинлаганимдан ачинаман, чунки у Мендан юз ўғирди ва Менинг сўзимни бажо келтирмади” деди (1-Шоҳ. 15:11). Шоул ўн минглаб одамларни ўлдириди ва бирортасини ҳам тирик қолдирмади. У унга айтилган нарсаларнинг 99,9 фоизини бажарди. Кўпчилигимиз унинг ишларида итоатни кўрган бўлар эдик, Худо эса итоатсизликни кўрди. Боз устига, Муқаддас Китобнинг матнида сал пастроқда, Худо пайғамбарнинг оғзи билан унинг ҳаракатини бўйсунмаслик деб атамоқда. Шундай қилиб, биз қисман итоат қилиш Худонинг кўзида - итоатсизлик эканини кўраяпмиз. Аслида, қарийб тўлиқ итоат, ҳатто 99,9 фоиз бўлган итоат бўйсуниш деб ҳисобланмайди, аниқроғи бу бўйсунмаслиқдир. Биз қуйидаги ибораларни тез-тез эшитамиз: “Сен мен қилган ишга нега қарамаяпсан? Сен фақат мен қилмаган ишга эътибор беряпсан!” Шоул ҳам худди шундай дейиши мумкин эди. Гарчи бунинг бари инсоний фикр билан тўқилса ҳам, Илоҳий нуқтаи назарда, ҳеч ҳам тўқилмайди!

## ХУДО БИЛАН ЯҚИНЛИК БИЗНИНГ ИМОНИМИЗГА ЯРАША БЎЛАДИ

Агар Шоулнинг ҳаётини кузатишда давом этсак, унинг имонининг сифати ёмонлашиб борганини кўрса бўлади. У Раббийдан шиддат билан узоқлашишни бошлаганини кўрасиз. Унинг Худо билан бўлган даражаси камайиб борди, чунки Худо билан яқинлигимизнинг даражаси бизнинг имонимизга яраша

бўлади. Ҳаворий Юҳанно бу ҳақда шундай деб ёзади:

Биз ҳақиқатдан эканлигимизни ана шундан билиб оламиз. Унда юрагимиз бизни ҳукм қилса ҳам, юрагимизни Ҳудонинг олдида хотиржам қиласиз. Чунки Ҳудо юрагимиздан каттароқдир, У ҳамма нарсани билади. Севганларим! Агарда юрагимиз бизни ҳукм қилмаса, Ҳудога нисбатан дадил бўламиз. Шунинг учун Ундан нимаики сўрасак оламиз. Чунки биз Унинг амрларига риоя қилиб, Унинг ҳузурида Унга маъқул бўлган ишларни қилмоқдамиз (1-Юҳ. 3:19-22).

Бизнинг Ҳудога яқинлашиш қобилиятимиз, тўғридан-тўғри имонимизга яраша бўлади, имон эса бизнинг Раббийга нисбатан бўлган бўйсунишимизга яраша бўлади. Энди бу таъкидловни тушунтириб беришимизга ижозат беринг. Мен итоатсизлик қилгандан сўнг гуноҳингизни шу заҳоти эътироф этиб, тавба қилган ҳолатларингиз ҳақида айтмаяпман. Довуднинг гуноҳи Шоулнинг гуноҳига нисбатан анча жиддийроқ эди, лекин у шу заҳоти тавба қилди. Унинг имони камаймади, шунингдек, унинг Раббий билан яқин ўзаро муносабатларда бўлиш қобилияти ҳам камаймади. Шоул эса бошқа томондан ўз фойдасини кўзлади, у ўзимники деб ҳисоблаган нарсасини ҳимоя қилишда ва кенгайтиришда давом этади. Унинг юраги Довуднинг юраги сингари Раббийга интилмас эди.

Бу мисолга эр-хотининг кундалик ўзаро муносабатлари яхши намуна бўлади. Агар улардан биттаси ўзиникида турса-ю, турмуш ўртоғининг манфаатларини менсимаса, уларнинг ўртасидаги ишонч ва яқинлик йўқолади. Эр шундай дейиши мумкин: “Қулоқ сол, мен ҳисобварақларини тўляяпман, сени боқаяпман, уй билан таъминлаяпман, кийинтираяпман. Агар бошқа жойда яна битта аёл билан яшасам, буни нимаси ёмон?” дейиши мумкин. У хотинини севаман ва унга ғамхўрлик қилаяпман деб ўйлаши

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

мумкин, лекин сизга кафолат бераманки, уларнинг ҳаётидаги бор-йўғи битта соҳасда эрининг итоатсизлиги туфайли, уларнинг ўртасидаги яқинлик даражаси пасаяди.

Биз: “Раббий, мен жамоатга мунтазам қатнайман, ушр бераман, Муқаддас Китобни ўқийман ва ибодат қиласман, аммо нима учун менинг имоним бунчалик заиф?” дейишингиз мумкин. Мен сизга бир савол бермоқчиман: Сиз ўз турмуш ўртоғингизга қандай муносабат қиласиз? Худо шундай дейди: “Шунингдек, эрлар, сизлар ҳам хотинларингизга жуда нозик идишга бўлгандек оқилона муносабатда бўлинглар. *Сизларнинг ибодатларингизда тўсқинликлар бўлмаслиги* учун хотинларингизни ҳурмат қилинглар, чунки улар ҳам абадий ҳаёт иноятининг ҳамворислари дидирлар” (1-Пет. 3:7). Агар биз ҳаётимизнинг барча соҳасида итоат қилмасак, бизнинг Худо билан бўлган мулоқотимизда тўсиқлар пайдо бўлади. Исонинг: “Сиз ҳам сизга буюрган ҳамма нарсани *бажарганингизда*” деган сўзларини эсланг. Қисман итоат ҳеч қачон сизнинг имонингизни кўпайтирмайди! Бу қоида шунингдек, эр ва хотин, ота-она ва болаларнинг ўзаро муносабатларида ҳам худди шундай қўлланилади.

Яна битта савол берсам майлими: сиз сўзингизда турадиган одаммисиз? Ёзув айтадики, “ўз зиёнига қасам исча-да, қарорини ўзгартирмаса” (Сано 14:5), бундай одам Раббий билан яқин бўлади. Сиз берган сўзингизни бажарасизми? Оғзингиз билан гуноҳ қилиб, кейин нима сабабдан имонингиз заиф эканидан ҳайрон бўласизми? Мен бундай саволларни беришни давом эттиришим мумкин.

Гап шундаки, биз Худонинг Сўзига тўлиқ бўйсунишга интилишимиз зарур! Бизга қатъиян айтилган:

Менинг фарзандларим! Буни сизларга гуноҳ қилиб юрмаслигиниз учун ёзмоқдаман(1-Юҳ. 2:1, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Күплар гуноҳга енгилтаклиқ ёки қонунпастлик билан қарашади. Гуноҳга енгилтаклиқ билан муносабат қиласиган одамлар, Ҳудонинг Сўзини мунтазам равишда бузишлари мумкин, чунки улар, биз раҳм-шавқатли Ҳудонинг инояти остида яшаяпмиз деб ўйладилар. Бизнинг барча гуноҳларимиз Исонинг Хочдаги қурбонлиги билан қопланган дейдилар. Ҳа, Раббий Хочда бизнинг гуноҳларимиз учун тўлов бўлди, бироқ биз Павлус имонлиларга: “Билмайсизларми, сизлар бўйсуниш учун ўзларингизни кимга қул қилиб топширсангизлар, кимга итоат қилсангизлар, ўшанинг қули бўласизлар. Сизлар ё ўлим келтирувчи гуноҳга, ёки ҳақлик келтирувчи итоаткорликка қул бўласизлар” (Рим. 6:16) деб айтганини биламиз. Исонинг Ўзи Уни Раббий деб атайдиган, лекин шу билан бирга гуноҳ қилишда давом этган одамларга: “Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!” деб айтади.

Қонунпастлар эса, гуноҳ инсонни “муқаддаслар клубидан” ажратадиган фактор деб қарашади. Аммо ҳар қандай турдаги итоатсизликдан тийилишимизнинг негизида, бундай мақсад бўлмаслиги керак. Очиғини айтсам, бундай ундов бизни гуноҳдан умуман ушлаб туролмайди. Бироқ бўйсунмаслик бизнинг имонимизни бузишини тушунсанк, бу эса ўз навбатида, Раббий билан яқинлигимизга тўсқинлик қиласи, биз гуноҳдан қочишимиз керак!

Нега? Чунки ҳаётда ҳамма нарсадан кўра кўпроқ У билан яқинликни истаймиз!

Энди, Ёқуб Ҳудога яқинлашишга даъват қилишдан аввал ва якунида, нима деганини тушуняпмиз:

Шунинг учун Ҳудога бўйсунинглар, иблисга қарши туринглар ва у сизлардан қочиб кетади. Ҳудога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади. Эй, гуноҳкорлар, қўлларингизни тозаланглар! (Ёқуб 4:7-8, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

## Худога яқинлашиш

Кўриб турганингиздек, ҳамма нарса итоат атрофида айланади! Нега? Токи биз Худога тўлиқ имон билан яқинлашайлик. Келинг, биз шу бобнинг бошида кўриб чиқсан парчани қайтадан ўқиймиз:

Шундай экан, эй биродарлар, Исо Масихнинг қони туфайли Мұқаддас Маконга киришимиз учун жасоратга эга бўлиб, – чунки Масих маъбаддаги парда орқали, яъни йўз танаси орқали бизга янги ва тирик йўлни очиб берди, – ҳамда Худонинг уйи устидан улуғ Рухонийга эга бўлиб, тўлиқ имон билан, чин юракдан Худога яқинлашайлик. Юракларимизни ёмон виждондан поклаб, танамизни тоза сув билан ювиб, ишончимиз эътирофини иккиланмай маҳкам тутайлик, чунки ваъда берган Худо содикдир (Ибр. 10:19-23, ёзма ҳарфлар мұаллифга тегишли).

Бизнинг аминлигимиз, ёки тўлиқ имонимиз Худонинг Сўзини эшишидан бошланади, имон эса ўз навбатида доимий итоат орқали кўпаяди. Агар биз гуноҳ қилсак, бизнинг шафоатчимиз ёки адвокатимиз бор. У биз учун Ота олдида шафоат қиласди ва биз тез тавба қилсак, бизнинг виждонимиз ҳукмдан тоза бўлади, чунки Исо Масихнинг қони бизни ҳар қандай гуноҳдан тозалайди ва бизни қордан-да оппоқ қиласди.

Бироқ англаган ҳолда ва атайлаб гуноҳда туришда давом этсак, унда виждонимиз бизни ҳукм қилда ва Худо бизни виждонимиздан кўпроқ ҳукм қиласди, зеро У ҳамма нарсани билади. Биз ўзимиз-ўзимизга, Худога тўлиқ имон билан яқинлашишимизга халақит берадиган тўсиқларни яратамиз.

## УМИД

Энди, юқорида келтирилган парчадаги иккинча таъкидловга мурожаат қиласми: “Ишончимиз [умидимиз] эътирофини

## ИМОНДАГИ МУСТАҲКАМ АМИНЛИК

иккиланмай маҳкам тутайлик". Имонлилар кўпинча умид ёки суюнчни нотўғри тушунишади. Бу сўз "балки" каби шубхага умуман ўхшамайди. Ҳойнаҳой, бу тушунча "ишонч билан кутиш"ни англатади.

Худо илк бора Иброҳимга намоён бўлганида, У ваъда берди: "Қўрқма, Ибром, Мен сенинг қалқонингман. Сенинг мукофотинг ғоят буюқдир" (Ибитдо 15:1). *Реал вазиятларда Ибрҳимда бепушт хотинидан фарзанд кўриш имконияти йўқ эди, чунки у ғам оҳангда жавоб берди:*

Ибром бунга: "Ё, Раббий Худо! Сен менга нима берасан? Мана, фарзандсиз ўтяпман. Энди хонадонимнинг бошқарувчиси дамашқлиқ Элиэзер меросхўрим бўлади", – деди. Ибром давом этди: "Сен менга уруғ бермадинг, мана, менинг хонадонимда туғилган қул менинг меросхўримдир" (Ибитдо 15:2, 3).

Бу одамнинг умиди мўрт бўлгани ёки умуман йўқлиги тушунарли эди, лекин Худо Иброҳим то ишонмагунича Унинг ваъдасига эриша олмаслигини биларди. Шунинг учун Худо ўша куни кечқурун уни уйдан ташқарига олиб чиқарди, унга осмондаги юлдузларни кўрсатди ва уларни санашни буюрди. Ўйлайманки бу қўйидагича содир бўлган: Иброҳим ҳисоби йўқ юлдузларни санайман деб, шунчаки ухлаб қолган бўлса керак. Эртаси куни эрталаб, Раббий уни уйғотиб: "Юлдузларни санаб чиқдингми?" деб савол берган.

Иброҳим жавоб бериб: "Йўқ, улар жуда кўп" деган.

Худо ундан кутган жавобни олиб, унга деган: "Сенинг авлодинг ҳам шунча бўлади" (Ибитдо 15:5). Худо унга Илоҳий имонни солди – йўзининг Иброҳимга берган ваъдасининг аниқ суратини – яъни ҳисоби йўқ авлодлар суратини солди. Иброҳим ҳар сафар осмонга қараганида ва юлдузларни кўрганида, Худонинг ваъдаларини эслаган ва ўзининг кўп сонли

## Худога яқинлашиш

авлодларининг овозини эшитган. Улар: “Иброҳим ота! Иброҳим Ота” деб ҳайқирар әдилар. Бу мавзуга оид Янги Аҳда Иброҳим ҳақида шундай дейилган:

У умиди қолмаганига қарамасдан, умид билан ишонди, токи “Сенинг уруғинг сон-саноқсиз бўлади”, – деб айтилгани бўйича кўп халқларнинг отаси бўла олсин (Рим. 4:18).

Иброҳимга нима ваъда қилинган эди? “Сенинг уруғинг шунча бўлади” дейилган эди. Реал дунёда умидсиз бўлган Иброҳим, Илоҳий доираларга қадам босди ва ваъда кўринарли бўлгандан ўзиб кетди. Илоҳий умид, Илоҳий доираларга кўриниб турган нарсаларнинг юқорисига қаттиқ ишонч билан умид қилиб қарайди. Иброҳим кўринарли бўлган нарсалардан юқорига, Илоҳий реалликларга қарашни афзал кўрди. Аслида Ёзув, Иброҳим “Худо берган ваъдасини бажо келтиришга қодир эканлигига тўлиқ амин эди” деб таъкитлади (Ибр. 4:21). У умид билан, кучли бўлган имон бўйича ваъдани олди. Калом бизга шундай дейди:

Имон умид қилинган нарсаларнинг моҳиятидир ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир (Ибр. 11:1).

Бизнинг имонимиз умидни ёки Худонинг ваъдаларини моддийлаштиради. Иброҳимнинг вазиятида кўрганимиздек, Илоҳий умид – бу жисмоний кўз билан кўриб бўлмайдиган ваҳий, ёки Худо иродасининг лойиҳасидир. Илоҳий умид ниҳоятда муҳим, зеро имон умидсиз мужассамлашмайди. Худонинг Сўзи бизнинг юрагимизга нафақат имонни жойлаштиради, у бизга умид ҳам беради, имонга эса мақсад беради.

Бунинг барини қурилиш материалларининг уюми билан

## ИМОНДАГИ МУСТАҲКАМ АМИНЛИК

таққосласа бўлади, масалан том сополи, дераза ромлари, топ тахтачалари, цемент, дараҳт, ғиштлар ва ҳоказо. Биз буни барини теришимиз мумкин, лекин лойиҳа ва чизма бўлмаса, қурилиш жараёни ёмон тушга айланиб кетади! Сиз: мен лойиҳасиз қура оламан деб ўйлашингиз мумкин. Балки лойиҳа сизнинг миянгизда бўлиши мумкин, лекин сизга барибир, қандайдир режа керак бўлади.

### УНИНГ ҲУЗУРИГА, ПАРДА ОРТИГА КИРИШ

Худога яқинлашишга келсак, келинг, яна бир бора бизнинг асосий матннимизга назар соламиз:

Шундай экан, эй биродарлар, Исо Масихнинг қони туфайли Муқаддас Маконга киришимиз учун жасоратга эга бўлиб, – чунки Масиҳ маъбаддаги парда орқали, яъни Ўз танаси орқали бизга янги ва тирик йўлни очиб берди, – ҳамда Худонинг уйи устидан улуғ Руҳонийга эга бўлиб, тўлиқ имон билан, чин юракдан Худога яқинлашайлик. Юракларимизни ёмон виждандан поклаб, танамизни тоза сув билан ювиб, ишончимиз эътирофини иккиланмай маҳкам тутайлик, чунки ваъда берган Худо содикдир (Ибр. 10:19-23, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Павлус Раббийга яқинлашиш ҳақида лўнда қилиб айтди. Яна: “Ишончимиз эътирофини иккиланмай маҳкам тутайлик” сўзларига эътибор беринг. Эsingиздами умид – бу сизнинг лойиҳангиз, сизнинг мақсадингиз, бу жисмоний кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсанинг Илоҳий суратидир. Бу ҳақда эслаб, қўйидагини эътибор билан ўқинг:

Одамлар ўзларидан буюкроқ нарса ҳақи қасам ичадилар. Қасам эса тасдиқлаш учун уларнинг ҳамма

## Худога яқинлашиш

баҳсларини тугатади. Шу тариқа, Худо ҳам ваъдасининг меросхўрларига йўз иродасининг ўзгармаслигини энг юқори даражада кўрсатмоқчи бўлгани учун, буни қасам билан тасдиқлади, токи биз, олдимизга қўйилган умидни маҳкам ушлаш учун қоюқлардек югураётганлар, Худо алдаши мумкин бўлмаган иккита ўзгармас нарсада қатъий тасалли топайлик. Шу умид жон учун лангардай ишончли ва мустаҳкам бўлиб, ичкарига – парда орқасига кириб боради (Ибр. 6:16-19, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Кўряпсизми? Иккита парчани бирлаштирангиз қўйидаги келиб чиқади:

*Тўлиқ имон билан, чин юракдан Худога яқинлашайлик. Ишончимиз [умидимиз] эътирофини иккиланмай маҳкам тутайлик, чунки ваъда берган Худо содикдир... Шу умид жон учун лангардай ишончли ва мустаҳкам бўлиб, ичкарига – парда орқасига кириб боради (Ибр. 10:22, 23; 6:19, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).*

Муқаддас Китобнинг инглизча янги таржимасида бу жой шундай таржима қилинган: “У [умид] бизни самовий парда орқали Худонинг ички муқаддас маконига олиб боради”. Айнан Худо Иброҳимга Илоҳий умиднинг яққол суратини кўрсатди. Гап яқинлик ҳақида борганда, Муқаддас Рӯҳ бизнинг ерлик кўзларимиз кўра олмайдиган нарсанинг суратини беради, жумладан, У Раббийни Ўзини кўрсатади, У эса осмондаги тахт саройида истиқомат қилмоқда.

Биз Худога яқинлашганимизда, ичимиздаги Худонинг Рӯҳига мурожаат қиласиз ва танамизнинг пардаси ва чекланган табиий тафаккур аро ўтамиш, кейин Унинг ҳузурига кирамиз. У ерга кирганимизда, осмоннинг ички муқаддас макони орқали юриб

## ИМОНДАГИ МУСТАҲКАМ АМИНЛИК

ўтамиз ва ўша ерда Исо ҳамда Ота билан учрашамиз. Бу ички муқаддас маконда, шуҳрат Худоси билан бевосита яқинликни бошдан кечирамиз!

Имонлилар кўпинча ибодат вақтида, ўзларини таҳт саройига кираётгандек тасаввур қилишга ҳаракат қиласидилар. Бироқ буни Муқаддас Рӯҳнинг умидисиз қиласидилар. Буни Иброҳим то ваъданинг кўргазма суратини кўрмаганича, Худонинг ваъдасини англай олмагани билан солиштирса бўлади. Раббийнинг Ўзи нима содир бўлишининг аниқ суратини чизиб кўрсатганидан сўнг, Иброҳим Худо унга ваъда берган ҳамма нарсани уқди.

Биз Муқаддас Рӯҳсиз, ички муқаддас маконимизда, Худо билан яқин ва чинакам мулоқотни ҳис қила олмаймиз. У бизнинг жисмоний кўзларимиз кўра олмайдиган нарсаларнинг аниқ суратини ёки умидини беради. Бу сурат билан Исо үлкан нарх тўлаган нарсага жасорат билан ва тўлиқ имон билан яқинлаша оламиз ҳамда унда яшай оламиз. Исо, биз учун Сенинг Шоҳона қонинг тўкилгани учун раҳмат. Биз энди, тўғри Худонинг ҳузурига ҳозир ҳам, абадийликда ҳам тўлиқ имон билан қадам боса оламиз!

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Ёзувдаги умид сўзи – аминлик билан кутишнинг маъноси – “балки” каби шубҳали бўлган умиднинг тескарисидир. Сизда “балки” сўзини ишлатиб, сўзларингизни ҳавога учирган, шу билан бир навбатда, ишонч билан кутиш ҳиссини сезмаган пайтлар бўлганми? Агар шундай бўлган бўлса, имонингизнинг шундай ҳолатининг сабаби нимада деб айта оласиз?
2. Ҳаворийлар давридан бошлаб то ҳозиргача, имонлилар иккита савол беришади. Бу саволлар бир-бирига жуда ўхшайди, лекин уларнинг маъноси жуда фарқ қиласиди:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

- Қандай қилиб имонга эга бўлиш мумкин?
- Имонни қандай қилиб кўпайтирса бўлади?

Сиз манашу бобда олган билимларни ишлатган ҳолда, бу саволларга қандай жавоб берса оласиз?

3. Шоул ва Довуд итоатининг табиатини таққослаб, ушбу муҳим масалада, уларнинг муносабатида қандай фарқни кўраяпсиз? Уларнинг итоати, ҳар биридаги Худо билан яқинликка қандай таъсир қилди?
4. Худога бўйсуниш, инсоннинг Худога жасорат билан яқинлашиш қобилиятига қандай таъсир қилади?

# ЯНАДА КҮПРОҚ ЯҚИНЛАШИБ



Сиз Унга яқинлашишга жүръят қылсанғыз бўлади,  
чунки У сизга ҳар қандай вақт кела олишингиз  
учун таклифнома берди.

**Б**у охирги бобда, бизни жуда кучли севадиган Зотга Яқинлашишнинг амалий тарафини муҳокама қиласмиз. Бироқ бу муҳокама, турмуш қурмоқчи бўлган ёш инсонларнинг ҳаётидаги яқин муносабатлари ҳақида ошкора ўгит-наситҳат қилишга, кўп нарсада ўхшаш бўлади. Ёш инсонларга йўл-йўриқ бериш мумкин, аммо қолган барча нарса уларнинг юрагидан келиб чиқади. Яқинликнинг гўзаллиги манашундан иборат: у бизнинг юракларимизда гуллайди, унга ақл билан эришиб бўлмайди.

Раббийга яқинлашишда, биз Унинг суратида Унга ўхшаш қилиб яратилганимизни эсда сақлашимиз керак. Унинг

## Худога яқинлашиш

ҳиссиётлари бизни сингари ҳар хил бўлиши мумкин. Биз нафақат яқин дўстимизнинг кайфиятига, балки Раббийнинг кайфиятига ҳам сезгир бўлишимиз шарт. Масалан, шундай пайлар бўладики, Унинг ҳузурига қўшиқлар билан кириш керак, баъзи пайлар эса ҳоксор рух билан киришимиз лозим. Баъзан жасорат билан, баъзан эса қўрқув ва титров билан киришимиз лозим. Бизни қулгимиз ва гоҳида йиғлагимиз келади. Шундай пайлар бўлади, Унинг ёрдами билан биз зулмат кучларига қарши руҳий жангни бошлаймиз, бошқа пайларда эса, Унинг ақлдан оздирадиган ҳузуридан хотиржамлик ва ором ҳиссини сезамиз.

Охирги иккита таққосга мисол тариқасида, қароқчилар ҳужуми таҳдида остида қолган уйни келтирса бўлади. Тахмин қилайлик, жиноятчилар уйингизнинг орқа эшигини бузиб кирмоқчи бўлишади. Шу пайт ўзини ва оиласини ҳимоя қилмоқчи бўлган ўғил отанинг олдига келиб, дейди: “Дада, сиз мен учун дунёдаги энг зўр дадасиз. Сиз биз ҳақимизда шунчалик қайғурасизки, сиз ҳар доим жуда хушчақчақ ва ақллисиз...”

Отаси ўғлининг гапини бўлиб: “Ҳозир ҳиссиётлар ҳақида гапиришнинг мавруди эмас, қани баскетбол таёғини олда, орқа эшик томонга юр” дейди.

Биз Исо Масихнинг Жамоати – бу Худонинг уйи эканини ёдда сақлашимиз керак. Бу дунёда бизнинг реал душманларимиз бор. Шунинг учун шундай пайлар бўладики, мен ибодат қилишни бошлайман, Муқаддас Рух эса мени руҳий жангга киришга ундейди, боз устига, У буни ҳар сафар ҳар хил тарзда амалга ошириши мумкин. Бу Сўз воизлиги орқали бўлиши мумкин, Рухда ибодат орқали ва ҳатто, мақтов орқали бўлиши мумкин (Йосафат ва унинг жангчилари билан ҳам шундай бўлган (2-Иил. 20:20-24). Биз нафақат мұхитга, балки Унинг истагини қандай амалга оширишимиз кераклигига ҳам сезгир бўлишимиз керак.

## ЯНАДА КҮПРОҚ ЯҚИНЛАШИБ

Бизнинг масаламизга қайтиб, келинг, одамларнинг уйи билан боғлиқ бошқа вазиятни кўриб чиқамиз. Яна ўша уйни тасаввур қилинг: ҳаммаси яхши, ота камин олдида ўтириб, дам олаяпти. Шу пайт ўғли унинг олдига келиб: “Дада, юринг уларга кўрсатиб қўяйлик!” дейди.

Ота унга қараб: “Ўғлим, ҳаммаси жойида ва ҳеч қанақа таҳдид йўқ. Қани ўтирчи, бирор яхши нарса ҳақида гаплашиб оламиз” дейди.

Аминманки, энди сиз ўзингиз, бизга яқин инсонлар билан ўзаро муносабатларнинг мисолида кўпгина саҳна кўринишларни ўйлаб топа оласиз. Ибодатда ҳам ҳар хил даврлар ва ҳар хил кайфиятлар бўлади. Ёзувда мен ҳозиргина айтган барча ҳолатлар бундан-да кўпроқ келтирилган. Энг муҳими – ҳозир Худонинг юрагида нима содир бўлаётганини билиш.

## ХУДОНИНГ МАНФААТЛАРИ

Агар сизнинг дўстингиз олдингизга фақат унга қизиқ бўлган нарса ҳақида ўйлаб келса, ўзингизни қандай ҳис қилган бўлар эдингиз? Агар ўғил отанинг олдига фақат отадан бирор нарса керак бўлганида келса, ота ўзини қандай ҳис қилган бўлар эди? Сиз худбин ёки ҳамдардликни билмайдиганлар одамлар олдида, ўз ҳис-туйғуларингизни очган бўлар эдингмизми?

Агар биз Раббийнинг юрагини таъсиrlантиришни истасак, Унинг истакларини ва эҳтиёжларини билишимиз керак. Ҳа, ҳа, эҳтиёжларини! Гарчи У Қодир Худо, ҳамма нарсани билгувчи ва Унда ҳамма нарса бўлса ҳам, У инсонга эркин иродা ва Ерда муайян эркинликлар берди. У инсонга шундай ижозат бериб, Ўзини ноқулай аҳволга қўйди. Инсон гуноҳга йиқилгани ва дунёда ёлғон гапирадиган, тузоқقا илинтирадиган ва инсонларни қийнайдиган ёвузлик кучлари пайдо бўлгани сабабли, бизнинг кўпчилигимиз азоб ва мусибат чекаяпмиз.

## Худога яқинлашиш

Худо бундай одамларга кимдир ёрдам беришини ва улар учун фиғон қилишини кутмоқда. Шу боис, сиз кўнглингизни тўқ қилишингиз мумкин, Раббий ҳар доим мусибат чекаётган одамларга, Худонинг инояти бўйича ёрдам беришга шошилган ва шафоат қилаётган фарзандларига жуда яқин. Исо Ҳукм куни шундай дейди:

Чунки Мен оч эдим, сизлар Менга овқат бердингизлар.  
Мен чанқаган эдим, сизлар Менга сув бердингизлар.  
Мен мусоғир эдим, сизлар Мени қабул қилдингизлар.  
Мен яланғоч эдим, сизлар Мени кийинтирдингизлар.  
Мен касал эдим, сизлар Мендан хабар олдингизлар.  
Мен қамоқхонада эдим, сизлар Менинг олдимга келдингизлар” (Матто 25:35, 36).

Бу ерда сиз Коинотдаги бор ҳокимиятга ва құдратга эга бўлган Зотни, шуҳрат Худосини муҳтожлиқда кўраяпсиз. Унинг муҳтожлиги – бу бизнинг муҳтожлигимиз, яъни Уни севувчиларнинг муҳтожлиги. Зеро У деди: “Сизларга ростини айтаман, Менинг шу кичик биродарларимдан бирига нимаики қилган бўлсангиз, шуни Менга қилдингизлар” (40 оят). Бошқалар учун шафоат қиладиган, уларга жисмоний ёрдам кўрсатадиган, Худонинг озодлик келтирувчи Сўзини воизлик қиладиган, Худонинг құдрати билан яраларни шифолайдиган кишилар, қолган ҳаммадан кўра кўпроқ Худонинг юрагини таъсирантиради.

Худонинг халқи бир пайтлар Уни жуда тиришқоқлик билан изларди ва У улар ҳақида ҳатто, шундай деди: “Улар ҳар куни Мени излайдилар ва Менинг йўлларимни билишни хоҳлайдилар” (Ишаъё 58:2). Бироқ Худо уларга жавоб бермасди. Одамлар Худодан нима сабабдан, уларга яқинлашмаётгани ҳақида сўрашни бошладилар. Улар нима сабабдан, Худо уларнинг ибодатларига жавоб бермаётганини тушуна олмасдилар. Шунда Худо деди:

## ЯНАДА КҮПРОҚ ЯҚИНЛАШИБ

“Мана сизлар рўза тутган кунингизда ўзингизга ёққанини қиласизлар ва бошқалардан оғир меҳнатни талаб қиласизлар. Мана, сизлар жанжал ва тортишувлар учун ҳамда қонунбузарлик мушти билан бошқаларни уриш учун рўза тутасизлар. Шу куни овозингиз юқорида эшитилиши учун рўза тутмайсизлар (Ишаъё 58:3, 4).

Эътибор беринг, улар баҳслашдилар ва бир-бирлари билан жанжал қилдилар. Келинг, бу мавзудаги энг муҳим парчамизга қайтамиз: “Худога яқинлашинглар ва У сизга яқинлашади”. Агар бобнинг бошига қарасангиз, Ёқуб қуйидаги сўзларни келтираяпти.

Сизларнинг орангиздаги уруш ва жанжаллар қаердан келиб чиқмоқда? Аъзоларингизда жанг қилаётган ҳирсларингиздан эмасми? Хоҳляяпсизлар, аммо эга бўлмаяпсизлар; ўлдираяпсизлар ва ҳасад қилаяпсизлар, аммо эриша олмаяпсизлар; жанжал қилиб урушаяпсизлар, лекин ҳеч нарсага эга бўлмаяпсизлар, чунки сўрамаяпсизлар. Сўраяпсизлар-у, лекин олмаяпсизлар, чунки ҳирсларингизни қондириш учун ёмонликка сўраяпсизлар. Зинокорлар ва фоҳишалар! Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади (Ёқуб 4:1-8).

Шундай қилиб, мана гап нимада. Биринчи амалий қадам нимадан иборат: биз Исо ва Хушхабар ҳақи ҳаётимизни йўқотишимиз шарт. Биз Унинг истаклари учун яшшимиз шарт. У нимани севса, биз ҳам шуни севишимиз, У нимадан нафратланса, ўша нарсадан нафратланишимиз шарт. У учун муҳим бўлган нарса, биз учун муҳим бўлиши, У учун нима муҳим бўлмаса, биз учун ҳам муҳим бўлмаслиги керак. Биз Унинг юрагига эга бўлишимиз шарт!

Бу энди, бизнинг шахсиятимиз йўқолади дегани эмас?

## Худога яқинлашиш

Наҳотки, Худо йўз халқига дам ва ором беришни истамаса? Албатта, истайди. Ёзув бизга У, “лаззатланишимиз учун бизга ҳамма нарсани мўл қилиб берадиган Худо” дейди (1-Тим. 6:17). Лекин биз фақатгина ўзимизнинг шахсий истакларимизни қаноатлантиришни излаганимизда, Уни инкор этганимизда, биз Унинг юраги билан бўлган алоқани йўқотамиз.

Биз камбағалларга ёрдам берсаккина Худога маъқул бўламиз деб ўйладиган одамлар бор. Агар бу шундай бўлса, унда нега Петрус бевалар ҳақида ғамхўрлик қилишни тўхтатиб, шундай деди: “Шунда ўн икки ҳаворийлар шогирдларнинг кўпчилигини чақириб, уларга дедилар: “Биз Худонинг Сўзини қолдириб, дастурхонга хизмат қилишимиз яхши эмас. Шунинг учун, биродарлар, яхши таърифга эга бўлган ҳамда Муқаддас Руҳ ва доноликка тўлган етти кишини ораларингиздан танлаб олинглар: уларни бу ишга тайинлаймиз. Бизлар эса доимо ибодатда ва Сўз хизматида бўламиз” (Ҳав. 6:2-4). Петрус ночор инсонларнинг руҳий ташналигини, Худонинг Сўзи билан қаноатлантирадиган одамлар бўлиши кераклигини, бошқа одамлар эса уларнинг жисмоний ташналигини, жисмоний озуқа билан қаноатлантириши кераклигини тушунди. Улар ҳам, булар ҳам, аслида умумий иш билан шуғулланадилар. Улар Исонинг муҳтоҗликларини қаноатлантирадилар: “Чунки Мен оч эдим, сизлар Менга овқат бердингизлар...”

Раббийнинг манфаатлари таъсир қиласидиган одамлар, Худога осонликча яқинлашадилар. Мусо манашунаقا одам бўлган, чунки у Худонинг халқини боқиб, Худонинг манфаатларини амалга оширган. У Худонинг юрагига сезгир бўлган ва Раббий билан чўқур ва яқин муносабатларга эга бўлган.

Худо яхши хизматкор, подшоҳ Йосиаҳ ҳақида шундай дейди: “У бечоранинг ва қашшоқнинг ишини ҳал қиласар эди, шунинг учун ҳам унга яхши эди. Мени таниб-билиш дегани шу эмасми? – дейди Раббий” (Йер. 22:16).

## ЯНАДА КҮПРОҚ ЯҚИНЛАШИБ

Ўз хизматини яхши бажарадиган одамлар, бу ёрдам хизматими, бошқарувми, таълимотми, бирор нарсани тарқатиши, ўз ҳаётида ва ҳатто, хизматида күпроқ ўзининг манфаатига амал қилган одамлардан кўра, күпроқ Худога яқинлашиди. Зеро Раббийнинг йўзи шундай деди: “Мени таниб-билиш дегани шу эмасми?”

## ЭШИТИШ УЧУН ЯҚИНЛАШИШ

Раббийга яқинлашишни истайдиган кишилар учун кейинги амалий маслаҳатни қўйидаги оятда топамиз:

Худонинг губораётганингда [Худогая яқинлашаётганда] оёғингни назорат қил ҳамда аҳмоқларнинг қурбонлигини келтиришдан кўра күпроқ эшитишга тайёр бўл; зеро улар зулм қилаётгандарини билмайдилар. Худонинг ҳузурига масалангни олиб келишда юрагингда шошилмагин, сўзлаш учун оғзинг билан ҳам шошилмагин; чунки Худо самода, сен эса ердасан, шунинг учун сўзларинг из бўлсин. Зеро ташвиш кўп бўлганида туш кўриш ҳам кўп бўлганидек, аҳмоқнинг овози ҳам сўзларининг кўплигидан билинади (Воиз 5:1-3).

Келинг, бу парчанинг биринчи қисмини ажратиб қўямиз. Муқаддас Китобнинг инглизча таржималарининг бирида шундай деб ўқиймиз: “Худога яқинлашганингда, қурбонлик келтиришдан кўра күпроқ эшитишга тайёр бўл”. Мен одамлар ҳар сафар Худога яқинлашиш вақтида тинмай гапиришиларини ёки қўшиқ айтишларини пайқадим. Албатта, бу ҳам керак. Бироқ мен яна шуни сездимки, Худога сукут сақлаб, яқинлашиш ниҳоятда фойдали, сўз ёки мақтov қўшиғини айтишдан аввал, диққат билан эшитиш керак.

Яқинда мен жуда йирик ва таъсир ўтказувчи жамоатнинг

## Худога яқинлашиш

чўпони билан учрашдим. Нонушта устида у менга: “Жон, мен охири, Раббийга шундай дейишгача бордим: “Худойим мен ҳар куни эрталаб ибодатда Сенинг олдингга келиб, бетиним гапириб, жавоб олмаслиқдан чарчадим. Токи Сен менга гапирмасанг, мен ҳар куни эрталаб олдингга келиб жим ўтираман ва фақат тинглайман дедим” деди.

Бир неча кун давомида Раббий унинг юрагидаги самимийликни синаган, бир куни эрталаб, шу чўпон ибодат қилгани турганида Муқаддас Рӯҳ у билан гаплашишни бошлаган. Айнан шу пайт Раббий унга умри давомидаги энг кучли ваҳийларни берган, у буларни бир неча ҳафта давомида жамоатидаги одамлар билан бўлиша олган. Унинг ибодат ҳаёти тубдан ўзгарган.

Мен Худонинг ҳузурига киришнинг энг самарали үслуби, Ёзувни (айниқса Саноларни ёки Янги Аҳдни) ўқишдан иборатлигини тушундим. Бу учун ҳамма жойни ўқиш шарт эмас, бор йўғи битта оятни ёки ҳатто, унинг ярмисини ўқиш ҳам етади. Ўқиётганда зикр қилиш, фикрлаш ва ўқилган жойларни мuloҳаза қилиш керак, кейин бошқа оятга ўтиш керак. Ахийри, Раббийнинг ҳузури, албатта намоён бўлади. Бундай ҳолатларда мен ўқишини тўхтатиб, Уни эшлишига, У менга нимани ўргатаётганига ёки кўрсатаётганига диққатимни қаратаман.

Ҳар қандай ҳолда, Унинг ҳузурига келиш зарур ва аввал эшлиши, сўнгра гапириш керак. Мен бошида мақтов хизматини бошлайман, бу ақлимни тинчлантиришга ва Муқаддас Рӯҳга диққат қилишимга, Унинг истагини ва кайфиятини ҳис қилишимга ёрдам беради. Сўнгра улуғлов хизмати билан биргаликда, қўшиқ айтишни бошлайман. Аммо ҳар доим бундай қилмайман, чунки баъзан мен шу заҳоти Унга миннатдорчилик билдиришни ёки бор юрагимдан қувонишни бошлайман. Ҳудди Худонинг Рӯҳи: “Менинг олдимга келинглар, дегандек бўлади. Зеро Ёзув бизни шундай деб чорлайди:

## ЯНАДА КҮПРОҚ ЯҚИНЛАШИБ

Шукрона айтиб, Унинг ҳузурига борайлик, Унга қўшиқлар айтиб, шодликдан ҳайқирайлик (Сано 94:2).

Яна бошқа жойда айтилган:

Хурсанд бўлиб Эгамизга сажда қилинг, шодланиб қўшиқ айтиб, Унинг ҳузурига келинг (Сано 94:2).

Бу ерда биз Раббийнинг ҳузурига шодлик ва ҳайқириқлар билан киришга чорловни кўрамиз, олдинги оятда Ёзув бизни Унинг олдига шунчаки келишга чорлаган эди. Ҳар қандай ҳолда, биз Худога сезгир бўлишимиз шарт! Бўлажак эр ўз хотини билан бўладиган яқин муносабатларнинг ривожланиш жараёнини жадвалга киритмайди ва Раббий билан ҳам яқин муносабатларимизнинг ривожланиши ҳақида ҳам худди шундай деса бўлади.

Сиз ёш эрни ёш келиннинг олдига, қўлида у айтиши керак бўлган ҳар бир сўзи ёзилган ва қилиши лозим бўлган ҳар бир ҳаракати ёзилган китоб билан келишини тасаввур қила оласизми? Биринчи қадам: у нақадар гўзал эканини айт. Иккинчи қадам: қўлингни соchlарининг устида юргуртири. Учинчи қадам: чироқни ўчир. Тўртинчи қадам: Кечирасиз, ўқиб бўлмаяпти, яна чироқни ёқиш керак. Бу аҳмоқгарчилик-ку, тўғрими? Бироқ айрим одамлар ўзларининг ибодатларини айнан, шу аснода беъманиликка айлантирилар. Улар Худони ўз юрагида ҳис қилиш ва Унинг кайфиятини билиш имкониятидан фойдаланмайдилар. Илтимос, мени тўғри тушунинг, албатта Ёзувда биз риоя қилишимиз керак бўлган муайян маслаҳатлар ва кўрсатма қоидалар бор, бироқ биз Худога Муқаддас Рухнинг ёрдамида келишимиз керак, зеро Муқаддас Китоб аниқ айтади: “Ҳарф ўлдиради, Рух эса ҳаёт баҳш этади” (2-Кор. 3:6). Шундай экан, фақат Муқаддас Рух бизни шафоатга, қўшиқ айтишга, ҳайқиришга, кўз ёш тўкишга, сукутга ва ҳоказоларга илҳомлантира олади.

## Худога яқинлашиш

Муқаддас Рұх бизни сүрашга ва гапиришга шошмасликка чорлайди. Буни ҳатто, одамлар ўртасидаги оддий муносабатларда күриш мүмкін. Одам роса күп гапирганида, одатда биз уни деярли әшиттамыз. Бироқ одам сүзларни танлаганида ва ўйлаб гапирганида, биз уни жуда диққат билан әшитамыз, ҳатто у тез-тез гапириб турса ҳам. Шу сабаб, үз ибодатларимда мен күпинчә сүкүт сақтайман, тилларда гапираман ёки Худонинг Сўзини эълон қиласман.

Мен тилларда ибодат қилганимда Худонинг комил иродаси бўйича ибодат қилаётганимни биламан. Муқаддас Рұх мен Исо Масих номи билан Отага айтишим керак бўлган сўзларни беради. Мен Рұҳда бўлганимда нотўғри ибодат қилолмайман ёки қуруқ гапларни айтольмайман! Мен Унинг Сўзини эълон қилганимда, бўтун борлиғим барпо бўлади, албатта менинг ақлим ҳам барпо бўлади. Мана шунинг учун ақл билан ҳам ибодат қилиш муҳим.

Аммо мен Унинг ҳузурида бўлганимда ва Уни тинглаганимда, менга ваҳий, тушунча ва донолик келади. Биз Раббийга биз билан гаплашиши учун имконият ва вақт беришимиз жуда муҳим. Сиз ҳар сафар олдига борганингизда сизга ҳеч бўлмаса битта сўз айтишга имконият бермайдиган, тўхтамасдан гапирадиган одамни тасаввур қила оласизми? Ўйлайманки, биз Худога ибодат қилиб мурожаат қилганимизда, Муқаддас Рұх күпинчә айнан шундай ҳолатга тушшиб қолади. Биз аввал әшитишни, кейин гапиришни ўрганишимиз керак. Ёзингиздами ибодат бу монолог эмас, бу диалог.

## ВАҲИЙ ОЛИШНИНГ ТУРЛИ ХИЛ ЙЎЛЛАРИ

Худо бизга яқинлашганида, У Ўзини ва Ўз йўлларини бизга очади. У бизга буюк ва қўл етмайдиган, биз шу пайтгача билмаган нарсаларни кўрсатади (Йер. 33:3). Буни тушуниш учун Худо бизга Ўзининг ваҳийларини берадиган кўплаб услублар

## ЯНАДА КҮПРОҚ ЯҚИНЛАШИБ

борлигини ёдда сақлаш лозим. У баъзида бизга гапира олади. Бу Унинг юрагимиздаги баланд овози бўлиши мумкин ва биз ҳатто, адашиб Раббийни жисмоний қулоқ билан эшитаяпман деб ўйлашимиз ҳам мумкин. Унинг овози юрагимизнинг тубидан жуда сокин бўлиб чиқиши ҳам мумкин ва Унинг овози ҳар доим теран тинчлик ҳисси билан ҳамроҳ бўлади. Ёзувда айтилган нарсаларга тўлиқ мувофиқ бўлади. Баъзан У бошқа имонли ёки хизматкор орқали гапириши мумкин. Улар гапираётганда ёки биз уларнинг китобини ўқиганимизда бизнинг юрагимизда худди бамисоли нимадир ёнгандек бўлади. Худо бизга ваҳий ёки туш орқали гапиришга қарор қилиши мумкин. Бошқа ҳолатларда эса биз илгари билмаган нарсаларни билиб оламиз. Кўпинча У бизга Ўзининг Сўзини жойлайди, лекин бу сўз то биз гапирмагунимизча очилмайди. Биз оғзимизни очиб гапиришни бошлаганимизда бу ваҳийни тушунишни бошлаймиз.

Петрус билан Элликлик куни айнан шу нарса содир бўлди. Худонинг ҳузури унинг устига қуи илишидан аввал, у Худонинг Сўзини фақат онги билан биларди. Исо Масих экани эса унга Худонинг ваҳийи билан очилган эди (Матто 16). Бошқа ҳолларда гап руҳий нарсалар ҳақида кетганда, у одатда сукут сақлашни афзал кўрарди. Масиҳнинг шогирдлари болохонада ўтиришганда, у Яхудонинг ўрнида ўн иккинчи ҳаворийни танлаш масаласи бўйича раҳбарлик қилишга уринган. Бунинг натижасида, у шошганини кўриб турибмиз, чунки бу инсон ҳақида бошқа ҳеч нарса эшитмадик. Вақт ўтиб, Павлус ўзи ҳақида шундай деди: “ҳаммадан сўнг менга ҳам зоҳир бўлди” (1-Кор. 15:8). Афтидан, Худо Яхудонинг ўрнига, айнан Павлусни танлашни қарор қилган, Петрус эса ўн иккинчи ҳаворийни қуръя ёрдамида танлагани эса барвақт қадам эди.

Аслида, Петрус руҳий масалада озгина ортда қолган эди. Аммо Худо бир куни унга яқин келди ва Петрус бир лаҳзада

## Худога яқинлашиш

ўзгарди, Йоэл ҳамда Санолардан оятларни келтириб, теран ва таъсирили воизликни ўқиди. У бир юз йигирмата шогирд билан содир бўлган ҳодисанинг мазмунини тушунтириб берди. Бундай ларзага келтирувчи мактубни, оломон йиғилишидан аввал ёдлаб олиш имконсиз эди. У илгари билмаган билимларни бир онда олди. Яна нафақат Петрус, балки қолган барча шогирдлар ҳам “Худонинг буюк ишлари ҳақида” гапирав эдилар (Ҳав. 2:11).

## ЯКУНИЙ СЎЗ

Бу китобнинг биринчи бобида, мен бу масала бўйича аниқ қўлланмалар бўлмаслиги ҳақида огоҳлантирган эдим, зеро яқинликни қадамма-қадам ёзиб бўлмайди. Мен сизга Худонинг юрагига йўлни кўрсатадиган хазиналар харитасини чизиб бермоқчи эдим. Мен бу китоб – пайғамбарчилик мактуби эканига ишонаман, бу У рашк ва жўшқинлик билан интилаётган одамларга қаратиб, Ўз юрагидан айтган чорлов. Агар биз кучимиизни ва вақтимиизни Худонинг Сўзидағи харитада чизилган кўрсатмаларга эргашишга ишлатсак, биз албатта, Унинг ҳузурини ва Унинг юрагини топамиз. Лекин ёдингизда бўлсин, У ҳар биримизни Ўзига алоҳида таклиф қиласди. Бу шошилинч билан тузилган асар эмас. Ҳойнаҳой, бу Унинг ваъда сўзиdir, У буни жуда ҳурмат қиласди ва ундан ҳеч қачон воз кечмайди.

Менга бу китобни Ёзувдаги бир нечта парчалар билан тугатишимиғи ижозат беринг. Улар сиздаги Худога яқинлашиш истагингизни қўллади:

Бузук одам Раббий учун жирканчdir, аммо Унинг мулоқоти тўғри одамлар биландир (Ҳик. 3:32).

Мен учун эса Худога яқинлашиш яхшидир! (Сано 72:28).

Эгамиз Ўзига ёлворганларнинг ёнидадир, чин дилдан илтижо қилганларнинг ёнидадир. Ундан қўрқянларнинг

## ЯНАДА КҮПРОҚ ЯҚИНЛАШИБ

тилагини Эгамиз қондирап, уларнинг ноласини эшишиб, уларга нажот берар. Эгамиз Ўзини севувчиларни асрайди (Сано 144:18-20).

Мен уни яқинлаштираман ва у Менга яқинлашади. Зоро ким Менга ўз-ўзидан яқинлашишга журъат қила олади?  
– дейди Раббий (Йер. 30:21).

Сиз Худога яқинлашишга журъат қилсангиз бўлади, чунки У сизга Ўзининг абадий таклифини берди. Шу боис, ўзингизни Унинг ҳузурида доим турадиган одамлардан бири бўлишга бағишиланг. У сизни кутаяпти – сиз эса нимани кутаяпсиз? Унга яқинлашинг!

Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг шұхратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган яккаю ягона, доно Нажоткоримиз Худога Исо Масих орқали азалдан, ҳозир ва абадулабад шон-шуҳрат, улуғворлик, салтанат ва ҳокимият бўлсин!  
Омин (Яхудо 24, 25).

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Бу бобни ўқишида аввал, сиз қачон бўлса ҳам, Худо нимагадир “муҳтож” бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаганмисиз? Биз қандай қилиб, Худонинг муҳтожликларига хизмат қилсак бўлади?
2. Сиз учун Муқаддас Рухни эшитиш қанчалик мухим? Балки сиз Муқаддас Рух руҳлантирган гўзал мақтov қўшиқларини кўйлашингиз мумкин, лекин бирор марта Худога сукут билан яқинлашиб кўрганмисиз? Бундай ёлғиз бўлиш имконияти ҳақида ўйлаб кўринг ва бу қандай натижа берганлиги ҳақида бошқалар билан бўлишинг.

## Худога яқинлашиш

3. Муаллиф биринчи бобда, ўзининг китобини Худонинг юрагига олиб боришга қодир бўлган хазиналар харитаси деб атаяпти. У буни “қандай” қилиш кераклиги бўйича қўлланма эмас деб огоҳлантирди. Китоб ўқиш жараёнида, сиз ушбу хазиналар харитасида, қандай бойликларни кўрдингиз? Сиз яна қанақа бойликларни топишингиз керак?

ИЛОВА А

# БИЗНИНГ НАЖОТКОРГА БҮЛГАН ЭХТИЁЖИМИЗ



**X**улқ ва ҳаётнинг иккита намунаси мавжуд. Биттаси, дунё томонидан ўрнатилган, бошқаси эса Худо томонидан. Бизнинг жамиятимизда, сиз ундаги ўлчамларга кўра яхши инсон ҳисобланишингиз мумкин, лекин Худо бу борада нима деб ўйлайди? Ёзувда барча одамлар гуноҳкор ва Худонинг фикрича, ҳамма нима тўғри ва нима нотўғри эканига мувофиқ ҳаракат қилишга қодир эмаслиги айтилган: “Худди ёзилганидек: “Ҳақ киши йўқ, биронта ҳам йўқдир” (Рим. 3:10). Башқа жойда эса “Зоро ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг шуҳратидан маҳрум бўлган” дейилган (Рим. 3:23).

Гуноҳ қилиш Худонинг стандартларининг қоидаларини

## Худога яқинлашиш

бузиш демакдир. Инсон гуноҳкор қилиб яратилмаган, аксинча Одамнинг ўзи ўз ихтиёри билан шу йўлн танлаган. Худо биринчи инсонни, Одамни кўркам дунёга жойлаштириди, унда касалликлар, фожиалар, қашшоқлик ва табиат оғатлари бўлмаган. У ерда қўрқув, нафрат, уруш, рашк ва ҳоказолар бўлмаган. Худо бу жойни Адан боғи деб атади, зеро бу Эгамиз Худонинг боғи эди.

Одам онгли равишда Худонинг буйруғига бўйсунмади ва бир зумда руҳий ўлимни бошидан кечирди, гарчи у жисмонан яшашда давом этса ҳам, барибир унинг жисмоний ҳаёти юзлаб йиллар оша тугади. Унинг юрагига зулмат кирди, руҳий ўлим эса жисмоний ўлимдан фарқ қиласди, чунки жисмоний ўлим пайтида тана йўқ бўлади. Руҳий ўлим – бу ҳаёт ва барча эҳтиёж бўлган нарсаларнинг манбаи бўлган Худодан ажралишдир.

Гуноҳ Одамнинг вужудига кирди ва ундан туғилган фарзандлар унинг табиатини мерос қилиб олдилар: “Одам Ато бир юз ўттиз [130] ёшга кирганида, ўзига ўхшаш, ўзининг суратида ўғил дунёга келтирди. Унинг исмини Шит қўйди” (Ибтидо 5:3).

Унинг ўғли унинг суратида ва ота-отасининг гуноҳини мерос қилиб олиб туғилди. Одам ўзини ва ўзининг авлодини янги хўжайинга, шайтонга сотди ва табиий дунё манашу асириликда яшашда давом этди. Энди бу золим хўжайнинг Худонинг севимли мавжудоти устидан қонуний эгалик хуқуқига эга. Бу қўйидаги оятлардан маълум:

“Шунда иблис Исони баланд тоқقا олиб чиқди-да,  
бир лаҳзада оламнинг барча шоҳликларини кўрсатиб,  
Унга: Булар устидан барча ҳокимиятни ва буларнинг  
шұхратини Сенга бераман, – деди, – чунки бу менга  
топширилган ва мен буни истаганимга бераман”  
(Луқо 4:5, 6, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

## БИЗНИНГ НАЖОТКОРГА БҮЛГАН ЭХТИЁЖИМИЗ

Эътибор беринг, ер устидаги бор ҳокимият унга берилган. Кимга? Худо бошида боғда бутун ер устидан ҳокимиятни инсонга берган эди (Ибтидо 1:26-28). Лекин Одам ҳаммасини йўқотди (Ибтидо 1:26-28). Аммо Одам ҳаммасини йўқотди... Ўзини ҳам, бўлажақда барча авлодларини ҳам йўқотди. Яна шундай деб ўқиймиз: “Биламизки, биз Худоданмиз, бутун дунё эса ёвуз шайтоннинг ҳокимлиги остидадир” (1-Юҳ. 5:19).

Худо Одамни боғдан ҳайдашдан аввал, Унга бир ваъда берди. Вақти келиб, қулликни ва барча инсонлар бўйсундирилган бўйинтуруқни барбод қиласкор келади.

Ҳалоскор тўрт минг йил ўтгандан сўнг, Марям исмли Бокирадан туғилди. Бу аёл Бокира бўлиши шарт эди, чунки Исонинг отаси Муқаддас Рух эди, у аёлнинг қорнига уруғни жойлаштириди. Агар Исо табиий ота-онадан туғилганида эди, У ҳам Одамнинг қуллигини мерос қилиб олган бўлар эди.

Аммо Исонинг Отаси Худо эди, онаси эса – Бокира эди. Шу боис, Исо тўлиқ Худо ва тўлиқ Инсондир. Бизнинг эркинлигимизни инсон ўғли сотиб олиши керак эди. Шу боис, Исо доим Ўзини Инсон Ўғли деб атаган. Гарчи У бошидан Отаси билан бўлган бўлса ҳам, У Ўз ихтиёри билан Ўзини Илоҳий имтиёзларидан маҳрум қилиб, инсон қиёфасида келди, Ўзини гуноҳ учун қурбон қилди.

У Хочга борганда, бизни қулликдан озод қилиш учун Ўзига бизнинг гуноҳларимиз ҳукмини олди. Ёзув айтади: “Биз гуноҳлардан қутулиб, ҳақлиқда яшашимиз учун, Масих Ўз танаси билан гуноҳларимизни хочга олди. Унинг жароҳатлари билан сизлар шифолангансизлар (1-Пет. 2:24).

Бу ғаройиб: инсон Худога қарши гуноҳ қилди, лекин Худо (инсон танасида келиб) инсон қилган хатоси учун тўлов тўлади. Биз яна қўйидагича ўқиймиз: “Шундай қилиб, биз Масих ҳақи элчилармиз ва гўё Худонинг Ўзи биз орқали инсонлардан

## Худога яқынлашиш

үтениб сўраяпти. Биз Масиҳ ҳақи ёлвораяпмиз: Худо билан ярашинглар! Чунки Худо гуноҳни билмаган Масиҳни биз учун гуноҳ қурбонлиги қилди, токи биз Масиҳда Худонинг ҳақлиги бўлайлик (2-Кор. 5:20, 21).

Эътибор беринг, бу ерда биз ҳақ инсон бўлишимиз мумкинлиги ҳақида айтилган. Аммо У биз учун ўлганига ва ўликлардан тирилганига ишонмасак ҳамда Уни Раббий сифатида қабул қилмасак, У биз учун қиммат нарх билан тўлаган озодликни ололмаймиз. Бунга ишонсак, У бизнинг шахсий Нажоткоримиз бўлади. Ёзувда айтилганидек: “Уни қабул қилганларга эса, Унинг номига имон келтирганларга У Худонинг фарзандлари бўлиш ҳокимиютини берди. Булар на қондан, на тананинг истагидан, на эрнинг истагидан, балки Худодан туғилдилар (Юханно 1:12, 13).

Биз Исо Масиҳни Раббим ва Нажоткорим деб қабул қилганимизда, биз ўламиш ва руҳан қайта туғиламиш. Биз шайтон шоҳлигининг қуллари сифатида ўламиш ва Унинг Шоҳлигига Худонинг фарзандлари сифатида янги чақалоқдек туғиламиш. Бу қандай содир бўлади? Бу жуда осон, биз бунга юрагимизда ишонганимизда содир бўлади. Биз Исони Раббим деб оғзимиз билан эътироф этишимиз керак ва шунда биз юқоридан туғиламиш. Ёзув буни тасдиқлайди: “Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади” (Рим. 10:9, 10).

Ахир бу оддий-ку! Биз ўзимизнинг хайрли ишларимиз билан қутқарила олмаймиз. Хайрли ишларимиз билан биз, ҳеч қачон Унинг Шоҳлигига жойни ишлаб тополмаймиз. Агар бунинг имкони бўлганида эди, унда Масиҳ беҳудага ўлган бўлар эди. Биз фақат Унинг инояти билан нажот топамиз. Бу бепул инъом,

## БИЗНИНГ НАЖОТКОРГА БҮЛГАН ЭХТИЁЖИМИЗ

яъни ишлаб топиб бўлмайдиган совға. Бу инъомни олиш учун биз ўзимиз учун яшашдан воз кечишимиз ва ҳётимизни Унга Раббим деб, Уни олий Ҳоқон деб топширишимиз кераклигини англатади. “Масиҳ эса ҳамма учун ўлди, токи яшётганлар энди ўзлари учун эмас, балки улар учун ўлган ва тирилган Масиҳ учун яшасинлар” (2-Кор. 5:15).

Шундай қилиб, Масиҳ сиз учун ўлганига ишонсангиз ва ҳётингизни Унга беришга, бошқа ўзингиз учун яшамасликка тайёр бўлсангиз, биз манашу ибодат билан ибодат қилсак бўлади ва сиз Худонинг фарзандига айланасиз:

*Осмондаги Эгам, мен гуноҳкор эканимни ва Сенинг ҳақ қонунларинг бўйича яшамаётганимни тан оламан. Ўз гуноҳларим учун мен абадий маҳкум бўлишга лойиқман. Мени шундай аҳволда қолдирмаганинг учун Сенга раҳмат, зоро Сен Бокира Марямдан туғилган Исо Масиҳни, Ўзингни Ягона Ўғлингни юборганингга ва Хочда ўлиб, менинг ўрнимда жазолаганингга ишонаман. Мен Уни учинчи куни тирилганига ва энди, Сенинг ўнг томонингда менинг Раббим ва Нажоткорим сифатида ўтирганига ишонаман. Шу боис, бугун \_\_\_\_\_ 20\_\_\_\_\_ йили, ўз ҳаётимни Исо Масиҳнинг ҳукмронлигига бўйсундирман.*

*Исо, мен Сени ўзимнинг Раббим ва Нажоткорим деб эътироф этаман. Менинг ҳаётимга Муқаддас Руҳ орқали киргин, мени ўзгартир ва мени Худонинг фарзанди қил. Мен зулмат шоҳлигига даҳлдор бўлган ва илгари ҳаётимни ташкил қилган ҳамма нарсадан воз кечаман ва бугундан бошлаб, келажакда ҳам мен энди, ўзим учун яшамайман, балки Сен учун яшайман, зоро Сен Ўзингни мен учун бердинг, токи мен абадий яшай олайн.*

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

*Раббий раҳмат Сенга. Энди, менинг ҳаётим тўлиқ  
Сенинг қўлларингда ва Сенинг қалбингда, Сенинг  
Сўзларингга биноан, ҳеч қачон менинг кўнглим  
қолмайди.*

Энди, сиз нажот топдингиз. Сиз Худонинг фарзандисиз.  
Манашу дамда бутун осмон сиз билан бирга қувонаяпти.  
Бизнинг оиласизга хуш келибсиз!

# МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ТЎЛИШИШНИНГ ЙЎЛИ



Муқаддас Рухни тўлиқ олиш, Исони Раббим ва Нажоткорим деб қабул қилишдек осон. Баъзилар тиришадилар ва асосий йўзувдаги қоидаларни билмаганликлари учун Муқаддас Рухни ололмай, кўнгиллари совийди. Мен ибодат қилишдан аввал Муқаддас Рухни олишни истайдиганларга Худо бу борада нима деганини кўрсатиш яхшироқ эканини тушундим, шунда бундай изланишда уларнинг имони ўсади. Шу боис, мен сизни ибодатда олиб боришимдан аввал, сизга бир нарсани тушунтиришимга ижозат беринг. Диққат: биз ҳаракатланишни давом эттиришимиз учун, аввал сиз 11-бобни ўқишингиз шарт.

## Худога яқынлашиш

Бириңчидан, бу сиз Исо Масихни шахсий Раббим ва Нажоткорим деб қабул қилишингиздан олдин жуда мұхим (Юғанно 14:17).

Сизнинг ҳаётингизда итоатсизлик ҳолатлари бўлмаслиги керак. Бизга Муқаддас Рӯҳ “Унга бўйсунувчанларга” берилади дейилган (Ҳав. 5:32). Мен ўз тажрибамдан биламан, бу айниқса кечиримли бўлишга тааллуқли. Бизнинг йиғинларимизда мен кўп маротаба Муқаддас Рӯҳни бир зумда олган юзлаб одамларни кўрганман ва улар шу заҳотиёқ тилларда гапиришни бошлашган, бироқ ҳар доим юзлаб одамларнинг ичида тахминан ўнта ёки йигирмага яқин одамлар нима сабабдан исталганни ололмаётганидан ўзларини йўқотиб қўйгандек турардилар. Қарийб ҳар сафар мен бу одамлар билан гапشاшишни бошлардим ва Раббийнинг бошқарувига биноан, мен уларнинг ичида яширинган хафачилик билан шуғулланишим керак эмаслигимни кўрардим. Одамлар кечирган заҳотиёқ, Рӯҳни олардилар ва тилларда гапиришни бошлардилар. Шу боис, биз ҳаракатланишни давом эттиришимиздан аввал, келинг, биргалиқда ибодат қиласиз:

Ота, Сендан сўрайман, мени имтихон қил ва юрагимда бирор хил итоатсизлик бўлса, менга буни кўрсат. Илтимос, агар мен кимнидир кечирмаган бўлсан, менга буни кўрсат. Мен Сенга бўйсунишни истайман ва Сен менга кўрсатган ҳар қандай одамни кечиришга тайёрман. Сендан Исо Масих номи билан сўрайман ва катта раҳмат Сенга.

Муқаддас Рӯҳни олиш учун, сиз бу ҳақда шунчаки сўрашингиз керак! Исо бу ҳақда жуда оддий қилиб айтди: “Сизлардан қайси бир ота, ўғли ундан нон сўраса, унга тош берар экан? Ёки балиқ сўраса, унга балиқ ўрнига илон берар

## МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ТЎЛИШИШНИНГ ЙЎЛИ

экан? Ёки тухум сўраса, унга чаён берар экан? Шундай қилиб, агар сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангизлар, боз устига, осмондаги Ота Ундан сўраганларга Муқаддас Руҳни беради” (Луқо 11:11-13).

У бизнинг фарзандларимиз, биз истаган ва биз бера оладиган бирор нарсани сўраса, бунинг ўрнига уларга нимадир ёмон нарсани ёки бошқа нарсани бермаймиз демоқда. Худди шундай, сиз ҳам Осмондаги Отангиздан Унинг Руҳини сўрасангиз У бунинг ўрнига сизга ёвуз руҳни бермайди. Сиз борйўғи, Отадан Исо номи билан сўрашингиз керак ва сиз Унинг Муқаддас Руҳини оласиз.

Имон билан сўраш керак. Янги Аҳд, ишонмасдан, Худога маъқул бўлиб бўлмайди дейди. Ёқубнинг Мактубида дейилган: “Лекин ҳеч шубҳа қилмасдан, имон билан сўрасин, чунки шубҳа қилувчи киши шамол кўтараётган ва тўзитиб юбораётган денгиз тўлқинига ўхшайди. Бундай одам Раббийдан бирон нарса олишни умид ҳам қилмасин” (Ёвуб 1:6, 7).

Шунинг учун ўз-ўзингиздан сўранг: “Мен бу инъомни қачон оламан? Мен ўзга тилларда қачон гапиришни бошлайман, сўраган пайтимнинг ўзидами?” Жавоб – сўраган пайтингизда. Зеро Худонинг Шоҳлигидаги тартиб қўйидагича – биз ишонамиз, кейин оламиз. Имони йўқ одамлар шундай дейди: “Кўрсат, шунда ишонаман”, лекин Исо деди: “Шунинг учун Мен сизларга айтаман, ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва сизлар оласизлар” (Марк 11:24). Эътибор беринг, сиз аввал ишонасиз, кейин сўраганингизни оласиз.

Ҳаворийлар Китобида (2:4) айтилган: “Шунда уларнинг ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлдилар ва Руҳ уларга бераётган иборалар билан бошқа тилларда гапира бошладилар”. Эътибор беринг, Муқаддас Руҳ эмас, улар бошқа тилларда гапиришни бошладилар. Руҳ уларга берган сўзларни уларнинг

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

ўзи гапириши керак эди. Шундай экан, жим турманг. Мен шиддатли дарёга киришим мумкин, агар мен ўзимни оқимнинг ихтиёрига топширмасан, мен у билан бирга оқмайман. Шундай қилиб, биз ҳаракатга келтиришимиз керак бўлган учта организмиз бор. Биринчидан, бу бизнинг лабларимиз. Агар мен лабларимни қимирлатишни бошламасам, менинг оғзим на инглиз тилида, на чет тилида ва на самовий тилда товушларни чиқармайди. Иккинчидан, бу бизнинг тилимиз. Агар мен тилимни қимирлатмасам мен гапира олмайман. Учинчидан, бу бизнинг овоз бўғинларимиз. Мен овозимни ўз истагимга бўйсундирмасам, мен гапиролмайман.

Сиз мени киноя қиляпти деб ўйлашсангиз мумкин. Кўп йиллар давомида, баъзи одамлар бу соҳада муаммоларни бошидан кечиряпти ва кўплар, Муқаддас Рух ularнинг нутқ организини бошқариб, ularни гапиришга мажбурлайди деб кутадилар. Йўқ, биз ўзимиз гапирамиз ёки бошқача қилиб айтганда, биз бўйсуниб, У бизга берадиган сўзларни қабул қиласмиш.

Исо дейди: “Ким Менга имон келтирса, Ёзувда айтилганидек, ўша одамнинг бағридан ҳаётбахш сув дарёлари оқиб чиқади. У буни – имонлилар қабул қилиши лозим бўлган Рух ҳақида айтди, зеро ҳали уларда Муқаддас Рух йўқ эди, чунки Исо ҳали улуғланган эмас эди (Юҳанно 7:38, 39). Сиз Муқаддас Рухдан сўраганингизда онгингизда, балки аллақандай товуш ёки бўғин айлананаётгандир. Агар сиз уни имон билан айтишни бошласангиз, сиз гўёки тўғон очилганини ҳис қиласиз, шундан сўнг нутқ салмоқли оқим билан оқиб чиқади.

Менга бу жараённи ғалтак ип билан солишириш ёқади, у сизнинг ичингиизда, унинг учи эса тилингизнинг учига боғланган. Сиз қандайдир товушлар чиқаришни бошлаганингизда, ипни тортасиз ва шунда, бор ғалтак

## МУҚАДДАС РУҲ БИЛАН ТҮЛИШИШНИНГ ЙЎЛИ

ечилишни бошлайди. Баъзилар гапиришдан аввал, үларнинг онгига бутун тилнинг билими пайдо бўлиши керак деб ўйлайди. Йўқ, сиз имон билан гапиришингиз керак.

Мен турмуш ўртоғим Муқаддас Руҳни олиш учун ибодат қилганини эслайман, у қанчадир вақт тилларда гапирмас эди. Сўнгра у бир неча ҳафтадан сўнг, дўстлари билан учрашганда, улар ибодат қилишни бошладилар ва шундан сўнг, у тилларда гапириб кетди. Ўшанда у: “Шунча вақт менинг бошимда манашу бўғин айланарди, лекин мен уни кечагача айтмаган эдим”. Мен кўплар билан шундай бўлади деб ўйлайман, улар сўрайдилар, оладилар, аммо бу инъомни ишлатмайдилар.

Ёзувда айтилган: “Пайғамбарчилик руҳлари эса пайғамбарчилик қилувчиларга бўйсунадилар” (1-Кор. 14:32). Яъни биз ўзимиз гапиришимиз керак ва Муқаддас Руҳ бизни куч билан буни қилишимизга мажбурламайди. Мен Руҳ билан тўлганимдан сўнг, яна қандай қилиб, қайта гапиришни билмаганим эсимда. Мен бир биродарнинг олдига спорт залга бориб сўрадим: “Мен қандай қилиб яна гапирсан бўлади?” У жавоб берди: “Шунчаки гапир, шу етади!” Мен югуришга чиқдим ва югураётганимда яна гапириб кетдим. Мен қувончга тўла эдим. Биз сўзларни ўзимиз айтишимиз керак. Буни кран билан солиштиrsa бўлади. Кранда ҳар доим сув бор. Сиз фақат кранни бурашингиз керак ва сув у ердан ўзи оқиб чиқади. Шунинг учун тилларда тез-тез гапириб туринг!

Энди, сиз Ёзувдаги асосий қоидаларни олганингиздан сўнг, бу инъомни олишингизга ишонсангиз, биз бирга ибодат қилсак бўлади. Охиргиси: бир вақтнинг ўзида ҳам француз ва ҳам испан тилида гапириб бўлмайди. Бир вақтнинг ўзида она-тилида ва Худо берган бошқа бир тилда гапириб бўлмайди. Шунинг учун ишонинг ва ҳаракат қилинг! Келинг, ибодат қиламиз:

## ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

*Ота, мен олдингга Сенинг фарзандинг сифатида Исо номи билан келаман. Сен мен Сендан Муқаддас Рұхни сұрасам, Сен менға шу инъомни беришингни айтдинг. Мен энди қувонч билан имонда сұрайман, илтимос, мени Муқаддас Рұхинг билан чүмдір ва түлдір! Сен мен учун тайёрлаган ҳамма нарсани, шунингдек, үзга тилларда гапириш қобиляятини ҳам қабул қиласаман. Шундай экан, энди, мен имон билан янги тилларда гапираман. Омин!*

# Х: ХУДО ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ОШИРИНГ



Сиз бирор марта Осмон Шоҳлигида ўзингизни кузатувчи сифатида ҳис қилгансизми? Эҳтимол, нимадир қилишингиз лозимлигини биласиз, бироқ айнан нима қилиш кераклигини батамом билмайсиз. Бизнинг орамизда кўпчилик ўз ҳаёти орқали катта таъсир кўрсатишни истайди, бироқ йўлингизда қўйидаги саволлар пайдо бўлади:

- Ўз ҳаётимда Худонинг иродасини назардан қочирмаётганимни, қандай билиш мумкин?
- Худо томонидан менга берилган имкониятни охиригача ишлататётганимга, қандай ишонч ҳосил қилишим мумкин?
- Ҳатто ишончсизлик ва хавф-хатар мавжуд бўлган вазиятларда ҳам, қандай қилиб қўрқувни енгиш ва олға юриш мумкин?

Бу таъсирли китобда муаллиф Жон Бивер Муқаддас Китобнинг батафсил тадқиқотига асосланади ва сизнинг ўз бурчингиз ҳақида бошқача ўйлашингизга ҳамда бу Ҳудога нима учун муҳимлигини тушунишингизга ёрдам бериш мақсадида, ишончли ҳикояларни ишлатади. Бу китобнинг саҳифаларида, Ҳудодан берилган инъомларни кўпайтиришни ва ўз имкониятингизни ишлатишни ўрганасиз!

MessengerX.com  да топиш мумкин

# ХҮРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Қандай қилиб ушбу унумилган фазилатнинг  
қудратини очиш мумкин



Бирорта ҳам масиҳий Худони чеклашни истамайди, аммо кўпчилигимиз ўта даражада муҳим қоида бўлмиш, Ҳурмат фазилатини эътиборсизликда қолдирив, ўзимиз сезмаган ҳолда ҳаётимиздаги Унинг ҳаракатини чеклаймиз.

Ҳурмат – аслида бизнинг маданиятимизда унут бўлиб ултурган тушунча ҳисобланади; шундай бўлса-да, бу китобнинг саҳифаларида, ҳурмат ҳаётимиздаги барча соҳаларда Худонинг шоҳлигини ўрнатишини гувоҳи бўлишингиз мумкин.

“Ҳурмат эвазига мукофот” китобида бозори чаққон музалиф, Жон Бивер, ҳурмат кўрсатиш чорловини қабул қилиб, Худонинг қадрият тизими билан уйғунлашишни бошлишингизни ва У сиз учун тайёrlаб қўйган ҳамма нарсага эга бўлишингизни очиб бермоқда.

Муқаддас Китобдаги теран ҳақиқатларни, амалиётда намойиш этадиган таъсирли матнларни бирлаштириб, бу китоб унут бўлган фазилатга янги назар ташлашга ёрдам беради ва бундан ҳам муҳимроғи, уни ҳаётингиздаги ҳар битта соҳага олиб келишга уринади.

MessengerX.com  да топиш мумкин

# MessengerX

Хар бир киши учун, ҳамма жойда шогирдликка йўл






- 120 дан ортиқ тилларда бепул
- Илова ҳамда онлайн сифатида олиш мумкин
- Сизнинг руҳий ўсишинингиз учун мўлжалланган манбалар
- Ўзингизнинг ўтмишингизни ва шогирдлик йўлингизни кузатиб боринг



“Messenger” ёрдамида ўқиш учун заҳиралар кутубхонасини олинг – электрон китоблар, видео ва аудио дарслклар, аудио китоблар, Муқаддас Китоб ва ҳоказолар.

Ўзингизнинг барча мосламаларингизда кўринг, ўқинг ва тингланг.

## MessengerX.com



Дунёнинг барча жойида App Store ва Google Play орқали олиш мумкин.

"Худога яқинлашиш" китобида Жон Бивер бизни, одамлар Худо ҳақида биладиган, бироқ Унинг Ўзини билмайдиган хира масиҳийликни акс этиш билан кифояланмасликка чорламоқда. Коинот Яратувчисининг Ўзи ақл бовар қилмас таклифида, биз Унга нафақат узоқдан сўз билан ва муайян маросимни ижро этишга, балки ниҳоятда мазмунли ва яқин бўлган, сиз Унинг, У эса сизнинг юрагингизни таниб-билишгача олиб келадиган ўзаро муносабатларга чақирмоқда.

---

**Бу Муқаддас Китобдаги энг ғаройиб ваъда бўлса керак.  
Худо сиз билан яқин ва мулойим мулоқотга ташна.**

---



Жон Бивер – халқаро воиз ва оммабон китобларнинг муаллифи, Худонинг Сўзига нисбатан ўзининг муросасиз ва жасур муносабати билан машҳур. Жон ва унинг рафиқаси Лиза – "Мессенджер Интернэшнл" хизматининг асосчилари. Бу хизматнинг мақсади дунёни ўзgartаришга қобилиятли бўлган Масиҳнинг садоқатли издошларини кўтариш. Жон уйда бўлганида ўзининг тўрт нафар ўғли билан стол картаси ўйинини ўйнайди ёки Лизани ўзи билан гольф ўйнашга кўндиришга ҳаракат қилади.



Бепул юклаш учун ва тармоқли видео  
учун [MessengerX.com](https://MessengerX.com) га киринг



Бу китоб – муаллифнинг совғаси.  
Сотиш учун эмас.

Кўпроғини истайсанми?  
Сканерланг

